

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999



Анвар МУҚИМОВ 60-йилларда ёш истеъдодли ёзувчи сифатида танилган. У ўша даврнинг йирик адабий унвонини олган, яъни Абдулла Қаҳҳор назарига тушган эди. Унинг ҳикоя, ҳажвия, мақола ва фельетонлари тилининг ширали, қочиримларга бойлиги билан ўқувчини ўзига ром этарди. Бу йил таваллудининг 70 йиллиги нишонланаётган адибнинг «Ғалати одамлар», «Пинҳона жанг қиссаси», «Чуқур текшириш», «Қўқон шамоли» каби ўнга яқин китоблари чоп этилган. Мазкур тўпламга ёзувчи ижодидан саралаб олинган ҳамда ҳаётлигида матбуот юзини кўрмаган асарлари жамланди.

Анвар МУҚИМОВ

ЭРИНСАҲТИЗ,

ҚУЛМАҲТ



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1999

М 85

25202  
НО 3

1999 O'zb. Res. DK  
A 3838

**Муқимов А.**

Эринсангиз, кулманг: Ҳикоялар, ҳажвиялар, лати-  
фалар.—Т.: «Шарқ», 1999.—320 б.

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт-матбаа  
концерни Бош таҳририяти, 1999

«ФАЛАТИ ОДАМЛАР» (1969 ЙИЛ) КИТОБИДАН

ФАЛАТИ ОДАМЛАР

Носир қассоб бир кўтарим ажирик томирини орқалаб келиб, бостирма зиҳига турс этиб ташлади. Шошиб арқонни ечди, томир ўртасидан йўнғичқа, тут барги сингари кўк ўтларни олди. Бир қисмини питирлашиб турган қўйларга улоқтирди. Қолганини охурга жойлаб, устидан похол босди. Сўнг қип-қизариб кетган миққи юзларидаги терни артди-да, сўрига чўзилди. Қўйларнинг шоша-пиша ўт чайнашларини томоша қилиб, ўйлай кетди.

Қашқахон билан Ортиқвой пишиб қолди. Икковини шу шанба ағдарсам, ҳозир қурт вақти, одамларнинг бош қашигани фурсати йўқ, бозорга боролмайди, фалончи қўй сўйибди деганини эшитсаёқ, тамом, уйингга келиб тарозини ўраб қолади. Айтган нархимга сотиб, бир хирмон кўтариб олардим-да, аммо! Сўяман, албатта сўяман!..

Чиноқ билан Каллахум пича хом. Уларни пилла вақтигача...

Шу пайт кўча томондан чириллаган товуш эшитилиб, қассобнинг ўйи бўлинди. Қассоб қизиқсиниб девор оша мўралади: тол соясида эшак арава турибди. Араванинг олд қисмида оқ дўппили бир одам эшакка тескари ўтирилиб ўтирганча энгашиб нима биландир машғул эди. Атрофида уч-тўртта одам ҳам бор.

Қассобнинг қизиқиши ортиб, бир зумда етиб борди. Чархчи экан. Лекин чархчи қассобга фалати туюлди. Синчиклаб боқса, чарх ўзи жўн тепма чархлардан экану фалатилиги фақат аравага ётқизиб ўрнатилганида экан, холос. Қосқони ҳам оддий велосипед филдирагидан. Қассоб чархни бундай ётқизиб ўрнатишнинг боисини қидириб, чархчига зеҳн солди. Чархчининг чап оёғи йўқ эди. Қассоб ичида «ҳим-м» деб, бошини ликиллашиб қўйди.

Чархчи курсичага чўнқайиб ўтириб олиб, ҳадеб

тепкини тепади, қосқон тасмани, тасма чархчининг шундоққина ияги остида турган катта-кичик тошларни пир-пир айлантиради. Тош эса, тишига босилган асбобнинг юзидан ўтли зарраларни шар-шар узиб қаршига сочарди.

Қассоб узоқ томоша қилди. У бу бир оёқли чолнинг эпчиллигидан ҳам кўра, қилиғига кўпроқ ҳайрон қолди. Бир йигит бешта асбобини чархлатиб, бир сўм узатган эди, чархчи ўн тийин олиб, қолганини қайтиб берди. Йигит қайтимни олишга тихирлик қилган эди, оласиз деб туриб олди. Олдирди. Кейин:

— Бизга шу ёғи ҳам етиб ортади, — деди майин жилмайиб. — Нима, эшак еми билан тошга олам-жаҳон пул кетармиди?

Чархчи бошқаларга ҳам худди шу хилда муомала қилди. Чархчининг бу «ҳотамтой»лиги қассобни гижингирди.

«Тавба! — деди кўзлари олайиб ичида. — Ақли борми ўзи бунинг?!»

Одамлардан холи қолган ҳамоно дил ёрди:

— Ҳой, тоға, — қаттиқ шивирлади теваракка бир қараб олиб. — Бу нима қилганингиз?! Ахир...

— Қайси? — ҳайрон бўлди чархчи.

— Қайсики... бола-чақа борми?!

— Ҳа, бор. Нима эди?

Чархчининг гапга тезда тушуна қолмаганлиги қассобни бўғди.

— Ие, анови... беўрин сахийлигингизни айтаман!..

— Э, ҳа! — чархчи қиқирлаб кулди. — Нега энди беўрин бўларкан?

Қассобнинг жаҳли чиқди.

— Мен сизга одамгарчилик юзасидан жон куйди-ряпман, сиз бўлсангиз куласиз. Ахир, бу қилигингиз бориб турган нонтепкилик-ку, — деди ўғлига насиҳат қилаётган отадай куюниб. Кейин, «мана, яна ўзинг ўйлаб кўр...» дегандек орқага чекиниб у ён-бу ён юрди. — Ҳеч вақти бу одамлардан қарзингиз йўқдир...

Чархчи бир оз жиддийлашди, қассобга тикилиб, узоқ сукут қилди.

— Ғалати гапни айтдингиз, ошна, — деди сўнг кулимсираб. — Одамларнинг бир қўли ғўзада, бир қўли қуртда, ишга мўр-малаҳдай ёпирилиб ётибди шу кунларда. Бозор-ўчарга боролмайди... Шундай паллада пенсияни шими-иб уйда ағанаб ётсак инсофдан бўлмас, деган уйда юрибмиз-да. Ҳам баҳонада қишлоқ-

ларни томоша қилиб. Сайру саёҳатни пулга чақиб ўтирсак инсофдан бўлмас.

Чол бу сўзларни шундай осойишта, шундай беғубор оҳангда айтдики, қассоб унинг гапига ҳам, ишига ҳам умуман тушунолмади қолди. Бор, менга нима, деди ичида. Кейин уйига кириб, мана сенга сайру саёҳат дегандек, бир кўтарим асбобни қолга ўриб олиб чиқди. Қолда бигиздан тортиб жодигача бор эди. Чол бир соатда ҳаммасини ярқиратиб берди. Қассоб уларни кўтариб жўнади. Дарвозага етганда орқасига қайрилиб:

— Устака, янгигина тўқимим бор, шуни опчиқиб берайми, ямаб-нетиб ишлатарсиз? — деди.

Чол эшак томон ўнғаралиб оларкан, «ихтиёрингиз», деди-да, бош чайқаб, мийиғида кулиб қўйди.

«Зап валати одамга учрабман-ку!..»

Қассоб қўйларга ўт ташлаб, офилнинг алақайси бурчагидан тўқимни топиб чиққанида, эшак арава анча нарида — кўчанинг бошида турарди. Чол бу томонга назар ҳам ташламас, афтидан, қассобдан ҳеч нарса умидвор ҳам эмас эди. Қассоб елка қисди, бир чархчига, бир тўқимга қаради. Сўнг тўқимни қўлтиқлаб гудурлаганича орқасига қайтди.

— Тавба, тозаям валати экан-ку, бу чол. Вой, ўз фойдасини билмаган махлуқ-эй...

Чарх кўча бошида ҳануз чариллар, зангли асбоблардан чўғ юларди.

— Чр-р... Чап-чап-чап-чап... Чр-р-р... Чап-чап-чап-чап!

## ХАЙРИ ХОЛА ТИШ ҚЎЙДИРДИ

Ҳа, шундоқ бўлди. Неча йилдан бери қирғичга суяниб қолган Хайри холанинг оғзи бирваракайга кумуш тишга тўлди-қолди.

Кўзининг оқу қораси — Шерқўзидан қорахат келган йили фақат учта курак тиши тушган эди, холос. У ҳам бўлса ўзича тушган эмас, ўша шум хабар келгани куни остонанинг қирига тегиб синиб тушган эди. Бора-бора кампир қозик тишларидан ҳам ажралди.

Норқўзи бува қайси бир йили шу хусусда сўз очди овқат маҳалида.

— Уч кунлик фурсату ярим қадоқ темир кетади ҳаммаси бўлиб, — деди. — Кел энди, бир шаҳарга

тушайлик, сен ҳам қутуласан шу «чилп-чилп»дан, мен ҳам.

Хайри хола чолининг оплоқ соч-соқолига, қорамтир, қотма юзига бирпас тикилиб турди-да, йиғлаб юборди.

— Шерқўзим, оғзи тўла садаф тишли Шарқўзижоним қора ер бағрида ётганида мен ёруғ дунёда тишсиз юрсам нима бўпти?

Норқўзи бува ўрнидан туриб боққа кириб кетди.

Шу-шу, бу борада қайта оғиз очмади.

Агар бир воқеа — икки йигитнинг тасодифан келиши ва меҳмон бўлиб қолиши сабаб бўлмаганда, эҳтимол, ҳануз «чилп-чилп»дан бўшамасди кампир.

Ёзнинг қайноқ кунларидан бирида Норқўзи бува, бошида оқ дўппи, «Чоргоҳ»ни димоғида куйлаб анжир оралаб юрарди. Шундоққина теппасида: «Ҳорманг, отахон», деди кимдир. Чол бир чўчиб тушди. Қайрилиб орқасига қаради. Беҳи соясида бири пакана, бири новча — чиройли-чиройли икки йигит сарғиш шляпаларини кўксига босиб жилмайиб туришарди.

— Ассалому алайкум, отахон.

— Ваалайкум ассалом, — Норқўзи бува анжир баргларини шатирлатиб пешвоз чиқди. — Келинглар, меҳмонлар, келинглар.

Меҳмонлар шляпа ва кўзойнақларини қизил жомадончалари устига қўйиб, чолга қўл узатишди. Қуюқ сўрашиб бўлгач, қўлларини яна кўкракларига қўйиб, хиёл энгашганларича орқага чекинишди.

— Қалай, тан-жонингиз соғми, отахон? — қайта сўради меҳмонларнинг новчаси. — Бардаммисиз?.. Анови йўлдан шундоқ ўтиб кетаётган эдик, жуда чўллаб кетдик. Кейин бирор пиёла муздек сув топилармикин, деб буёққа... Ҳе-ҳе...

— Жуда соз бўпти-да, — чол уларнинг қип-қизариб кетган гўштдор юзларини, енгсиз, йўл-йўл кўйлақларидан чиқиб турган йўгон билаклариданги мунчоқ-мунчоқ терларини кўриб ачинди. — Бай-бай-бай-бай! Бу иссиқда ўзларингни жуда унниқтириб қўйибсизлар-ку, а? Қани, қани, шийпонга борайлик.

Меҳмонлар сиртдан хийла салобатли, маданий кўринсалар-да, ҳар қалай, кексалар таомилдан ҳам воқиф, тўпори йигитларга ўхшайди, айвонга ўтирибоқ юзларига фотиҳа тортишди. Норқўзи бува дарров дастурхон ёзиб, нон қўйди, қовун сўйди.

Меҳмонлар роса чанқаб қолган эканлар, шийпонни



кўмиб ётган толларни мақтаб ўтириб, иккита муздек «босволди»ни дам ўтмай тинчителиб қўйишди.

Чойдан сўнг Норқўзи бува меҳмонларга юзланди.

— Хўш, йигитлар, қаерлардан сўрайлик? Йўл бўлсин?

— Ие, ўзимизни таништирмабмиз-ку... Кечирасиз, — деди новча йигит қўлини кўксига қўйиб. — Шаҳарданмиз, отахон, шаҳардан. Менинг исмиим Шавкатжон, буёқники Низомжон. Бир идорада ишлаймиз. Яқинда отпусмага чиққан эдик. Ҳадеб курортга чопавергандан кўра, бу йил қишлоқларда ўтказмаймизми отпускамизни, деб қолди Низомжон. Бу гап менга ҳам маъқул тушди... Шунақа қилиб денг, уч-тўрт кундан бери юрибмиз-да, гўзал қишлоқларимизнинг ҳусни жамолига маҳдиё бўлиб.

— Эскичасига айтганда, сочилган ризқимизни те-риб еб, — қўшимча қилди Низомжон кулиб.

— Кўп яхши ният қилибсизлар, — деди чол. — Қишлоқ кезишнинг ҳам гашти бор.

Низомжон билан Шавкатжон жуда кўп курорт ва дам олиш уйларида бўлган эканлар. У жойларда кўрган-билганлари, сайру саёҳатлари ҳақида узоқ гапир-ишди.

— Аммо ўзимизнинг чаманзорларимиздан мингта курорт ўтаверсин, — деди Шавкатжон қўли билан те-варакка ишора қилиб. — Қаранг: бир томон кетгунча боғ, бир томон қовун, тарвуз, сабзи-пиёз... Ўртада ма-на бунақа шоҳона шийпон... Э, бу ернинг қаери кам Қримдан? Нима дединглар?

— Тўғри, — деди Норқўзи бува бир қимирлаб олиб ва саддан кейин қўшиб қўйди. — Агар муносиб кўрсаларинг, мана бугун бизнинг курортти томоша қилин-лар бўлмаса...

Чол Шавкатжонга, Шавкатжон Низомжонга қара-ди. Низомжон қулоғининг остини кафти билан силаб, бирпас ўйланиб қолди. Дарахтлар остидаги барра йўн-гичкага, ариққа, ариқнинг нариги ёғидаги ям-яшил пахтазорга кўз ташлади. Сўнг:

— Майли, агар оғир тушмаса... — деди.

— Бе-е-е. Нима, от билан туя сўярмидим оғир ту-шиб, — деди чол ва дастурхонини йиғиштира бошла-ди. — Авваламбор, меҳмон келса, ўз ризқи насибаси билан келади. Қолаверса, одам бор жойга одам кела-ди...

Меҳмонлар ўринларидан туришди.

— Ҳақ гап, отахон, ҳақ гап.

Чол дастурхонини катта уйга ташлаб чиқди-да, тўрдаги уйчанинг эшигини очди.

— Йўл юриб чарчагандирсизлар, мана бунга кириб, кун оққунча пича чўзилиб олинглар, сув сепиб муздай қилиб қўйганман.

Йигитлар «раҳмат, раҳмат», дея уйчага кириб кетишди. Бироқ ота полизга ўтиб, энди беш-олтита картошка кавлаб туриб эди, йўл-йўл пижама ва оқ шип-пакларини кийиб қайтиб чиқишди.

— Майли, майли, — деди чол меҳмонларнинг истagini фаҳмлаб. — Шўрва пишгунча боғ айланиб келинглар. Кампир шу ерда бўлганда ўзим айлантирардим.

— Ия, ҳали... ҳали кампир онамиз... бу ерда эмас-милар? — сўради Шавкатжон негадир кўзларини катта очиб. — Қаёқдалар?

— Қишлоққа кетган эди, — жавоб қилди ота.

Шерқўзининг ош-суви ўтганидан кейин чол-кам-пир жуда букчайиб қолишди. Буларни кўриб, раис уларни кўярда-қўймай шу боққа олиб келиб қўйди.

— Боғни тиклаб берасизлар, — деди.

Боғдаги дарахтларнинг кўпи уруш йиллари синиб, кесилиб, яккам-дуккам бўлиб қолган эди. Ота боғни тўлдирди, кенгайтириб, салкам бир гектарга етказди.

Ўшанда раис боғни тиклаб берасизлар, деганида икки мақсадни кўзлаган экан афтидан. Ўн йилга етмаёқ боғ ҳам қаддини ростлаб олди, чол-кампир ҳам. Ана шундан кейин чол-кампир кенгашиб, биратўла кўчиб келиб олишди. Шу-шу, қимирлашмайди боғдан. Аммо Хайри хола ҳар пайшанба қишлоққа тушади. Ҳовлисини супуриб-сидириб, ўтган-кетганлар руҳига фотиҳа бағишлаб келади. Бутун ҳам шу ниятда кетган эди қишлоққа.

Чол меҳмонларни боғ сайрига йўллади.

— Манави ариқ ёқалаб юрасизлар, — деди олчазор томонни кўрсатиб. — Локигин йўнғичқа билан тўкилган меваларга сал эҳтиёт бўласизлар-да. Меҳмонлар боққа шу шўнғиб кетганларича зим-зиё бўлиб кетишди. Кеч пешинда ота колхоз боғчасининг бир гуруҳ дўмбоқчаларига қўли билан «хайр»хайр» қилиб турган эди, пижамаларини елкага ташлаб, олмазор томондан чиқиб келишди.

— Э, келдиларингми? — деди чол. — Намунча ҳаяллаб қолдиларинг?

— Кирса-чиқмас экан боғингиз, — деди Низомжон

қарс-қарс олма тишлаб. — Шоир тили билан айтганда: «Мевазор, соя-салқин, жаннат мисол жойлар экан».

— Атрофи бутазору шарқироқ сойлар экан, — деди Шавкатжон икки қўлини ҳавода ўйнатиб.

— Яхши, яхши, — деди чол кулиб. — Шавкатжон, Низомжон, қани, чиқинглар. Қоринларинг ҳам очқандир роса.

Куёш ботай деганда Хайри хола келди. Бу пайт меҳмонлар сўрида майкачан ёнбошлашиб карта ўйнашар, чол эса ариқда сабзи ювар эди. Кампир ким улар дегандай меҳмонларга ишора қилди.

— Меҳмонлар, ўғилларинг, — деди чол.

Кампир англамади, ариқ ёқасига келди.

— Ким дедингиз?

— Ўғилларинг, деяпман, гаранг, — деди ота овозини кўтариб.

Меҳмонлар ялт этиб шу ёққа қарашди ва шошилиб ўринларидан туришди.

— Ассалому алайкум, онажон, қалай, тан-жонингиз соғми?

Кампир, келинлар, деди-да, дарров ўтириб чолнинг ишини олди. Йигитлар кампирдан қуюқроқ мулозамат кутган бўлсалар керак, ўнғайсизланиб, тек туриб қолишди. Буни Норқўзи бува сезди-да, уларнинг олдига борди.

— Хафа бўлмайсизлар, — деди. — Қулоғи оғирроқ. На гапни уйдалаб гапирари, на эшитари. Тиш ҳам, қулоқ ҳам йўқ ҳисоби... Қани, ўтиринглар.

Дастурхонга ош келганда чол бир шиша коньяк қўйди меҳмонларнинг олдига.

— Энди, ўғилларим, Шерқўзим ҳаёт бўлганда ўшандан лозим эди бундоқ қилиш...

Меҳмонлар «йўғ-е, йўғ-е», дейишди-ю, лекин шишанинг оғзини очишди. Ошдан сўнг меҳмонлар жуда очилиб кетишди. Ҳатто Шавкатжон сакраб ўрнидан туриб, Норқўзи буванинг бўйнидан қучди.

— Сиз менинг ҳақиқий отам бўлдингиз, — деди меҳри жўшиб. — Рухсат этинг, сизни, сиз отажонимни бир упай.

Шавкатжондан кейин Низомжон ҳам ўпди чолни. Норқўзи бува қизариб кетган, кўзларидан ёш чиқиб, тинмай кулар ва «вой, сизлар-ей, вой, сизлар-ей», дер эди нуқул.

Шавкатжон бирдан Хайри холага ўтирилди.

— Бу киши — онамиз... Айтмоқчи ота, нега бу

кишининг, онажонимизнинг тишлари йўқ? Тиш қўйдирсангиз бўлмайдимиз шаҳарга олиб бориб?

Чол ҳаяллаб жавоб қилди.

— Бир ният қилган эдим, — деди тараддулланиб. — Лекин суриштириб боқсам, бир ҳафтасиз битмас экан бу иш. Шаҳарда қариндошимиз бўлмаса, танишимиз бўлмаса, қаерда турамиз бир ҳафтагача деб... кўнмайди кампир.

— Ие, вой, мана бизникида турасизлар-да, — деди ранжиб Шавкатжон.

— Бир ҳафта эмас, бир ой турасизлар. Тиш докторлари оғайнимиз, кумушдан қўйдирамиз, ҳа...

— Тилло турганда кумушга бало борми? — эътироз билдирди Низомжон. — Аммо аввал бизникига тушасизлар, ҳа.

Тишни нимадан, қайси докторга қўйдириш тўғрисидаги суҳбат-мунозара саҳаргача давом этди.

— Кўп бамаъни, пойчўкир йигитлар экан-да, — деди кампир ўрнига кириб. — Аммо Шавкатжон сал шўхроққа ўхшайдими?

— Ҳм. Лекин боланинг шўхи яхши, — жавоб қилди чол. — Оббо, сен-е, шунақа қилиб фарзанд ҳам орттириб олдинг-а. Ҳасан-Ҳусан яна! Тишли ҳам бўласан энди. Эшитдингми, тиллодан қўйдирамиз, дейишди. Энди қайсарлик қилмассан?

— Одамларга эриш кўринмасмикан?

— Эриш кўрганлар берсин бўлмаса сенга тишини.

Кампир индамади.

Хайри хола нонуштага мастава қилди. Чол-кампирнинг мўлжалича, «Ҳасан-Ҳусан»лар нонуштадан сўнг сафар тараддудига тушиб қолишлари лозим эди. Бироқ ундоқ қилишмади. Отанинг милтиғини олиб, боғнинг орқасига — анҳор томонга ўтиб кетишди.

— Майли, ўйнаб олишсин, — деди кампир. — Яна қачон келишади.

Чол мийғида кулди.

— Назаримда, кеча тўқайчани кўриб келишган чоғи, ўшоққа кетишди.

Меҳмонлар учинчи куни кетгани рухсат сўрашди. Ота уларни раиснинг машинасида район марказигача обориб кузатиб қайтди.

Шаҳар сафари қирчиллама қишга тўғри кеди. Чол-кампир автобусдан кечки пайт тушишди. Шаҳарда ҳам қор бор экан. Кечки изғирин таъсирими ё шаҳар ўзи аёзроқми, Хайри хола бир дамда довдираб қолди.

Аммо атрофга — лайлакқор остида югуриб-елиб кетаётган одамларга, автобусларга, бир ёнига қор қўнган яланғоч дарахтларга, оппоқ томларга қараб бирдай жилмаярди. Қор ёғиб турганда бирам чиройли кўри-наркан шаҳар.

— Ҳозир, ҳозир, — деди Норқўзи бува кампирининг совқотганини пайқаб. — Ҳозир иссиқ жойга кириб кетамиз.

Чол бир аёлни тўхтатиб, адресини кўрсатди. Аёл адресга кўз югуртириб, кечирасиз, ота, мен ҳам қишлоқликман, бошқалардан сўраб кўринг, деди-да, ўтиб кетди.

Қорни «ғарч-ғурч» қилиб уёқ-буёққа ўтаётганларнинг ҳисоби йўқ. Бироқ булардан ким шаҳарлик, ким қишлоқлик — билиб бўлмаса.

Норқўзи бува, қўлида қоғоз, ўтган-кетганга тикилиб туриб эди, бир ўспирин келиб салом берди. Қоғозни олди. Сўнг ўткинчи таксилардан бирини тўхта-тиб эшигини очди.

— Марҳамат.

Шавкатжонларнинг идораси анча олисда, тор кўчанинг муъолишидаги кўримсизгина бинода экан. Ўспирин суриштириб юриб, чол-кампирни каттагина хонага олиб кирди. Дераза остидаги столда қорача, ҳилва бир жувон танҳо ўзи хат ёзиб ўтирарди. Қолган уч стол эса бўш эди. Ўспирин жувонга нимадир деди-да, хайрлашиб чиқиб кетди.

Жувон ўрнидан туриб, чол-кампирнинг олдига келди. Сўрашди. Оти Назирахон экан. Назирахон уларга печканинг яқинига стул қўйиб берди, бир пиёладан чой тутди.

— Шавкатжон акамлар бошлиғимизнинг олдиларига кириб кетишган эдилар, — деди сўнг. — Ҳозир чиқиб қолишади.

Назирахон ишга киришди. Бироқ сал ўтмай бошини кўтарди.

— Шавкатжон акамлар кимларинг бўладилар?

— Ўғлимиз, тутинган фарзандимиз бўлади, — жавоб берди ота. — Низомжон ҳам, иккови ҳам ўғлимиз бўлади.

Норқўзи бува стулини Назирахон томонга буриб олди. Сўнгра Шавкатжон билан Низомжоннинг ниҳоятда билимдон, ялхак, шалдир-шуддир, лекин қизлардай майин йигитлар эканини, шундай бебаҳо йигитлар уларнинг «ғарибона кулбалари»да уч кун меҳ-

мон бўлганини қувона-қувона сўзлаб берди. Чол «битта Шерқўзиси бирваракай иккита бўлиб қолгани»ни энди гапириб келаётган эди, эшик очилиб Низомжон кириб келди. У чол-кампирни кўриб жуда суюниб кетди. Дарров чой қуйиб узатди.

— Оббо, сизлар-ей, — деди чолнинг ёнига ўтириб, — бир отамлашадиган бўлган эканмиз-у, шу... бирдан командировкага кетадиган бўлиб қолдим эртага. Шунга шошиб юрибман-да... Қаранг-а, келиб-келиб...

Низомжон аста ўрнидан турди. Қўлини кўксига қўйиб илжайди.

— Энди... хафа бўлмайсизлар-да. Хизматчилик экан... Бошқа бир келасизлар энди хотиржамликда...

— Майли, майли, — деди чол. — Ҳукуматнинг ишини ташлаб... Ахир...

Низомжон, қўли кўксида, шундай бўлсин, шундай бўлсин, кутаман, дея юмшоқ-юмшоқ қадам босиб остонадан ўтди.

Чол Назирахонга пиёлани узатиб, чойингиздан борми, деб туриб эди, остонада Шавкатжон пайдо бўлди.

— Ие, ие, ўнгимми, тушимми? — Шавкатжон қучоғини очди. — Марҳабо, отахон, онажонларим, марҳабо. Бардаммисиз, отахон? Тан-жонингиз соғми, онажон? Қани, қани, ўтиринглар.

Шавкатжон Хайри холага дарров чой қуйиб берди.

— Оббо, сизлар-ей, бир келибсизлар-да, биз томонларгайм? — Шавкатжон чол-кампирнинг рўпарасига стул қўйиб ўтирди. Қора шляпасини қўлида тез-тез айлантира бошлади. — Бизларни йўқлайдиган кунинглар ҳам бўлар экан-а. Қалай, яхши етиб келдиларингми?

— Келинлар, неваралар тинч-омонми? — сўради кампир тишсиз оғзини очиб.

Шавкатжон шляпасини тўп этказиб стол устига қўйди. Чуқур хўрсинди, афтини бужмайтирди.

— Асти сўраманг, онажон, — деди сўнг бошини оғир чайқаб. — Болалар каттаю кичик — ялписига грипп, касал. Кампир ҳам бетоблар бунинг устига. Уёққа қарасангиз «иҳ-иҳ», буёққа қарасангиз «иҳ-иҳ»... Тарс ёрилиб кетай дейман уйга борсам. Ўшанчун кўпинча меҳмонхоналарда қолиб кетаман... Кўргилик экан-да.

Шавкатжон бошини қуйи солиб, пешонасини ишқай кетди. Чол Шавкатжоннинг бежирим туфлиси

учида ялтираб турган электр нурига тикилганча жим қолди. Кампир эса кўзлари алланечук безовта, дам чолга, дам Шавкатжонга, дам орқада стол четини тир-наб типпа-тик турган Назирахонга жавдирарди. Ниҳоят чол қаддини ростлади.

— Ёмон бўпти, — деди бош тебратиб. — Кўп ёмон бўпти.

— Қарамайсизми: бориб-бориб сизлар келганда бир уй касал билан ўтирсак. — Шавкатжон тиззасига битта уриб ўрнидан турди. — Эҳ-ҳ... Менга қолса агар... У шляпасини ғижимлаб бирпас тараддулланиб турди-да, қўшиб қўйди: — Йўқ, бораверамиз десанг-лар, бош устига.

Чол сўзсиз бош чайқади.

Шавкатжон қўлини кўксига қўйди, бошини бир томонга қийшайтириб, жилмайди.

— Хафа бўлмайсизлар-да, энди. Бирдан шундоқ... Ҳалиги... иссиқ жон экан-да. Бошқа келасизлар энди. Бу ҳисобмас, шундоқ..

Чол индамади, пешонасини сиқиб, тек қолди. Шавкатжон «Ҳе-ҳе-ҳў-ҳў-ҳў-ҳў»га ўхшаш овоз чиқариб кулиб ёнбош юрганича ташқарига чиқди.

Норкўзи бува сапчиб ўрнидан турди, совға-саломларини бир қўлтиғига урди.

— Тур, кетдик, — деди сўнг Хайри холага.

Хайрли хола нима гап эканини тушунмай:

— А? — деди оғиз ва кўзларини катта очиб.

— А-а-а! — қичқирди чол ер тепиб. — Бало «а», дард «а»! Тур деяпман сенга!

— Во-ей, намуноча жеркийсиз? — лабини бурди кампир тугунчасини бошига қўйиб. — Худо урди-кетди-ей...

Норкўзи бува Хайри холага ҳеч қачон бу қадар қаттиқ гапирган эмасди. Ачинди. Кампирнинг ранж тўла юзларига тикилди. Шу топда негадир унинг бошини силагиси келди. Аммо Назирахондан пича андиша қилиб қолди. Назирахон, ранглари ажабтовур оқарган, чол-кампирга тикилганича шу томонга битта-битта босиб келарди.

«Мунглигим, муштипарим, — дилидан ўтказди чол. — Қанотингни лаънати немис-фашистлар қайирмаганда, тишинг ҳам бут турмасмиди? Мана бунақа тентираб ҳам юрмасдик...»

Чолнинг ўлкаси тўлди. Дарров орқасига бурилди. Енгини кўзларига бир ишқаб олиб, эшикни очди. На-

зирашоннинг шошманглар, шошманглар, деганига ҳам қарамай, кампирини етаклаб кўчага отилди.

Қор ҳамон шиддат билан ёғяпти. Лекин қош қорайиб қолганигами, атроф ҳалигидек файзли эмас эди. Оппоқ оқариб турган кўчаю дарахтлар ҳам, йўлкаларда «шип-шип» ўтиб турган одамлар ҳам чолнинг кўзига аллақандай хунук кўринди.

Чол йўлакда бир мўйсафидни тўхтатиб, автовокзалга қайси автобус боришини сўраб турган эди, орқадан Назирахон етиб келди.

— Ҳозир қаёққа кетяпсизлар? — сўради Назирахон отага юзланиб. Ота жавоб бермади. — Қаёққа кетяпсизлар? — Назирахон кампирга ўтирилди.

— Қаёққа бўларди, уйимизга-да, — тўнғиллади чол кампирининг қўлтиғидан олиб. — Юр.

Назирахон уларнинг ёнига кирди, узун киприкларини пирпиратиб, аянч билан кулди.

— Олисга қатнайдингиз автобуслар аллақачон манзилига етди, — деди у ёнбошдан чолга қараб. — Поезд бўлса эрталаб жўнайди...

Чол йўлдан кўзини олмай жавоб қилди.

— Ташвиш қилманг, жа бўлмаса ўткинчи машиналарга осилиб кетармиз.

— Шундай совуқда-я. Қўйинглар-э, — Назирахон уларнинг олдига ўтиб йўлларини тўсди. — Яхшиси бизникида тунайсизлар бу кеча.

Чол Назиранинг қўлларини ғазаб билан итариб ташлади.

— Э, қўйинг-э, ўшанақа гапларни, — деди титраб ва шаҳдам қадам ташлаб юришида давом қилди.

Назирахон гандираклар етди. Йўлка четига сурғалиб чиқиб, ўзини зўрға тутиб қолди. Ҳайрат билан чол-кампирга тикилди, узоқ тикилди.

Норкўзи бува шундай тез юрардики, ҳамроҳини деярли судраб борарди. Улар автобус бекатига етай деганда Назирахон бир сесканиб тушди. Сўнг ўткинчиларни ҳайрон қолдириб, орқаларида югурди.

— Тўхтанглар, — деди бақариб. — Тўхтанглар, деяпман сизларга...

Чол-кампир тўхташмади. Назирахон шамолдай ғувиллаб олдиларига ўтди-да, икковини бараварига қучоқлаб олди. Ўрталарига бошини қўйди, чуқур-чуқур ҳансиради.

— Ҳеч қаёққа кетмайсизлар, — деди кейин овози қалтираб. — Милицияга хабар қиламан бўлмаса.



Чол ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам газабланиб, бор, бор, милисангдан қўрқаманми, дейишга энди оғиз жуфтлаб туриб эди:

— Кетмайсизлар, — деди Назирахон бошини кўтариб тагин. Унинг шахло кўзлари жиққа ёш эди. — Сизларни шу алфозда жўната олмайман.

Назирахон уларнинг кўксидан шартта ажраб чиқди-да, ариқ лабига чўнқайиб ўтирди. Юзини кафтлари билан беркитиб, шилқ-шилқ йиғлай бошлади.

... Чол-кампирга эртаси куни рухсат бўлмади. Назирахоннинг қайнонаси Хайри холани тиш докторига олиб кетди. Олти кун деганда Назирахон, унинг эри, қайнонаси чол-кампирни поездга ўтқизиб хайрлашиб қолишди.

Норкўзи бува ўзида йўқ хурсанд. «Ҳой, қизча», деб Хайри холага тегажоқлик қилади, чапак чалиб қиқир-қиқир кулади. Хайри хола бўлса, ясама тишларини ялтиратиб тинмай илжаяди.

## ҚОВУН САЙЛИ

Кўчадан келсам, дадам: «Қишлоққа қовун сайлига борасанми?» — деб қолди. Қовун сайлининг қанақа бўлишини яхши билмайман. Лекин ноҳия марказида юрaverиб зериккан эдим:

— Бораман, — дедим суюниб.

— Юр бўлмаса, сени бир ўйнатиб келай.

Мотоциклга мингашиб йўлга тушдик. Бироқ юз метр ҳам юрмай, мотоцикль бирдан тўхтади. Дадам менга ўгирилиб:

— Шокир, югур уйга, папкани олиб кел, — деди. — Ойингнинг хархашаси билан унутибмиз.

Физиллаб кетаётган эдим, дадам яна:

— Ҳалиги, сандиқнинг тагидаги лекция текстларидан биттасини папкага солиб ол, — деди.


— Қанақа текст?

— Машинкада ёзилган, ўзинг пирпиракка ишлатардинг-ку.

Текстлар кўп экан. Бир тўпини олиб айвондан қиқирдим:

— Қайсисини олай: «Ислом дини...» ни олайми?

Дадам бир нарса деди-ю, «ҳа» дедими «йўқ» дедими, англоладим. Бошқасини сўрадим:



— Ё «Қулоқ оғриғи...»ни олайми?

Бу сафар ҳеч нарса эшитмадим. «Қулоқ оғриғи...»ни шартта папкага тикдим-да, чопдим.

Жўнадик. Йўлда сўрадим:

— Дада, қовун сайлигами ёки лекция ўқиганими?

Дадам елкасидан қараб, кўзини қисиб кулди.

— Отарчининг ҳам сафар мақсади тоқ бўлмайди, жуфт, қўш жуфт бўлади. Тушундингми?

Мен тушунмаган бўлсам ҳам бош қимирлатиб қўйдим.

Колхозда бизни ориқ бир одам кутиб олди. У клуб мудири экан. Мудир дадам билан бир оз гаплашгач, бизни клубнинг орқасига — боққа олиб чиқди. Салқин жойлар экан. Дадам овқатланиб олиб, ётиб ухлади. Мен кечгача боғбон чолга қарашиб, боғ айландим.

Дадамнинг лекция ўқишини, яъни катта одамларни ўқитишини жуда-жуда кўргим келиб юрардим. Шунинг учун кечқурун дадамнинг қаршилигига ҳам қарамай, клубга кириб, унинг ёнига ўтириб олдим. Залда жуда одам кўп. Буни кўриб, дадамга гоят қойил қолдим. «Ҳеҳ-ҳе, — дедим ичимда, — дадам шунча одамни ёлғиз ўзи ўқитади-я».

Мудир амаким озгина гапирди-да, дадамга сўз берди. Дадамга ҳайронман: уйда ойимдан қўрқади-ю, кўчага чиқса жуда ботир бўлиб кетади. Гапни баланд овоз билан гапирди. Уёқ-буёққа қараса бошини секин буради. Жуда кам кулади... Қорнини сал чиқариб, салобатли қадам ташлаб юради. Бу ерда ҳам ўша юриши билан минбарга чиқди. Сўнгра ўқувчиларига бир қараб қўйди. Аммо йўқлама ҳам қилмади, вазифа ҳам сўрамади — катталарнинг ўқиши фалати бўлар экан — тўғридан-тўғри дарс бошлаб юборди.

— Хўп, ўртоқлар, — деди у папкасининг ипини ечаётиб. — Лекциямиз ўртоқ... клуб мудири юқорида айтиб ўтганларидек «Ислом дини ва ...» хўш... и вообще, дин ҳақида.

«Ие, ислом дини йўқ эди-ку папкада, — ўйладим ташвишланиб. — Дадам буни билмасмикин? Ҳали кўпчиликнинг ичида уялиб қолса-я? Йўқ, уялмайди, — дедим ўзимга-ўзим яна. — Текстсиз ҳам ўқитаверади. Бешинчи синф ўқувчиси бўлатуриб, вазифани мен китобга қарамай айтиб бера оламан-ку!... Дадам бўлса, билагон олим. Илмий мудиримиз билан айтишиб қолганда «калламдаги илмим ўнта умрга етади» деган-ку, ахир. «Сиздақа олий маълумотлиларнинг мингтасига

ухлаб ётиб дарс беришга ярайман», деганини ҳам ўз қулоғим билан эшитганман. Ухлаб ётиб! Ҳозир эса ҳатто уйғоқ. Демак...»

Шу ўй билан бўлиб, дарснинг анча қисмини эшитмай қолибман. Бир вақт қарасам, дадам минбарга энгашиб, бир нарсани бақариб ўқияпти:

— Даставвал келиб чиқиш сабабларини кўриб чиқайлик. Қулоқ оғрири...

«Ие, — дедим ҳайрон бўлиб. — Дадам нега қулоқ оғриғини ўтяпти? Ахир, ҳозиргина ислом динини ўтамиз деятувди-ку?»

Залда пичир-пичир, ҳиринг-ҳиринг тобора кучаярди. Дадам бўлса, бу билан иши ҳам йўқ, ҳамон гапиряпти.

— Иккинчидан, бу касаллик...

Ёнимга қарасам, мудир амаким негадир бесаранжом бўлиб қолди. Дадамга қарайди, залга қарайди... Шу пайт бир аёл қўл кўтариб қолди. Фашим келди. Нега дарс тугамасдан бунақа интизомсизлик қилар экан?

— Мумкинми, ўртоқ Жумаев? — деди мудирга. — Кечирасиз, домланинг ўқийдиган лекцияларини дин ҳақида деган эдингиз, эълонда ҳам шунақа эди. Лекин бу ерда гап бошқа тўғрида кетяпти шекилли...

Қайноқ чой томоғимга югуриб кетгандек бўлди. Чунки бундай бўлишида менинг ҳам «хизматим» бор эди-да. Бу ҳам етмагандай, яна бир хотин:

— Қулоқ оғриғи ҳақидаги лекцияни у кун эшитганмиз, врач Нафисахон ўқиб берган, — деди.

Зал жим бўлиб қолди. Ҳамма дадамга қаради. Дадам қаттиқ акса урмоқчидек оғиз ва кўзларини катта очиб, текстга тикилганича қимирламай қолди. Қипқизил чўғ бўлиб кетган юзи терга лик тўлди-худди шудринг тушган анор пўчоққа ўхшарди. Кейин оғир юк кўтариб турган одамдай тебраниб тураверди, тураверди: ҳали текстни варақлайди, ҳали папкани кавалайди, ҳали терини артади...

Жуда ғалати бўлиб кетдим: дам кулгим келади, дам йиғлагим, дам тутунда қолгандек нафасим қисилади.

— Азиз ўртоқлар, — деди у ниҳоят аллақандай хунук илжайиб. — Азиз ўртоқлар, кечирасизлар, манави, — дадам мени кўрсатди, — тирранчанинг айби билан лекциямиз тексти алмашиб қолибди. Энди, ҳа...

Дадам шляпасини кийиб, папкани қўлтиққа урди.

— Ундай бўлса, оғзаки айтиб қўя қолинг, — деди орқадан кимдир.

Дадам бу гапни эшитмагандек, саҳнанинг орқа эшиги томон юра бошлаган эди, зал гала-говур бўлиб кетди. «Шошманг, мулла», деди шу пайт биров. Дадам тўхтаб, орқасига қайрилди. Қарасам, боғбон чол.

— Бу қанақа майнабозлик?! — деди у дадамга қўлини пахса қилиб. — Шунча одам овқатни чала-ярим ютиб бу ерга йиғилса-ю, сиз... Тагин «кечирасизлар» эмиш-а! Патефонга ўхшаб ёзувсиз товуш чиқаролмас экансиз, калишни пойма-пой кийиб келманг-да бунақа. Гамингизни еб келинг-да ўша ёқдан...

Дадам чолга қаттиқ тикилди, лаблари жаҳл билан қимирлади. Лекин оғзидан ҳеч қандай товуш чиқмади. Одамлар гур этиб кулиб юборди. Жуда уялиб кетдим. Дадам бирпас нима қилишини билмай қолди. Кейин кескин бурилди-да, селдан қочгандек ўзини эшикка урди. Мен ҳам югурдим. Ҳамма орқамиздан «товоқсиз патефон», «бузуқ патефон» ва яна алланималар деб қийқириб кулганича қолди.

... Мотоцикль учиб боряпти. Баъзан осмонга отилиб кетгундек бўламан, дадамга баттар тирмашаман. Негадир йиғлагим келди. Аммо фик этмайман. Ўзимча ўйлайман: қовун сайли бунақа бўларкан-да.

Одамлар дадангни хафа қилишади, даданг сени... Энди ҳечам қовун сайлига бормайман.

## ИЛТИФОТЛИ КИШИЛАР

Поезд жўнашига атиги ўн дақиқа қолди. Қани энди автобус жонивор буни сезса, одимини тезлатса. Хотиржам имиллайди, дам-бадам тўхтайди... Бу алфозда қачон етади вокзалга. Поездга билет олиб қўймаганимда ҳам бошқа гап эди.

Бетоқатланиб вокзал томонга тикиламан, тикиламан, лекин ҳали вокзал қаёқда. Устига-устак, қайси бир бекатда оппоқина бир қиз чиқиб билет текшира бошлади. Билагида «Жамоатчи назоратчи» деб ёзилган қизил матоҳ. Билет олмаган эдим, бир ташвишим икки бўлди.

Қизил ўн сўмликни сиқимлаб орқа эшик зинасида тек турибман. Икки кўзим назоратчи қизда. Қиз кулиб, баъзан йўловчиларни кулдириб, одоб ва назокат билан билет кўриб келди-да, менга юзланди.

— Сизники?

Кафтимни очдим.

— Майда топилмаяшти.

Қиз ингичка қошларини чимириб, илжайди.

— Марҳамат қилиб пул эмас, билет кўрсатсангиз.

Ёнимдагилар менга тикилишади. Улар гўё: «Беш тийин учун фирромлик қилиб ўтирибсан-а, уят-э!» — дейишарди назаримда.

— Кечирасиз, — дедим қизга дудукланиб, — олис сафарга кетаётгандим. Ўшанчун шошиб... ҳалиги...

Қиз бошини ўнг елкасига ташлаб, яна кулди.

— Кечирасиз, амаки, ҳозир мени олис сафарингиз эмас, яқин, яъни мана шу сафарингиз кўпроқ қизиқтиради. Марҳамат қилиб, элик тийин штраф тўланг, — деди ва бошимдан оёғимгача қараб чиқиб, қўшиб қўйди. — Сиртингиздан анча маданиятли кўринасиз...

Фарқ терга ботдим.

— Манг, олинг, — дедим жаҳл билан пулни қўлига тутқазиб. — Ҳаммасини олинг!

Кимдир қизга танбеҳомуз сўз қотди, кимдир танга узатди. Қиз эса уларга қиё ҳам боқмади. Менга қараб фақат:

— Кечирасиз, ҳаммаси керак эмас. Қайтимини автостанция кассасидан оласиз, — деди-да, тушди-кетди.

Бошим ғувиллаб, нафасим қисилди... Бир маҳал ҳушимни йиғиштириб атрофга боқсам, вокзалдан анча ўтиб кетибман. Бекатга етишим биланоқ чиқувчилар ўртасини ёриб ҳовлиққанамча автобусдан тушдим. Ўчакишгандай, вокзал томонга бўш такси ҳам учрамайди шу топда.

Бир қўлимда чамадон, билагимда костюм, ўтган машинага қўл кўтараман, «ҳой-ҳой»лаб орқасидан чопаман. Аммо бирортаси тўхтамайди.

Югура-югура вокзалга етиб келсам, одамлар перрондан гуруҳ-гуруҳ бўлиб аста чиқиб келишяпти. Ўпкам оғзимга тикилиб:

— Нима гап?! — дебман уларга.

— Тинчлик, — жавоб қилди бир чол елка қисиб. — Масковчиларни узатиб қайтпмиз, холос...

Шундагина англадим: менинг поездим бу пайт «Москважон, қайдасан?..» ашуласини ванг қўйиб, йўлда кетмоқда.

Бўшашиб, станция бошлиғининг олдига кирдим. Бошлиқ ҳолимга кўп ачинди ва йигирма беш процент штраф олиб, билетимни тунги поездга тўғрилатиб берди.

Эндиги вазирам кунни бир амаллаб кеч қилишдан иборат эди. Шаҳар кезиб кетдим. Бир вақт ҳалиги қайтим пул эсимга тушиб қолди. Автостанцияга бориб, кассирга учрадим, воқеани тушундирдим. Кассир аёл тешикчадан юзимга синчиклаб қаради. Сўнг дам ўтмай пулни жарима қвитанцияси устига қўйиб узатди.

— Марҳамат.

— Раҳмат.

Пулни санасам, тўққиз сўм эллик тийин эмас, негадир саккиз сўм қирқ тийин чиқди. Тешикчанинг эшигини чертдим.

— Кечирасиз, янглишдингиз шекилли?

— Кечирасиз, марҳамат қилиб қайта сананг, роп-п-роса саккиз сўм қирқ тийин, — жавоб бўлди тешикчадан.

— Нега тўққиз сўм эллик тийин эмас? Ахир...

Кассир бошини бир томонга қийшайтириб жилмайди.

— Кечирасиз, иним, фотосуратларингизнинг ҳақини мен тўлаёлмаман... Бир этак болам бор.

Хит бўлдим.

— Қанақа фотосурат?! — дедим тешикка яқинлашиб.

Кассирнинг авзойи бирдан ўзгарди.

— Яхши йигит, илтимос қиламан, бақирмасангиз, — деди ранжиган оҳангда. — Илтифот кўрсатган кишиларга илтифотли бўлсангиз. Ўзингизни унақа гўликка ҳам солмасангиз, ахир автобусда суратга тушганингиздан наҳотки хабарингиз бўлмаса?!

Рост-а, назоратчи қизга эргашиб фотоаппарат кўтарган йигитча ҳам юргандек эди ўшанда. «Чиқ!» этгандек ҳам бўлганди-я.

— Хўш-хўш? — сўрадим юрагим гуп-гуп уриб.

Кассирнинг лаблари қалтирарди, аммо мулойимлик билан осойишта жавоб берди.

— Маълумингиз бўлсинким, бизнинг шаҳарда автобусда билетсиз юрганларнинг суратини олиб, «Қочқоқ қуёнлар» деган фотогазетага ёпиштиришади. Шу газетага атаб сизнинг суратингизни ҳам олишибди — назоратчи қизимиз айтди боя. Эҳтимол, биттасини автобусга ҳам осияр. Шунга 1 сўм 10 тийин чиқим бўлади. Суратга тушган сиз қолиб, мен тўлайманми буни, азизим?

Авзойи баданим ғазабдан қалтираб кетди.

— Ҳақорат! — қичқирдим деворни жон-жаҳдим билан муштлаб. Кассир дарров эшикчасини ёпди.

Кейин нима дедим, нима қилдим — билмайман... Бир маҳал ўзимга келиб қарасам, айвонда скамейкада ўтирибман. Қўлимда сув тўла пиёла. Рўпарамда кассир билан бир дружиначи йигит. Кассир дам тешикчани, дам икки бўлак бўлиб синиб тушган зангор эшикчани, дам мени ҳалиги йигитга бир-бир кўрсатиб, илтифот билан арз қиларди...

## БИЗНИНГ ТАШАББУС

Мақтаб қоровули Маматқул бува мактаб боғчаси ўртасига кичкина супа ясади. Атрофига олти туп райҳон, уч туп гулбеор эқди. Супа устига сув сепиб, шолча ёзди. Кейинча бу жойни янги ўчоқ, каттакон эски қумғон билан таъминлашга тўғри келди. Бора-бора мазкур оромгоҳ ўқитувчиларнинг диққатини негадир торта бошлади. Буни кўриб, чол ўзида янги бир мажбурият ҳис этди. Уйдан узун бир тўшак, тўртта оқ ёстиқ супурги келтирди. Бу ҳол оромгоҳга янги файз бағишлаб юборди. Танаффусларда, айниқса, дарсдан бўш вақтларда ёнбошлаб шахмат суришлар, шопириб чой ичишлар пайдо бўлди. Супа шаънига мадҳиялар ўқилди. Ҳатто адабиёт ўқитувчиси Фурракий таҳаллуси билан бир банд шеър тўқиди:

Ажиб бир бўстонки, салқин, роҳатбахш,  
Шу ерга келганда дилдан қочар ғаш,  
Ушбу жой мақтовни дostonга лойиқ,  
Фурракий бу ҳақда қотирғуси бош...

Супа, шоир Фурракий таъкидлагандек, Маматқул бува беҳабар, ростдан ҳам антиқа жой бўлиб қолган экан. Сал кунда оғизга тушди-кетди. Ҳатто, йигилишлар ҳам усиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Мана, педсоветда мактаб директори супа хусусида нималар деди:

— Мактаб маъмурияти ўқитувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлашни ўзининг энг муҳим, энг олижаноб вазифаларидан бири деб ҳисоблайди ва бунга қаттиқ амал қилади. Бунинг конкрет исботи сифатида боғча ўртасига мактаб дирекциясининг бевосита ташаббуси билан бебаҳо бир оромгоҳ яратиб берилганини қайд қилиб ўтиш кифоядир...

Мақтаб илмий бўлим мудирининг супанинг яратилиши тарихини сал бошқачароқ талқин этди:

— Педагогларимиз қанчалик кўнгилли дам олса, дарс эффе́ктивлиги шу қадар ошади. Шунинг эътиборга олиб, мактаб илмий бўлими ўз ташаббуси билан боғча ўртасида шинам бир дам олиш майдони барпо этди ва апрель ойининг бошларидаёқ эксплуатацияга топширди...

Қишлоқ Совети сессиясида мактаб округидан сайланган депутат супага бўлган муносабатини мана бундай шарҳлади:

— Биз, депутатлар ўз сайловчиларимизнинг истак ва эҳтиёжларини олдиндан фаҳмлаб оламиз ҳамда бунинг ижросига дарҳол киришамиз. Масалан, шу мактабда ишловчи сайловчиларимиздан ҳеч қандай расмий наказ берилгани ҳолда мактаб боғчаси ичига ажойиб бир сайргоҳ бунёд этиб, сайловчи ўқитувчиларга тортиқ қилинди. Бу албатта, қишлоқ Советининг улкан ташаббусидирки, бу тўғрида қуйида батафсил тўхталиб ўтаман...

Мактаб комсомол ташкилотининг супага бўлган нуқтаи назари ташкилот мажлисида мана бундай изоҳланди:

— Ёш ўқитувчиларга раҳмхўрлик қилишни мактаб комсомол ташкилоти ўз жўшқин фаолиятининг ажралмас қисми деб билади, — деди ташкилотнинг маданий-маиший ишлар бўйича комиссияси раиси. — Ўтюррак ёшларимизнинг ташаббуси билан ўрикзорнинг қоқ ўртасига гўзал бир скверча яратилдики, бу нарса ана шу фаолиятнинг тотли мевасидир...

Мактаб касаба уюшмаси раиси йиғилишда ўз нутқининг талай қисмини супа мадҳига бағишлади.

— Касаба союзи аъзоларига ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиб бериш мактаб касаба союзи ташкилотининг энг шарафли, энг муқаддас бурчидир, — деди у. — Бунинг ташкилотимиз доимо диққат марказида туради, доимо бу борада ташаббусни ўз қўлига олади. Бу ташаббусни, хусусан, боғча ўртасига супа қуриб, уни намунали жиҳозлаб берилиши тимсолида ёрқин кўрса бўлади.

Супа, гарчи у баъзи жиҳатлари билан эскилик сарқити томон бир оз мойилроқ бўлса-да, у турли мавзуларда ширин суҳбатлар уюштириш, шахмат-шашка мусобақалари ўтказиш ва кўнгили очишнинг бошқа хилларидан истаганча фойдалана олиш имконини бераётир.

Оромгоҳни кўкаламзорлаштириш ишига ҳам жид-



дий эътибор қилинмоқда. Бугунги кунда супа атрофида беш ярим туп райҳон (бир туп райҳоннинг тахминан ярми кўпол бир эҳтиётсизликнинг қурбони бўлган), уч туп гулбеор барқ уриб ўсиб турибди. Шуниси қувончлики, мазкур гиёҳлар мактаб хўжалик мудирининг инвентарь дафтарига тушган эмас, мутлақо тушган эмас. Яъни, демоқчиманки, барча гулу гиёҳ тўласича союз аъзолари ихтиёрида.

Лекин юқорида айтилганлардан оромгоҳда сира ҳам камчилик йўқ экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, албатта. Камчилик бор. Бор бўлганда ҳам йирик ва кўпол камчиликлар бор. Масалан, ўчоқ географик жиҳатдан батамом нотўғри жойлаштирилган. Тескари шабада эсдими — тамом, тутунни супа томон пуфлашга тушади. Шу туфайли, шахмат мусобақаси айна қизиган пайтда мусобақадорлар ҳам, томошабинлар ҳам тутун булуғи ичида бутунлай ғойиб бўлиб кетадики, бунга мутлақо чидаш мумкин эмас. Бунинг оқибатида юз берадиган уста-уст йўталишлар ва қатор ўқчишлар борасида гапирмаёқ кўйлик.

Лекин шунга қарамасдан, дадил айтиш мумкинки, мазкур оромгоҳ келажакда тавин ҳам гуллаб-яшнайдди, касаба союз аъзоларига мўл-кўл завқ-шавқ етказиб беришда давом этади...

Маматқул бува касаба союзи мажлисидан чучмал бир кайфиятда чиқди. Дам-бадам супага хўмрайиб қараб, кечгача борча ичида ғимирсиб юрди. Аммо қоронғи тушиши биланоқ чолнинг кайфияти бирдан айнаиди. Кўнгил кўчасидан қора қуюн ўтдими ва ё мажлисдаги танқидлар кор қилдими, ишқилиб, шартта кетмонни олди-да, супани бузиб, ўрнига қалампир кўчати ўтказиб қўйди.

Эртасига бу маиший-биологик гўнтаришни биринчи бўлиб ўзимизнинг Ғурракий кўрди. У бу аҳволга тушунолмай, аввал бир он анграйиб қолди. Сўнг чўнтагидан тўрт буклоғлиқ қоғоз олди-да, шарт-шурт йиртиб, қалампир кўчатлар устига сочиб юборди.

Бу машғум хабар ўқитувчилар орасига яшин-тезлигида тарқалди. Мактаб директори ҳам, илмий бўлим мудирини ҳам, комсомол ташкилотининг секретари ҳам, депутат ўқитувчи ҳамма-ҳаммаси ўзлари ўтказган йиғилиш қарорларига шошилиш равишда ўзгартириш киритдилар. Яъни қарорларнинг икки-уч моддаси устига қуюқ қалам тортидилар.

Касаба союзи раиси эса, кечаги йиғилиш қарорининг биратўла уч саҳифасини суғуриб олиб ўчоққа ташлади.

## ҲАСРАТ

Илмий бўлим мудиримиз ўзи жудаям зиқна одам, билсангиз, ўларча майда гап. Гапираверади, гапираверади!.. Кошки бу гапларида маза-матра бўлса! Ҳар сўзидан заҳар томади: нега анови харитангизни ямаб олмайсиз? Конспект дегани шунақа бўладими? Соатингиз эмсиз қолган экан-да? Соқолни қайси устага олдингиз?.. Ҳаттоки, қазоний этик кийганингизу, ёқангизнинг сал ранг олиб қолгани ҳам қутулмайди бу бедаво чолдан! Бир куни денг, костюмининг битта тугмаси тушиб қолган экан, шошилишда эски пальтонинг тугмасини қадаттириб борган эдим мактабга. Шунини ҳам гапирди-да. «Манови тугмангиз узоқдан худди этик ёғининг қутисига ўхшаб кетаркан», — дейди-я!..

Дарсимдан бўлса, юз ғубор, минг хил иллат топади. Ўзим тарихчиман, лекин тил-адабиётдан ҳам пича дарсим бор. Ҳалиги... директоримиз ёш бўлса ҳам йўриқди, ақли йигит-да, барака топкур. Дарс соатингиз кам, деб бешинчи синфнинг тил-адабиёти-ни ҳам қўшиб берган эди кузақда. Шу фанни олдим-у, завучдан балога қолдим. Икки куннинг бирида тил-адабиётимга кириб, бошимни айлантиргани айлантирган. Бугун бўлса, мана бунақа қилиб ўтирибди.

Кеча, фалокат босибми ва ё ризқим тортибми, Хўжақишлоққа куёв навкар бўлиб тўйга бориб эдим. Ўзингизга маълум, тўй, албатта, ичкиликсиз бўлмайди. Қизиқиб қолган эканмиз, тун бўйи тортибмиз, денг. Бир маҳал уйга етиб келсам, соат саккиз! Лақма чолдан балога қолиб кетмайин тагин, деб шошиб китобдафтарни қўлтиққа урдимда, мактабга жўнадим. Аммо қадам босгани, кўз очгани мадорим йўқ, дил-дилим қоронғу. Бадан-баданним увишиб, минг азобда келсам, завуч дарсга қўймайман дейди-да! Ақлимдан айланай, эҳтиёти шартдан, кечаги конспектнинг числосини бугунги қилиб ўзгартириб қўйган эдим.

— Нега дарсга қўймайсиз? — дедим. — Планим борми — бор, конспект борми — бор?!

— Минг чандон бор бўлса ҳам қўймайман! — икки оёғини бир этикка тикди завуч.

Бу қайсарга нима десам кор қиларкан, деб бошим қотиб турсам, лоп этиб директор келиб қолди. У можаромизни йўлақдан эшитиб келаётган экан чори:

— Конспекти бор бўлса, ҳаққимиз йўқдир дарсга қўймасликка, — деди орқадан.

— Конспекти бор бўлгани билан дарсга тайёр эмас-да, ахир, — баттар дарғазаб бўлди чол. — Уни қаранг, қип-қизил маст!..

Иккови гижиллашиб қолди. Фурсатни ганимат билиб, шип этиб синфга шўнғидим-кетдим. Адабиёт дарси эди. Алишер Навоийни болалардан сўраб бўлиб, «Ўғри» темасини ўқиб чиқинг, деб буюрдим. Бу оғир тема, уч-тўрт қайта ўқилмаса тушуниб бўлмайди, дедим. Сўнг бошимни икки кафтим орасига олиб, пича мизғиб олиш умидида кўзимни юмдим. Бир вақт кўзим энди илинган экан, эшик тақиллаб қолди. Бориб очсам, чол директорни бошлаб кириб келди-ю!

Оббо, худо икки қўллаб урди энди сени, домла Бозоров, дедим ичимда. Лекин сир бой бермай, уларни орқа партага илтифот билан ўтқизиб, китобдан «Ўғри»ни очдим.

Таомил бўйича аввал асар мазмунини қисқача айтиб беришим керак эди болаларга. Буни ҳам шу завучнинг ўзи ўргатган. Бироқ ҳозир қайси мазмунни айтаман?!

Икки қўлим билан столга тиралиб турибман, турибман, қани энди тилимга бирор маънили сўз келса?.. Текстни тикка ўқитвораверай десам, таомил бузилади. Бошқа вақт бўлса, бошқа гап эди. Ҳозир эса, ручкаларини милтиқ қилиб иккита «қоровул» ўтирипти орқада!

Турдим, турдим, охири, бор, нима бўлса бўлар, дедим-да, жағимни ишга солдим. Олдин ўғриликка таъриф бердим.

— Ўғрилик дегани, болалар, ҳалиги... бировнинг молини эгасига, шунингдек, бошқаларга ҳам кўрсатмай олиб кетиш демақдир.

Шу чоқ бир вақтлар чўнтак фонаримни ўғирлатганим эсимга тушиб кетди.

— Аблаҳ одам ўғрилик қилади! — дедим алам билан. — Қоп-қоронғи кечаларда бировни қийнаб!..

Бир маҳал қарасам, чол билан директор жони бегоҳат, партадан узилай-узилай деб банжида бўлиб туришипти. Сўқмоқлаб кетганимни сезиб, ўзимни катта йўлга урдим.

— Манави ёзувчи ҳам, — дедим сарлавҳа тепасидаги суратга имо қилиб, — шунақа аламзадалардан бўлиб, ҳикоя деб аталмиш мазкур мақоласида шу тахлит ўғриларни ёзган, аёвсиз фош этган, шаънига лаънатлар ўқиган!..

Аmmo унда қанақа ўғри хусусида ёзилганини билмасдим. Олдинроқ бир ўқиб қўймаганим жуда-жуда алам қилди шу топда.

Анчагача гап тополмай қолдим. Сўнгра ўқувчиларнинг тинчлигини кузатган бўлиб, синфга назар ташладим. Болаларнинг кўпи жим, баъзилари пиқ-пиқ куляпти. Директор билан чол эса, «тир-тир» ёзаяпти. Уларнинг кўзини шамғалат қилиб, текстга дарров қараб олдим. Кўзларим «кампир», «хўкиз», «Қобил бобо» сўзларини аранг илғаб қолди. Дарров болаларга боқдим.

— Қобил бобо деган бир ярамас махлук, — дедим баянда овоз билан, — бир бечора кампирнинг қаттагина хўкизини ўғирлаб қўяди. Кампир соч юлиб дод солади. Йиғилади одам. Кейин, ҳалиги... Йиғилганлар маҳаллани тинтув қилишади. Бироқ қанчадан-қанча меҳнат зое кетади, хўкиз топилмайди.

Воқеа нима билан тугаркин? Дарров мақоланинг охирига кўз югуртириб олиб, давом этдим.

— Кейин бир пахтафуруш кампирга раҳми келиб, иккита хўкиз беради.

Шу тахлит янги дарс баёнини тугатиб, саволлар борми, демоқчи бўлиб турсам, Ҳамидова деган ўқувчи юзимга боқиб «пиқ» этиб кулди-да, ўзини партага ташлади. Ҳалиги кулганларнинг бири ҳам шу шайтон эди. Жаҳлим чиқди.

— Нимага куласан?! — дедим бақириб. Ҳамма жим қолди. — Нима учун куласан, деяпман?!

Ҳамидова партанинг тагига кириб кетди. У ҳамон куларди. Болаларга мурожаат қилдим.

— Нимага куляпти?

Ҳамидованинг шериги жавоб қилди.

— «Ўғри»ни ўқисак янгитда... мазмуни бунақа эмас экан, — деди.

— Қобил бобо кампирнинг эри бўлади. Ўшанчун, Қобил бобо ўзининг хўкизини ўзи ўғирлар экан-да, деб куляпти.

Юзларим ловиллаб кетди.

— Бўлмаган гап! — деб бақириб юборгим келди-ю, «қоровул»лардан пича андиша қилиб, ўзимни босди.—

Мен Қобил бобо кампирнинг эри эмас деб айтдимми сизларга? — дедим жилмайиб. — Чол-кампирнинг эр-хотинлиги — бу ҳақиқат. Шубҳасиз, ҳақиқат! Бироқ барибир Қобил бобо ўр...

Сўзим оғзимда қолди. Директор қўлидаги ручкани «тарс» этиб партага ташлади-да, сапчиб ўрнидан турди. Чол ҳам эргашди, етаклашиб ташқарига чиқишди-кетди. Орқаларидан чиқипим ҳамоно директор лаблари қалтираб:

— Боринг уйингизга, дам олинг! — деди еб юборар даражада ғижниб. — Кечки пайт келарсиз...

Ортиқча гап сизмаслигини сезиб, «хўп, хўп» дедим-да, синфга кирдим. Тартиббузар болаларни доска олдига қатор тизиб олиб, хўп уришдим.

Танаффусда ўқитувчилар хонасига кирсам, ҳамма деворга тикилган. Қарасам — эълон, соат бешда навбатдан ташқари педсовет бўларкан, бизнинг масала кўрилармиш!..

Гаплаар ана шунақа, дўстим...

Гарданимда ўтган ўқув йилидан боқиманда бўлиб қолган бир жуфтгина ҳайфсан бўлмаганда ҳам бошқа гап эди. Энди нима қилдим? Бешгача шу ерда ғимирсиб юрганим маъқулми ё касал эди, деб доктордан справка тўғрилаб келганим маъқулми? Ёинки тўхматчиларнинг дастидан дод, деб райОНОга шикоят кўтариб борсаммикин? А, лаббай?

## ДОНИШМАНД

Табиат домла Исматовни яратишга яратиб қўйиб ўзининг ҳам рашки келиб юрса керак. Вой-бўй, одам деган ҳам шу қадар мукамал бўладими! Ақл, дид, нафосат ва фазилат галасининг бу тариқа бир каллага уя қўйганини инсониятнинг катта қисми ҳали билмаса керак.

Айниқса, унинг билими... Ё алҳазар! Олам жаҳон билимнинг муштдеккина жунсиз бошга сиққанига ёқангизни ушлайсиз.

Ҳаммадан ҳам фаолиятининг кўп қирралигини айтинг. Ҳай, ҳай, ҳай... Битта жонига ҳам ўқитувчи, ҳам мухбир, ҳам танқидчи, ҳам олим!.. Борингки, салкам Афлотун!

Домла ана шу Афлотунлигига таяниб: «Ўрикнинг хуснини очишда олтингуруртнинг роли» деган бағоят

улкан илмий иш ёзган. «Карнайни ноталаштириб, хо-  
наки базмда фойдаланиш», «Қозон-товоқ ювишда со-  
вуннинг иштироки» сингари илмий ишлар ҳам Домла-  
нинг қаламига мансуб.

Бундан ташқари Домла адабиётимизни «Бўтэз» (Бе-  
гона ўтларнинг техника экинларига зарари) деган био-  
логик романнинг боши, «Фижиқум» номли лирик дос-  
тон, «Интарасқий», «Дум-думалоқ» ҳамда «Қақа-ҳу»  
сарлавҳали ажойиб ҳикоялар билан бойитди.

Учоқнинг дастёри оташкурақдур,  
Шунинг-чун барчага у керақдур...

У кишининг шу қабилдаги қўшиқбоп ғазаллари  
ҳам талай.

Бу асарларнинг биронтаси ҳали матбуот юзини  
кўрган эмас. Бироқ домла бунга унча оғринмайди. Не-  
га оғринсин, халқ Навоийни ҳам беш аср деганда та-  
ниди-ку, ахир!

— Бутун ҳаётимни халқ хизматига тикканман! —  
деб жавоб беради Домла «Жў-ўн юрсангиз бўлмайди-  
ми?» қабилдаги «ўринсиз» насиҳатларга қарши. —  
Сиз мени тушунмайсиз. Ҳеч ким ҳам тушунмайди!  
Келажак тушунади, хизматларимни келажак қадр-  
лайди. Мен бу йўлимдан қайтмайман ва ҳеч қанақа  
куч қайтара олмайди ҳам!

Оташ, оташ!

Лекин у шунчалик оташинлиги билан уйқуни ғоят  
яхши кўради. Уйқуда «С» витамини бор, деб туради  
икки гапнинг бирида. Бутун ҳам қўшниси Меҳриниса  
кампир ҳақидаги мақоласини битириб, уйқуга тушган-  
нича пешинда турди. Сўнг хатни жўнатиш ва шу ба-  
ҳонада одамлардан илм олиш, зориққанга илм бериш  
мақсадида кўчага чиқди. Йўлда учраган велосипедли  
бир болага танбеҳ, эшак минган бир чолга эшакнинг  
оғзини боғлаб юриш ҳақида маслаҳат берди.

У мактабга келса, кўк мотоцикл турипти-ю, эгаси  
йўқ. Фақат қоровул чол оқсоқланиб боққа кириб кет-  
япти.

Домла дарров қалам-дафтар олиб, қани, қайси ме-  
надан қанча узаркан, деб туриб эди, кимдир чақириб  
қолди. Домла, ўлжаси чўчитилган овчидек норози бир  
қиёфада овоз чиққан томонга қаради. Боғ бурчагидаги  
сўрида шаҳарча кийинган бир йигит ўтиришти. Домла  
бориб сўрашди.

— Янглишмасам, сиз Неъмат Исмат бўлсангиз керак? — деди ҳалиги йигит.

Бу йигит газета ходими бўлиб, Домланинг қаламидан чиққан бир тўп материалларнинг тўғрилигини текшириш учун кеча келган ва улар негадир палағда чиққач, домланинг ўзи билан учрашмоққа қасд қилиб турган эди. Бундан домла беҳабар эди, албатта.

Домла «мени қаёқдан биларкан», деб ҳайрон қолди.

— Худди шундай, — жавоб қилди у мамнун жилмайиб ва бошини чапга бир оз эгиб сўради. — Ўзлари?..

— Газетадан... яхши келиб қолдингиз. Анови отани юбормоқчи бўлиб турувдим.

Домла севиниб кетди.

— Э, ҳа, шунақами? Мен мутлақо танимабман. Заб келибсиз-да! Шу денг...

Домла гапга тушиб кетди. Жағ бир ишга тушмасин экан, очилиб-ёпилиб, бир дамда икки арава гап ишлаб чиқарди.

Қишлоқ жиноят ва қабоҳат қаърига фарқ бўлиб кетиш олдида турганлиги борми, агар унинг олди олинмаса фожиага бориб тақалиши муқаррар эканлиги ва унга қарши курашда ўзи ёлғизлик қилаётгани борми — ҳамма-ҳаммасини бирдан тўкиб солди. Ҳамда жуда кўп асосли фактлар билан шиббалаб пишитди.

— Биз ҳам худди шу масалада келдик, — деди меҳмон жилмайиб. — Бу ишда ёрдамнингизни аямасиз, деб ўйлайман.

Домлага жон кирди.

— И-е, сиз ёрдам сўрайсизу... Газетабоп нарса топшми?! Ҳеҳ-ҳе!.. Мана, масалан, кўшним Меҳри кампирни олайлик. Ўзи ажал билан қочди-қувди бўлиб юрган бир кампир. Лекин ўтакетган муттаҳам, ҳийлакор.

Ходим домланинг сўзини бўлди.

— Кечирасиз, иложи бўлса, секинроқ айтсангиз, баъзи ўринларини ёзиб олсам.

— Хўп-хўп, жоним билан, ҳаммаси пишиқ, зарур гаплар. Хў-ўп, ўзи ҳийлакор. Колхоздан текин пенсия олади. Етти сотих огороди бор. Яна далада боқчалик қилиб ҳақ олади. Далага удуқвор овқат элтмайди. Колхозчиларнинг пешона тери билан толган нонини туятуя қилади. Гўдакларнинг сухорисини чайнаб бериш баҳонаси билан ярмини ютиб юборади.

Ходим кулди.

— Тамагир экан-ку?!

— Ҳа, ҳа, тамагир. Йўқ, жодугар! Товуғи остига биллиард соққасини мояк қилиб қўяди. Кейин... Ҳа... Яхшиси манави хатни олиб кета қолинг, Меҳри кампирнинг бутун кирдикори шунда.

Ходим хатни чўнтакка солди. Сўнг авторучкасини силтаб-силтаб ярим минутча ёзди-да, сўради:

— Яна нимала? ни айтиб бера оласиз?

— Жиноий ишми? Бижиб ётипти. Бироқ бир бошдан тартиб билан ййтиб бераверай деган эдим, яъни хонадонма-хонадон. Ташкилотларни? Хўп, ташкилотлардан бошлай бўлмаса.

Ўзим ишлаб турган манови мактабда биронта ҳам педагогликка яроқли ўқитувчи йўқ. Директор Бўронов ўқувчиларга қилган докладида уч марта «ўртоқлар», деб юборди. Завуч Шамсиева ахлоқсиз ўқувчилар билан худди болалардек гапиришади...

Шундай бўлгач, тартиб-интизомнинг мактабдан бурнини жийириши турган гап. Ҳа, турган гап! Уруш йиллари, яъни мен завучлик қилган вақтда болалар бирам мунтақ эдики... Уруш тутаб, мен мансабдан сабабсиз бўшатилдим, интизом мактабдан безди-кетди. Ҳа, безди-кетди! Шу-шу, қорасини кўрсатмайди.

Танаффусда болалар шу қадар сакраб югурадики, жонингизни ҳовучлаб турасиз, худди ини бузилган ари!

Югуришдан-ку, ҳеч ким фойда кўрган эмас. Ундан кўра, болалар қатор ўтириб ширин суҳбатлашсин — биз бунга одатлантирайлик, десам ҳамма кулади, ҳа, ҳамма кулади. Бу масалани педсоветда ҳам икки марта кўтариб чиқдим. Бироқ ҳеч ким унинг моҳиятини англаб етмади!

Қишлоқда ярамас одамлар шунақа кўпки, кўриб туриб, проста дод деб юборай дейсан! Катталар бўлса бепарво, таралмабедод...

Колхоз раҳбарлари каттадан-кичик — ҳаммаси ўғри.

Врачлар ёзган рецептга аптекачидан бошқаси туншунмайди.

Самоварчи Тошқўзи Алиев чойхўрлардан ортган нон билан қўй боқади...

Сартарош Жума Болтаев хизмат ҳақини сочининг миқдорига қараб олмайди.

Магазинчи насияга мол сотади, беш минг сўмча камомади бордир. Бу ҳақда юқорига сигнал қилдик, ҳозир ревизия кетяпти.

— Э-ҳа, магазинга қулф солдирган ҳам сиз экан-



сиз-да?! — деди шу пайт меҳмон олдига шафтоли қўяётган қоровул чол. — Баракалла, шоввоз...

Домла мамнун кудди: «Болабманми?»

Чол бошини сарак-сарак қилиб хунук илжайди.

— Ҳа, болабсиз. Сизнинг шарофатингиз билан қишлоқ уч кундан бери савдо қилолмай хуноб. Ниҳоят, бир ярим сўм камомади бор экан. Мана, меҳмон ҳам эшитгандир, сўрайтурувди.

Домланинг жаҳли чиқди.

— Каммикан ишқилиб?!

— Э, ундан кўра, ҳовлингиздаги янтоқни ўриб босиб қўйинг, қишда асқотади.

Домла меҳмонга ўтирибди.

— Ана, кўрдингизми, мен дўстлик қилсам, бу душманлик қилиб қўйимни ўлдирмоқчи.

Чол бурилиб кетаркан:

— Сиздақа дўстандун уч-тўртта бўлса, қишлоққа ҳеч қанақа душманинг кераги йўқ эди. — деди.

— Боғингизга киринг, сиз тушунмайсиз бунақа гапларга!

Домла жаҳл билан ўрнидан тураётган эди, меҳмон этагидан тортиб қолди.

— Мана шунақа! — деди Домла алам билан. — Бутун қишлоқ менга қарши, ҳамма каллаварам. Ўзи билмайди, ўргатганга юрмайди. Шунақаларни область газетасига ёзсам, сира... Айтмоқчи, менинг хатларимга кўзингиз тушгандир-а, нега босилмайди? Шу ойнинг ўзида олтита танқидий материал юбордим.

— Босилади, ҳаммасини битта қилиб босамиз.

Домланинг юзига кулги ёйилиб, қулоғининг орқасига ўтиб кетди.

Домла ўйларди: одам деган мана бундоқ бўпти, гаплашсанг минг йилги губорингни суғуриб олади. Ҳў бирдаги мухбир-чи! «Нега одамларнинг вақтини исроф қиласиз? Ақлингиз жойидами?!» Вқй, гапи совуқ аҳмоқ-эй...

Домла меҳмон билан жуда берилиб, маза қилиб узоқ суҳбатлашди.

— Ҳаммасини босасизларми? — сўради у ходимнинг жўнар чоғида.

— Хотиржам бўлинг, — деди ходим мотоциклига ўтириб, — барчасини бир жувоз қилиб фельетон ясаймиз.

— Фельетон, бари сигармикан битта фельетонга?

— Сигади. Қаҳрамони — сиз, сарлавҳаси — «До-нишманд» бўлади.

Домла «сигади» сўздан бошқани англамади чоғи, ўзида йўқ хурсанд, маккажўхорини паналаб қоровул-нинг изидан кетди.

## ОЙ БОРИБ, ОМОН КЕЛДИМ

Бошқармада ишлай бошлаганимнинг саккизинчи куни эди. Тушдан кейин бошлиғимиз Жумаев тўсатдан кабинетига чақиртириб қолди. Кирдим.

— Пандигонга бориб бюрократ раҳбарлар, сансалор ходимлар ҳақида факт топиб келасиз, — деди у командировкага жўнатиш ҳақидаги буйруқ кўчирмасини қўлимга тутқазиб. — Мана, буёғи тайёр, уч кунга. Аммо ҳар бир факт, ҳар бир иллатни ўз кўзингиз билан кўриб, аниқ қилиб ёзиб келасиз, докладга киритамиз.

Жумаев қайси иллатни қай йўсинда топишим мумкинлигини уқтирдида, қўлини узатди:

— Хайр, ой бориб, омон келинг!

Кабинетдан кўнглим алақандай ёришиб чиқдим. Мана, ҳозир соат уч. Бир соатда бу ердаги ишимни битириб олсам, соат тўртда Юсуфжон деганингиз Пандигон машинасида тебраниб кетаётган бўлади, ўйлайман завқланиб. Йўғ-е, наҳот бир парча қоғозни тўлғаздириб, кассадан ўн беш-йигирма сўмни санаб олишга бир соат кетса! Кўпи билан ярим соат. Ярим соат нимаси, ўн минут!

Югуриб идорага кирсам, беш-олти киши бир чолни ўраб туришипти. Одоб юзасидан навбат кутдим. Лекин ҳали-вери уларнинг гапи тугамайдиган. Одамлар орасидан суқилиб буйруқни узатдим. Чол, ўйлаганимдек, идора бошлиғи экан, дарров бланкадан бири-ни суғуриб бериб, бурчакка ишора қилди:

— Ҳув, машинисткага...

Машинистка тушлик овқат чоғида қизил сувоғи кўчган лабларини ремонт қилиб бўлиб, менга қаради.

— Опкелинг!

Машинистканинг устасига тараф йўғ-е. Уни қарангки, бланкани кўз очиб юмгунча тўлғазиб қўлимга тутди. Тагин чолга узатдим. Мўлжалимча, чол унга шаппа муҳр босиб, оқ йўл тилаб қолиши керак эди менга. Бироқ бундай қилмади. Бир бурчагига нимани-

дир ёзди-да, бошлиққа олиб киринг, деди. Жуда ор-  
риндим. Лекин ноилож инсофга келиб:

— Хайр, майли, — дедим ўзимча, — бир минутлик  
иш.

Отилиб Жумаевнинг қабулхонасига кирсам у ерда  
ҳам етти-саккиз одам.

— Бошлиқ шу ердами? — сўрадим ҳовлиқиб.

Тўрда ўтирган машинистка ишдан бош кўтармай  
жавоб қилди:

— Йўқ.

— Қаёққа кетган?

— Бунинг сизга аҳамияти йўқ.

— Нега аҳамияти йўқ экан, ахир мен командиров-  
кага кетяшман!

Машинистка гапимга парво ҳам қилмай «чиқ-  
чиқ»ини давом эттирди. Хуноб бўлиб ташқарига чиқ-  
дим. Эшик ёнида туриб олиб папирос тутатдим, уст-  
ма-устига сўриб-сўриб синчалақдай чўққа айланти-  
риб, туфдонга ташладим-да, тагин машинисткага рў-  
пара бўлдим.

— Келдими?

Машинистка кулди:

— Бошлиқ чумчуқ эмаски, туйнукдан учиб кирса, у  
ҳам одам ахир!

Ғашим келди.

— Мен ҳам биламан бошлиқнинг одамлигини! —  
деб чандиб олмоқчи бўлдим, у унинг гапидаги мантиқ-  
нинг тубига етиб, тилимни тишладим. Зотан, бошлиқ  
келса, шу эшиқдан киради-да! Эшик бир лаҳза бўл-  
син, назаримдан четда қолгани йўқ!

Ҳижолатдан юзим ловиллаб, идорага тушдим.

— Йўқ, яхши йигит, — деди чол арзимни тинг-  
лаб, — ўртоқ Жумаевнинг имзосисиз мутлақо мумкин  
эмас. Жуда ошиқаётган бўлсангиз, ўринбосарга ки-  
ринг.

Ошиқиш ҳам гап эканми? Ҳозир соат тўрт ярим,  
бешда машина бўлади! Физйллаб иккинчи қаватга чиқ-  
дим. Ўзи иш бир юришмаса, сираям юришмас экан —  
ўринбосар доклад тайёрлаш билан бандман, деб қабул  
қилмади. Лабим осилиб, яна Жумаевнинг қабулхона-  
сига бош суқдим.

— Бугун келмайдими ўртоқ Жумаев?

— Тавба! — деди машинистка тажанг бўлиб. —  
Қанақа шошқалоқсиз, манави қора кўзлар ҳам мени  
қўриқлаб ўтиришгани йўқ бу ерда!..

Жаҳдимни ютиб орқага қайтдим. Бир вақт йўлақда кетиб бораётсам эшик ланг очик, хонада уч-тўрт киши чақчақлашиб ўтирибди. Кулги авжида. Азбаройи қизишиб-кетганимдан:

— Ўртоқ Жумаевни кўрмадингларми? — деб юборибман уларга.

Бахтни қаранги, ўртоқ Жумаев ҳам худди шу ерда экан, «ҳали ҳам ивирсиб юрибсизми?» деб бир хўмрайиб қўйди-да, шартта имзо чекиб юборди. Бир нима дегани чоғландиму не-не андишаларга бориб, индамадим. Ўпкамни қўлтиқлаб яна идорага чопдим. Етиб келсам, чол эшикни қулфляпти.

— Ҳой, отахон, — дедим энтикиб. — Муҳр...

Чол мулойим жилмайиб, калитни чўнтагига солди.

— Кечикдингиз, ўғлим, кечикдингиз. Сизга ачинаман, лекин иш куним тутагач, иложим қанча!

— Наҳот битта муҳр босишга...

Гапим оғзимда қолди. Эрталабгача хайр деди-да, чиқди-кетди.

...Эртасига азонда идора эшиги олдида соқчидай қотиб турибман. Соат тўққиз, ўн, ўн бир! Чаён чаққандай бетоқатман: совқотаётгандек уёққа юраман, буёққа юраман, қўлларни бир-бирига ишқалайман, қани энди чол келса! Ниҳоят, йўлакнинг бошида қораси кўринди.

— Сизни бир оз кутдириб қўйдим чоғи, — деди етиб келиб. — Уйда кичкина иш чиқиб қолиб денг...

Бир оғиз ҳам сўз қотмасдан муҳр бостирдим-да, бухгалтерияга чопдим. Бухгалтерияда ўн бештача чўт тинимсиз шарақлайди. Афтидан, Сирдарё Оролга минг йилда неча коса сув қуйишини ярим нафасда ҳисоблаб ташлайдигандай. Лекин бу чўт соҳибларининг қай бирига учрасам экан. Таваккал қилиб, эшик олдидагисига рўпара бўлдим. У «халақит берманг», дегандай бош чайқаб қўйди-да, узоқ шарақа-шуруқ қилди. Сўнг дафтарнинг четига иккита рақам тушириб, бошини кўтарди.

— Хўш?

Мақсадимни айтдим. У, шунга мени шунча овора қиласизми, дегандай афтини буриштириб, ҳов анови қизил кўйлақлига йўлиқинг, деди-да, ишига шўнғиди. Қизил кўйлакли кўкини кўрсатди, кўки — сариғини, сариғи — пуштисини. Бухгалтерияни гир айланиб чиқиб, ахири топдим, менинг хожатбарорим зангори кўйлакли аёл экан. Бироқ энди қоғозларимни тутаман, деб турсам, ўрнидан туриб қолди.

— Ҳа, опагинам?

— Обед.

Соатимга қарадим: ропша-роса бир!

Начора, бўшашиб буфетга тушдим. Лекин, томоғимдан на овқат ўтади, на чой! Бир стакан қаҳвани зўрға ютиб, яна бухгалтерияга чиқдим.

...Опагинам ҳужжатларни кўздан ўтказиб, қўлимга заявка бланкасини тутқазди.

— Тўлдилинг.

Тўлдириб узатдим. Энди иш битди, деб турсам, у:

— Ие, паспорт номерини ким қўяди? — деб қолди.

— Қўйиш осон, — дедим ручка олиб, — уни ёддан ҳам биламан: етти юз етмиш минг.

— Йўқ, йўқ, ёддан билишингиз керак эмас, опор йигит!.. Қани паспортингиз?

— Паспорт ётоқда қолган эди, мана, гувоҳномам ҳам бор...

— Гувоҳнома ўз йўлига, азизим.

— Наҳот менга ишонмасангиз?

— Сизга ишонамиз...

— Бўпти-да!

— Шошилманг, азизим, шошилманг. Сизга ишонамиз, қачонки, ўша паспорт номлик дафтарча сизнинг сиз эканлигингизни тасдиқласа.

Сафсата билан иш чиқаролмаслигимга қўзим етиб, кўчага чиқдим. Машинадан-машинага ўтиб, кетиб боряпман. Қани, бу машиналар тезроқ юрса! Терлаб-пишиб етиб келдим. Қорин таталайди, бош зирқирайди.

— Мана! — дедим ҳансираб.

— Ҳа, бу — бошқа гап. Манг, ҳов анови аёлга олиб боринг.

«Ҳов анови аёл» узоқ чўт қоқиб, уч-тўртта белги қўйди.

— Манг, бош бухгалтерга кирилинг.

Бош бухгалтер бояқиш кеча қуюқроқ зиёфатда бўлган эканми, ҳозир келаман, деб махсус хона томонга ўтиб кетганича нақд ярим соатда ранглари бир ҳолатда кириб келди.

Ҳайрият, бухгалтерия машмашасидан қутулдим. Энди кассадан пулни олсам бас, ўйлайман суюниб. Соат энди тўрт бўлди, сўнгги рейсда жўнаб, тун билан ишлаб бўлса ҳамки, топшириқни ўз вақтида дўндирмасдан қўймайман. Ахир, бошқарманинг менга биринчи топшириғи!

Бироқ энди кассага бурилишим билан кассир, пул тамом, деди-да, эшикчасини «тақ» этиб ёпди-қўйди.

Югуриб бориб эшикчани чертдим.

— Командировкага кетатурувдим. Бир илож қилиб...

— Қандай? — кассир эшикчани очиб алақандай кулди. — Пул фабрикама бўлса эканки, тап-тап босиб бера қолсам.

Кўзим тиниб, бутун вужудим бўшашиб кетди...

Зўрға-зўрға қадам босиб, бошлиқнинг олдига кирдим. Жумаев мени кўриб илжайди.

— Ҳа, тузук-тузук! Уч кунлик ишни икки кунда...

Унинг олдига боргани дармоним етмади, ўзимни гурс этиб диванга ташладим. Жумаев тепамга келди.

— Ҳа, Юсуфжон, нима гап? Бориб келдингизми?

Азбаройи чарчаганимдан «ҳа» дегулик ҳолим йўқ эди. Анчагача жим ётдим. Сўнг бирдан қалтироқ тутиб, қаердан куч пайдо бўлди, билмайман, дик этиб ўрнимдан туриб кетдим.

— Ҳа, бориб келдим! — дедим Жумаевнинг кўзларига кўзларимни қадаб. — Икки-уч докладни обод қилгулик факт ҳам олиб келдим. Лекин уни мажлисга фақат ўзим олиб чиқаман!!!

## ИШЛАР ЖОЙИДА

Район газетаси редакциясидан халқ маорифи бўлимига текшириш учун хат келди. Хатда гап қирқинчи саккиз йиллик мактабдаги нуқсонлар хусусида борарди. Бўлим мудирни уни ўқиб, тепа сочи тикка бўлди. Зудлик билан қирқинчи мактаб директори Меҳмоновни чақиртирди.

— Биз сизни кекса педагог, устоз ташкилотчи сифатида танир эдик, лафзингизга ишонардик. Ишонган тоғда кийик ётмас деганларидек, бу... Ишни расво қилиб қўйибсиз-ку!

Мудир директорни шу сўзлар билан қарши олди. Меҳмонов оғиз ва кўзларини катта очиб, бир он анграйиб қолди. Сўнг мудирнинг буйруғи билан диваннинг бир чеккасига омонатгина чўнқайди.

— Хўш, хўш?

Мудир эшикни зичлаб ёпди-да, жойига келиб ўтирди.

— Бутун бошли мактабни, салкам уч юзта ёш авлод тақдирини икки қўллаб топшириб қўйган бўлсагу, сиз... Чет мактабга чиқиб олдим, иш вақтида шахмат сураманми, тўр судраб кўлда юраманми — ҳеч ким билмайди, деб ўйлагансиз-да, а?

Меҳмонов бетоқат тебранди.

— Йўғ-е, — деди аллақандай илжайиб. — Ҳазиллашяпсизми? Наҳотки!..

— Ҳазиллашяпман! — мудир шартта хатни олди-да, у ер-бу еридан юлқиб-юлқиб жаҳл билан ўқий кетди. — «Меҳмонов шахматдан бўшаса, овга шўнғийди!.. Бу борада тиш ёрсак, жиззакилик қилади.. Таълим-тарбия сифати паст!.. Кўп дарслар кўрғазмали қуролсиз ўтилади!.. Баҳолар ошириб қўйилади!.. Мактабда санитария-гигиена деган гап йўқ...» ва ҳоказо, ва ҳоказо. Хўш, ҳазил дейсизми буларни ҳам?!

Меҳмоновнинг ранги қув ўчди.

— Ҳи-ий! — деди дамани ичига тортиб ва ёқасини тутган ҳолда ўрнидан турди. — Вой, қурғурлар-эй, вой шоввозлар-эй!.. Ким ёзибди буни?

— Редакция калласини егани йўқ, авторини айтгани! — Мудир хатни шалп этказиб столга ташлади. — Хўш, ҳазил дейсизми буларни?!

Меҳмонов бирпас жавдираб турди-да, бўшашиб диванга чўқди. Сўнг хаста товушда ўпкalandи:

— Нима десангиз ўзингиз биласиз. Дунёда нима кўп, ифвогар кўп. Сендек эски, сендек жафокаш маорифчидан шунақа ифвогарларнинг тўрт энлик қоғози инобатли десангиз ҳам ўзингиз биласиз, — деди мунгайиб ва салдан кейин қўшиб қўйди. — Аммо иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, албатта. Бу жиҳатини ҳам инкор этмаймиз.

Мудир дам Меҳмоновга, дам хатга тикилганича узоқ ўйланиб қолди. Сўнг:

— Ҳ-м, да! — деди ва ўрнидан туриб, у ён-бу ён юрди. — Да!.. Бўлиши мумкин. Лекин ифвоми, бошқами — текширамиз. Текширишга мажбурмиз ҳар бир сигнални! Аммо айтиб қўяй, шу гапларнинг лоақал биттаси тўғри чиққан тақдирда ҳам сиз билан келиша олмаймиз, билиб қўйинг!

— Майли, майли, текшириб кўринглар, — Меҳмонов қўлини кўксига қўйди. — Бажонидил. Планларингдаям бор эди ўзи текшириш...

— Ҳа, бор, — мудир девордаги ойнаванд рамкага боқди. — Бор. График бўйича сизнинг мактабингизни

хў-ўш... тўртинчи апрелда текширишимиз лозим экан. Бироқ бу муддат узок. Шуни, масалан, қирқ биринчи мактабнинг ўрнига — учинчи мартга кўчиришга тўғри келади. Бошқа илож йўқ. Қирқ биринчи мактабни текширишни эса, тўртинчи апрелга кўчираемиз. Индинга учми? Ҳа, демак, шу куни эрталаб соат роппароса саккиз яримда мактабингизда бўлади комиссия. Ҳақиқий аҳволни кўриб таҳлил қилиб келади. Кутинг.

Меҳмонов андак эътироз билдирди.

— Майли-ку, аммо ҳар бир мактаб ўз навбатида текширилгани маъқулроқ бўлмасмикин? — деди. — Яъни, график бўйича...

— Тушунмайсиз-ов, Аҳмаджон ака, — деди бўғилиб мудир. — Графикни бузишга биз ҳам ишқивоз эмасмиз. Лекин нима қилайлик, бу материал редакциядан келган ахир!..

Меҳмонов дарров мактабга қайтиб, ўқитувчиларни тўплади, нохуш хабарни баён этди:

— Қимматли ўртоқлар, — деди синиқ товушда. — Ҳаммамизга маълумки, комиссия бизга тўртинчи апрелда келиши керак эди. Шу туфайли, яширмоқдан ҳожат нима, кутиб олишга тайёргарликни бошлаганимизча йўқ. Бахтга қарши график ўзгариб, энди учинчи мартда келадиган бўлиб қолди. Азиз дўстлар, ихтиёри-мизда фақат икки кун бор, қиладиган ишимиз эса, жуда-жуда кўп!.. Майли, буларни ҳали бафуржа гаплашармиз, ҳозир, синфларга кириб дарров ўқувчилар мажлиси ўтказинглар, зарур ишларни пухта-пишиқ гаплашиб олинглар, ҳа, шундоқ бўлсин, азиз дўстлар, бунақа иш ҳар замонда бир бўлади. Дарсдан кейин яна шу ерга йиғилинглар, маслаҳатлашиб, вазифаларни тақсимлаб оламиз.

Тақсимотда қўшни мактаблардан омонатга учта фан кабинетини жиҳозлашга лойиқ кўرғазмали қурол ва ўқув ашёлари топиб келиш Меҳмоновнинг зиммасига тушди.

Коллектив енг шимариб ишга ёпишди. Меҳмонов эса колхоздан машина сўраб олиб, қирқ биринчи мактабга жўнади...

Беш кишидан иборат комиссия белгиланган муддатнинг ўзида етиб келди. Ҳаммаёқ тоза, саранжом-сариништа эди. Мактаб биноси пештоқида «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!» сўзлари ёзилган тўқ қизил алвон майин ҳилпирайди. Коридор чиннидек ялтирайди. Деворлар ранг-баранг қоғозлар билан яшнаб турибди.



Қовоқ-димоғи осилиб келган комиссия аъзоларининг чеҳраси очилди, лабида табассум пайдо бўлди.

Текшириш тушгача давом этди. Хатдаги фактларнинг ҳаммаси бирма-бир текширишдан ўтказилди. Ҳақиқий аҳвол моддама-модда дафтарга қайд қилинди:

1. Мактаб директори фақат таълим-тарбия иши билан машғул. Яъни текшириш куни у шахмат ҳам ўйнамади, овга ҳам бормади.

2. Мактабда намунали жиҳозланган учта фан кабинети мавжуд бўлиб, улар таълим-тарбия савиясини юксак даражага кўтариш учун хизмат қилмоқда.

3. Кўргазмали қуроллар, ўқув ашёлари беҳисоб кўп ва улардан самарали фойдаланилмоқда.

.....  
19. Хуллас, мактабнинг ишчан педагогик коллективи, айрим камчиликлардан қатъий назар, жонкуяр педагог ва ажойиб ташкилотчи Аҳмаджон Меҳмонович Меҳмонов раҳбарлигида барча вазифаларни шараф билан адо этмоқда.

Комиссия аъзоларининг мазкур мактабга келиб, ниҳоятда хурсанд бўлганлиги яна шунда кўриндики, улар Меҳмоновни илғор коллективнинг фахрий вакили сифатида иззат-икром билан маориф бўлимига олиб кетишди.

Комиссия етиб келиши ҳамона мудир хавотирланиб сўради.

— Хўш, қалай экан ишлар?

Комиссия раиси бош бармоғини кўрсатди.

— Воҳ! — деди у ва мудир номига ёзилган рапортни узатди... — Биз юраверган эканмиз, шу атрофдаги беш-ўнта мактабни мақтаб!..

Мудир рапортни ўқиб, жуда яйраб кетди.

— Раҳмат, Аҳмаджон Меҳмонович, — деди директорнинг елкасига қоқиб. — Раҳмат! У куни аччиқ устида ҳалиги... Кечирасиз... Хизматларингизни унутмаймиз.

— Йўғ-е, — деди Меҳмонов ва қизариб ерга қаради. — Арзимайди...

— Камтарлик ҳам эви билан, ўртоқ Меҳмонов, — хафа бўлди мудир. — Жуда унақа...

— Шухратни унча хуш кўрмайдилар-да, Аҳмаджон акам, — кулди инспектор Меҳмоновнинг орқасига шапатилаб. — Оббо, сиз-эй!

Шодиёна ҳарорати ичида дарҳол ишнинг хотимасига киришилди. Яъни «фактлар тасдиқланмади, қир-

қинчи мактабда ишлар жойида» мазмунида жавоб ёзиб, редакцияга йўлланди. Кейин қирқинчи мактаб педагогик коллективига ёзма равишда ташаккур эълон қилинди.

Мудир буйруқ остига имзо чекиб узатаркан:

— Табриклайман, азизим, — деди Меҳмоновнинг қўлини қаттиқ қисиб. — Манг, тезроқ бориб коллективни суюнтиринг. Илҳақ бўлиб ўтиришгандир, азаматлар!..

Меҳмонов буйруқни кўтариб мактабга етиб келганда, хушxabарни эшитиб суюниши керак бўлган коллективдан асар ҳам йўқ, фақат қирқ биринчи мактабнинг илмий бўлим мудури билан хўжалик мудури ўз омонатларини автомашинага юклашмоқда эди.

## Ж А З О

РайПО раисининг кабинетида ошхона буфетчиси Тошмаматнинг ахлоқи муҳокама қилинарди. Тошмамат эшикка қапишиб жим ўтирар, ошхона мудури унга дам-бадам ола қараб ўтириб сўзларди.

— Тошмаматнинг кўмирхонада оғзида колбасаси билан учиб қолиши масаласига келганда шуни айтиш керакки, Тошмаматнинг бу қилмиши савдо ходимига бутунлай ёт хулқдир. Ёт хулққина эмас, жиноят, ўтакетган жиноятдир. Шунинг учун уни қаттиқ жазолашни таклиф этаман...

Мудир «тўғри, тўғри» деган хитоблар остида жойига ўтирди. РайПО раиси «воқеа равшан, масала ҳал» деган қарорга келиб, муҳокамага энди яқун ясамоқчи бўлиб турган эди, экспедитор қўл кўтариб қолди.

— Тошмаматнинг ярамас хатти-ҳаракатлари борасида анчагина тўғри фикрлар айтилди, — деб гап бошлади у. — Унинг кўп ичиши, ароққа сув қўшиб сотиши, пиводан бир хўплам-ярим хўплам чилпиб қолиши рост, албатта. Буни ҳеч қайсимиз инкор этолмаймиз. Аммо бир кишининг тақдири ҳал қилинаётган масалага бу тариқа юзаки ёндашиш унчалик тўғри бўлмаса керак дейман.

Ўтирганлар аста қимирлаб кўйишди. Экспедитор даврага бир кўз ташлаб олиб, сўзида давом этди.

— Аввало, Тошмамат ичган бўлса, ишидан кейин ичган, ўзиникини ичган. Қолаверса, кўмирхонада учиб

қоладими, остонага бели тарози бўлиб ётиб қоладими— бунинг ихтиёри ҳар бир ичувчининг ўзида. Чунки...

Экспедитор шу ерга келганда, касаба раиси, тўсатдан тўлиб кетди чоғи, сўз ҳам сўрамай сапчиб ўрнидан турди.

— Мен бу томонларини бошда ўйламаган эканман, — деди у ўзини босишга тиришиб. — Чиндан ҳам арзимас нуқсонни учун туппа-тузук одамни жарга юмалатиб юбориш адолатданми?.. Қани бу ерда инсоф, қани одамгарчилик, қани инсонпарварлик! Тўғри, Тошмамат баъзан чакки йўлга кирыпти. Лекин оғиримизни енгил қиляптими? Албатта қиляпти! Шундоқ экан, коллектив шафқатидан, меҳри ва рағбатидан нечук баҳраманда бўлолмайди у нечук?!

Мажлис руҳидаги жиддият сўниб, бир зум муаллақ ҳолда тек туриб қолди. Сўнг бирдан галаёнга келиб, ўнгарилиб олди.

— Ҳа-я, — дер эди барчанинг дили, — нега Тошмамат ижтимоий имтиёздан бебаҳра қоларкан?! Ахир, у нима бўлса ҳамки, душман эмас, ўзимизнинг одамку!..

Местком раиси ғамхўрлик, инсонпарварлик ҳақида қанақа китоблар чиққани, кимлар нима дегани тўғриларида узоқ сўзлаб келиб, гапни яна Тошмамат масаласига тақади.

— Тошмаматнинг дуруст томони борми? Бор, қидирилса, албатта топилади. Айниқса, унинг ўз вазифасига муҳаббат қўйиб, буфетда эртадан-кечгача типпачик туриши... Бу — етиб борган фидокорлик, ўртоқлар. Фидокорлик нимаси, қаҳрамонлик.

Бу гапни эшитиб, ҳамма беихтиёр ўрнидан туриб кетди. «Қаҳрамон» эса, қўрқинчли туш кўраётиб бирдан уйғониб кетгандек, теваракка жавдиради...

Дилсиёҳлик билан бошланган мажлис шодиёнага айланиб, ёпилмасдан бузилиб кетаётган эди, бухгалтер:

— Ҳой, оғайнилар, — деб қолди тўсатдан. — Илғор ходимимизнинг хизматларини хўп мақтасағу, лекин муносиб тақдирламасак!.. Бу қандоқ гап?

Мажлис аҳли, э, ҳа, рост айтади, буёғи эсдан чиқибди-ку, дегандек бўйни, пешонасини қашиб қайта ўтирди. Кимдир:

— Тошмамат — ташаккурга лойиқ! — деган эди, қарсак бўлиб кетди. Раисига буюрди:

— Шунақа деб дарров келиштириб ёзинг.

Секретарь қоғоз тополмай, олдиндан тайёрлаб қўйилган «Тошмаматни бетўхтов ишдан олиб ташлансин» мазмунидаги қарор лойиҳаси ёзилган қоғоз орқасига шоша-пиша чизиб, раисга узатди. Раис бир томоқ қириб олиб тантана билан ўқиди.

«РайПО раҳбарларининг фавқулодда йиғилиши қарор қилади:

Тошмамат Эшматовнинг ғоят зўр хизматларини тақдирлаб, унга ташаккур эълон қилинсин».

Ҳамма Тошмаматни муборақбад қилиш учун ошиқарди. Тошмамат эса, қарсақбозликдан сўнг жуфтакни ростлаб қолган ва бу пайт шу ташвишдан ҳам эсон-омон қутулиб олгани шукронасига «икки юз»ни босиб, буфетига колбаса чайнаб ўтирарди.

### АҚЛИМ КИРЯПТИ

Йигит бўлиб Янги йилни мундоқ вақтида кутиб олганимни билмайман. Доимо Янги йил мени кутиб олади. Шу туфайли ҳар биринчи январь куни уйда, албатта, бир дилсиёҳлик бўлади. Пешинда хотиним аччиқ маставани қўлимга тутқазиб «дийдиё»сини бошлайди.

— Сизга сира ақл кирмади, кирмади!..

— Ҳа, нима бўпти? Кутмасам ҳам ўзи кепти-ю, Янги йил, — сўзини бўламан чайналиб туриб. — Эндиги меҳмондорчилик қисмини мана бизга қўйиб беринг.

Хотиним куюниб йиғлайди.

— Тўтихоннинг эрига ҳавасим келади, Маҳфиратойнинг зрига ҳавасим келади...

Тамом. Пальтони елкага ташлаб, кўчага чиқиб кетаман. Кечқурун яна «дийдиё»боп бўлиб кириб келаман...

Аммо бу сафар хотиним жуда заптига олиб юборди. Дўқ урди, ялинди, ёлворди... Нима қилдики, то Янги йил киргунча нафсимни «маҳкам жиловлаб» туришга қатъий ваъдамни олди.

Ваъдага вафо юзасидан каравотда чалқанча тушиб, тек ётибман. Дам-бадам соатга қарайман. Энди чорак кам етти. Эҳ-ҳе, ўн икки қайда-ю, мен қайда.

Хотиним менинг инсофга келганимга хурсанд, югуриб-елиб овқат тайёрлаяпти. Ҳар замон мендан маслаҳат сўраб кўяди.

— Чучваранинг хаамири қаттиқроқ бўлсинми, юмшоқроқ?

— Менга барибир, — дейман энсам қотиб.

— Вой, анавини, — дейди хотиним ўпқаланиб ва қовоғимни очиш мақсадида харид қилган нарсаларини мақтайди. — Продамга копчонний балиқ келган экан, ундан ҳам бир кило олдим.

Мен миқ этмайман.

— Мана бунақа «хамённинг заволи»дан ҳам олиб келдим, — деди сўнг бир шиша коньякни кўз-кўз қилиб.

Мен «ҳм» деб беихтиёр ўрнимдан турмоқчи бўлдим-у, яна ўзимни босдим.

— Сиз бир чимдим ухлаб олинг, тўққизда уйғотаман.

Хотиним шундай деди-да, коньякни шкафга қулфлаб чиқиб кетди.

— Вой, нодон-эй, — ўйлайман ўзимча. — «Хамённинг заволи» эмиш, жиндай тотиб кўрсанг биласан-да, заволнинг нималигини!..

Аммо бир ҳисобда завол деганича ҳам бор бу ароқ. Эр-хотин ойига уч юз қирқ сўм маош оламиз. «Волга»га атаб гараж қурганимга, мана, тўрт йил бўлди. Лекин пул орттириб, битта гайкасини ҳам ололганимиз йўқ-да, шу «Волга»нинг. Уч юз қирқ сўм қаёққа кетяпти?

Ой сайин бир қоп-ярим қоп шиша сотиб турамиз, бунинг даромади қаёққа кетяпти? Томорқаники-чи?..

Олимлар ҳамма нарсани ўйлаб топишяпти-ю, шу ичкиликка қолганда андак ҳафсаласизлик қилишяпти дейман-да. Қани энди шу роҳатижонни ҳам экадиган қилиб чиқаришса. Томорқага, бодрингнинг ёнига икки тахтагина коньяк экиб қўйсанг. Мартда гуллаб, апрелда хомакласа. Суғорилган саринг авж олиб, майга келганда бодринг палакнинг таги кўм-кўк бодрингга, коньяк палакнинг таги қип-қизил шишага тўлиб кетса. Ишдан қайтгач, мириқиб згат ораласанг. Коньякнинг битта банжидасини узиб чиқсанг-да, иккита қарсиллама бодринг билан отиб олсанг. Оҳ, оҳ, оҳ! Пўкагини қуритиб уруғликка олиб қўйсанг.

Наҳотки, шундай улуғ айём кунни соат капгирига тикилиб ўтказсанг, мулла Ўрин, — дедим ўзимга. — Йўқ, бу инсофдан эмас. Кўчага чиқ, «юзта», ҳа, фақат «юзта» отиб кел-да.

Бироқ кўчага чиқиб учун гўлароқ важ керак эди. Важни дарров топдим.

— Шампан ҳам олдингизми? — сўрадим ётган жойимдан қимирламай.

— Уруғи қуриб кетибди шампаннинг, — жавоб бўлди даҳлиздан. — Минерал сувдан тўрт шиша олдим, ўшанга коньяқдан пича-пича аралаштириб шампан қилиб ичармиз.

— Ие, вой шампансиз Янги йил кутиб бўладими? — дедим ўрнимдан туриб ва даҳлизга чиқдим. — Ахир, Тошкент соати «Бонг, бонг, бонг!» қилганда шампаннинг пўкаги қандилга бориб урилмаса... ўзингиз уйланг... Ҳалиги коньягингизнинг пўкаги бўлса бир қарич сакрашга ҳам қуввати етмайди.

— Во-ой, буёғини ўйламабман-ку мен...

Хотинимнинг ён берганидан мадад олиб, шартта кийиндим-да, кўча томон йўналдим.

Стакан оғзимга тегди дегунча, этагини кутиб қоладиган одатим бор. Буни хотиним кўп яхши билади. Шу боисдан, шампан қидириб юриб, мабодо бирор юз граммга меҳрибончилик қилиб қўйишимдан чўчиди чоғи, орқамдан кенжамни йўллади.

— Бор, Шокир, сен ҳам. Ўйнаб келарсан.

Ичимдан «оббо муғамбир-эй», дедим-да, чаккани қашиб кўчага чиқдим. Шокир «агент»им назоратида ҳамма магазинларга кирдим, суриштирдим. Шампан зоти йўқ. Ресторанга кирдим — йўқ, складдан топишим мумкин эмиш.

Бир йигит буфет олдида тикка туриб олиб роса «тортяпти». Кўзим куйди. Қани, энди манави «агент» бўлмаса шу топда. «Агент»га йўл қилдим.

— Ҳу, катта ака, лимонадингиздан бир стакан қуйворинг, — дедим буфетчига кўз қисиб. — Жуда чанқаб кетдим.

Буфетчи халқи жуда зор бўлади-да. Дарров стакани липиллатиб вино узатди. Уни бир кўтаришда ютдим-да, папирос тутатиб чиқиб кетавердим. Оёғим ҳийла енгил бўлиб қолди. Югура-югура битта шампан топдим. Тоқ бўлмасин, деб ёнига битта коньяк ҳам қўшиб олдим Шокирга билдирмай.

Уйга қайтдик. Коньякни омборхонага яшириб қўйдим. Хотиним менинг кўчада алаҳсиб қолиб кетмай эсон-омон қайтганимга, яъни ақлим кираётганига беҳад қувониб кетди. Анчагача чақчақлашиб ўтирдик. Аммо соат ўнларга борганда кўнгил бирдан омборхонага киришни қўмсаб қолди. Пиёлани чўнтакка уриб, аста кириб кетдим.

Бу коньяк жонивор беҳи билан шунақа текис кет-  
ворарканки, бирпасда уч пиёласини шимириб ташлаб-  
ман. Шишанинг оғзини беркитиб «энди чиқай хоним-  
нинг олдига», деб қўзғалган эдим, кўнгил яна битта  
тилаб қолди. Тағин яшикка ўтирдим. Кейин нима бўл-  
ди-билмайман.

Уйғонсам, омборхонада яшикнинг орқасида ётиб-  
ман. Қуёш энди тиккага келипти.

Қисқаси, ақлим кирапти. Бора-бора тузалиб кета-  
диганга ўхшайман. Негаки, бу Янги йилни бултурги-  
дан анча эрта, яъни пешинда эмас, чошгоҳда кутиб  
олдим.

«ПИНХОНА ЖАНГ ҚИССАСИ» (1970 ЙИЛ)  
КИТОБИДАН

АЖИБ САВДО

Соливой билан Шерматвой тенгдош, иккови ҳам уч кам эликда. Бироқ касб-кор ва феъл-атворларида «кичкина» фарқ бор. Соливой — мироб, Шерматвой — сартарош. Соливой ғунда, қоп-қора. Шерматвой бўлса, тасма, бўйни ингичка. Соливой негадир чап кўзини сал юмиб юради. Шерматвой ўнг кўзини. Соливойни ҳазилкашлар «Қори» деб аташади, Шерматвойни эса, мулла Шерматво-ю, соҳибқирон, дейишади. Соливой бир оз кўрс, тўнгроқ, Шерматвой андак қайсар, биркесарроқ. Шерматвой магазинга кирса, ароққа қасддан қарамай ўтади. Соливой бўлса, узоқ-узоқ туриб қолади.

Бир куни Соливой Шерматвойнинг эшигини қоқди.

— Хўш? — деди уста ўнг кўзини қисган ҳолда остонада пайдо бўлиб.

— Соч-соқолни дарров қиртишлаб ташла, — мироб чап кўзини қисиб бурчакқараш қилди. — Шаҳарга тўйга кетатурувдик... Бир отамлашиб...

Устанинг юмуқ кўзи шиддат билан очилиб кетди.

— Тўйга?! — деди у бир елкасини чиқариб. — Шу пайтда, шу йиғим-терим қизгин паллада-я?!.

Мироб елкасини қисди.

— Шу... энди... жуда нозик жой эди-да! Бўлмаса-ю...

— Саёқ, чала маст каллаларнинг очирити — тунда, — Шерматвой кўзини юмди. — Кундузги очирит даланики, билдинг?!

— Ке, кўй, очирит-почиритингни! Вақт зиқ.

Шерматвой «гап битта» деб эшикни ёпаётганди, Соливой лип этиб ичкарига ўтиб олди-да, йўлини тўсди. У: «Ҳой, қийшиқ! Агар тўйга боролмай қолсам...» деб энди дўққа ўтаётган эди, уста гапни чўрт кесди.

— Тўй-пўйингни билмайман, рас очирит-очирит! — деди икки кўлини ҳавода ўйнатиб.



Икковлон бир-бирига хезланди. Мироб чап кўзини, сартарош ўнг кўзини қайта-қайта очиб юмди. Сўнгра иккала кўз ҳам ярим юмуғича, очиқ кўзлар эса, бир-бирига тикилганича анча туриб қолди. Ниҳоят, Шерматвой юмшади, билинар-билинемас илжайиб, кўчага имо қилди.

— Юр, бўлмаса.

Шерматвой Соливойни йўл ёқасидаги тўнкага ўтқизиб, бўйнига лунги ёзди. Сўнг сочига чала-чулпа кўпик суртиб устара солиб юборди. Устаранинг биринчи юришидаёқ мироб бир қарич кўтарилиб кетди.

— Ҳа, Қори? — сўради Шермат.

— Ҳеч нарса, — Қори жойига қайта ўтирди.

Шерматвой яна устара солди. Лекин устара сочни кесмас, гўё тамлаб-тутамлаб юларди. Соливой ўзини зўр билан пастга қадаб жим ўтирар, фақат устара ҳар қиртиллаганда тишлари орасидан ҳаво сўриб, «ҳисс-ҳисс» деб кўярди. Бироқ устанинг аксланиб қолишидан кўрқиб, чурқ этмасди. Йўқ, ахири бўлмади, соч яримлай деганда:

— Қайроққа уриб олсанг ўласанми, ўша исқотингни?! — деб қичқириб юборди.

— Яхши кесмаяптими? — сўради сартарош кулимираб. — Ҳм. Соч қуриб қолди чоғи. Ҳозир...

У шундай деди-да, Солининг бошига тағин кўпик чаплаб чиқди. Ивиб турсин, деб юз-кўзларини, иягини, бўйнини ҳам қалин қилиб сувади. Улкан бош худди майин унга тиқиб олингандек беўхшов оқ шар тусига кирди. Буни Қори сезиб, нечоғлик гижиниб ўтирса-да, ноилож вазабини ичига ютди.

Сўнг Шермат Солининг атрофида бирпас ивирсиб турди-да, «дўп-дўп» юриб ҳовлига кириб кетди. Яна чиқди. Кейин бирдан зим бўлди-қолди. Соли юз-бошига қатиқ суртилган боладай мўлтайиб ўтирипти... Қани энди уста келса!

Миробнинг тоқати тоқ бўлди. Икки ёнига қараб: «Шерматвой, Шерматвой», деди секин. Жимжит. У жаҳл билан орқага қайриди.

— Шермат! Ҳо, Шермат! — бақирди вазабдан титраб.

Ичкаридан «Ҳув-в!» деган аёл товуши эшитилди.

— Шермат қани, Шермат?! —

— Асбобларини олиб, янгитда чиқиб кетди-ку! Кўрмадингизми йўлда?

— Нима?! — Соли сапчиб ўрнидан туриб кетди. — Қаёққа?!

— Олтинчининг шийпонига бўлса керак.

Соли аламдан дод деб юбора ёзди.

— Нега кетади?! — ер тепиниб бақирди у. — Ахир!..

— Нима ишингиз бор эди?

Кампир шундай дея эшикни очди-ю, кўрқиб кетди. Саватдай оппоқ бош офтобда ярқирар, калла соҳиби эса, лунгини икки билагида тутиб, кўзини чирт юмганича эшикка боқиб турарди.

Кампир Солини аввал таниёлмади, кейин башарасига синчиклаб қараб: «Солимисан? Вой, шўри-им!» — деди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди...

Айтишларича, ўша куни Солиной ҳаво хумдондек қайноқ бўлишига қарамай, қулоқчин телпак кийиб теримга чиққанмиш. Сўраганларга олдин қулоғим офрияпти деганмиш. Одамлар ҳадеб кавлаштиравергач эса, «Ажиб савдо тушди менинг бошимга»ни ванг қўйиб илжайганича пайкалга шўнғиб кетганмиш.

### «КЎЧИРИБ» КЕЛДИ

Шундай гап бор: оилада ўғил кўп бўлса, отанинг меҳри шу ўғиллар ўртасида тақсимланиб кетармиш. Раҳимжон эса ёлғиз ўғил. Шу боисдан бўлса керак, Карим полвоннинг Раҳимжонга бўлган меҳри бир олам.

Шу меҳр туфайли оилада Раҳимжоннинг айтгани айтган, дегани деган. Шу меҳр туфайли Раҳимжоннинг билагида кумуш соат, эгнида шойи, мовут либос, қирс этиб ёпиладиган ҳамёнчаси тўла танга-чақа.

Карим полвон тўғон бошига боргундай бўлса, хуржуннинг икки кўзини қовун-тарвуз ва анвойи меваларга тўлдириб келади. Отдан тушган ҳамоно Раҳимжонни чақиради.

— Раҳим полвон, қаёқдасиз?

— Отам! Отам келди!..

Раҳимжон шод қийқирганича бостирма томонга чопади. Отасининг бўйнига осилади. Хуржунга ёпишади. Кейин отга миниб, соатлаб «чавондозлик» қилиб ўтиради.

Карим полвон бир қоп семиради.

Карим полвон бутун ҳам хуржунини тўлғазиб келди.

— Раҳим полвон, қаёқдасиз?

Раҳим «полвон» бу гал негадир югуриб келмади. У айвон устунига суюнганча «ҳиқ-ҳиқ» йиғлаб турар, ойиси Инобат опа эса арқонга илинган кигизни сурпурги билан «тўп-тўп» уриб чангитар, куюниб жаврарди.

«Полвон» кўзи жиққа ёш, отасига бир қараб олди-да, ўзини ерга ташлаб, баралла ҳўнграб юборди.

— Ҳа, нима гап? — Карим полвон дарҳол етиб келиб, Раҳимжонни қўлига олди ва юз-кўзидан ўпди. — Ҳа, нима бўлди, тойчоғим?

Раҳимжон баттар йиғлар ва оёқ-қўлини тинмай питирлатиб ерга тушишга интилар эди.

Карим полвоннинг жаҳли чиқди, кўзлари ўқрайиб, хотинига тикилди.

— Ҳа?! Мен йўғимда болани...

— Ҳа, болангизни урдим! — деди Инобат опа кигиз қоқишдан тўхтаб. — Урдим болангизни!

— Урдим?! Нега?!

Инобат опа кўзига ёш олди.

— Катта мактабларда ўқиб олим бўладиган болангиз шу бўлса!.. деди-да, кигизни жон-жаҳди билан савалай кетди. — Ҳаммаси сиздан! Сиз болани бало қилдингиз!

Карим полвоннинг зардаси қайнади.

— Нима гап ўзи? — деди. — Очирқоқ айтсанг-чи!

— Арзандангиз яшириб юрган экан кўчмаганини! Тўртинчида қолиб кетган экан. Ҳали мактабга борса, ўзидан кичик болаларнинг ичига қўшиб қўйишипти. Йиғлаб келди.

— Шунақами?! — Карим полвон қўлидаги Раҳимжонга тикилди ва ундан жавоб кутмай яна хотинига қаради. — Ким кўчирмапти?

— Ким бўларди, ўқитувчиси-да. Ортиқ опаси.

— Қайси Ортиқ?.. Э, ҳў бирдаги мижғовми, қулоғида нўҳатдек ортиғи бор хотин?

— Ҳа, ўша «мижғов». Бечора шунча келди, Раҳимжонни деб шунча жон куйдирди... Сиз!.. Мана оқибат!..

Карим полвон тутаб кетди. Наҳотки, кимсан Карим полвоннинг яккаю ягона ўғли синфдан-синфга кўчмай қолса! Ўзидан бир қарич паст бўйли болаларнинг ичиде сўшпайиб ўтирса! Қишлоққа оби ҳаёт етаклаб келувчи миробнинг ўғли-я! О-о!.. Бу муаллимлар сувни симириб ичишни биларкан-у, уни олиб келган кишининг ҳурматини қилмас экан-да!

Карим полвон Раҳимжонни «дўп» этказиб ерга қўйди.

— Қани китобинг? — деди ўғлига ўшқириб.

Раҳимжон отасини ҳеч қачон бу алфозда кўрмаган эди, дарров йиғидан тўхтади. Югурганича уйга кириб, жилдини олиб чиқди.

— Юр, — деди Карим полвон Раҳимжоннинг қўлидан тутиб. — Сени кўчирмайдиганлар билан бир гаплашиб қўяй!..

— Ўрнига келмайди энди бориб жанжаллашганингиз билан ҳам, — зорланди Инобат. — Ундан кўра...

— Э, сен нимани биласан уйда ўтириб, нонини егандан кейин кўчиради-да!

Инобат опа ҳарчанд қаршилик қилса ҳам Карим полвон шахдидан қайтмади. Ҳовлини бошига кўтариб баттар бақириб берди. Сўнг Раҳимжонни диконглатганича мактабга жўнади.

Мактабда дарс кетаётган экан. Ҳовлида ҳеч ким кўринмасди.

— Қаерда ўқишади бултурги ўртоқларинг? — сўради полвон коридор бўйлаб гурс-гурс юриб.

Раҳимжон тепасига «5-синф» деб ёзилган эшикни кўрсатди. Полвон эшикнинг қабзасидан ушлаб шартта тортди. Орқа партада ўтирган болалар дув этиб унга қарашди. Раҳимжон отасининг панасига ўтди.

— Қани домлаларинг? — сўради полвон болалардан.

Болалар жавоб беришга улгурмай, синфдан нота-ниш бир жувон шошиб чиқди ва эшикни ёпди.

— Хўш, хизмат? — деди.

— Сизми муаллим? — сўради полвон фикриниб ва орқасидаги Раҳимжонни тутди-да, силтаб олдинга ўтказди. — Нега бунга кўчирмадиларинг?!

Жувоннинг ранги оқарди, лаблари пирпираб, нимадир демоқчи бўлди. Лекин деёлмади. Полвон авжига минди.

— Шунча бола сиққан уйга бизнинг полвон, Раҳимжон сирмай қолибди-да, а? — деди. — Ана гапу!.. Очинг эшикни яхшиликчасига. Раҳимжон менинг ўғлим бўладиган бўлса, шу ерда ўқийди, тенгқурлари билан ўқийди.

Жувон тўсатдан қилинган дағдағадан кўрқиб кетдими ёки вақтни қизганиб, бу борадаги барча гапини кейинга қолдиришни маъқул кўрдими, бир сўз демади. Аста эшикни очиб, ўзини ичкарига олди.

Карим полвон Раҳимжонни ичкарига йўллади.

— Нега анграйиб турибсан, кирмайсанми?!

Раҳимжон кириб, партадан жой олгач, полвон эшикни ёпди. Сўнг хотинини тезроқ суюнтириш учун уйига шошилди.

— Кўчириб келдим, — деди у илжайиб Инобат опага. — Шутина гап экану, сен бўлсанг йиғлаб юрибсан.

Аммо Инобат опа эрининг «уддабурон»лигига қойил қолиш, Раҳимжоннинг «синфдан-синфга кўчгани»га хурсанд бўлиш ўрнига «негадир» яна йиғлаб юборди.

### «ТИНИҚ КЎЗГУ»ЛАР

Тўртинчи ўрта мактаб директори Инобат опа Шокирова собиқ талабаларидан еттигасини институтга ўқишга олиб борди. Уларга институт боғини, ўқув ва ётоқ биноларини кўрсатди.

Ёшлар мамнун эдилар. Бироқ сал ўтмай бу кайфият юзига ғубор қўнди. Яъни ҳужжат қабул қилувчи жувон уларнинг ҳужжатларидан йирик қусур топди.

— Ия! — деди у қоғозларни кўраркан. — Мактаб характеристикаси қани?

— Шуниси эсимиздан чиқибди, — хотиржам жавоб қилди Инобат опа. — Бўлаверар-ку? Ёки шартми?

Жувоннинг лаблари қалтиради.

— Шартми деганингиз нимаси?! Характеристика бўлмаса мутлақо қабул қилинмайди ҳужжат, — деди у олдида турган делоларни нари суриб ва бошқа бир қизга мурожаат этди. — Қани сизники... Опа стулга ўтириб олиб, астойдил ялинди.

— Ҳозирча ҳужжатларимизнинг борини олиб қолатурсангиз, синглим, узоқдан келганмиз, — деди. — Мактаб муҳри ҳам бор ёнимда. Лекин, афсуски, еттига характеристикани ёзиб чиққани улгурмайман ҳозир. Поезд кетиб қолади. Агар хўп десангиз, қишлоқда батафсил ёзиб, кейинроқ жўнатиб юборардим...

Жувон бошини чайқади.

— Иложим йўқ, — деди ишидан кўзини узмай. — Топшириқ шунақа!

Опа андак қизишди.

— Менга қаранг, — деди. — Аслида шу характеристика деганингиз нимага керак ўзи?

— Керак-да! — тез жавоб қилди жувон ёзишда

давом этиб. — Бу болаларингизнинг қанақа одам эканини қаёқдан биламиз? Эҳтимол, ўғридир, эҳтимол, безоридир.

— Йўғ-е! — Инобат опа беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Аччиқроқ гап айтиб юбормаслик учун тишларини тишларига қадаб бир он жим қолди. Сўнг: — Унақа санамай саккиз деманг, синглим, — деди. — Менинг болаларимнинг ҳаммаси одобли, ҳаммаси тарбия кўрган болалар!

Жувон бошини кўтарди. Олдин опага, кейин унинг атрофида алланечук бесаранжом бўлиб турган йигит-қизларга шубҳали назар ташлади. Сўнг:

— Пок, қордан оқдир, болаларингиз. Аммо бу ҳали оғзаки гап, опахон. Маълумки, оғзаки гапни делоба тикиб бўлмайди... — деди.

Инобат опа аттестатларнинг бир нечасини очди.

— Болаларнинг ахлоқи ҳақида расмий ҳужжат керакми сизга?! — деди ўқувчиларнинг ахлоқига қўйилган баҳоларни кўрсатиб. — Мана, «аъло», мана, «аъло»! Мана, мана!.. Кечагина мактаб партасидан чиққан болаларга шу характеристикалар ҳам етар дейман?!

Жувон ўрнидан турди.

— Сиз менга тушунмаяпсиз, — деди ўпкаланганнамо. — Ахлоқ бошқа, характер бошқа. Мен сиздан болаларингизнинг қандай одам эканини тасдиқлайдиган ҳужжат, яъни ёзма характеристика сўраяпман. Болаларингизнинг характерини тиниқ кўрсатадиган кўзгу сўраяпман...

— Шундайми?

— Шундай. Институт оғзаки гапларга ишоналмайди.

Опа делобарни шақ-шақ тахлаб қўлтиққа урди ва шогирдларига қаради.

— Қани, кетдик.

Инобат опа йигит-қизларни бўш аудиторияга бошлаб кирди. Бўр топиб доскага қарс-курс уриб ёзди:

#### «ХАРАКТЕРИСТИКА»

Тўртинчи ўрта мактабнинг битирувчиси ... .. интизомда, одобда ва меҳнатсеварликда барчага намунадир. У ўқувчилик даврида программа материалларини аъло даражада ўзлаштириш билан бирга жамоат ишларида ҳам актив қатнашди. Мактаб маъмурияти, жамоат ташкилотларининг топшириқларини ўз вақтида

бажарди. Ишонамизки... бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Мақтаб директори: *И. Шокирова.*

Секретари: *С. Камолов».*

Ёшлар кўп нуқталар ўрнини ўз исм-фамилиялари билан тўлдириб, текстни кўчиришди. Опа «кўзгу»ларга имзо чекиб муҳр босди. Сўнг делоларга тиркаб, қабул столига элтди.

Инобат опа ҳалиги жувон мазкур «кўзгу»ларга синчиклаб қараб: «Нима бало, болаларингиз заводдан чиққанми, нега ҳаммасининг характери бир хил?» деб хархаша қилса-я, деган ташвишда эди. Йўқ, хайрият, жувон ундоқ қилмади. «Кўзгу»ларга бирров боқиб чиқди-да, делоларни иштаҳа билан қабул қилиб олди. Охирида ҳатто:

— Иш деган мана бундай бўпти! — деб қўйди мамнун жилмайиб.

#### **«ВАҚТИДА КИРИБ, ВАҚТИДА ЧИҚДИНГИЗ»**

Ботир Тошевичнинг «Омборнинг кирим-чиқим ҳисоби» деган каттакон кўк дафтари бор. Шу дафтарни қўлтиқлаб ҳар куни иккита ўқитувчининг дарсига киради. Ҳа, айтмоқчи, у кишини ўқувчиларга таништирмабмиз-ку, узр.

Ботир Тошевич ғунда, оч сариқ одам. Ўзи кўп ўқишиши. У ҳатто, қачонлардир «Рабфак» номли ўқув юртини ҳам тамомлаган. Ўқитувчилар институтининг сиртқи бўлимида ҳам ўқиган. Лекин нечуқдир таҳсил поёнига етмаган.

Аммо гап унда эмас. Ҳамма гап Ботир Тошевичнинг мўмин-қобиллигию боодоблигида. Яъниким, йиғилишларга камида бир соат олдин етиб боради. Ёзув-чизув қорозларини РайОНОга ўз вақтида топширади... Бировнинг фикрига қарши чиқмайди. Масалан, бирон маорифчи раҳбар қорни қора, кўмирни оқ, дегандай бўлса ҳам заррача эътироз билдирмайди. Майингина жилмайиб, айни ҳақиқат, деб қўя қолади. Шу феъллари катталарга хуш келса керак, узоқ муддат раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ҳозир эса, мана, саккиз йиллик мактабда илмий бўлим мудири.

Ботир Тошевич ана шу мансаби муҳофазаси ва хизмат бурчи тақозосига кўра, ҳар куни иккита ўқитувчининг дарсига киради.

Аслида-ку, орқа партада мудраб, зерикиб ўтиришга сира-сира тоқати йўқ Ботир Тошевичнинг! Лекин киради, ўзини судрагандек қилиб бўлса ҳамки, обкиради синфга!

Ахир бир ойда эллик икки соат дарс таҳлил этмаса ва таҳлил дафтарини кўрсатмаса, иш табелини тасдиқлашмайди-да, инспекторлар! Ҳар қалай улар дафтарда нима ёзилган, нима дейилган — ўқиб ҳам ўтиришмайди, барака топкурлар. Лахтак-лахтак ёвузлар тепасидаги саноқларни санаб чиқиб, шартта тасдиқлаб юбораверишади иш табелини. Борди-ю, саноқлар сонни камроқ чиқса, яъни таҳлил нормаси тўлмаган бўлса, ана унда кўрасиз машмашани!..

Шу туфайли Ботир Тошевич доимо саноқларни кўпайтиришининг ғамини ейди. У ҳатто чойхўрлик қилиш онларини ҳам бекорга кетказмайди: жисмоний тарбия, меҳнат таълимига ўхшаган «майда-чуйда» дарсларни таҳлил қилиб ўтиради. Таҳлил баёни «чуқур ва мукамал» бўлади, албатта.

Бир соатлик жисмоний тарбия дарсининг таҳлили бу турур: «Ўқитувчи болаларни ҳовлига саф қилиб олиб чиқди. Аввал югуртирди, кейин сакратди. Сўнгра ўқувчиларга волейбол тўпини бериб, ўзи номаълум томонга ғойиб бўлди. Дарс айрим камчиликлардан қатъий назар, қониқарли ўтди».

Мана, Ботир Тошевич ҳозир ёш ўқитувчи Абдулаевнинг тарих дарсига кириб, кўк дафтарига қуйидагиларни қайд қилиб чиқди: «Ўртоқ Абдуллаев дарсга ўз вақтида кирди. Беш минут ичида ўқувчиларни йўқлама қилди. Ўн тўққиз минутда уй вазифасини сўради. Тўрт ўқувчини баҳолади. Қолган вақтда янги дарсни ўтиб, уни мустаҳкамлади ва уйга вазифа бериб улгурди.

Аммо ўқитувчи дарс жараёнида баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйди. Яъни уй вазифасини сўраш муддатини ҳисобга тўғри роппа-роса йигирма минутга етказиб қўя қолмади. Лекин булардан қатъий назар, дарс зўр муваффақият билан ўтди».

Ботир Тошевич кичик танаффусда Абдуллаевнинг ҳалиги дарсини дарҳол таҳлил қилиб берди.

— Хўш, деганингиздан билсак, — деди Ботир Тошевич кўк дафтарини очиб, — энг йирик ютурингиз



шундаки, дарсга ўз вақтида кирдингиз. Беш минут ичида йўқлама қилдингиз. Уй вазифасини ўн тўққиз минутда сўрадингиз. Аммо шу муддатни йигирма минутга чўзиб, ҳисобни тўғрилаб қўйишингиз жуда-жуда мумкин эди. Афсуски, бу ҳол кузатилмади! Бироқ, булардан қатъий назар, мазкур дарсингиз ниҳоятда оригинал, ниҳоятда самарали ўтди. Энг муҳим муваффақиятингиз шу бўлдики, синфга ўз вақтида кириб, ўз вақтида чиқдингиз.

...Шундай қилиб, тарих ўқитувчиси Абдуллаевнинг калласи илмий методик билимларга «лиқ тўлди».

### СОЧИНИ ҚАНАҚА ТАРАЙДИ?

Ўқитувчилар куни арафаси эди. Район газетасининг фотомухбири халқ маорифи бўлими мудирининг кабинетига ингичка мўйловли бир йигитни бошлаб кирди. Мўйловли йигит телестудиядан бўлиб, бу ерга келишидан мақсади илғор бир ўқитувчи ҳақида теле-репортаж тайёрлаш экан.

— Жуда соз, — деди мудир мамнун. — Хўш?

— Бизга ўз синфи ёки фани бўйича тўлиқ ўзлаштириш бераётган ўқитувчи керак, — деди фотомухбир. — Топилар шунақа ўқитувчи районда?

Мудир ҳузур қилиб илжайди.

— Топилади, уч юзтача бор...

— Уч юзта? Жуда кўп-ку, а? — деди репортёр ва бир он ўйлаб олди. — Шулар ичида энг сараси, яъни фақат «5» ва «4» баҳоларга ўқитаётгани борми?

— Бор. Ўн битта бор.

— Их-им, — репортёр икки лабини ямлаб яна ўйлаиб қолди, — нуқул «5» га ўқитаётганлари йўқми?

— Унақалари ҳам бор: иккита.

Репортёрга жон кирди.

— Яхши, — деди. — Шу иккитадан бирини танланг. Ўзи хотин-қизлардан бўлсин.

— Яхши. У ҳолда Анзират Солиевани оламин.

— Аммо, — таъкидлади репортёр, — педагогик стажи қирқ йилдан кам бўлмасин.

— Қирқ йил?! Бу Анзират опанинг стажи қирқ йилга етмайди-ку? — деди мудир. — Бор-йўғи ўттиз уч йил. Яхшиси, зраклардан бўла қолсин. Қорабоев домланики қирқ йилдан ҳам ортик.

— Йўқ, эракак керак эмас, — эътироз билдирди репортёр. — Майли, ўша Анзират деганингизни съёмка қила қоламиз бўлмаса. Иш стажи «қирқ йилга яқин» деб юборармиз.

— Шу ерга келсинми? — сўради мудир. — Ёки мактабига бора қоламизми?

Репортёр фотомухбирга қараб олиб жавоб қилди.

— Ҳар ҳолда аввал ўзи билан учрашганимиз маъқулдир. Айтмоқчи, сочини қанақа тарайди?

Бу гапни мудир ҳазил гумон қилиб кулди.

— Келганда кўрасиз, — деди. — Жуда зўр.

Мудир Анзират Солиевага автомашина юборди.

Дам ўтмай эшик секин очилиб, остонада қорача, озгин, лекин истараси иссиққина аёл пайдо бўлди.

Мудир сакраб туриб аёлга пешвоз чиқди. Аёл билан қуюқ сўранди. Сўнг унинг кафтидан аста тутдида, меҳмонларга юзлантирди.

— Мана, опа, — деди бир оз ғурур билан. — Ўттиз уч йил ичида минглаб ўғил-қизларимизга илк бор ҳарф танитган, тўрт йилдан бери ўз талабаларини нуқул «5»га ўқитиб келаётган бошланғич таълим устаси Анзират опа Солиева!

Меҳмонлар Анзират опага совуққина қилиб «яخشимисиз?» дейишди-ю, негадир жимиб қолишди. Мудир ҳайрон бўлиб, кўзларини катта очди. Шубҳа билан Анзират опага қаради, кейин меҳмонларга тикилди. Репортёр лабларини қимтиб «ана гапу» дегандек, бошини билинар-билинемас сарак-сарак қилди. Мудир фотомухбирга боққан эди, у ҳам шеригининг ҳаракатини такрорлади. Мудир Анзират опани аста ташқарига бошлади.

— Нима гап ўзи? — деди у кабинетга қайта кириб.

Репортёр ҳаяллаб жавоб қилди.

— Телеэкранны тушунарсиз, домла, — деди ўлкалаганнамо. — Қаршисида миллион-миллион томошабин ўтиради... Энди шу массавий томошабинга келиб-келиб шу кампирни демонстрация қилиб ўтирсак... қандай бўларкан? Фигурасини, симпатиясини қаранг!..

— Газетага ҳам бўлмайди, — деди фотомухбир афтини бужмайтириб. — Саҳифани булғайди.

Мудирнинг жаҳли чиқди, лекин ўзини босди.

— Ҳм-м, шунақами? — деди аччиқ илжайиб. — Демак, сизларга қирқ йиллик иш стажига эга бўлган, тажрибакор, болаларни нуқул «5»га ўқитадиган ўн саккиз ёшли гўзал қиз керак. Шундайми?!

Репортёр бир оз тарадудланди.

— Йўқ, стажи бўлмаса ҳам ҳар ҳолда симпатич-нийроқ бўлса.

— Бундан чиқди, иш стажи, ўқитиш сифати унчалик муҳим эмас сизларга? — деди мудир ҳар бир сўзни ниқтаб. — Одамларнинг кўзини телеэкранга, газета саҳифасига михлаб ташлайдиган хушрўй чехра керак?!

— Энди, ҳар ҳолда...

— Афсуски, бундай ўқитувчини топиш қўлимдан келмайди, — деди мудир кескин.

Меҳмонларнинг ҳафсалалари пир бўлиб туриб эди, эшик бирдан шарақлаб очилди-да, хонага ёшгина бир жувон ҳаллослаб кириб келди. Жувон тўғри мудирга юзланди.

— Шу мактабда ё мен турай, ё шу суюкли илмий мудирингиз Руқия пучуқ турсин, — деди у қўлини паҳса қилиб. — Ҳеч кун йўқ менга шуну пучуқнинг дастидан! Ҳар куни дарсимга киради. Ҳар куни...

Мудир уни босишга ҳарчанд уринмасин, жувон баттар авжига чиқарди. Меҳмонлар эса жувоннинг миққи юзларига, юқорига юмалоқланган сочларига, енгсиз хонатлас кўйлагига, туфлисидаги ранг-баранг тақинчоқларига ҳавас билан тикилишар ва ўзаро шивирлашарди...

— Экрanni гуллатади...

— Саҳифани безайди...

Жувон тўйгунча бобиллади. Мудирнинг олдига қатор талаблар қўйди. Сўнг эшикни қарс ёпиб, хонадан чиқди. Мудир чуқур уҳ тортди.

— Яхши ҳамки Сабохон районда битта, — деди. — Йўқса...

— Бу киши қайси мактабдан? — шошиб мудирнинг гапини бўлди репортёр.

— Еттинчи мактабдан. Нима эди?

— Ҳа, яхши Жуда яхши! — деди репортёр апаратини елкасига илиб. — Иши дурустдир-а?

— Иши... — мудир чаккасини қашиб бир он жим қолди. — Нима десам экан. Иккита улгурмовчиси бор.

Репортёр билан фотомухбир мудирнинг жавобини охиригача ҳам эшитмай, дарҳол ташқарига отилишди.

Кейин нима бўлди — беҳабармиз. Фақат шунинг шохидимизки, ўқитувчилар куни район газетасида Сабохоннинг чоғроқ мақоласи ва кулиб турган сурати чиқди. Телеэкранда эса, унинг жонли сиймоси кўрин-

ди. Жилмайиб туриб нутқ сўзлади. Аммо унинг нутқи билан мақоласининг мазмуни бир хил эди:

— Бутун меҳрим қўрини ёш авлод учун бағиш-лаяпман. Синфда қолувчи ўқувчилар бўлмаслиги учун курашяпман.

### «МАМАШАРИФ — 1»

Мамашариф буванинг ошқовоғи оғизга тушиб кетди. Нима дейсан, «олға»лик бир чол ошқовоқнинг антиқа навини топибди!.. Бу нав сира ҳам жой танламас экан!.. Зовур бўйига шу нав уруғдан бир дона тиқиб, тўрт пудлик улкан ошқовоқ олипти ўша чол... Янги навнинг номи «Мамашариф-1» эмиш...

Янги нав район қишлоқ хўжалиги бошқармасини ҳам қизиқтириб қолди. Бошқарма шошилинич равишда мутахассислар, колхоз вакиллари ва маҳаллий журналистлардан иборат илғор тажрибаларни ўрганиш бригадаси тузди. Бригада учта енгил машинага ўтириб, дарҳол «Мамашариф-1»нинг ватани бўлмиш зовур ёқасига етиб келди.

Бу пайт Мамашариф бува эшагини ўтга қўйиб, нарироқда ухлаб ётарди. Чол алақандай товушдан чўчиб уйғониб кетди. Ўрнидан туриб, атрофга аланглади. Зовур томондан кимдир унинг отини айтиб чақирар ва қўли билан «буёққа келинг» ишорасини қилар эди. Чол синчиклаб қараб, таниди — чақираётган колхоз агрономи Жўравой экан. Жўравойнинг нарёвида, тут соясида машиналар қаторлашиб турипти. Зовур ёқасида, ошқовоқ тепасида эса, ўн беш чоғли одам ёмирсиб юрипти...

— Ҳм, колхозга комиссия келган бўлса, Жўравой дала айлантириб юргандир, — дилидан ўтказди чол.

Мамашариф бува уларнинг олдига етиб борганда, басавлат бир йигит ошқовоқ тепасида шерикларига зўр бериб гап уқтираётган эди. Чол салом берди. Ҳамма шу ёққа қаради. Чол билан аввал Жўравой сўрашди ва уни олдинга ўтқизди. Сўнг:

— Тажрибали селекционер, «Мамашариф-1»нинг муаллифи Мамашариф ота Бозоров, — деди у олдин чолга, кейин ўртада дўнграйиб турган ошқовоққа ишора қилиб.

Чол Жўравойнинг нима деганини яхши тушунмади, маъносиз илжайиб, бошини қимирлатди. Бригада

аҳли чол билан қучоқлашиб сўрашди. Ҳалиги гапираётган йигит эса: «Сиздай ижодкор киши билан учрашганимдан бағоят хурсандман», — деди чолнинг елкасига қоқиб. Сўнг ошқовоқ томонга бурилди.

— Шундай қилиб, — деди у, — бу сортнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Агар биз районимиз территориясида уч юз километрдан ортиқ мана шунақа зовур борлигини эътиборга оладиган бўлсак, «Мамашариф-1»нинг улкан аҳамияти янада яққолроқ кўриниб қолади. Бу, шубҳасиз, узоқ йиллар давомида қилинган ижодий меҳнат ва тинимсиз изланиш самарасидир.

Ҳозир, ўртоқлар, сўзни полизчилигимизда кескин бурилиш ясаган туғма академигимиз Мамашариф отага берамиз. У киши «Мамашариф-1»нинг биологик хусусиятлари, ерни ишлаш агротехникаси, ирригация-мелиорация тадбирларининг ўсимлик ривожига таъсири, умуман, янги нав яратишда олиб борган ижодий ишлари ва шу жараёнда тўпланган бой тажрибалари ҳақида батафсил гапириб берадилар. Марҳамат, отахон.

Бригада аъзолари зовур ёқасидан қулайроқ жой топиб ўтиришди, дафтар-қаламларини ҳозирлашди. Бир йигит фотоаппаратини чолнинг юзига тўғрилаб «чиқ-чиқ» этказиб олди. Барча кўзлар чолнинг оғзига тикилди.

Мамашариф бува нима гап эканига ҳануз тушунмай, ўртада бир лаҳза жилмайиб турди-да, ўтириб олди.

— Э, ҳа! — Жўравой ўрнидан туриб чолнинг олдига келди. — Гапирмайсизми!

— Ке, қўй, ҳазилингни! — деди чол ва тагин илжайди.

— Ҳазил? Қанақа ҳазил?! — Жўрабойнинг жонпони чиқиб кетди. — Ахир, булар сизни кўргани келишгани йўқ, тажрибангизни ўрганамиз, деб келишган! Районнинг ҳамма бурчагидан келишган!.. Гапиринг!

Чол Жўравойнинг бу гапини пўписа-ҳазил деб тушунди. Ҳазилга ҳазил билан жавоб қилмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Гапирайми? — деди у кулимсираб. — Гапирсам, шу ерда каттакон тўнгак бор эди. Унга дуо ўқиб, куфсуф қилган эдим, тўнгак ўрнида гир-гир айланди-ю, ошқовоқ бўлди-қолди.

Чолнинг мўлжалича, бу гапга ҳамма қаҳ-қаҳ уриб

кулиши лозим эди. Лекин ҳеч ким кулмади. Жўравой бўлса бақириб берди.

— Бу қанақа майнавозчилик! — деди у чакка томирлари бўртиб. — Таржибангизни гапиринг деяпман сизга! Ҳамма умид билан келиб ўтирибди ишини ташлаб! Гапиринг, деяпман сизга! Гапиринг, ростини гапиринг!..

Чолнинг жаҳди чиқди, лекин ўзини босди.

— Ҳм, шундайми? — деди. — Ростини гапирайми? Хўп, рости бундай. Баҳорда шу ерларда ажриқ томири ковлаб юргандим. Ҳуржунни қоқсам, ичидан беш дона ошқовоқ уруғи чиқди. Увол бўлмасин, деб шу ерга қадаб қўйдик. Зовурнинг кунгай ёнбағри эмасми, бир ҳафтада бехато униб чиқди. Шулардан манови бир тупи эски лойқага ўрнаб қолган эканми ё об-ҳавоси ёқиб қолдими, ишқилиб, ҳой-ҳойлаб говлаб кетди. Ҳосилини мана, кўриб турибсизлар...

— Бор гап шуми! — сўради меҳмонлардан бири.

— Ҳа, шу, — жавоб бўлди чолдан.

— Ахир, бу селекция, яъни уруғни саралаш, ча-тиштириш ва бошқа масалалар қаёқда қолди?

— Отахон камтарлик қиялтилар, — деди кимдир.

— Йўқ, яширяпсиз, — деди басавлат йигит чолнинг елкасига қоқиб. — Отахон, нима қиласиз сир тутиб! Айтаверинг ҳаммасини, биз тажрибангизни еб кетиб қолмаймиз. Ниҳоят, ундан ишлаб чиқаришда фойдаланамиз, холос.

Чол кулди.

— Қизиқ экансиз, ўғлим, — деди. — Шу сувдан бемаза ошқовоқда сир нима қилади-ю, нима қиламан уни сизлардан яшириб. Баҳорда келиб шу ерга уруғ кўминг, ҳар бири тўнгақдай бўлиб кетмаса, мен бенават! Фақат ҳар замонда бир хабар олиб турсангиз бас! Сир эмиш-а, э, худо-ей, худо-ей! Шунақа қуруқ тух-матдан ўзинг сақлагин-эй!

Ўтирганлар қовоқ-тумшуклари осилиб, ҳалиги басавлат йигитга қарашди. Басавлат йигит эса, сакраб ўрнидан турди-да, «қани, кетдик», деди.

Ҳамма машиналарга ўтирди. Моторлар гуриллади.

Мамашариф бува мужмал бир кайфиятда «Мамашариф-1»нинг устига чўнқайди, машиналар кўтарган чангга хомуш тикилиб қолди.

— Тавба, — дер эди у ўзича. — Ажаб ғалати йигитлар экан-да, на тўғри гапга кўнишади, на ҳазилга...

## «БУКРИ»

Бошлиқнинг кабинетида ўтирган эдим. Эшик журъатсизлик билан очилиб, белбоғ бўйи баландликда аввал арчилган тухумдай қилиб қирилган узун ияк, сўнг жилмайиб турган калла кўринди.

— Мумкинми?

Бошлиқ розилик берди.

Калла соҳиби — башанг кийинган йигит икки қўли билан ўз кўкрагини зўрага кўтариб, маънос кириб келди. «Г» ҳарфи шаклида беозор юриб, ғоят одоб ва тавозе ила ўтирганлар билан сўрашиб чиқди. Кейин кўзлари мўлтираб, бошлиққа арз қилишга чоғланди.

Бу он ишим битиб, кабинетдан чиқдим. Лекин ишим битган бўлса ҳам таъбим хира эди. Негаки, ҳалиги букри йигитнинг аянчли аҳволи кўз олдимдан сира нари кетмасди.

Уйга бориб, ўз аламимни шеърга солдим.

Бир йигит бошлиқдан  
марҳамат тилаб,  
Мунғайиб боқарди, сарғайтириб  
ранг.  
Камондай эгилган букри  
гавдасин —  
Опичлаб кўтариб турарди  
аранг.  
Тилидан бол томар, лабидан кулгу,  
Бирок, қўй кўзида алами  
қат-қат,  
(Хижолат чекар-да, ўз  
нуқсонидан).  
Ачиндим:  
— Эҳ — дедим, — зиқна табиат!  
Этибсан тилига шакарни  
пайванд,  
Вужудин шоҳона одоб ила  
банда,  
Ва лекин...  
Ҳазинанг камир эдими,  
Ушбу шўрликка ҳам берсанг  
ада қад?!

Шеър битди-ю, аммо барибир аламимдан чиқма-

дим. Бир тасодиф сабаб бўлмаганда эҳтимол ҳозиргача ҳам ўша алам асоратида яшардим.

Эртасига тор кўчадан кетаётсам бир йигит нуроний бир чолнинг оппоқ соқолидан маҳкам тутиб, мушт ўқталиб турар, алжиб ҳақорат қиларди. Бечора чолни унинг бешафқат қўлидан қутқазиб, йигитга боқсам... Э, воҳ! Бу йигит... кечаги «букри»нинг худди-худди ўзи эди!..

Чексиз нафрат ва таассуф билан шеърга бир банд кўшдим:

...Янглишган эканман,  
уни хайрият —  
Эртаси соғ кўриб, «севиндим»  
ғоят.  
Бир чолга дўқ уриб, сафсата сотиб,  
Турарди кўчада устундай  
қотиб!..

## ТАМАГИР ХОТИН

Бир йигит «хўрозқанд»ини етаклаб қаёққадир бош олиб кетмоқда эди. Йигитнинг онаси муштипар кампир орқасидан зорланди:

— Жон болам, қаерда бўлсанг, ҳам мени унутмагин. хат қилиб тургин, — деди кўзига ёш олиб. — Лоақал берган оқ сутим ҳурмати...

— Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи!.. — «Хўрозқанд» нафис сумкачасини силкитиб кулди. — Вой, тавба-ей, оқ сут эмиш, ҳеч жаҳонда сутнинг қораси ҳам бўларканми? Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи!..

Йигит икки қўлидаги икки чамоданини дарров ерга қўйиб, «Хўрозқанд»га қуллуқ қилди.

— Нима дедингиз, жоним?

«Хўрозқанд» бирдан жиддий тусга кирди.

— Шу хасис онангиз неча пақир сут берган ўзи сизга?!

Йигит бутун гавдаси билан «Хўрозқанд» томон эгилди.

— Нима эди, фариштам?

— Неча пақир эканини билганингизда, колхоз фермасидан сотиб олиб бериб, биратўла қутулиб қўя қолардингиз. қарзингиздан, — жавоб қилди «Хўроз-



қанд» бигизтовон туфличасининг учи билан кампирга имо қилиб. — Ҳали кейин ҳам таъна қилади берган сутини бу тамагир хотин!..

## ЗЎРЛАРНИНГ ЗЎРИ

### *Насрий масал*

Мушук ярим кечада сичқонни хона ичида тизғитиб қувиб юрарди. Сичқон жон аччиғида зўр бериб югурар, лекин ҳеч қандай паноҳ тополмасди. У бир маҳал тумбочка устидан столга ўзини отди. Стол кечаги зиёфат «нишхўрд»ларидан тозаланмаган эди. Сичқон балик ва товуқ суяклари остига ўзини урди. Бироқ улар ҳам сичқонни яширолмади. Шкаф устига сакради. Лекин етолмади — стол устидаги рюмка ичига «чўлп» этиб тушди. Рюмка тубида қолдиқ ароқ бор эди. Сичқон бир зум ҳансираб турди-да, юраги куйиб, остидаги муздек «сув»дан симириб юборди. Кейин уёқ-буёққа аланглаб, бирпас жим қолди. Мушук ўз ўлжасидан ажралганига хафа бўлиб, аламзадалиқ билан каравот остига кириб кетди.

Сичқон эса, ўзида тўсатдан тенгсиз бир қудрат ҳис қилди. Рюмка ичидан шартта бошини чиқарди-да, иягини ўнг елкасига тираб туриб, бор овози билан қичқирди:

— Қани ўш-ша зўр-равон муш-шутинг?! Бир-р кўрсат-тиб қўяй унга зўр-рав-вонликни!..

«ХОТИНИМДАН ЎРГУЛАЙ» (1972 ЙИЛ)  
КИТОБИДАН

**ЯЙРАБ-ЯШНАГАНИМ**

Қишлоғимизда шундай бахтли йигитлар борки, бамисоли эркин қуш, байрамларда истаганларини қилишади — тўпланишиб базм қуришади, тўйгунча ичишади, бақиривади-чақиривади... Мен шўрликда эса, бунақа яйраб-яшнашга инон-ихтиёр йўқ! Байрам яқинлашдими, тамом, хотин пошшо ҳибсга олади. Олдин насиҳат қилади: «Бу ароқ ўлгур ҳеч кимнинг шохини чиқарган эмас» ва ҳоказо. Кейин ичмаслик хусусида қасам ичдиради, дўқ уради. Қўрққанимдан остона ҳатлаб кўчага чиқолмайман. Байрамларда ўзи ҳам бирор ёққа жилмайди, золим! Бунинг устига ароқ уёқда турсин, ҳатто винони ҳам йўлатмайди уйга. Бир шипа шампанни олиб келиб қўйиб, чимирилиб ўтираваради, хасис!

Аммо бултур, Янги йил арафасида бирдан худо инсоф бериб қолса бўладими унга! Ўттиз биринчи декабрь куни эди. Кечки лайт кўчадан келсам, пошшо ясан-тусан қилиб, сафар тараддудини кўриб турибди.

— Ҳа, пошшо? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Байрамларда жуда қисворасиз одамни, деб нолиб юрардингиз, — жавоб бўлди пошшодан. — Мана, бугун бир яйраб-яшнаб олинг...

— Хўш, хўш?

— Сарвихон икковимиз Бачқирга кетяпмиз, дугонасиникига. Собир ака машинасида ташлаб келадиган бўлди. Янги йилни ўша ерда кутамиз.

Азбаройи хурсанд бўлганимдан ирғишлаб, рақсга тушиб юборишимга сал қолди. Ҳаяжонимни зўр-базўр босдим.

— Майли, бемалол, — дедим кулгу сизиб чиқаётган лабларимни маҳкам қимтиб. — Бемалол...

— Аммо, — деди пошшо кўча томон йўналиб, — болаларга бохабар бўлиб турасиз. Ҳасанни олиб

кетяпман. Хусан бешикда. Пўлат билан Равшан каравотда ухлаб ётишибди. Азонда етиб келамиз, эплаб турарсиз.

Чаккани қашиб, ичимда: «Оббо, буёғи неча пулдан тушди!» дедиму гап қайтармадим. Бунақа нозик паллада ортиқча бир нима деб бўладими? Лоп этиб, мақсадидан айниб қолса, қўлимдан нима келади?! Шартга рози бўлдим. Менга нима? Ухлаб ётишса ётишар болалар! Улар уйқуни ураверади, мен айшимни суравераман...

Баҳридлим очилиб, пошшони кузатиб кўчада турсам, эски улфатим Мардон ўтиб қолди қўйинини дўппайтириб.

— Димоғлари бутун жуда чоғми? — мийиғида қолди у.

Кўзимни қисиб, нарироқда кетиб бораётган хотин пошшога ишора қилдим.

— Ҳм, — деди Мардон фикримни тушуниб. — Ундай бўлса, юр Усмонларникига, бир отамлашамиз. Ҳодивойлар ҳам келишади.

Қўлимни кўксимга қўйдим.

— Бажонидил эди-ю, уйда болалар бор.

Мардон қўл силтаб жўнаб қолди.

Мол-қўйларнинг ем-хашагини бердим. Болаларни тинчитиб, магазинга чопдим. Битта «мўйсафид» олиб келдим-да, уни шампанга жуфтладим.

— Ҳа, ҳайт, — дейман чапак чалиб. — Мана шу «мўйсафид» ёнига аччиққина шўрва бўлсами? Чучвара ҳам хушхўр нарса. Бироқ сабилни туғиш, пишириш қийин. Нима қилсам экан-а? Э, бор-э, энг осони паловхон тўра-да, ота-бобомиздан қолган таом. Лекин капгир ушлаб, бирор марта палов дамлаган эмасман. Эҳ-ҳа!.. Хотин пошшога қойил-э, ҳам болаларни тинчитади, ҳам истаган таомни бирпасда тайёрлаб ташлайди. Мен бўлсам... Ҳа, ҳа, яхшиси, шавла қила қолай. Маставанинг қуюғи шавла деган сўз!

Шу ниятда омборхонадан сабзи олиб чиқдим. «Аста қиёлаб ўтди»ни димоғимда минғирлаб, энди иккита сабзи арчиб турсам, Хусанжон финғиллаб қолди. Ҳа, майли, бола бўлгандан кейин йиғлайди-да ухлаб қолар. Оғзига сўргич солдим, баттар бўлди. Бешикни оёғим билан тебратиб ўтириб яна битта сабзи арчиб эдим, каровотдагилар ҳам бирин-кетин уйғониб қолишди. Улар ўринларидан турибоқ, ойиларини сўрашди. Аввал алдаб кўрдим, биттадан сабзи бердим.

— Мана, ҳозир шавла қиламиз-из, — дедим сўнг. — Кейин учовимиз...

Шундай дейишимни биламан — сирни ошкор айлаган тилгинамни ари чақсин! Тўнғичим Пўлат юзимга бир боқди-да, қўлидаги сабзини шиддат билан улоқтириб юборди. Оёзи тўла сабзи билан уввос солиб йиғи бошлади.

— Ойи... Ойи!.. Ойи!..

Дам ўтмай унга Равшан жўр бўлди.

— Ойи... Ойимга бораман! Ҳий-й!..

Сабзи арчишни бас қилдим. Бир қўлимда бешик, бир қўлим билан икковининг бошини бир-бир силаб, ялиндим.

— Жон, Пўлатжон, жон, Равшанжон! Йиғламанглар, азизларим, — дедим синиқ товушда. — Эртага магазиндан велосипедча олиб бераман, маза қилиб миначаслар. Заррача инсоф қилинглар. Фақат бугунча...

Бунга жавобан ака-ука ўзларини ерга отиб, велосипед юргизадиган оёқларини питирлата кетишди.

— Ойимга бораман! Ва-а!..

— Ойи! Ойи! Ҳий-й!..

Хусан ҳам «инга»лашдан биғиллашга ўтди. Уни бешикдан ечиб, овутишга киришдим. Акаларини ҳам қўшиб кўтариб олдим. Бир қўлимда Равшаним, бир қўлимда Хусаним, орқамда Пўлат. Ҳала-ҳала, ҳў! Ҳала-ҳала, ҳў... деб уй ўртасида тебраниб, чайқалиб турибман, турибман, қани, қани энди бу «ваф-вур»нинг чеки кўринса!

— Яйраб-яшнамай ҳам кет, Салим! — дейман ўзимга-ўзим. — Мана сенга «яйраб-яшнаш!»

Энди нима қилдим-а? Ҳозир қўшни аёлларни чақириб одобдан эмас. Бугун ҳамма хонадонда ҳам байрам-да ахир! Ҳамма ўз фарзанди, ўз қувончи билан овора. Бизникида бўлса, бир уй йиғи. Бу алфозда қачон тонг отади, қачон!..

— Инсофсизлар! — дейман дилимда. — Инсоф деган нарса қолмабди ўзи бу болаларда!..

Тилим эса ўз юмуши билан банд: ҳала-ҳала, ҳў! Ҳала-ҳала, ҳў!..

Бир маҳал кўча томондан элас-элас қичқариқ эшитилиб қолди.

Нима гап бўлдийкин? Дарров болаларнинг йиғисига қарамай каравотга қатор ётқизиб, ташқарига отилдим. Қўшиқ экан. Йигитлар қўшиғи. Биз томонга ке-

лишаётганга ўхшайди-ку? Ҳа, дарвоқе, дам ўтмай Мардон учта ғирт маст шериги билан: «Жон ука, мар-филолик ука-е, омонёр!..»ни ванг қўйиб, ҳовлига кириб келишди-ю! Тек қолдим. Тўртови белимни қучиб, ҳали келмаган Янги йил билан табриклашди.

— Қани, ароқ билан помидорни олиб чиқ-чи!

Мардон болалар турган уй томон йўналди. Йўлини тўсдим.

— Ҳа, киритмайсанми? — ўқрайди Мардон.

Шу лаҳзада эшик шарақлаб очилиб, кўзлари ғилт-ғилт ёшга тўла Пўлат кўринди. Ичкарида «ваф-вур» авжида эди. Икки ўт орасида гўё ёниб кетдим. Лекин, начора! Юпатиш-овутиш керак ҳаммасини. Чунки улар ҳам, булар ҳам гўдак. Фарқи шуки, ичкаридагилар — ҳақиқий, булар сунъий гўдаклар. Пўлатни ичкари суриб, эшикни ёпди. Калитни бурадим. Ён томондаги эшикни очдим.

— Киришлар.

Чақирилмаган «меҳмонларим» узун-қисқа бўлишиб ичкарига киришди. Ўтиришди.

— Юрагингни жуда тор қилаверма, — деди Мардон фотиҳадан сўнг. — Бола деган йиғлайди, юпанади... Биз сени деб келдик, кўнглингни кўтарайлик, деб келдик. Ароқ ўзимизда ҳам бор!.. — сўнгра қўшиқ бошланди. «Ўзинг ҳам шод экансан, шо-од устига шод этгани келдик».

«Меҳмон»ларга ул-бул тўғрилаб бериб, болаларнинг олдига чиқдим. Ҳануз ўша «хор». Лекин «хор» аҳли чарчаброқ қолибдими, авжи пастроқ эди. Пўстинни кийдим. «Хор» аҳлини қўйнимга ўраб, Бачқирга отландим. Болаларни ойисига эсон-омон топширдим. «Яйраб-яшнаш»им жараёни қандай кетаётгани хусусида пошшога қисқа, лекин «ширин» маълумот бериб, изимга қайтдим. Уйга кирсам, ҳурматли «меҳмон»ларим телба-тескари бўлиб, учиб ётишибди. Кўрпачау гиламга қараб бўлмайди. Хотин пошшонинг қаҳридан чўчиб, уларни тозаладим, ювдим. Жой қилиб «меҳмон»ларимни ётқиздим.

Шу-шу, байрамларда хотин пошшосиз «яйраб-яшнаш»ни орзу қилмаёқ қўйдим.

Энди кеча бўлса хотин пошшо юрагимга яна ваҳима соляпти.

— Бу йил янги йилни Қашқарқишлоқда кутмоқчиман, Умидаой билан, — дейди-я кулимсираб. — Сиз бир яйраб-яшнаб...

— Йў-ўқ, йў-йўқ, — дедим ўтакам ёрилгудай бўлиб ва сапчиб ўрнимдан турдим. Кейин елкаларини силаб ёлвордим. — Ундоқ қилманг, меҳрибоним. Минбаъд, ундоқ қилманг! Бултурги «яйраб-яшнаганим» ҳам етар. Бошимда данак чақсангиз ҳам шу ерда бўлинг.

### ИЧКИЛИКНИНГ «ШАРОФАТ»И

Шунақа, овайни, бу ичкилиги тушмагур бошимга не не савдоларин солмади, дейсиз. Айтаверсам, ҳе-ҳе!..

Бир сафар шу ичкиликнинг «шарофат»и билан ишдан ҳам ҳайдалганман, уйдан ҳам. Кейин қишлоқдаги одамларнинг ул-бул юмушини қилиб бериб, бир стакан-ярим стаканга яраша пул ишлаб юрдим. Бора-бора иш топилмай қолди. Шундан сўнг, десангиз, чопонни елкага ташладиму, «Наманган, қаердасан», деб йўлга равона бўлдим. Ижара ҳақи арзонроқ деб, колхоз-совхоз бозорининг меҳмонхонасига жойлашиб олдим.

Бахтимга меҳмонхона қоровули мусофирпарваргина чол экан. Савоб бўлади, деб ҳар куни эрталаб чой дамлаб беради. Чойни ичиб, ишга жўнайман. Бировнинг деворини сувайман, бировнинг томорқасини чопаман... Нима қиламанки, чақасини оламан. Биров кечки овқат олдидан «дори»қуйиб беради, биров йўқ. Лекин барибир кўчага чиққач, буфетларни албатта «обход қилиб» ўтаман. Меҳмонхонага келсам, қоровул чойни тайёрлаб турган бўлади. Бир чойнакни бўшатиб ўрнимга кирман.

Бир шанба куни «обход қилиш» муддати узайиброқ кетиб, меҳмонхонага одатдагидан кеч қайтдим. «Чаманинга гулзор-э, омон бўл, омон бўл»ни ванг қўйиб, меҳмонхонага кирсам, навбатчи кампир «жой йўқ», дейди-да! Мени келмаса керак деб ўйлаган эмиш. Жанжални бошлаб, энди авжига чиқмоқчи бўлиб турган эдим, кимдир тирсагимдан тутди. Қайрилиб қарасам, қоровул чол. Чол мени хонасига бошлаб борди-да, бир тўшак, бир ёстиқ ва оқ чойшабни қўлимга тутқазди.

— Манг, ярим кечада шовқин солиб юрасизми?! — деди. — Айвонгами ёки бошқа бирон жойгами тўшак ётақолинг. Қайноқ ёз. Бир кечага ҳеч нарса қилмайди.

Ҳар эҳтимолга қарши, кийим-бошингизни ечиб, менга бериб қўйинг.

Ечиниб, иштончан ҳолда ҳовлига чиқдим. Қанча ухлабман, билмайман. Бир маҳал чўчиб уйғонсам, кимдир каравотимни ҳадеб силкитяпти. Ширин уйқуни бузган қилиғи совуқнинг ким эканини билмоқчи бўлиб, уринаман, уринаман — ўзимни ўнглаб оломайман. Шабада турибди шекилли, совқотиб кетибман. Каравотим эса, тўхтовсиз тебраняпти. Баъзан «жиқ-жиқ» кўтарилиб тушаман. «Ё парвардигори олам, — дейман ичимда, — бу нима қилганинг?..

Кўзимни очиб, ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Бироқ ҳарчанд уринмайин, туролмайман. Бир маҳал юқорига қарасам, дарахт шохлари «шув-шув» этиб, орқа томонга чопиб кетяпти. Юлдузлар эса, шохдан-шохга сакраб менга эргашиб боряпти. Ё парвардигори олам, нима гап ўзи?!

Жонҳолатда уриниб, ўнг тирсагимга аранг таянди. Энди ўрнимдан турмоқчи бўлган эдим, гурсиллаб чалқанчасига йиқилдим. Ё тавба, нима гап ўзи?!

— Ди-ди-ит!..

— Э-ҳа, бу автомашинанинг сигнали-ку. Ҳа, машина! — ўйлайман ваҳима ичида. — Нега машинадаман, машина мени қаёққа олиб кетяпти? Нега олиб кетяпти? Қаёқдан олиб кетяпти? Ҳа, ҳа, Намангандан олиб кетяпти. Меҳмонхонадан олиб кетяпти. Кийим-бошим... Ҳим-м, чолга топшириб ҳовлига чиққан эдим. Жойни... наҳотки машина бортига қилган бўлсам?

Қишлоқ меҳнаткашлари одатда шанба кунлари узоқ районлардан шаҳарга мева, сабзавот, қовун-тарвуз келтиришади ёз ойларида. Уларни бозорга топширишади-да, ўзлари ўша мен паноҳ топган колхоз-совхоз бозори меҳмонхонасига келиб тунашади. Кечиккан шофёрлар ҳам шу ерга келишади. Машиналарини ҳовлига қўйиб, меҳмонхонада бир чимдим ухлашади-да, саҳарда районларига қайтиб кетишади. Буни билардим-ку! Била туриб, нега машина бортига чиқиб олдим? Э, мастлик ўлсин, мастлик!

Машина учиб боряпти. Ётган жойимда узлуксиз чайқаламан, баъзан сакраб-сакраб тушаман. Жунжикиб, тўшакка ўранмоқчи бўламан. Бироқ машина бир силкинганида барча ҳаракатларим чиппака чиқади.

«Энди нима қилдим-а? — ўйлайман. — Бу машина мени қаёққа олиб кетяпти ўзи! Учқўрғонгами ёки Ян-

икўрғонгами? Ёки Попгами? Ёки яланғоч ҳолда Қирғизистонга бориб турсам-а?.. Авваламбор, бу аҳволда бирон манзилга эсон-омон етиб олишим ҳам мушкул!..»

Шамол гув-гув уриб турибди — баданни тешаман дейди. Тишларим орасидан «Хиҳ!» деб ҳаво сўраман, «Ҳа!» деб чиқараман. «Хиҳ-хиҳ-ҳа-ҳа!» Бунинг орасига аксириш ҳам суқилиб туради. «Ҳа-ҳа-ҳа, афшу!», «Ҳа-ҳа-ҳа, апшу!» «Хи-ҳа, хиҳ-ҳа, апшу!»

Бу аҳволимдан шофёрни хабарор қилишим керак, қарор қилдим ўзимча. Машина тўхтаса ё тушиб қоламан, ё кабинасига кириб оламан. Урина-урина чойшабга ўрандим. Унинг бир томонини бошимга ўраб, икки бурчагини бир қилиб тишлаб олдим. Бортнинг тахталарига урила-сурила ўрнимдан турдим. Кабина томига «тап-тап» урдим. Елдай учиб бораётган машина «ғийқ» этиб таққа тўхтади. Олдинга қалқиб йиқилиб тушишимга бир баҳя қолди. Шофёр — ингичкагина йигитча кабинадан отилиб чиқди. Фонарини ёқиб юзимга тутди. Мен бир нарса дейишга улгурмадим. «Вой!» деди-ю, ўзини кабинага олди. Машина ҳалигидан ҳам тез учиб кетди. Боласи тушмагур нега бундай қилди — тушуна олмадим. Яна тақиллатдим, йўқ, машинанинг тезлиги ошса ошадики, камаймайди! Ноилож ўтирдим. Минг азобда тўшакни белимга ўраб олдим. «Ҳа, майли, — тасалли бераман ўзимга, — тонгда яланғоч саёҳат қилиш пешонада бор экан-да!» Аммо қаерларни саёҳат қиляпман, охирги манзилим қаер бўлади, буни бир худо билади, бир шофёр бола.

Тақдирга тан бериб, қалтираб ўтирибман, ўтирибман, қани энди саёҳатнинг чеки кўринса...

Кечаси бўлгани учун йўллар бўм-бўш. Машина бурилишларда ҳам тезлигини пасайтирмайди. Дарахт шохлари шовиллаб ўтиб турибди. Шохлар орасидан қоп-қора осмон, осмон тўла юлдуз. Юлдузлар ҳам мен билан бирга кетиб борапти.

Юрдик, юрдик, ниҳоят, икки ёнда милт-милт қилиб электр чироқлари кўрина бошлади — бирор қишлоққа кирдик чоғи. Бироқ у жой менинг манзилимми, йўқми-ҳозирча номаълум эди. Бахтни қарангки, шу қишлоқ худди менинг манзилим экан!

Ҳаммаёқ ёп-ёруғ жойга келганда машина «ғийқ» этиб таққа тўхтади. Кабина эшиги шиддат билан очилди ва ундан шофёр бола отилиб чиқди, сира уёқ-буёққа қарамай, кўчанинг чап томонига югурди.



Дам ўтмай тап-тап оёқ товуши эшитилди. Қарадим. Бир милиционер мен томонга чошиб келмоқда эди. Милиционер ўн қадамча нарироқда тўхтади. Тўппончадан осмонга қараб ўқ узди. «Кимсан?» деди бақириб. Индамадим. Зотан, гапиришга менда мадор ҳам йўқ эди, оғзимда тилим ҳам айланмас эди. Дир-дир қалтирайман, тишларим тақиллайди.

— Кимсан?! — деди милиционер яна. — Кимсан, деяпман сенга! Тур ўрнингдан! Тур!

Чойшабни ёпиниб, унинг икки бурчини тишлаганим ҳолда аста ўрнимдан турдим. Милиционер беихтиёр орқасига тисарилди.

— Сотволди ака! — дея қичқирди у орқаси томонга қайрилиб. — Ҳо, Сотволди ака! Чиқинг буёққа! Тез-тез!

Милиционер тагин менга юзланди.

— Қимирлама! — деди ва осмонга қараб ўқ узди. — Қимирладинг, отиласан!

Зум ўтмай шопмўйлов бир милиционер етиб келди. У кўзларини уқалай-уқалай:

— Нима гап?! — деди ҳовлиқиб.

Ёш милиционер жавоб берар-бермас, елкасига милтиқ осган бир чол пайдо бўлди.

— Хўш, тинчликми? — деди чол.

Ёш милиционер менга ишора қилди.

— Ановини қаранглар!

Чол билан кекса милиционер беихтиёр орқага чекиндилар.

— Кимсан? — деди ёш милиционер.

— Гўрдан чиққан мурда бу! — деди чол қаттиқ чинқириб. — Ло илоҳо иллоллоҳ!

— Бўлмаган гап! — деди ёш милиционер. — Мурда гўрдан чиқа оладими?

— Бўлмаса арвоҳ ёки жин бу! — ваҳима қилди чол. — Ло илоҳо иллоллоҳ, Муҳаммадин Расулиллоҳ!..

— Кимсан?! — бақиринди милиционерлар барава-рига.

Ҳарчанд жавоб бераман дейман, «мен мурда ҳам, арвоҳ ҳам эмасман, Наманган меҳмонхонасининг ожиз фуқаросиман», демоқчи бўламану айтолмайман, тилим калимага келмайди. Саволларига жавобан уст-ма-уст акса ураман, кекирамай.

— Ҳой, махлуқ, жавоб берсанг-чи! — хуноби ошди ёш милиционернинг. — Бўлмаса, туш буёққа!

Машинанинг орқа томонига қараб аста юра бошладим.

— Сотволди ака! — қичқирди ёш милиционер. — Сиз чап биқинига туринг, сиз, Носир бува, ўнг биқинига ўтинг. Мен орқада тураман. Милтифингиз ўқлоқлими, бува?

— Ўқлоқли-ку, лекин, болам, — чол орқасига бирикки қадам босди. — Мен, мен... Ло илоҳо иллоллоҳ...

— Ўтинг, деяпман сизга! — ўшқирди ёш милиционер. — «Иллоллоҳ» дейди-я!

Чол ҳуркиб-ҳуркиб, машинанинг олд томонини айланиб, ўнг биқинига ўтди. Милтифининг оғзини менга қаратди. Борт орқасига етганимда ёш милиционер:

— Қани, оёқни ошир! — деди. — Мана бу ерга қўй.

Ёш милиционер мен оёқ қўйишим лозим бўлган жойни кўрсатиб, ўзи орқага чекинди. Қалтирай-қалтирай оёғимни оширдим. Пайпаслаб зинани топдим ва унга оёқ босдим. Мен ерга тушгач, ёш милиционер кўчанинг чап томонини кўрсатди.

— Қани, буёққа! — деди. — Сотволди ака, сиз олдинга ўтинг. Носир бува, сиз магазинингизга чопинг.

Орқамда милиционер, олдимда милиционер, қатор бўлиб милиция идорасига кириб бордик. Чортоқнинг милицияси экан. Мени чоғроқ хонага қамаб қўйишди. Тонг отгач, меҳмондўстликни қарангки, роса овқатлантиришди, чой ичиришди. Кейин сўроққа тутишди...

Учинчи куни менга кула-кула жавоб беришди. Ҳалиги милиционерлар меҳмондўст бўлишдан ташқари кўп яхши, кўп саховатли одамлар экан. Уст-бошимни ҳам бут қилиб беришди. Оёғимда жағи кўчган қишлик ботинка, бошимда соябони узилиб кетган эски шапка, эгнимда елкасига ямоқ тушган чит кўйлак, почаси тиззадан келадиган калта шим, қўлтиғимда чойшабга ўралган тўшак, «Наманган, қаердасан?» деб йўлга тушдик-ку. Оҳ, ўшанда кўрсангиз эди менинг турқи тароватимни!..

Ҳа, айтмоқчи, шофёр боланинг тақдири нима бўлди, демоқчисиз-да? Боласи тушмагур ўшанда мени жин ёки мурда деб ўйлаб, шунақа кўрқибдики, лабларига учуқ сизмай кетибди!..

Кўрдингизми, ичкиликнинг «шарофат»и билан бир бандай мусулмоннинг ҳам юрагини ёра ёздим. Шу-шу «отиш» одатимнинг ёстиғини қуритвордим.

## ХОТИНИМДАН ЎРГУЛАЙ

Зап ажойиб хотиним бор-да! Бунақа мастпарвар аёл етти иқлимда ҳам топилмас!..

— Ичкиликка тўйинмай кўчадан ўз оёғи билан келган эр эрми! — деб туради икки гапининг бирида. — Ҳеч бўлмаганда девор ушлаб ёки эмаклаб келмаса, бунақа эрнинг боридан йўғи!..

Хотинининг раъйига қараб, ҳар куни ишдан кейин хўп «тортаман». Уйга жуда «етилиб» келаман. Хотиним гул-гул очилиб кетади. Югуриб пешвоз чиқади.

— Эргинамдан айланай! — дейди мени қучиб, юз-кўзимдан ўпаркан. — Ўргилай эргинамдан!..

— Ов-ва, ув! — дейман унга томон тупуриб. — Ч... Ч... Чой-й борми?

— Чой тайёр, — хотиним ошхона томонга чопади. — Сиз жойингизга кириб ёта туринг, ҳозир.

Мен уйга кириб ётиш ўрнига деворга суяниб бирпас чайқалиб тураман-да, сидирилиб ерга «гурс» этиб ағанаб тушаман.

Хотиним вой-войлаб мен томонга югуради. Йўл-йўлакай болаларни чақиради.

— Ҳой, Туроб, Ҳаким, чопинглар буёққа! Дадажонингиз ётдилар!

— Ана, кўрдингизми, ағанасам ҳам «ағанади», демайди хотиним, эҳтиром билан «ётдилар», дейди. Сўнг ўзи бошимдан, ўғилларим биттадан оёғимдан ушлаб уйга судрашади.

— Юра қолинг, азизим, — дейди хотиним мени эркалаб. — Бир оз чарчабсиз, дам олинг.

Яна фаҳмладингизми, хотинимнинг ширинсуханлигини? «Судрала қолинг» демайди, «юра қолинг» дейди. Кейин мени ечинтириб, каравотга ётқизади. Бошимда ўтириб олиб чой қуйиб беради.

— Ичинг, жонгинам, ичинг... Зап эрга учраганман-да, ҳар куни мени хурсанд қилади...

Алламаҳалгача шаънимга ана шунақа мадҳиялар ўқиб, шеърлар тўқиб ўтиради. Мен бир-икки пиёлани бўшатар-бўшатмас, ғудрана-ғудрана уйқуга кетаман. Эрталаб уйғонсам, хотиним бир қўлида аччиқ мастава, бир қўлида юз грамм «оби замзам», тепамда жилмайиб туради.

— Ичинг, жонгинам, ичинг. Бошингиз оғриётгандир.

Хотинимнинг гапини иккита қилгим келмай, икковини бирин-кетин сипқариб, ишга жўнайман. Кетаёт-

ганимда чўнтагимга битта беш сўмликни зўрлаб тиқиб қўяди, хоним. Олмайман дегани кўнглим бўлмайди. Хотиннинг кўнгли нозик, деб бекорга айтмаганлар-да ахир!..

Айрим вақтларда шу беш сўм туфайли кўчаларда қолиб кетаман. Танишларим баъзан икки қўлтигимга кириб, баъзан белига тарози қилиб уйга келтиришади. Уч-тўрт марта замбилгалтакда ҳам келганман, ҳа! Бунақа пайтлар хотиним бағоят севишиб кетади. Чапак чалиб хандон отиб кулади. Кейин дарров сандиқ ковлайди. Халоскорларимнинг белига белбоғ боғлаб, бошига дўппи кийдиради. Сўнг уларни ширин-шакар сўзлар билан кузатиб қолади.

Хотинимнинг яна бир яхши одати бор. Юқорида айтиб ўтган фазилатларимни ишхонамнинг бошлиқларига, маҳалланинг оқсоқоларига тез-тез ҳикоя қилиб бериб туради. Мендан бағоят мамнун эканини изҳор этади. Ана ундан кейин десангиз, шаънимга мақтов сўзлар ёғилиб кетади. Ишхонамиз бошлиқлари ва оқсоқоллар бемаст вақтимни пойлаб туриб ўртага олишади...

Билсам хотиним мени маҳалла хотин-қизлари ўртасида ҳам мақтаб юраркан. Бир тўда хотинларга бундай дебди:

— Эргинамни райондаги жамики буфетчи, жамики официантка, жамики милиционер, жамики дружиначи танийди. Ҳатто ҳушёрхона ходимлари ҳам танийди. Шунинг учун бундан кейин «Қоплон пияниста» деб эмас, «Таниқди пияниста Қоплон Дўнонов» деб атанглар.

Тилингга асал, дедим ичимда. Тагин нима дебди денг:

— Эримнинг хотирасини абадийлаштираман, — дебди. — Вафот этган ҳамоно жасадини мўмиёлаттираман. Кейин сулачага чалқанча ётқизиб, оғзига пилик тиқаман-да, унга гугурт чақиб қўяман, эримнинг ичи тўла спирт, пилик ёнаверади абадий гулхан бўлиб.

Ана шунақа бизнинг хотинча. Қани, биродар, ана шу пиянистапарвар аёлнинг соғлиғи учун бир ичайлик! Ҳу, баракалло!..

## МАДАНИЯТ КЎРИГИ

Алижон Фаниевич стол устидаги сири тўрлаб кетган юмолоқ кўзгуга энгашиб, галстугини тузатарди. Мастура эса, сандиқ ковларди.

— Қаёққа ўзи? — сўради Мастура эрига шикоят-  
муз боқиб.

Алижон Фаниевич қаддини ростлади.

— Қаёққа?! Нима ишинг бор қаёққалиги билан!..

— Айтмасангиз...

— Ҳо, айтмасангиз бормайман дегин ҳали, оббо!  
Банкетга! Билдинг?!

— Банкет? Банкети нимаси?

Алижон Фаниевич гир айланиб ер тепинди.

— Банкет! — деди қўлларини ёзиб. — Яъни, зиё-  
фат. Билдинг?

Алижон Фаниевич бўш вақтларида гижжак қўлтиқ-  
лаб бошқа қишлоқларга «ов»га чиқиб турарди. Зотан,  
маданият уйи директори отарга бормасин, деган қоида  
ҳеч қаерда ёзилмаган-да. Тожихон бундан беҳабар  
экан чоғи, маданият уйи ходимлари советида Алижон  
Фаниевични санъатфуруш деб танқид қилди.

Алижон Фаниевич қизишиб, дарров сўз олди. «То-  
жихоннинг маънавий қиёфаси» орқали ахлоқ масала-  
сига шўнғиб кетганча «қўнғироқ туя учун керакли  
буюмми ёки шунчаки безакми»дан чиқди. Бир маҳал  
мундоқ қараса, туяга эргашиб ўшанақаси сахрога чи-  
қиб кетадиган. Шартта ўзини тўхтатди. «Тожихоннинг  
маънавий қиёфаси» томон бурди.

— Тўғри, Тожихон яхши кутубхоначи, — деди у  
йўғон бўйнидаги мунчоқ-мунчоқ терни артиб, — ҳат-  
то, айтиш мумкинки, аъло навли ходим. Бироқ нутқи  
сифатсиз, маданияти, ташқи қиёфаси ундан ҳам си-  
фатсиз. Саломлашишни бўлса мутлақо ўрнига қўя  
билмайди! Майли, салом бермаса бермасин, берган  
саломини қўғириб қуймоқ қилиб емайман. Лекин ма-  
даний даргоҳда ишлайдиган киши ҳар жиҳатдан му-  
камал бўлиши лозим. Тожихон-чи? Эҳ-ҳе! Бутун ли-  
боси — эски шилпағу арзон чит кўйлак! У куни само-  
варда ўтирсак, шу аҳволда ўтиб кетяпти-да, йўрғалаб.  
Ким анови, деб қолди шеригим. Ходимим дегани уя-  
либ, танимайман, деб юборибман. Ахир, ўзларинг  
ўйланглар, шу тахлитда маданий ходим деб бўладими  
уни!

Хуллас, Тожихон танқидлардан тўғри хулоса чиқа-  
риб ўз маданиятида тубдан бурилиш ясаши керак...

Алижон Фаниевич ўтириши билан контролёр Қум-  
ри хола қўл кўтариб қолди.

— Мумкинми, Алижон Фаниевич? — деди у ўрни-  
дан туриб. — Сиз бу ерда Тожихоннинг камчиликла-

рини айтдингизу, лекин шу камчиликларини нима ҳисобига тўлатиши лозимлигини айтмадингиз. Маданиятда қатъий бурилиш ясаши лозимлигини айтдингизу қаёққа қараб бурилишини кўрсатмадингиз. Шу... иложи бўлса оилангизни бир олиб келсангиз, камчилик жойларимизни у кишидан андоза олиб тўлатсак...

Бу гап Алижон Фаниевичнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Чунки Қумри хола Мастуранинг кўзи ёриганда уларникига борган, аҳволни кўрган ва Алижон Фаниевичдан анчагина ўпкаланган эди. Бугун бўлса мана бундоқ деб ўтирипти.

— Обкеламан, — деди Алижон Фаниевич титраб. — Истасангиз, ҳозир олиб келаман. Истасангиз...

— Ҳозир-ку, ҳожати йўқ, — деди хола. — Яхшиси, ана, эртага олиб келинг, банкетимизга...

— Албатта олиб келаман, кўрсатаман!..

Мастура советдаги бу гаплардан беҳабар эди, албатта. Шунинг учун ҳам эридаги фавқулодда ўзгаришнинг сабабига тушунолмади, Алижон Фаниевичга узоқ тикилиб қолди. Буни кўриб, Алижон Фаниевичнинг жаҳли чиқди...

— Ҳа, аммамнинг бузоғидек ўшшайиб қолдинг?!

— Нима қилай? — ялинчоқ товушда сўради Мастура.

— Нима қилай, эмиш-а. Сигирни соққанмисан? Терт нима бўлган? Болаларнинг овқати-чи? Ялпайиб ўтирган экансан-да, кир ювдим деб! Бўл тезроқ! Ҳой, шошма, Меҳри кампирга кириб айт. Чиқиб, бугунча шу ерда ўтирсин, болаларга, молларга қараб. Кейин, юз-бошингни яхшилаб юв. Латофатта сочингни кириб ўрдир. Аммо мана бу пиликларни қайта қадатма. Сочингни бошингнинг орқасигами, теппасигами юмалоқ қилдириб қўяқол, ҳозирги мода шу.

Мастура хонадан чиқаётган эди, Алижон Фаниевич кўйлагининг этагидан тутиб пастга силтади.

— Аммо мана бу қанор қопни ҳам ташла. Латофатнинг кофта деган кўйлагини, лозимини... йўқ, йўқ, лозимини эмас, туфлиси билан капрон пайпоғини сўра... Мен келгунча шай бўлиб тур. Уқдинг? Ярим соатда келаман.

Алижон Фаниевич кечқурун автоклубни олиб келганда Мастура алақачон шай бўлиб турарди. Алижон Фаниевич Мастурани кабинага ўтқизиб ўзи кузовга чиқди. У бу билан ҳам ўз маданиятини ўша танқидчиларга бир таъкидлаб қўймоқчи эди. Афсуски, клуб ол-

дида ходимлардан ҳеч ким йўқ экан. Алижон Ғаниевич бу ҳолга хийла оғринган бўлса-да, хотинига сездирмади, Мастурани эшик олдида тўхтатиб, шивирлади.

— Ҳа, тагин битта гап, Шоҳиста. Мени «Шоҳиста» деб чақирмагин. Ё Алижон Ғаниевич деб чақиргин, ё Алижон ака деб. Уқдинг? Кейин ҳеч нарсадан тортинма, сира-сира тортинма, уқдинг?!

Мастура бош силкиб, тасдиқлади.

Булар эшикни очганда чароғон хона ўртасида йиғирма чоғлик эркак-аёл узун стол атрофида чақчақлашиб ўтирарди.

— Кечки сало-ом! — деди Алижон Ғаниевич Мастурани олдин йўллаб, орқадан.

Мастуранинг келишини, бунинг устига сўнгги мода ва пардоз-андозга фарқ ҳолда келишини кутмаган зиёфат аҳли бирпас анграйиб қолди. Сўнг бирдан оёққа қалқиди. Алижон Ғаниевич бошидан шляпасини олиб, тавозе билан эгилиб саломлаша бошлади.

— Яхшимисиз, Алижон Ғаниевич? — деди бақалоқ бир киши унга қўл чўзиб, кейин Мастурага ўтирилди. — Яхшимисиз?.. Карим Юсупович. Келганингиздан гоят хурсандман.

Мастура нима дейишини билмай эрига боқди. Алижон Ғаниевич қаттиқ шивирлади.

— Мен ҳам хурсандман, — акс садо берди Мастура.

Барча билан шу равишда сўрашиб чиқилгач, стол атрофига ўтиришди. Алижон Ғаниевич тўрдан жой олди. Мастура эса, икки жувоннинг қистови, илтифоти билан уларнинг ўртасига ўтирди. Ҳамма Мастурага тикилди. Алижон Ғаниевич эса, мана, кўрдиларингми, дегандек атрофга мағрур кўз ташларди.

Дастурхон устидаги дока кўтарилди. Стоканлар икки-уч дафъа уриштирилгач, суҳбатга файз кириб кетди. Лекин Мастура ҳануз камгап эди. Мастурадаги бу тундликни кўтариб ташлаш учун Мастуранинг ўнг бикинидаги жувон чапидагига сўз қотди.

— Сиз боя «Ларза»ни мақтадингиз-а, Салимахон? — деди. — Тўғри, «Ларза» ҳам яхши асар. Бироқ барибир «Синчалак»нинг олдига тушолмайди. Мен «Синчалак»ни шу қадар севаманки...

Жувон кўзини Салимадан олиб Мастурага тикди.

— Сиз-чи, Мастураҳон?

Бу савол Мастурага ёқди.

— Синчалак ҳам яхши қуш, — деди у завқ би-

лан. — Лекин мен фақат булбулни севаман. Вой, унинг саҳарлари сайраши!..

Иккала жувон кўз уриштириб олишди. Сўнг аянч бир нигоҳ ила Мастурага боқишди. Шу пайт Қумри хола магнитофон клавишини босиб юборди. «Ўзбекча вальс» хонани жаранглатди. Ҳамма ўрнидан туриб, вальс мақомига бир маромда қадам ташлаб ўйнай кетди. Дастурхон тепасида Карим Юсупович, Алижон Фаниевич ва Мастурагина қолди. Карим Юсупович бир оз сергап бўлиб қолган, Алижон Фаниевичга зўр бериб гап маъқуларди. Алижон Фаниевич унинг гапига орасира «ҳим-ҳим» деб кўярди. Аммо фикри-зикри Мастурада эди. Мастура эса кайфдан сал сузилган кўзларини рақс тушувчиларга тикиб, туфлисининг товонини полга уриб ўтирар, гаштини суриш ила машғул эди.

Мастуранинг кайфиятини Қумри хола сезди шекли, унинг олдига келди-да, белидан тутди. Бироқ тўрт-беш айланишдаёқ маълум бўлдики, Мастура танца тушишдан буткул хабарсиз экан. У ёндан келганларга беҳосдан ўзини уриб олар, оёғини босар, илигига, товонига тепар, қисқаси, вальс тушувчиларга ҳар жиҳатдан халақит беради.

Алижон Фаниевич: «Оббо, танца тушмай ҳам кет. Ҳали шарманда қилмасанг гўрга эди», — деб ичида фимиллаб ўтирган эди, йўқ, хайрият, Мастура афсус билан бош чайқади-да, қўлини бўшатиб даврандан чиқди.

Дам ўтмай вальс тутаб, «Жонон» бошланди. Ўртага кўҳликкина бир қиз чиқди. Қиз қалдирғочдай пилдираб ўйнаб келиб, Мастуранинг қошида тўхтади. Бошини у ён-бу ён ташлаб, юз, кўз ва қўл ҳаракатлари билан Мастурани ўйинга таклиф қилди. Мастура негадир зрига қаради. Алижон Фаниевич хотинининг бу қарашини рухсат сўраш маъносига йўйди-да, «ўйнанг-да, хоним, ўйнанг» деди. Лекин Мастуранинг бу ҳолатда, яна бигиз товон устида юра олишига кўзи етмай, эти жунжиқди.

Мастура ўртага тушиши билан қарсак кучайди. Мастура қулоч ёзиб ўйнай кетди. Бироқ кийиб ўрганмаган юбкаси юргани монелик қилса, новча товон туфли эркин қадам босиш имконини бўғар, гавдасини нуқул олдинга тортар, Мастура мувозанатни сақлаш учун гавдасини орқага ташлар, қисқаси, силлиқ яхма-лақда қўлтиқтаёқ билан юраётгандек минг азобда ўртада айланарди.



Алижон Фаниевич бутун диққат-эътибори хотини-да, чўғ устида ўтиргандек бетоқат эди; ҳамсухбатининг гапига деярли қулоқ солмасди. Аммо ҳамсухбати ҳам бўш келмас, уни туртиб ўзига қаратишга уринар. Алижон Фаниевич уни жеркиб, яна хотинига тикилар, унинг ўйинини дорвознинг қалтис чиғириқ номерини томоша қилаётгандек жонини ҳовучлаб кузатар, Мастуранинг ҳар бир ҳаракати орқасидан гўё улкан талофат кутар эди.

Шу лаҳзада у Мастурани гирибонидан сиқиб, обкелиб стулга миҳлаб ташлашга минг марта тайёр эди. Лекин начора!..

Шу пайт, ана, ана... Мастура негадир гағдираклаб кетди. Йиқилишига оз қолди. Яна гандираклай бошлади. Буни кўриб, Алижон Фаниевич ғазабдаг: дод деб юбораёзди. Даврадаги қарсақ сўнди, барчанинг чеҳрасидаги қувонч ўрнини ҳаяжон, ташвиш қоплай бошлади.

«Ҳой, аҳмоқ, йиқиласан, йиқиласан! Фалончининг хотини маст ҳолда ўйнаб йиқилиб тушибди, деган гап тарқалса мен неча пуллик одам бўламан ахир! Салом қилиб даврадан чиқа қолсанг-чи!» — Кошки Алижон Фаниевичнинг киндигини бураётган бу ўтли нидони Мастура эшитса, сезса! Мастура гандираклаб юриб ҳамон ўйнарди, ўйин шавқига маст бўлиб ўйнарди.

Бир жувон даврага тушди-да, негадир Мастура томон жадал ўйнаб юриб кела бошлади. Лекин шу он... Мастура орқага тўсатдан қалқиб кетди-да, гурс этиб чалқанча йиқилди. Ҳамма беихтиёр «Вой! Их!» деб юборди.

Алижон Фаниевич бир лаҳзада ўт бўлиб ёнди, ерга «туф!» деб туфлади, устидан ниқтаб тепди.

— Аҳмоқ!!! — деди жон-жаҳди билан бақириб.

Сўнг сакраб ўрнидан туриб, Мастура томон югурди. Даврани шартта ёриб кириб, ҳалиги жувоннинг қўлидан Мастурани юлқиб олди; икки кифтидан маҳкам тутиб, даст оёққа турғазди. Унинг ўнг қўли беихтиёр юқорига кўтарилди. Лекин бадмаст мушт ярим йўлда гиппа тутиб қолинди.

Алижон Фаниевич, бир қўли Мастуранинг ёқасида, бир қўли юқорида тутқинликда, ўзига қадалиб турган ўнлаб қаҳрли кўзларга чексиз бир алам билан бир-бир қараб чиқди-да, кўзларини ерга олди.

Орқадан кимдир киноя аралаш қичқирди.

— Мана сизга «маданият!..»

## ҚУЁШ ТИККАГА КЕЛГАНДА

Районимиз газетаси редакциясида бўш ўрин борлигини эшитиб қолдим. Этиқдўзлик дўконида мум чайнаб ўтиравериш жуда жонга теккан эди, дарров редакцияга бир қулоч ариза ташладим. Ахир, газетчиликдан ҳам осон ва яхши касб борми?! Бировни мақтайсан, бировни танқид қиласан. Бирор мақоланг чиқса, бутун районда дув-дув гап: нима дейсан Абдукарим Эшматий ундоқ деб ёзибди; Абдукарим Эшматий фалончининг авра-астарини ағдариб ташлабди!.. Ҳамма, ҳатто молия агентлари ҳам соянгга салом беради.

Редактор аризамни ўқиб, мамнун жилмайди.

— Аризани ўзингиз ёздингизми? — деди.

— Ҳа-да! — кўзимни бақрайтириб ёлғон гапирдим. Аслида уни бир таниш адабиёт ўқитувчисига ёздириб, кўчирган эдим.

— Саводхонлигингиз дуруст, — редактор кўзойнагини қулоғидан бўшатди, — Услубингиз ҳам чакки эмас.

Бу мақтовдан андак ҳаволагим келди-ю, ўзимни босдим.

— Ўнинчини кечкида битирган бўлсам ҳам, — дедим камтарлик билан, — кейин мустақил ўқиб, саводимни хўп пишитиб олганман.

Редактор майингина йигит экан, анча суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат давомида «газета ишини зимдан анча яхши биламан ва севаман» деган гапни алоҳида пиёнда қилиб ўтдим.

— Яхши, яхши, — деди редактор хайрлашгани қўл чўзиб. — Эртагача бирор илғор пахтакор тўғрисидами, чорвадор ҳақидами мақола ёзиб келинг.

— Бажонидил, — қўлимни кўксимга қўйдим. — Бугуноқ ёзиб келаман.

Кўчага чиққач, пича ўйланиб қолдим. Қаёққа борсам экан? Ким ҳақида ёзсам экан? Пахтакор ҳақидами? Йўқ. Шу иссиқда илғор пахтакор қидириб далага бораманми? Чорвадор ҳақида ёзақолай яхшиси. Аммо молхоналар ҳам сасиб-ачиб кетгандир ҳозир! Айтмоқчи, касалхонага кира қолсам-чи, ҳам яқин, ҳам салқин. Масалан, бош врач ҳақида ёзаман-қўяман. Мақола эмас, лавҳа ёзаман. Лавҳаларни радиодан кўп эшитганман, биламан қандай ёзишни... Сарлавҳа ҳам тайёр: «Илғор бош врач». Йўқ, бу бўлмайди. Лавҳа

деганнинг сарлавҳаси сал адабийроқ бўлиши керак. Борди-ю, «Илғор бош касалкор» десам-чи?

Бу сарлавҳа ўзимга кўп маъқул тушди. Сарлавҳанинг остини тўлдириш учун касалхонага чопдим. Афсуски, бош касалкор йўқ экан — вилоятга кетипти. Ҳеч вақоси йўқ, тасалли бердим ўзимга. Бош касалкорни ким танимайди бу ерда?!

Сўраб-суриштириб юриб, бош касалкорнинг исм-фамилиясини, иш стажини, касаллар сонини аниқлаб ёзиб олдим.

Фактлар, рақамлар нақд. Энди лавҳани ёзиш қолди. Бироқ лавҳани қандай бошлаш керак? Шу ўринда бир оз оқсаб қолдим.

Дўковимизда андоза ва қолип бир токча: мардона, заифона, бачкана. Шулар ёрдамида чармни ўлчаб, кесиб, тортиб, қоқиб, пойабзалнинг исталган хилини осонгина тайёрлайверар эдик. Афтидан, ҳозир менга шунақа қолип ёки андоза керак эди. Ўйлай-ўйлай район кутубхонасига кирдим. Бундан етти йил бурунги газетада босилган «Пахтакорлар отахони» сарлавҳали лавҳага кўзим тушиб қолди. Ўқиб чиқдим, лавҳа менга жуда ёқди.

Лавҳани аста қирқиб чўнтакка урдим-да, уйга келдим. Дарҳол «Пахтакорлар отахони»дан андоза олиб, лавҳани ёзишга киришдим.

«Пахтакорлар отахони» шундай бошланар эди: «...Қуёш тиккага келганда раис пахтазорларни кеза-кеза учинчи бригада шийпонига етиб келди. Ошпаз кампир шўрвани пишириб, хўрандалар ташрифига мунтазир бўлиб ўтирарди. Раис кампир билан саломлашди. Сўнг сариқ, ағдарма этигини гурсиллатиб чопиқчилар олдига ўтди. Чопиқчилар кун иссиғини писанд қилмай астойдил кетмон уришар, қўшиқ айтишар, баъзилари эса қаҳ-қаҳ отиб-кулишар эди.

— Ҳорманглар, азаматлар! — қичқирди раис қўлини пешонасига соябон қилиб. — Баракалла. Файратларингиздан ниҳоятда мамнунман. Аммо анови пайкалдаги ғўзаларингизни кўриб ранжидим — барги сўлишиб ётипти. Тезда уни сўгоринглар.

Бу қисмга ўз фактларимни едириб, қайта ишлаган эдим, мана бундай парча оламга келди: «Қуёш тиккага келганда бош касалкор каравотзорларни кеза-кеза учинчи палатага етиб келди. Ошпаз кампир шўрвани пишириб, хўрандалар ташрифига мунтазир бўлиб ўтирарди. Бош касалкор кампир билан саломлашди.

Сўнг... (Шу ерга каттароқ ўзгартиш киритишга тўғри келди. «Этик» сўзини «калиш-маҳси»га алмаштирдим. Ахир, бош касалкорнинг қаттиқ нағалли этик кийиб юриши тўғри эмас-да!). Сўнг сариқ, ағдарма маҳси-калишини шалпиллатиб касаллар олдига ўтди. Касаллар кун иссиғини писанд қилмай, астойдил ағнаб ётишар, қўшиқ айтишар, баъзилари эса қаҳ-қаҳ отиб кулишар эди.

— Ҳорманглар, азаматлар! — қичқирди бош касалкор қўлини пешонасига соябон қилиб. — Баракалла. Файратларингиздан ғоят мамнунман. Аммо анови бурчақдаги касалингизни кўриб ранжидим — юзи сўлишиб ётипти. Тезда уни суғоринглар».

Шу тариқа, яъни андоза асосида ёза-ёза лавҳани тушгача битирдим. Лавҳам шундай тугар эди:

«Планингиз тўлиб-тошсин, хирмонингиз тоғдан ошсин, лафзи ҳалол каравот усталари!»

Лавҳани таниш адабиёт ўқитувчисига кўрсатиб ўтирмадим. Чунки кўп сўзларни газетадан айнан кўчирган эдим-да!. Муваффақиятимдан завқланиб, редакцияга югурдим. Лавҳани редакторнинг ўз қўлига топширдим. Фикримча, редактор лавҳани ўқиб, қобилиятимга ниҳоятда қойил қолиши, шаънимга офаринлар айтиши ва шу оннинг ўзидаёқ ишга қабул қилиши лозим эди. Лекин бир вақт тўсатдан:

— Бош касалкор? Касалкор деганингиз нимаси?!— деб қолди, кўзойнаги остидан менга тикилиб.

Бир сесканиб тушдим.

— Пахтакор, ғаллакор, деганга ўхшаган гап, — дедим шошиб. — Яъни бош касалкор деганим — бош врач деганим.

Редактор гапимга қулоқ ҳам солмади. Ўқишда давом этди.

— Ҳих! — деди сўнг бурни орқали ҳаво чиқариб. — Бош врач обходга кўёш тиккага келганда кирарканми?! Бунинг устига сариқ, ағдарма маҳси-калиш кийиб! Тавба! Сариқ ағдарма маҳси бўлиши мумкинudir. Аммо сариқ ағдарма калиш деганингиз нимаси?! Ҳеч кўрганмисиз шунақа калишни?

Нафасим ичимга тушиб кетди. Уввало гапираман дейман, тилим сира калимага келмайди-да! Редактор лавҳанинг давомини ўқимади, икки буклаб қўлимга тутқазди.

— Манг! — деди қаттиқ шивирлаб. — Капакига ишлатарсиз!

Анграйиб қолдим. Редактор эшикка ишора қилди.

— Марҳамат, йўл буёқда.

Бошим ғувиллаб, кўзим тиниб кетди. Бир маҳал ўзимга келиб, мундоқ қарасам, камина, яъни мулла Абдукарим Эшматий қуёш тиккага келганда редакциядан сўлжайганича чиқиб келмоқда эди.

## МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Маданий ҳордиқнинг бунақа хиллари ҳам борлигини ким билибди дейсиз. Одатим, корхонамиз беш кунлик иш ҳафтасига кўчгандан бери шанба кунлари ҳеч қаёққа чиқмасдим. Ўша шанба ҳам уйда эдим. Тушгача рўзғор ишларига қарашдим, болаларни ёнимга олиб телевизор томоша қилдим... Кейин оппоқ гуллаб ётган олчалар остига ётиб олиб, китоб ўқишга тушдим.

Бир маҳал катта кўча томондан бир мотоцикл потиллаб келди-да, ҳовлимиз рўпарасида тўхтади.

«Худди Рўзи келди!» — дилимдан ўтказдим.

Рўзи ҳамкасбим бўлади. Ўзи содда, беғубор йигит. Бироқ сал қўрс, ўжарроқ. Бир нарсанинг бошини тутдими — тамом, то уни охирига етказмагунча қўймайди. Кеча ишдан қайтаётганимизда «эртага чўлга борамиз, бир маданий ҳордиқ чиқариб келамиз», деб хўп қистаган, лекин мен унамаган эдим. Мана, ҳозир у худди яна ўша чўлнинг бошини оғритиб келди. Менда бўлса чўл иштиёқи ҳануз туғилган эмас.

Шох-шаббалар, гуллар орасидан мўралаб турдим. Тарақлаб кўча эшик очилди. Дарҳақиқат, ўша! Оёғида кўпол этик, эгнида плаш, бошида телпак, орқасида зангори рангли сафар халтаси.

Рўзи остонадан ўтиб, уч-тўрт қадам босди-ю, тўхтади.

— Мулла, — қичқирди у уй томонга қараб. — Хў, Мулла!

Индамадим. Рўзи димоғи чоғ ва ҳазиллашишга мойил пайтларида мени «мулла», деб атар ҳамда сизлар эди.

— Хў, мулла! — деди яна атрофга аланглаб.

Тагин индамадим. Уйдан хотиним чиқиб жавоб қилди.

— Ҳу анави ерда эдилар, — деди мен томонга ишора қилиб. — Ухлаб қолишди чоғимда.

Рўзи энгашиб, дарахтлар остидан қаради, мени кўрди.

— Ҳа, мулла, — деди илжайиб ва барра йўнғичқани эзиб-янчиб мен томон кела-бошлади. — Ҳў, мўлмаймай ўлинг, буёқдамисиз? Ётибсизми шу ерда китобга тикилиб? Ҳукумат сизни шунақа ағанаб ётсин, деб икки кунлик отдих қилган экан-да?! Ўйнасин, кулсин деб қилган, маданий дам олсин, деб қилган!.. Қани, бўлинг. Тўнғизкўлга овга борамиз...

— Йўқ, Рўзивой, — дедим, — мен боролмайман. Кечқурун маданият уйида театр бўлади, эр-хотин икковимизга билет олиб қўйганман.

Рўзи кескин қўл силтади.

— Э, қўй, ўшанақа театр-пеатрингни! — деди ва қўлимдан маҳкам тутиб ҳовлига судради. — Цирк ёки футбол бўлса, бошқа гап эди. Бу театр дегани қуруқ насиҳат — энсангни қотиради. Ундан кўра, бир чўлга чиқайлик — ҳам кўкракларни тоза ҳавога тўлғазиб келамиз, ҳам барорини берса, беш-ўнтадан ўрдак-пўрдак отиб келамиз. Нима дедингиз, Санобархон?

Хотиним кечқурунги томоша илинжида менинг ёнимни олар, деган умидда эдим. Қаёққа! «Беш-ўнтадан ўрдак-пўрдак»нинг дарагини эшитиб, оғзининг таноби қочиб кетди.

— Майли, борақолинг, — деди юмшоққина жилмайиб. — Театрнинг ҳам мавриди бўлиб қолар.

— Қани, кийин, — деди Рўзи хотинимнинг гапидан қувват олиб. — Милтиқни ос. Овга боришга ишқивозлар кўп эди-ю, сени дедим, сени кўнглим тортди.

Ноилож сафар ҳозирлигини кўрдим.

Милтиқ сотиб олганимга олти йил бўлди. Бироқ ўқузиб биронта чумчуқнинг қулоғини қоната олган эмасман ҳалигача. Шундай бўлса-да, дунёи боумид, милтиқни елкага иддим. Ўлжа солгани қора сумкани олаётган эдим, хотиним уришиб берди.

— Вой, кичкина боламисиз?! Кун иссиқ, ўрдак димиқиб, исланиб қолади унда! — деди ва каттакон тўрхалтани қўлимга тутқазди. — Мабодо балиқ-малиқ ҳам тутсаларинг, новдага тизиб келаверарсизлар.

Рўзи шошириб, овқатланиб олишга ҳам кўнмади. «Ҳамма нарса бор», деб нон-пон ҳам олдирмади...

— Лоақал эски палтомни кийиб олсам бўларди, — дедим жўнар чоғимда. — Ҳар ҳолда баҳор ҳавоси...

— Э, нима қиласан юкни кўпайтириб! — деди Рўзи ва елкасидаги халтасини силкитди, шишалар жиринглади. — Совқотсанг, мана «пальто», закускаси — чўлда.

Мотоциклга мингашиб, жўнадик. Кўм-кўк дарахтларга кўмилган посёлкамиз, катта-кичик қишлоқлар, улкан зовурлар, тепаликлар орқада қолди. Чўл бошланди.

Икки кўзим атрофда: ҳали чапга қарайман, ҳали ўнга, ҳали Рўзининг елкаси оша олдинга боқаман.

Мен бу чўлни авваллари кўрмаган эканман. Жакали чўли деганда кўз олдимга гиёҳсиз қоқ-қуруқ тупроқ, кўз етмас уфққача чўзилган текислик келар эди. Баландликлар, пастликлар, қум тепаликлар ҳам кўп бўлар экан Жакалида. Қиёқ, туронғи, тўра, янтоқлар ҳам ўсар экан.

Бу гиёҳларнинг бултурги поялари қуриб, офтобда қовжираб турибди. Уларнинг урувлари остига тўкилиб, ғуж-ғуж униб чиқибди. Олисдан худди лахтак-лахтак яшил матоларни ёйиб қўйганга ўхшаб кўринади.

Руҳим алланечук енгил. Негадир қўшиқ айтгим, ҳайқиргим келади. Боя овга чиқишга тирқишлик қилганим учун ўзимни ўзим койидим.

«Ношукур банда-ей, бунинг нимаси ёмон?! — дейман ўзимга. — Ҳам мана бунақа жойларни кўриб, ов қилиб дам олсанг, ҳам бир-икки ҳафтага етгулик балиқ ва парранда гўшти ғамлаб олсанг!»

Кечкурунни хаёлан тасаввур қилиб кўраман. Бир қўлимда ўрдак тўла халта, бир қўлимда йўғон новдага қатор тизилган семиз балиқлар — оғзим қулоғимда уйга кириб бораман. Болалар шод қийқиришиб мен томон югуришади. Хотиним эса...

Ғизиллаб кетаётган мотоцикл тўсатдан тўхтади. Ширин хаёлим узилди.

— Ҳа?! — сўрадим норози бир оҳангда.

— Чанқаб ҳам қолгандирсиз? — илжайди Рўзи. — Қани, тушинг, томоқни сал ҳўллаб олайлик.

— Биратўла кўлга етганда қилсак бўлмайдими? — дедим Рўзининг ниятини фаҳмлаб.

— Бунинг ҳам гашти бор, — деди Рўзи ва орқасидаги халтани ечди. Ундан бир шиша чоракталик ароқ, икки шиша пиво ва оқ халтача олди.

Кичик бир қумтепанинг ёнбағрига ўтирдик. Рўзи ароқ билан пивони, мен халтачани очдим. Халтачадаги нарса қип-қизил қалампир толқон аралаштирилган сузма-қатиқ экан. Рўзи ароқни иккига бўлди-қўйди. Ўз улушимни сипқориб, устидан ёнғоқдай қизил қатиқ ютиб юбордим. Қатиқ қатиқ эмас, бамисоли заҳар экан, уни ютганда ичимга ўт кетдими дебман. Дарров пивога ёпишдим.

«Чанқов босди» тутагач, йўлга отландик.

— Мана буни ҳақиқий маданий ҳордиқ дейилади, — деди Рўзи мағрур ва мотоциклга ўт берди.

Чорак соатча вақт юргач, чоғроқ бир кўлнинг рў-парасидан чиқдик. Соҳили ажриқзор экан.

— Тўнғизкўл бу бўлмаслиги керак, — деди Рўзи. — Лекин шу ерда ҳам ов қилса бўлади. Ана газалари ҳам бор экан-ку.

Ажриққа ёнбошлаб, тагин «томоқни ҳўллаб» олдик. Қип-қизил закускани пивога кўшиб хўп туширдик. Бу сафар унинг аччиғи у қадар сезилмади. Халтада яна иккита чоракталик ва бир неча шишада пиво бор экан. Рўзи уларни кўрсатиб:

— Буёғини кабоб билан отамиз, — деди.

Юрагим ачишиб, гумириб турган эди.

— Қани кабоб? — дедим шошилиб.

— Вой, афанди-ей, — масхараомуз кулди Рўзи. — Сенга бу чўли биёбонда кабобпаз борми? Кабобнинг масаллиғи — осмонда. Кабобпаз эса мана сену мен-да.

Лекин осмонда ҳозиргина пайдо бўлган қора булутлардан бошқа ҳеч нарса кўринмасди.

— Айтгандай, ов қилишни биласанми ўзинг? — сўрадим гапни четга буриб.

— Биласанми эмиш! — лабини бурди Рўзи. — Шунга ҳам билимми? Газага кириб тек ётасан, бир гала ўрдак шув этиб келади-да, сувга қўнади. Мўл-жаллаб туриб тепкини босасан, вассалом. Ана сенга ўрдак кабобу қулинг ўргилсин ўрдак шўрвалар!.. Қани, энди овга.

Милтиқларни ўқлаб, ташландиқ бир газага кириб ётиб олдик.

— Мен от деганда отасан, — деди Рўзи. — Тўпича қолади.

Зум ўтмай Рўзи шивирлаб қолди.

— Кўряпсанми, ҳов, ана ўтлаб юришибди.



Дарҳақиқат, нариги қирғоқда сийрак қамишлар орасида икки-учта ўрдак бир жойда сузиб юришарди.

— Агун! — команда берди Рўзи.

Икки милтиқ бараварига гумбирлади. Ўрдаклар учмади, сакраб-сакраб жим бўлишди.

— Қолди, қолди! — кичқирди Рўзи сапчиб ўрнидан туриб. — Ҳаммаси қолди!

Ўпкамиз оғзимизга тикилиб етиб борсак, ўлжамиз... резинадан ясалган алдамиш «ўрдак»лар экан!

Рўзи аламидан «одамларни лақиллатган қаллоб» овчиларни чапараста қилиб сўкиб ташлади. Маъюс манзилгоҳга қайтдик.

— Тўнғизкўлга борамиз, — деди Рўзи. — Шу ҳам кўл бўлди-ю!

Қош қорайганда Тўнғизкўлга етиб бордик. Тўнғизкўл тепалик ва қамишзорлар билан ўралган каттагина кўл экан. Чуқур бўлса керак, ичида гиёҳ асари кўринмасди. Тип-тиниқ сув шабодада енгилгина тўлқинланиб турибди. Мотоциклни юқорига, гуваладан ясалган уйча саҳнига қўйиб, кўл лабига тушдик. «Томоқ ҳўллаш»га киришдик. «Томоқ ҳўллаш» маросими бу сафар ҳам қизил қатиқ ва пиво билан ўтди. Сўнг тепаликка чиқиб, шишаларни ўттиз қадамдан уриш қилдик. Гумбур-гумбур бошланди. Олтита катта, учта кичик шишадан беш-тасини Рўзи уриб биринчиликни олди.

Кейин чўлни бошимизга кўтариб ашула айтдик, бақирдик, чақирдик, хуллас, томоғимизни ҳўллаб ўтган нарсалар ичак-чавоқларимизни таталаб жазиллатиб турганини ҳисобга олмаганда, шод ва бахтиёр эдик.

Ниҳоят, қоронғи тушганда чарчаб кўл ёқасидан қайтдик. Ёнбошлаб папирос тутатдик.

— Маданий ҳордиқ деб мана бунга айтади, — деб қўйди Рўзи яна. — Қалай, сизга маъқулми, йўқми?

Илжайиб бош силкидим.

— Жуда ҳам!..

Шу он бирдан ўрдакнинг «ға-ға»сини эшитиб қолдик. Теваракка жавдираддик. «Ға-ға» кўлнинг нариги бурчагидан келмоқда эди.

Дарров милтиқларга ўқ босдик, аста эмаклаб у ерга яқинлашдик.

— Бу ҳақиқийси! — Шивирлади Рўзи суюниб. — Агун!

Икки тепки баравар босилди. Ҳаммаёқни патир-путур овози тутиб кетди. Ҳаллослаб ўша томонга чопдик. Борсак, беш-олтита ўрдак сувда қалқиб ётарди.

— Сен битта-битта узатавер, — буюрди Рўзи пичоғини қинидан суғуриб. — Мен иссиғида сўйиб ташлайвераман.

Аслида ётиб, эмаклаб эмас, ўрдакларнинг шундоқ тепасига келиб отсак ҳам бўлаверар экан. Негаки, барча ўрдаклар оёғидан ип билан боғлаб қўйилган экан. Бу жониворларни кимнингдир боғлама ўрдаклар эканлигини шунда билдик.

— Яхши бўлмади-да. Бировнинг моли... Бунинг устига, чўл одами батайинроқ бўлади, агар эгаси билиб қолса!

Рўзи анчагина кўрс бўлгани билан юраксизроқ эди. Ўйланиб қолди.

— Да! — деди сўнг хомуш. — Соғ қўймайди. Энди, яхшиси бўғизлаб, анови уйчага ташлаб кетасиз. Шундай қилсак, дурустроқ бўлар-а?

Бу ишлар ниҳоясига етгач, Рўзи тағин халтасини кавлаб қолди.

— Етар энди! — дедим. — Бунинг устига рудасан...

— Тошканнинг тубига ҳам элтиб қўйишга ярайман!

Рўзининг дили гаш эди. Шу туфайли раъйини қайтармадим.

Рўзи бўш шишани қулочкашлаб кўлга отди.

— Хунасаннинг кўли! — деди ғижиниб.

Шу пайт ўтли бир нуқта тўсатдан қамишзорни ёриб чиқди. Мотоцикл экан. Мотоцикл катта тезликда гуруллаб келди-да, мотоциклимиз орқасида таққа тўхтади. Ундан барваста бир одам абжирлик билан тушди.

— Ана, келди ўрдакларнинг эгаси! — дедим шивирлаб.

Нотаниш киши атрофга аланглади.

— Ким у? — деди дағал товушда.

Жавоб бериш ўрнига, ҳар хавфдан ҳазар, қуйроққа чекиндик.

Нотаниш киши мотоцикл чироғини уёқ-буёққа буриб бизни қидирди. Ёруғни юзимизга тўғрилаб туриб, «Кимсизлар?!» деди.

— Маданий ҳордиқ чиқариб юрган ишчилар, — гўлдиради Рўзи.

— Мен шу чўлнинг қоровулиман, — нотаниш киши мотоциклини оёққа турғизди. Унинг чироғи ёруғида мотоциклимиз номерини дафтарчасига ёзиб олди. Сўнг чироқ шуъласини биз томонга буриб қўйиб, олдимизга келди.

У қоп-қора чайир чол экан. Елкасида қўштиғ милтиқ, белида энли патронтаж...

— Сизлар қаердан? — сўради чол биз билан сўрашиб.

Рўзи корхонамиз номини айтди.

— Сизлар томонга газит бормайдими?! — деди чол кўзларини бизга қадаб. Унинг узун мўйловлари негандир пир-пир учиб турарди. — Ҳозир паррандаларнинг айни болалайдиган пайти — қуш ови тақиқланган. Бу борада уч дафъа эълон бердик газетада, ўқимабсизлар-да?

— Кечирасиз, отахон, ўқимаган эканмиз, — дедик шошиб. — Билмабмиз...

— Ўқиш, билиш керак эди-да! — ўдағайлади чол ҳар бир сўзни ниқтаб. — Пақиллатаверадими индамай-синдамай келиб! Қани, нима отдиларинг?

Рўзи бўш халтасини кўрсатди.

— Милтиқларинг қани? — чол уёқ-буёққа аланглади.

Милтиқлар уйча деворига тироғлиқ эди. Чол жадал юриб бориб уларни олди-да, кўлга улоқтириб юборди. «Шалп! Шалп!» Тамом!

Бундай бўлишини сира ҳам кутмаган эдик. Гаранг ҳолда «кечиринг, ота, отахон!» — дея чайқалиб қолавердик.

— Ана энди рухсат, — деди чол ва уйча томон бурилди.

— Энди нима қилдик?! — ўйлайман титраб. — Ана, баттол чол фонарини ёқиб уйга кириб кетяпти. Ҳозир қонга беланиб ётган ўрдакларини кўради. Кўради-ю, баттар ғазабга келади. Сўнг икковимизни пақ-пуқа отади! Абадий ҳордиққа жўнатади! Ахир, қуролсиз икки мастни саранжом қилиш нима деган гап унга бу кимсасиз чўлда!.. Ўрдак — кабоб емай тошнинг томирини есак бўлмасмиди-я!

Бу фикрлар асоратидан бошим ровлаб турган эди. Рўзи биқинимга туртди. Муштумини силтаб «урамиз!» ишорасини қилди.

— Отиб ташлайди! — дедим унинг қулоғига қаттиқ шивирлаб.

Шу лаҳзада Рўзи ялт этиб уйчага қаради. Югуриб бориб эшикчани ёпди. Занжирни солди. Жонҳолатда мотоциклга ёпишдик.

Мотоцикл ўнқир-чўнқир йўллардан чайқалиб-чайқалиб боряпти. Баъзан тўнтарилиб кетгудай бўламиз. Шу пайт аксига олгандай сел қуйиб юборди. Йўл лой, сийғончиқ. Бунинг устига ўзининг кайфи ҳам анча дуруст эди — жонимни ҳовучлаб боряпман.

Бир маҳал негадир олдинга ғира-шира соямиз тушиб қолди. Орқамга қарасам, мотоцикл!

— Чол келяпти! — дедим ўзимни Рўзига уриб. — Отади!

Рўзи тезликни оширди.

«Отади, — дейман яна ваҳима билан. — Қаватига отади, ҳозир отади! Олдин мен, кейин Рўзи!.. Ўзи ажал тортиб келган эканмиз-да, буёқларга! «Беш-олтита ўрдак-пўрдак» емай ҳам кет, хотин! «Маданий ҳордиқ» чиқармай, уйгинамда жўжаларимнинг олдида жайдари ҳордиқ чиқариб ўтирсам нима қилар экана!..»

Ёмғир савалаб турипти. Ҳаммаёқ шалаббо. Совуқданми, ваҳимаданми, дир-дир титрайман, Рўзининг пинжига тиқиламан.

Негадир кўзимга ёш келди.

— Хайр, ширин-шакар болаларим! — пичирлайман ўпкам тўлиб. — Хайр, ўрдаксевар Санобарим!..

Чол жуда яқин келиб қолди.

— Отади! — бақирдим жон-жаҳдим билан. — Тўхтат, четга қочамиз!

Рўзи тўхтатиш ўрнига орқасига бир қайрилиб қаради-ю, рулни чапга кескин буриб юборди. Шу он олам кўзимга чархпалак бўлиб кетди. Гурсиллаб ерга йиқилдик.

— Отди, баттол! — қичқирдим. — Ўлди!..

Кейин нима бўлди — билмайман. Очлик, қўрқув, зарб, оғриқ — ҳаммаси бир бўлиб ҳушимни олиб кетибди...

Йўқ, хайрият, ўшанда чол бизни отмаган экан. Ўзимга келсам, мана шу касалхонада ётибман. Кейин Рўзи айтиб берди, чол ўшанда қувмаганда ишимиз пачава бўларкан. Зилдай оғир мотоцикл Рўзи икковимизнинг чап оёғимизни эзиб тушибди. Рўзи уввало

уннабди, остидан чиқолмабди. Дам ўтмай чол етиб келибди-да, дарров мотоциклни ташлаб, бизникига ёпишибди. Уни даст кўтариб нариги ёнига ағдариб ташлабди. Сўнгра катта йўлдан ўткинчи машина гутиб, бизни бу ерга опкелибди.

Соннинг гўшти эзилибди, суяги лат ебди... Шундан бери ётибмиз-да, мана шу ерда «маданий ҳордиқ» чиқариб. Ўзимиз, мана, хирургиядамиз. Лекин терапевтларга ҳам иш бўлиб турибмиз. Негаки, ички аппаратлар ҳам чатоқ-да!!

Эрталаб Рўзининг хотини «хушхабар» топиб келди. Чол, қайсар чол ишимизни судга оширибди.

— Эл олдида уялтирилсин, барчага ибрат бўлсин,— дебди.

Мана энди эсон-омон соғайиб чиқсак, суд залида ҳам «маданий ҳордиқ» чиқарамиз, насиб қилса.

«БИЗ БИР ЁНДАН, СИЗ БИР ЁНДАН»  
(1977 ЙИЛ) КИТОБИДАН

ПРОГУЛЧИ

Ашуров райижроком биноси остонасига энди қаддам қўйган эди, ичкаридан райижроком раиси муовини Холбеков учта нотаниш киши билан чақчақлашиб чиқиб қолди. Ашуров четланиб, уларга салом берди. Чиқувчилар Ашуровнинг саломига жавобан шляпали бошларини билинар-билинемас қимирлатдилар ва нарироқда турган енгил машина томон йўл олдилар. Ашуров уларга эргашди, жадаллаб ёндашди.

— Ҳа? — деди Холбеков Ашуровга кўзи тушиб. — Ишингиз борми?

— Чақиртирган экансиз...

— Кимсиз?

— Ўттизинчи мактаб директори Ашуров.

Холбековнинг афти бирдан бужмайиб, қовоғи осилиб кетди.

— Ҳм, шунақами? — қаттиқ шивирлади Ашуровга юқоридан ўқрайиб. — Анави, ҳамма ишни расво қилиб юрган прогулчи Ашуров-а?!

Холбеков саволига жавоб ҳам кутмай, шляпали кишиларга юзланди. Улардан бир минутга рухсат олиб, Ашуровга ўтирилди.

— Қани, юринг буёққа!

Ашуров нима гап эканига тушунолмаб, унинг орқасидан эргашди.

— Мен сиз билан бошқача гаплашмоқчи эдим, лекин меҳмонларим бор, вақтим зиқ, — деди Холбеков кабинетига киргач. — Ўтиринг!

Ашуров эшик ёнидаги стулга омонатгина чўнқайди.

Холбеков тўхтовсиз гапириб туриб, стол тортмасини кавлаштирди. Ундан орқа-олди ёзув билан тўлатилган бир неча варақ қоғоз олди.

— Сиз бизни область олдида шарманда қилдингиз, — деди сўнг. — Устингиздан областта мана бунақа

сигнал тушибди, роса гап эшитдик шунинг орқасидан. Мана, буни қаранг!

Холбеков остига қизил қалам чизилган сатрларга ишора қилди.

— Ўқув йилни тўқсон олти процент ўзлаштириш билан яқунлабсиз, шундайми?

— Худди шундай, — жавоб қилди Ашуров.

— Хўш, нега шундай? Пахтакорларимиз, чорвадорларимиз планларини муттасил ошириб бажарганлари ҳолда нега сизда ўқитиш тўқсон олти? Хабарингиз бордир, куни кеча районимиз пилла тайёрлаш мажбуриятини ҳам шараф билан бажарди. Сизда бўлса тўқсон олти... Чунки сиз вазифангизга ғоят масъулиятсиз ёндошгансиз. — Холбеков тагига чизилган сатрларга қараб-қараб гапириб кетди. — Мактаб календарь планида кўрсатилган тадбирларнинг кўпчилиги амалга оширилмаган. Жумладан, иккита педсовет, иккита ота-оналар йиғилиши ўтмай қолган. Дарс таҳлил қилиш плани бажарилмаган. Ўқитувчилар ўртасида интизом бўшашиб кетган ва ҳоказо, ва ҳоказо!.. Оқибатда мактабингиз йиллик плани тўқсон олтида қолиб кетган! Сиз бу тўқсон олтини юзга чиқаришингиз ва ҳатто, ошириб ҳам юборишингиз мумкин эди. Аммо сиз буни истамагансиз. Ялло қилиб юришни афзал кўргансиз.

Ашуров нима дейишини билмай бақрайиб қолди.

— Агар бир ўқувчи дарсдан бир соат узрсиз прогул қилса, нима қиласиз?

Бу савол Ашуровни ўзига келтирди.

— Танбеҳ бераман.

— Ҳа, балли! — деди муовин. — Борди-ю, прогулни бирор масъул ходим ёки ишчи қилса-чи?

— Жавобгарликка тортилади.

— Ҳа, баракалла! — хитоб қилди Холбеков. — Сиз эса, икки йил ичида бир юз ўттиз тўққиз иш куни мактабда бўлмагансиз. Яъни 139 иш куни прогул қилгансиз! Буни соатга чақиб кўринг-а!.. Хуллас, сиздай жиноятчи билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўк! Прогулингиз ҳақида тушунтириш хати билан директорликдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб келинг. Индинга тўққизда келинг. Бошқа гап йўк!..

Ашуров безгак тутгандек қалтираб, муовиннинг орқасидан эргашди.

— Ахир... Шошманг... Ахир!..

Холбеков орқасига қайрилиб ҳам қарамади, шиддат билан машинага ўтириб, эшикни қарс ёлди.

Шу куни Ашуров қандайдир дард-алам ўтида қовурилди, ҳеч иш қилолмади. Эртаси куни тушунтириш хати ёзишга тутинди. Ўйлаб, ҳисоблаб кўрса, у бурноғи йилида мактабда илмий бўлим мудирини эди. Мудир сифатида бир ой малака ошириш институтида семинарда бўлган.

Яқунланган ўқув йили бошида директор этиб тайинланди. Директор сифатида яна бир ой семинарда бўлди.

У тарих-география ўқитувчиси эди. Тарих ва география фанлари бўйича икки ой семинарда бўлди.

У колхозда пропагандист эди. Пропагандист сифатида ўн кун семинарда бўлди.

У билим жамияти аъзоси эди. Атеист лектор сифатида беш кун семинарда бўлди.

У маҳаллий Советларга ўтказилган сайловга секретарь эди. Секретарлик ўн беш кунни банд қилди.

Булардан ташқари у райОНО советлари, райком пленумлари, райижроком қишлоқ Советида ўтказилган турли йиғилишларда қатнашди. Буларга кетган вақтнинг ҳаммасини жамлаган эди, бир юз эллик бир кунга етди.

Ашуров тушунтириш хати билан аризани ёзиб, қишлоқ Советига, район халқ маорифи бўлимига, педагогика кабинетига... кирди. Ўз «прогул»ининг ой, кунларини аниқлатди. Шу ҳақда ҳар биридан биттадан справка олди. Аммо бунинг сабабини ҳеч кимга айтмади.

Эртасига белгиланган муддатда Холбековнинг кабинетида кирди. Холбеков телефонда ким биландир ширин суҳбатлашмоқда экан. Холбеков трубкани қўйган ҳамона юзидаги яшнаб турган шодлик ифодаси дарров сўнди.

— Хўш, ёзиб келдингизми? — деди.

Ашуров бир сўз демади. Тушунтириш хати билан справкаларни Холбековнинг столи устига қўйди. Холбеков аввал хатни, кейин справкаларни: «Ҳм, да! Да!» деб ўқиб чиқди. Сўнг столдан бошини кўтариб, жилмайди.

— Шунақами? — деди чехраси очилиб. — Биз сизни ҳалиги...

Холбеков оғзидаги гапини айтиб улгурмади. Ашуров ўзини директорликдан озод қилишни сўраб ёзган аризасини муовиннинг қўлига тутқазди.

— Хайр! — Ашуров тарс-турс юриб, ташқарига



йўналди. Холбеков унинг орқасидан кўчага чиқди. Бирок Ашуровни тўхтата олмади.

— Ҳой, ўртоқ Ашуров! Ҳой, ука! — деганича қолаверди.

## ЎН БИРУ ЎН БИР

Бизнинг хонимга: «Автомашинани кўпроқ севасанми, эрингни кўпроқ севасанми?» деб кўринг, сира иккиланмасдан: «Ие, ановини, автомашинани кўпроқ севаман-да», деб жавоб беради. Вой-вой-вой, унинг машинага бўлган меҳру муҳаббати!..

Юк машинаси миниб юрган пайтларимда бир нав эди. Кўпинча эрталаб кўзини шамғалат қилиб гаражга, гараждан бирор ёққа ишга жўнаб қолардим. «Райцентрга тушиб чиқайлик», «Фалончиникига бориб келайлик» деёлмай қоларди. Гаражга мудир бўлдим хонимга худо берди. У киши қишлоғимиз магизинига мудир эмасми, машинага доимо «кичкина» иши чиқиб туради. Икки куннинг бирида гаражда.

— Дадаси, райПОга антиқа моллар келибди. Сиз боп импортний костюмлар ҳам бўлса керак. Шунга машина тўғрилаб беринг, опкелволай.

— Дадаси, ҳалиги райцентрга борадиган машиналарингизга тайинлаб қўйинг, бўш яшиқларин юклаб кетишсин...

Бунинг устига райцентрда Шарофатой, Фазилатой деган дугоналари бор, уларникига ҳафтада, ойда меҳмонга бориб туради. Аммо бирор марта бўлсин, автобусда бормайди.

— Хоним, — дедим бир куни, — давлат автобус чиқариб қўйибди... Шу... ҳадеб колхоз машинасини югуртираверсак, қандай бўларкин?..

— Қизик, — лабини бурди хоним, — ўзимизнинг машиналар турганда давлатникида юраманми?! Бир эмас, ўн тўққизта машинамиз бўла туриб-а!..

Ана, кўрдингизми, биродар, хоним «машиналаримиз»нинг нечталигини ҳам аниқ билади. Нечталигини эмиш! Шофёрларнинг исми фамилияси, машиналарнинг номерлари ҳам хонимга ёд!

Аммо яқинда хоним учун хунукроқ воқеа рўй берди. Ҳамма машиналарни техника кўригидан ўтказиш учун давлат автоинспекциясига олиб кетган эдим. Хоним райПОга бормоқчи бўлади. Машина сўрагани га-

ражга келади. Келса, биронта ҳам машина йўқ. Иттифоқо хоним раиснинг «Волга»сини учратиб қолади. «Волга»нинг шофёрини аврашга тушади. «Пальтонинг мана шундоғи келган райПОга, — дейди бош бармоғини кўрсатиб. — Шундан гиз этиб бориб опкелайлик. Биринчисини сизга бераман. Ўн минут кетади атиги»...

Шофёр янги эди. «Пальтонинг мана шундоғи»га учади. Боришга рози бўлади.

Ўчакишгандай, ўша топда раисни райкомга чақириб қолишади. Раис машинасини узоқ қидиради. Лекин тополмайди. Сўнг райкомга шаҳардан ўғит ташийдиган машинада боради. Ҳазилкашлар раисни роса аския қилишади. Бунинг устига райкомда кечиккани учун раисга танбеҳ беришади. Аския ва танбеҳ ҳарорати ичида чўғ бўлиб ёниб, «дум»ли машинада қишлоққа келса, шофёр бола билан хоним «Волга»дан чой, шакар ва яна алланималарни тушуришаётган экан. Хоним раиснинг авзойини кўриб, шошиб қолади. «Хўжайин буюриб бердилар, «Волга»ни», — дейди. Шофёр бола бу гапни маъқуллайди. Раис бир сўз демайди. Лабларини қимтиб тишлагинча идорага кириб кетади.

Кечки пайт тўсатдан раис чақиртириб қолди. Бордим. У юзимга тикилиб қаради.

— Энди етар! — деди лаблари пирпираб. — Озодсиз завгарликдан! Юрагим «шув» этиб кетди. Хоним туфайли илгари ҳам бир жуфтгина жазо олган эдим. Оббо, яна бирор «хизмат» кўрсатипти-да!..

Шалвираб хонадан чиқдим.

Арча байрами арафаси бўлгани сабабли завгарликдан «озод» этилганимни хонимга айтмай туришга қарор қилдим, лекин бўлмади. Айтдим. Бунга хонимнинг ўзи мажбур қилди.

Кеча Топкент куранти «Бонг, бонг, бонг!» қилиб, Янги йил кирганини эълон қилганда, хоним ясан-тусан қилиб қолди.

— Ҳа, хоним?

— Фазилатойникига фир этиб бориб, Янги йил билан табриклаб келай, — жавоб қилди хоним гул-гул ёниб. — Ҳамма болалар ухлашди. Волгажон уйғонгунча қайтиб келаман. Йиғласа, овутиб турарсиз.

Энсам қотди.

— Тонг отмай қоладими?

— Бунақасининг гашти бошқа. Уйида телефони бор шофёрларингиздан бирортасини чақиртириб берсангиз бас, бир зумда ўтиб келамиз.

— Э, қўйсангиз-чи! — дедим тажанг бўлиб. — Шу маҳалда шофёрларнинг ҳаловатини бузамизми?!

— Ие, анавини, — қошини чимирди хоним. — Боради-да! Иш чиқса боради-да! Анови Маҳмуд Султоновга буюра қолинг, қирқ саккизу элик етти ФЕГнинг шофёрига. Мен кийиниб бўлгунча даров етиб келсин!

— Қирқ саккизу элик етти бузуқ.

— Нега экан, кеча балодай юриб турган эди-ку физилаб! У бўлмаса саксон олти-ю ўттиз тўрт ФЕАни чақиринг!

— У ҳам бузуқ!

— Элигу йигирма беш ФЕВ бузуқ эмасдир. Куни билан шағал ташиди.

— У ҳам бузуқ!

— Бузуқ! Бузуқ! У бузуқ бўлса, элик бешу ўн олти ФЕК-чи?! Қирқ учу етмиш олти ФЕА-чи?! Ўн олти-ю ноль етти ФЕД-чи?! Тўқсон тўққизу йигирма тўрт ФЕВ-чи?! Хўш, булар ҳам бузуқми?!

— Улар бузуқ эмас-ку, шаҳарга кунжарага кетишган, эртага келишади. — дея гирт ёлгон гапирдим. — Умуман, бирорта ҳам ишга яроқли машина йўқ.

Хоним бирпас жим қолди. Сўнг икки кафтини чаккасига босиб, бошини чапга хиёл эгди, жилмайди. Қошларини чимирди.

— Бўлмаса, — илтижо қилди у эркаланган ва ялинганнамо, — анови меҳмон машинани буюриб бера қолинг бирорта шофёрингизга.

— Қайси меҳмон машина? — ҳайрон бўлдим.

— Гаражнинг тўрида савлат тўкиб турган саксон учу қирқ бир КЯК-чи?

Ҳайратдан кўзларим олайиб кетди. Ёқамни ушлаб, беихтиёр ўрнимдан турдим. Ёпирай! Хотирани қаранг-а, хотирани!!

Раиснинг қирқ учинчи йили фронтда танишган красноярсклик қуролдош дўсти бор эди. Ўша келган эди бола-чақаси билан қора «Волга»сида. Уни қарангки, гараж мудирини бўла туриб, мен билмайман ўша «Волга»нинг номерини! Бу хоним бўлса, беш кун ичида тошга пўлат чўкич билан ёзгандай аллақачон ёдлаб олибди-я, хотирангга могор тушкур!

— Ҳа, қўрқиб кетдингиз? — сўзланди хоним пинагини бузмай. — Қўрқманг, бир зумда бориб келамиз. Фазилатойнинг кўзини бир ўйнатаману қайтаман.

Мен ҳануз жим эдим. Хоним телефон трубкасини қўлимга тутқазди.

— Манг, буюринг бирортасига. Ёки ўзингиз олиб кела қолинг, номерингдан опанг айлансин саксон учу қирқ бир КЯКни.

Жон-повим чиқиб кетди. Қарангки, бу ердаги машиналар қолиб, сибирлик машина ҳам қутулмайди бу хонимнинг дастидан! Ғазабимни аранг ютдим.

— Энди бунақа машиналарда юролмайсиз хоним! — дедим нафасим бўғилиб. — Паттам қўлга теккан! Ҳайдалганман ишдан!

Хоним жиддийлашди.

— Йўғ-е, нималар деяпсиз ўзи?!

— Ҳа, қувилганман, ўша раиснинг «Волга»сида каттайса қилган кунингиз!..

Хоним қўрқиб кетди.

— Вой, энди нима қиламан?! Энди нимада бориб келаман?!

Ғижиндим, тишларимни тишларимга қаттиқ босдим.

— Ман-на, — дедим оёқларимни ерга гурс-гурс уриб, — энди саксон учу қирқ бир КЯКда эмас, ман-на бунда бориб келасиз Фазилатойникига, ўн биру ўн бир оёқда бориб келасиз!..

Хоним катта фожиага йўлиққан кишидай ҳолсизланиб ўтириб қолди.

«КИЧКИНА БОЛА ЭМАСМАН» (1982 ЙИЛ)  
КИТОБИДАН

КИЧКИНА БОЛА ЭМАСМАН

Янгангиз саҳарлаб уйғотиб, ишга буюраверади. Бугун ҳам шундай қилди.

— Ҳой, танбал! — қичқирди. — Ҳали ҳам ётибсизми! Мол бозори кутиб ўтирмайди сизни! Туринг тезроқ! Чилдирмадай таранг қилиб қўйдим сизни ўлгурнинг қорнини! Йўқотиб келинг шу туғмасни, қорасини иккинчи кўрмайин!

— Ўнг ёнимни бирпас босиб ётайин, — пўнгиладим каравотни гичирлатиб. — Ишим ўнгидан келади.

Янгангиз устимдан кўрпани юлқиб полга отди.

— Ўнг ёним эмиш! Утган ҳафта ҳам ўнг ёним деб!..

Соатга қарасам, бешдан сал ўтибди. Қишнинг бир чимдим кунларида бу пайт ҳали қоронғи бўлади. Ниҳоятда оғриндим. Лекин начора!

Авваллари молбозорга даҳлдор ишларимни поччам раҳматли битириб юрарди. Энди ўзимга қолди. Қисир сизим бор. Дўнгдай. Эти ҳам чакки эмас. Уч йилдан бери боқамиз, туғмайди. Шуни сотиб, бўғоз ёки соғин сизим олишим керак. Пул борида совлиқ ҳам оламан. Бу тўғрида янгангиз билан кеча жиддий музокарадан сўнг, тўла битимга келинган. Қўшним Усмонали колхознинг усти ёпиқ машинасини минади. У билан ҳам келишиб қўйилган. Усмонали йўталга чалинган қўйини сотмоқчи.

Кийиниб ташқарига чиқдим. Қоп-қоронғи. Изғирин. Апил-тапил бозор тарадудини кўрдик. Янгангиз ҳам жим турмади.

— Молни сотаётганингизда қаттиқ туринг. Бўғоз, серсут деб мақтанг. Олаётганингизда беш сўмдан эмас, бир сўмдан ошинг. Иложи бўлса...

Ғашим келди.

— Уч юз олтмиш тўққиз сўм етмиш тийин сўрайман, — дедим.

— Ҳа, бозор-ўчарни билмайсиз-да. Сўтаксиз.

— Табиат жағ масаласида сизга ғоят сахийлик қилиб юборганда! — дедим.

Бу гапимга оловга ташланган қалампирнинг тутунидай «ёқимли» жавоб қайтди. Хуллас, мол билан қўйни машинага юкладик. Янгангиз орқамиздан «офарин»лар айтиб қолди.

— Ҳой, эҳтиёт бўлинг, мол бозорининг даллоллари, олибсотарлари жуда олғир бўлади, дейишади.

Орқага қарамай қўл силтадим. Кишига алам қилар экан. Ахир, мен кичкина бола эмасман-ку, битта сизгирни алмаштириб келолмасам. Кечадан бери жағи тинмайди-я! Мол бозорига ишим тушмаган бўлса ҳам, ҳар қалай, эс-ҳушим жойида. Қолаверса, даллол, олибсотарлар ҳам одам боласи. Аммо бир воқеа сал ўйлантириб қўйди. Сотволди бува деган одам ҳатто ўз сизгирини сотганда ҳам даллоллик қилган эмиш. Унинг тишлари тушиб кетган қари сизгири бор эди. Бозорда уни кампирга етаклатиб қўйибди. Бир гўл йигитга бир ярим баҳосига пуллабди. Савдо чоғида ўз хотинини «она, онажон», деб атабди. Бу — бўлган воқеа.

Дам ўтмай етиб бордик. Машина кетини дўнгликка тўғриладик. Усмонали кўчқорни етаклаб қўй бозорига кетди, мен — мол бозорига.

Хайрият, харидор оёғим остидан чиқиб қолди. Қоронғида қандай савдо қиламиз экан деган ташвишда эдим, аканг қарағайнинг ишбилармон харидори қўл фонарини ёқиб, сизгирга кўз югуртирди. Уёқ буёғини ушлаб, елкасига шапатилаб:

— Эти тузук, лекин қисир, хашаки, — деди.

— Ҳа, қисир, — дедим ростига кўчиб.

Харидор сизгирнинг нархини сўради.

— Тўққиз юз сўм, — жавоб бердим.

— Йўғ-е, ҳазиллашяпсизми, укам? Инсоф билан гапиринг-да. Нарин борса, юз кило гўшти бор. Тўрт сўмдан тўрт юз сўм. Ана, тери-ю калла-поччасини ўн сўм дейлик. Тўрт юз ўн сўм. Иккига бўламиз.

— Нимани иккига бўламиз? — дедим ҳайрон бўлиб, — Тўрт юз ўн сўмними?

— Йўғ-е, биз унақа фирромлардан эмасмиз. Тўққиз юз сўмни иккига бўламиз.

— Бўлмайди.

Харидор елкамга аста қоқди. Сўнг ўнг қўлимни тутиб силтай кетди.

— Хўп денг, укам, яхши йигитга ўхшайсиз. Жиян-

ларингизга элтиб берай, эрмак қилиб юришсин. Ана, қирқ олти! Боринг, мендан кетса қирқ етти.

Унамадим. Харидор елкамни узар даражада қўлимни силтай-силтай қирқ тўққизга чиқди. Бош чайқаб туравердим. Харидорим ўта қаттиқлик қилиш эркак одамга муносиб эмаслигини таъкидлади.

— Ҳа, йигит киши мард, тўкилган-сочилган бўлиши керак. Хўп денг, отам, хўп денг. Боринг, ана мендан кетса кетсин, қирқ тўққиз ярим.

Тағин унамадим. Харидор қўлимни зарб билан қорнимга улоқтириб юборди. Кейин аразлагандай тескари қараб кета бошлади.

— Кўраман шундан оширганингизни! Аёзда туриб-туриб, қайтариб кетасиз!

Дарвоқе, қайтариб олиб кетсам, янгангиз мени еб юборади! Шуни ўйлаб қўрқиб кетдим. «Ҳой, манг, манг, олинг бештага!» дея бақириб юборишимга бир баҳя қолди. Бошқа бир одам келиб қулоғимга шивирлади.

— Эрталабки савдодан қолманг, жигарим. Мол касод ҳозир, азизим. Жуда пишитиб кетди ҳалиги харидор. Яна танангиз билан кенгашиб кўринг, қайтариб кетгандан на фойда?!

Бир лаҳза сукут қилдим. Янги суҳбатдошим ҳалиги харидорни чақирди. У етиб келгунча, менга яна бир савол тушди.

— Элик икига уриб берсам, яхши йигит экансиз, бирини менга берасизми?

Бирини у олса, элик бири қолади. Элигига унаган, нега элик бирига унамас эканман. «Бўпти» дедим.

— Йўқ деб тураверасиз.

— Хўп.

Харидор келди. Даллол харидорнинг кафти билан менинг кафтимни жуфтлади. Сўнг узоқ силтади.

— Ана, элик бир. Хўп денг энди. Беринг баракани!

Мен «йўқ», деб туравердим. Даллол аввал харидорнинг қулоғига, кейин менинг қулоғимга пичирлади. Харидорга нима деди, қоронғи. Кейин яна беш қўшди. Даллолнинг айтганига кўндим. Даллол фонарнинг ёруғида беш юз ўн беш сўмни санаб олди. Менга беш юз икки сўм етиб келди. Учовимиз бир-биримизга омад тилаб, уч томонга тарқалдик.

Ҳануз қоронғи эди. Гала-ровур авжида. Арқонни

елкага ташлаб сигир қидириб юрибман. Аммо дуруст-роқ сигир учрамади. Бўғоз сигир ола қоламан. Қандай қилиб топса бўлади бўғоз сигирни? Ахир, қорнига «бўғоз» деб ёзиб қўйилмаган-да! Даллоллардан сўраш керак, шулар билишади. Бир кекса даллолни нишонга олдим.

— Амаки, бизга бўғоз сигир керак эди-да!

— Керак бўлса топамиз, бўтам, топамиз бўғозини. Ҳа, умрингиздан барака топинг, бўталоғим. Сиз бўғоз сигир дейсизу биз йўқ деймизми?

Даллол невараларини, яъни бизнинг фарзандларни, гарчи танимаса ҳам узоқ мақтади. Қуюқ дуо қилди. Хурсанд бўлдим. Яхши одам бўларкан-ку даллоллар ҳам. Янгангиз бўлса...

Даллол мени ичкарироққа бошлади. Бир сигирнинг икки биқинидан ушлаб кўрди. Бўғоз эмас экан шекилли, нари кетди. Даллолга ёқмаган ҳалиги сигирга разм солдим. Даллол ҳақиқатан ҳам билар экан, ҳайвоннинг бели тасмадеккина эди. Даллолга иккинчи сигир ҳам ёқмади. Тўла гавдали сигирни ҳам қўлбола «лабораторияси»дан ўтказганда, қисир эканлиги маълум бўлди. Даллолнинг жуда пишиғини топганга ўхшайман. Каттагина сигирнинг бошига борди. Унинг устига энгашиб, қорнини панжалари билан пайпаслаб узоқ тафтиш қилди. Қулоғини сигирнинг қорнига босиб, ниманидир тинглади. Сўнг қадини ростлаб, мол эгасига юзланди.

— Неча ойлик қорнидаги боласи, уч ойлик бор-а?

— Тўрт ойлик.

Даллол сигирнинг бошқа томонларини ҳам тафтиш қилди.

— Ҳа, тўғри, — деди ва орқасига ўтирилиб мени қидирди. — Ҳой, болам, қаёқдасиз?

Мен даллолнинг биқинида турардим.

— Мана, топдим, бўталоғим. Зўр говмиш! Толеингиз бор экан.

Сигирни айланиб томоша қилдим. Лекин қаеридан биламан бўғозлигини?

— Ишқилиб, аниқми бўғозлиги?

Даллол қўлини ҳавода силтаб ташлади.

— Э, оппоқ соқолим билан ёлғон гапираманми? Тепамда худо турибди! Мен ўртада холис одамман, — у мол эгасига ишора қилди. — Менга у ҳам бир, сиз ҳам бир. Савдони битирайлик, ҳиммат қилсангиз уч сўм берарсиз, ҳиммат қилмасангиз... Қани, беринг



қўлни! Биз бир ҳожатбарор одаммиз. Бизга савоб бўлса бас.

Шубҳаланиб, қўл бермадим. Мол эгаси бидирлаб, сигирни мақтай кетди. Сигир қўйдаи ювош экан, уч пақирдан сут берар экан ҳар куни.

Даллол мол эгасининг қўли билан менинг қўлимни жуфтлаштириб, молнинг баҳосини сўради.

— Ўн битта, — жавоб қайтди сотувчидан.

Даллол кескин бош силкиди.

— Йўқ, беш юз элик сўм берамиз, — деди ва қўлларимизни силтай кетди. — Ҳа, барака денг...

Сигир эгаси бош чайқаб, қўлини тортиб олмоқчи бўлди. Бироқ даллолим анойи эмас, қўйиб юбормади. Унинг қулоғига шивирлади. Говмишнинг эгаси бақириб берди.

— Ахир, инсоф қилинг, тоға! Шу сотадиган сигирми?! Говмиш-а, говмиш! Қорнида боласи пўлдираб турибди! Ҳар тукқанда ўн бир ой соғдиради. Сути ата-ладай қуюқ. Худо ҳаққи, сотадиган сигир эмас, жонивор! Нима қилай, мажбур бўлдим. Бировнинг «Жигули»сини оладиган бўлиб қолдим. Бўлмаса, ўлай агар, сотмасдим...

Ўҳ, бахтни қаранг, бахтни! Аломат сигирга учрабман! Энтикиб қувонаман.

Даллол унинг гапини чўрт кесди.

— Хўп, хўп, беш юз олтмиш қилайликми? Етмишга-чи, аканг айлангур? — У қўлларимизни қаттиқ силтай кетди. — Боринг барака! Ана, саксон.

Мол эгаси бош чайқаб, қўлини тортиб олди. Даллол қулоғимга шивирлади.

— Аммо яхши говмиш экан-да. Ўзиям тойлоқдек бола берса керак.

Қўллар тагин силтовга тушди. Даллол тушмагур ишига пишиқ экан. Узоқ шивирлашлар, кесатишлардан сўнг говмишни беш юз тўқсон сўмга кўндирди. Олди-бердидан кейин айрилишдик. Машина ёнига келсам, Усмонали қўйини сотиб чиқиб, кабина чирогига китоб ўқиб ўтирибди. У шарпамни сезиб, китобдан кўзини олди-да, менга «хўш?!» дегандек қаради. Бош бармоғимни кўрсатдим. Кейин говмишни машинага чиқардим. Энди совлиқ олишим керак эди.

Совлиқни олишим унча қийин бўлмади. Шу десангиз, бир дамда елин солган бўғоз совлиқни икки юз элик сўмга етаклаб чиқдим. Бу сафар кабинада эмас,

борта кетишга сидқидилдан қарор қилдим. Ахир, иккови ҳам оғироёқ нарса, бирор қор-қол бўлса...

Кела-келгунча севинаман. Уддабурролигимни кўрсатиб, янгангизни қувонтиришга шошиламан. Аксига олгандай, янгангиз ҳовлида кўринмасди. Сепаратор бузук эди, ўшани устага олиб кетибди...

Мол, қўшни оғил устунига боғлаб, уларни кунжара билан «меҳмон» қилиб турсам, ваъдага кўра, Усмонали чиқиб қолди чой ичгани. Бир оз керилиб говмишни, совлиқни кўрсатдим. Совлиқ «ма» демоқчи бўлди-ю, йўтали тутиб қолди. Қўшни говмишнинг нархини сўради. Жавоб қилдим.

— Яхши, арзон, — деди ва негадир совлиғимга тикилиб қолди. — Ия! Ия! Бу бизнинг «Ортиқвой»ку!

Юрагим орқага тортиб кетди.

— Йўғ-е! Йўғ-е!

— Э, худди ўша! Мана, бўйнида ортиғи бор. Йўталиши ҳам ўша!

Энгашиб совлиқнинг «елини»га қарадиму юрагим «шув» этиб кетди. Дармоним қуриб, охурга ўтириб қолдим.

— Наҳотки!..

— Қўйфурушларнинг қўлига тушибмиз-да! Қанчага беришди?

— Икки юз эликка, — овозим гўлдираб чиқди.

— Номардлар! Қирқни юлибди-да икковимиздан!

Товушим чиқмай қолди. Ҳарчанд «буни янгангиз сезмасин, балога қоламан», демоқчи бўламану айтолмайман. «Совлиғим» хириллаб, тикилиб-тикилиб йўталди.

— Бунақа экан, — сукунатни бузди Усмонали икки елкаси кулгидан титраб, — шу ерда битишиб кўя қолардик.

Шаллайиб ўтирсам, ўртанча қизим юзини сочиқ билан арта-арта оғилга кириб қолди. Бир маҳал у сизирга қараб:

— Вой! Сотилмадими бу ҳаром ўлгур! — деса бўладими.

Гўё мияга электр токи урилди-ю, товонимдан чиқиб кетди.

— Нима дединг?! — бақирдим ҳорғин, йиғлоқи овозда. — У «ҳаром ўлгуринг» алақачон эгасини топиб кетган! Беш юз ўн сўмга кетган! Бу говмуш салкам олти юз сўмга келган. Бўғоз. Эрта-индин оғзингга оқ тегади.

Қизим маст эмасмикан, дегандай афтимга синчик-лаб тикилди.

— Йўғ-е! — деди кейин тез-тез киприк қоқиб. — Молимизнинг худди ўзи-ку! Сиз мени...

— Ҳа, ўша! — Усмонали беихтиёр қарсақ чалиб қийқирди. — Худди ўша!

Ўпкам тўлиб, кўзимга ёш келди.

## АЛОВИДДИННИНГ СЕҲРАИ ЧИРОҒИ

Командировкам муддати тугади, ишим битди. Болаларнинг олдига қайтпман. Билет бор, чамадон шай. Фақат икки-уч минутлик ишим қолди: командировка қоғозимга ташкилот бошлиғи имзо чекиб, муҳр босса, бас.

Меҳмонхонадан чамадонни оламану, аэропортга чопаман...

Шуларни дилдан ўтказиб, бошлиқнинг қабулхонасига кирдим. Қабулхонада негадир одам кўп. Кутувчилар стулларда жимгина ўтиришар, айримлари нарибери юриб турар, аммо барчанинг кўзи бошлиқнинг фамилияси ёзилган эшикка қадалган эди.

— Ҳаммаларинг шу ёққами? — сўрадим аста.

— Шундай. — жавоб берди бурчақда ўтирган чол.

— Ичкарида одам борми?

— Ҳа.

— Илтимос, — дедим командировка қоғозимни кўрсатиб. — Ўша одамдан кейин мана бунга муҳр босдириб чиқсам.

Чол қўлидаги қоғозни кўрсатиб истеҳзоли кулди.

— Қаранг-а, мақсадимиз бир экан...

Тилимни тишладим. Навбатим кимдан кейинлигини аниқлаб, ҳамма сингари жим ўтиравердим. Бироқ ичкаридан ҳеч ким чиқмас, ўқтин-ўқтин «алло, алло!» деган товуш ва қандайдир «ғўнғир-ғўнғир» овоз эшитиларди. Ўтирганлар соатларига, бир-бирларига истар-истамас қараб қўйишарди. Семиз бир аёл стулни гижирлатиб, ўрнашиброқ ўтириб олди.

— Телефон ўлсин, телефон! — деб дўнғиллади у. — Ҳар куни шу аҳвол!

— Сабр қилинг, болам, — тасалли берди чол. — Сабрнинг таги олтин, дейдилар.

Давра жимиб қолди. Қабулхона сукунатини фақат

дераза остида ўтирган машинистка қизнинг «чиқ-чиқ»и бузарди, холос. Орадан ярим соатча ўтгач, эшик очилди. Ёшгина жувон бир парча қоғознинг қуйи қисмини пуфлай-пуфлай ичкаридан чиқди. Эшик ёнида тик турган йигит ўзини кабинетга урди. Лекин ўша онда изига қайтди. Йигитнинг орқасидан бошлиқ кўринди. Бошлиқ барваста, юмалоқ, қоп-қора сочи йигит экан. Гўштдор, кулгичли юзларида табассум яшнаб турибди. У остонадан ўтар экан, йўвон гавдасини қайта-қайта букиб, бизга салом берди. Ҳамма дув ўрнидан турди. Бошлиқни ўраб, чувиллай кетди. Мен ҳам бўш келмадим.

— Ўртоқ Валихонов! — қичқирдим бир қўлимда шарикли ручкани, иккинчисида командировка қоғозини тутиб. — Самолётга шошяпман! Бир секунд!..

Бошлиқ ҳеч кимга қулоқ солмади. Билагидаги соатни кўрсатди.

— Обед, ўртоқлар, обед, — деди мулойим жилмайиб ва чиқди-кетди.

Тушлиқни наридан-бери тугатиб, тагин ўрнимизга тизилдик. Бошлиқ роппа-роса соат иккида келди. Оёққа қалқидик. У биз билан қуюқ саломлашиб, кабинетга шўнғиди. Орқасидан ҳалиги навбати келган йигит эргашди ва чорак соатларда чиқди. Ундан кейин бир кампир кириб, йўқ бўлиб кетди. Бошлиқнинг «алло, алло!»си баралла эшитилиб турар, афтидан, у кампирга ҳали: «Хўш, хизмат?» — деганича йўқ эди. Кимдир эснади, кимдир телефонни ўйлаб топган одамнинг шаънига бўлмағур гап айтди, кимдир оғир «уф» тортди.

Дам-бадам соатга қарайман. Тиши оғриётган кишидай тўлғанаман. Мана, самолётимнинг ердан кўтарилишига салкам бир соат қолди! Сакраб ўрнимдан турдим-да, секретарь қизнинг олдига бордим. Дардимни айтдим. Секретарь менга ҳамдарлик билдирди ва:

— Афсуски, ёрдам беришдан ожизман, — деди. — Бошлиғимиз Алихон Валихонович тартиб-қоида масаласида жуда инжиқлар.

Бетоқатланиб, ҳамроҳларимнинг қошига келдим.

— Ҳой, яхшилар, менга раҳмларинг келсин! — дедим йиғламсираб ва билетимни кўрсатдим. — Қирқ олти минутдан сўнг учишим керак! Чамадоним ҳам меҳмонхонада ҳали!..

Барча чолга боқди. Чол юзимга бир назар ташлади:

— Ундай бўлса киринг! — деди.

Кампир чиқиши ҳамона кабинетга бош суқдим. Алихон Валихонович номер тераётган экан.

— Илтимос, андак сабр қиласиз, — деди кулим-сираб.

— Ахир, мен... самолёт! — тутақдим овозим бўғилиб. — Бир зумлик иш!..

— Унақа қизишманг-да, — деди бошлиқ майин товушда. — Одоб деган гап бор, маданият деган гап...

Ноилож ташқарига чиқиб, яна стулга чўқдим. Икки кўзим эшик билан соатда, фикру зикрим аэропортда. Ана, йўловчилар самолётга чиқишяпти. Аэропорт радиоси мени йўқлаяпти. Ана, самолёт парвозга чоғланяпти, «Ғувв!» Тамом! Энди менинг учун барибир. Сабр-тоқат билан навбатимнинг келишини кутаман, эрталикнинг гамини ейман.

Биров кетди, биров келди. Соат бешларга яқин етти киши қолдик. Эснашиб ўтирган эдик, тўсатдан эшик тепасидаги кўнғироқ жиринглаб қолди. Секретарь қиз югуриб кабинетга кирди ва дарров қайтиб чиқиб:

— Ҳаммаларинг баравар кирар экансизлар, — деди.

Кирдик. Бошлиқ «Т» ҳарфи шаклида ўрнатилган ялтироқ столларнинг тўрида ўтирарди. Унинг чап томонида улкан радиоприёмник, ўнг томонида бири қора, бири оқ телефон аппаратлари. Алихон Валихонович оқ аппаратда ким биландир гаплашяпти. У бизни кўриб, трубкани чап қўлига олди ва ўнг қўли билан ўтиришга таклиф этди. Қабулхонадаги навбат тартиби бўйича стуллардан жой олдик.

— Ана шунақа дейсиз-да! — бошлиқ трубкани ўнг юзига босган ҳолда чайқалиб-чайқалиб кулди. — Ҳў, менга қаранг, Акрам Бурхонович, курортга югуришда бизни орқада қолдириб кетарсиз дейман?!

Бошлиқ шарақлаб кулди. Кўз ёшларини артди. Шу он қора аппарат жиринглади.

— Акрам Бурхонович, кечирасиз, бир минут, — деди бошлиқ ва қора трубкани олиб, чап қулоғига тутди. — Алло! Ҳа, менман. Салом, салом. Кечирасиз, ким билан гаплашяпман? Холматов! Кечирасиз, бир оз таниёлмаяпман, қайси Холматов? Мақсуд Холматов? Э, ҳа, яхшимисиз, Мақсуд Холматович? Қалайсиз? Бу дейман, тасадуқ, сира кўринмай кетдингиз-ку, а? Ҳа, дуруст, дуруст!.. Эшитаман, Мақсуд Холматович. Ҳа!..

Ҳм!.. Ҳм!.. Бўпти, айтамиз. Илтимос қиламиз. Хўп, хўп, хўп!.. Сиз ҳам саломат бўлинг.

— Акрам Бурхонович, кутдириб қўймадимми? — деди сўнг оқ трубкага. — Ҳа, яхши, яхши! Акрам Бурхонович...

Бир йигит қўлида тўрт энлик қоғоз, бутун вужуди билан бошлиққа талпиниб, стулдан узилай-узилай деб турарди.

— Алихон Валихонович, — деди у ялинчоқ товушда. — Илтимос, шунга қўл қўйиб юборсангиз. Эрта-лабдан бери ўтирибман!..

Бошлиқ бароқ қошларини чимириб, осойишта жилмайди. Кафти билан трубканинг «қулоғи»ни тўсди.

— Сиз... ўтирибсиз. Мен, мана кўриб турибсиз, бекор ўтирганим йўқ, — деди салмоқлаб ва оқ трубкани оғзига яқинлаштирди. — Акрам Бурхонович, трубкани қўймай туринг, ҳозир тўғрилаймиз ҳалигини.

Алихон Валихонович қора аппарат номерини терди.

— Ассалому алайкум, — деди трубкага. — Кечирасиз, кимни безовта қиляпман? Ҳа, яхши. Эргаш Рафиқович бормилар? Илтимос, телефонга чақириб қўйсангиз...

Бошлиқ Эргаш Рафиқович билан узоқ гаплашди. Унга раҳматлар айтди. Сўхбат сўнггида «Пахтакор» командасининг кечаги ютуғи билан табриклади. Оқ трубка орқали Акрам Бурхоновичга унинг ҳожати чиқарилганини маълум қилди. Ниҳоят, Акрам Бурхонович билан қуюқ хайрлашиб, ҳалиги йигитга юзланди.

— Хўш, хизмат?

Йигит сакраб ўрнидан турди ва қоғозини стол устига авайлаб қўйди. Шу он телефон қўнғироғи жиринглади. Алихон Валихонович оқ трубкани олиб, чап қулоғига тутди.

— Алло, эшитаман, — деди ва ким биландир жиддий оҳангда гаплаша кетди. Гаплашиб туриб, ўнг қўли билан йигитнинг қоғозини олди. Унга бирпас тикилиб турди. Сўнгра қоғоз четини чап тирсағи билан столга босиб, унга нимадир ёзди. Йигит қоғозни олди-ю, ташқарига отилди. Бошлиқ телефонда гаплашиб бўлди. Сўнг рўмолчаси билан юз ва бўйинларини арта бошлади. Кабинет сукунатга чўмди. Ўтирганлар телефон аппаратларига шубҳали назар ташлаб, «ишқилиб, жиринглаб қолмасин-да», деб қўярди ичида.

Навбат ориққина қизга келганди. Қиз ўрнидан ту-

риб, энди сўзга оғиз ростлаётган эди, бошлиқ кутилмаганда оқ аппарат трубкасини «ширқ» этказиб кўтарди. Қиз бир чўчиб тушди. Менинг жон-поним чиқиб: «Телефоннинг дастидан дод!» деб юборгим келди. Чидолмадим. Шартта ўрнимдан туриб, кўчага чиқиб кетдим. Йўлақда сигарет тутатиб ўтирган эдим, юқори қаватдан Баротжон деган танишим тушиб келиб қолди.

— Ҳа, маъюссиз? — сўради у.

Воқеани айтдим.

Баротжон кулди.

— «Аловиддиннинг сеҳрли чироғи» фильмини кўргансиз-а? Шунда Аловиддин чироқнинг тубини тирнаса, улкан дев пайдо бўлади ва амрингга мунтазирман, деб қўл қовуштириб туради. Телефон бамисоли ўша чироқнинг ўзи Алихон Валихонович учун. Фақат трубканинг «қулоғи»ни тирнасангиз, бас. Алихон Валихонович хизматингизга тап-тайёр бўлади-қолади. Қани, юринг-чи.

Бўш бир хонага кирдик. Баротжон трубкага ёлғондан «куф-суф» қилиб «дам солди», «қулоғи»ни тирнади. Кейин номер териб, Алихон Валихоновичга мен бўлиб гапирди. Сўнг қулоғимга қаттиқ шивирлади.

— Кириг, дарров кириг!

Кирдим. Бошлиқ менга дашном берди.

— Шунақа экан, айтмайсизми? — деди ва командировка қоғозимга бир дамда имзо чекиб, муҳр босиб берди. Кейин қора аппаратга интилди. Собиқ ҳамроҳларим ишим бу қадар тез битганининг сирига тушунолмай, анграйиб қолишди...

### «ЎЗИМНИ ТЎХТАТОЛМАЙМАН...»

Тонг пайтида ширин уйқуда ётган эканман, кимдир турткилай бошлади. Кўзимни очсам, янгангиз...

— Туринг, дадаси, туринг! — деди лаби лабига тегмай. — Шўримиз қуриб қолди!..

— Нима? — сакраб ўрнимдан турдим.

— Қўйлар қўтондан чиқиб, хамиримни... Бир тоғора хамирни еб, сувни ичиб...

Ярим яланғоч ҳолда қўтон томонга югурдим.

— Буёқда! — янгангиз ариққа ишора қилди.

Кескин бурилиб, ариқ томонга чопдим. Э-воҳ! Уч бўрдоқи ариқ ёқасида тўнтарилиб ётарди! Оёқлар ос-

монда, қоринлар ноғора, ёриламан дейди! Учови ҳам инқиллайди, тўлғанади!..

Орқамдан ҳаллослаб янгангиз етиб борди.

— Энди нима қилдик?! — дедим чўғ устида тургандай бетоқат бўлиб.

— Қассобга чопинг! — амр қилди янгангиз. — Кейин ветврачга! Ҳа, олдин ветврачга, кейин қассобга! Тез! Тез!

Югуриб кириб кийиндим. Айвонга — велосипедга чопдим. Эҳ, бузуқ эди-ку велосипед! Қўшним Сотволдиникига физилладим. Воқеани айтдим.

— Шунга тезда ветврач билан қассобни мотоциклингизда обкелиб беринг! — дедим ўпкам оғзимга тикилгундай бўлиб. — Илтимос, қаттиқ илтимос!

— Бажонидил эди-ку, — қўшним ўнг оёғи сонининг орқа томонини майин силади, — ярадан хабарингиз бор, бир ҳафтадан бери мотоцикл минолмайман.

— Э, дарҳақиқат... кечирасиз...

Қўшним оқсоқланганича шошиб уйига кириб кетди. Ҳайрон бўлиб турган эдим, зум ўтмай қоп-қора мотоциклини потиллатиб етаклаб чиқди.

— Манг, — деди, — ўзингиз бориб кела қолинг!

Ҳайратдан кўзларим катта очилиб кетди.

— Ие, нима деяпсиз? Ахир, умримда минмаганман-ку!

— Э, миноласиз. Велосипедни эплаган одам бунга ҳам эплайверади.

— Йўғ-е!..

— Нима «йўғ-е»? — қўшним мотоциклининг мурватларини бир-бир кўрсатди. — Мана, манавини мундоқ қилиб, мановини мундоқ қилсангиз, мотоцикл аста юра бошлайди. Мановини қаттиқроқ бурайсиз, тезлайди...

Қўшним иккинчи, учинчи тезликка туширишни тушунтирди. Бироқ мотоциклга яқинлашишга юрагим бетламасди. Нима қилсам экан? Пиёда чопқилласаммикан? Йўқ, бориб келгунимча, қўйлар «саранжом» бўлади!..

Мол аччиғи-жон аччиғи! Таваккал деб, эгарга ўтирдим. «Мундоқ-мундоқ» қилиб юргиздим. «Мундоқ-мундоқ» қилиб, тезлигини оширдим. Мотоцикл йўрғалаб кетди.

— Ҳақ, шу экан-ку, велосипеднинг ўзи экан-ку! — ўйлайман кўнглим алланечук равшан тортиб. — Ҳозир бориб ветврачни олиб келаман, вассалом...



Айтмоқчи, нима қилса мотоцикл тўхтар эди? Йўлнинг текисроқ жойига келганда, мотоцикл рулидаги мурватларга кўз югуртириб чиқдим. Аммо тўхтатадиган мурватини фарқлай олмадим. Юрагим «шувв» этиб кетди. Аканг қарағай, боя таълим олиш чоғида мотоциклнинг «нимасини нима» қилса юришини ўрганибди-ю, «нимасини нима» қилса секинлашини, яна «нимасини нима» қилса, тўхташини дурустроқ уқиб олмабди! Авваламбор, бултур қишлоғимизда автомотоклуб курс очган эди, шунда ўқиб, мотоцикл ҳайдашни ўрганиб олсам, асакам кетармиди-я!.. Мана, энди... Эҳ, пишмаган хомкалла!

Мен ўз ўйларим билан банд, мотоцикл ўз юмуши билан: «Пат, пат, пат» елдай учиб боряпти. Ҳаш-паш дегунча ветврачнинг дарвозасидан ўтдим ва далага чиқиб кетдим.

Юра-юра, ўн биринчи бригаданинг дала шийпони-га етдим. Шийпон олдидаги хирмонни айланиб, орқага буриладим. Қишлоққа кирдим. Ветврачнинг дарвозасига етганда, бор овозим билан қичқирдим:

— Икромов ака! Ҳў, Икромов ака!..

Икромов ака товушимни эшитдими, йўқми — маълум эмас, шамолдай гувиллаб ўтдим-кетдим. Нарироққа борсам, қассоб бува йўл ёқасидаги крандан юзқўлини ювяпти.

— Қассоб бува! — бақирдим! — Ҳовлига боринг, қўй чатоқ!..

Дам ўтмай қишлоқдан чиқиб кетдим. Кенгроқ жойда қайрилиб, қишлоққа қайтдим. Ҳовлимизга яқинлашаётганимда кўриб қолдим, янгангиз билан қўшним шошилиб бизникига кириб кетишяпти. Бундан аён бўлдики, иш янада чаппасига кетибди!..

— Сотволди! — дея бақирдим. — Қаерини бураса тўхтайти?

Сотволди оғиз ва кўзларини катта очганича турган жойида қотиб қолди. Кейин нима деди, нима қилди — билолмадим. Бир маҳал қассоб буванинг ҳовлисига етиб қолибман. Қассоб бува артиниб турган экан.

— Ҳали нима дединг, Каримжон? — деди.

— Пичоқни олиб, уйга боринг! — қичқирдим. — Қўй чатоқ!..

Кўчада битта-иккита одам ўрмалаб қолган эди. Зокир ака деган тракторчи кўриниб қолди. Унинг рўпарасига етмасдан:

— Зокир ака, қаерини бураса тўхтайти? — дедим.

Аммо Зокир аканинг жавобини ололмадим. Гув этиб ўтдим-кетдим.

Нарироққа борсам, йўлнинг ўртасида икки кампир типпа-тик гаплашишяпти. Жон-поним чиқиб кетди.

— Қочинглар! Қочинглар! — бақирдим бор овозим билан. Дарвоқе, «қаерини бураса» сигнал товуши чиқади, буни уқиб олиш ҳам насия бўлган экан. Кампирлар ғалати «сигнал»дан чўчиб кетиб ўзларини дарров четга олишди.

Ветврач ҳалиги чақирганимда овозимни эшитган эканми, кўзи олазарак бўлиб, дарвозаси ёнида турибди. Унинг рўпарасига етай деганда:

— Уйга боринг, қўй касал! — дедим ва ўқдай учиб ўтдим-кетдим.

Қовун юкланган эшак аравани «пўшт, пўшт!» дея қувиб ўтиб, яна бояги хирмонга бордим. Хирмонни гир айланиб, изимга қайтдим. Қассоб бува, афтидан, бизникига кетаётган экан, мени кўриб қўлини кўтарди.

— Тўхтат, мингаштириб кет!

Воқеани чолга тушунтириш ва узр сўрашга имкон йўқ эди. Шу боисдан:

— Шошиб турибман, отахон, ўзингиз тезда боравринг, — дедим йўлдан кўзимни узмай.

Кўча эшигимиз ёнида талвасага тушиб Сотводди турибди. У қўл ва оёқларини қимирлатиб мотоциклани қандай қилиб тўхтатиш мумкинлигига ишора қилар, нимадир деб бақирарди. Лекин унинг ҳаракатларидан ҳеч нарса англай олмадим. Сафарда давом этдим.

Чўл йўлини катта асфальт кесиб ўтади. Чорраҳадан ўтаётгандим, «вата-ват» деган даҳшатли овоз эшитилди. Овоз келган томонга нигоҳ ташладим, «Виллис» автомашинаси шундоққина ўнг биқинимда силкиниб турарди!..

...Чўлга киргач, ўзимни анча эркин ҳис қила бошладим. «Мана, кенг жойга чиқиб ҳам олдим, — ўйлайман кўнглим сал таскин топиб. — Буёқда ҳозир одам ҳам, машина ҳам йўқ. Бемалол юриб, бензинни тамомлайман. Кейин... Аммо бу бензин дегани қачон тугайди? Баттар бўл! — деб ўзимни-ўзим койийман яна. — Жазойи киши асов отнинг феълени билмай туриб, узангисига оёқ қўйсанг?!..»

Бир маҳал кимдир гапиргандай бўлди. Кўз қиримни уёқ-буёққа ташладим. Ўнг томонимда сарғиш рангли «Урал» мотоцикли ёнма-ён кетиб борарди! Устида

форма кийган ёшгина йигит — ГАИ ходими бўлса керак.

Ана холос, буниси ҳам бормиди! Юрагим «шиғ» этиб кетди. Ҳалиги «Виллис»нинг «хизмат»и бўлса керак бу!

Йигит «тўхтанг, ака, тўхтанг» деди. Бош чайқадим. Йигит тезликни ошириб, мени қувиб ўтди. Мотоциклни йўлимга кўндаланг қилмоқчи бўлди. Табиийки, тўхтамадим, тикка боравердим. Йигит мотоциклни таққа тўхтатди. Йўлнинг чап қисмидан ўтдим-кетдим. Йигит ўнг томондан бориб, мен билан тенглашди.

— Тўхтанг, деяпман сизга! — деди.

— Тўхтатолмайман! — дедим алам билан.

— Нега?

— Тўхтатишни билмайман!

— Майнавозчиликни қўйинг!

— Ишонмайсиз-а, тўхтата олмайман! — дедим куюниб. — Ахир, мен учун ҳавас деб ўйлайсизми бунақа қилиб юришни?! Уёқда қўйларим ҳаром ўлиб ётибди! Мен бўлсам чўлма-чўл пойга чопиб юрибман.

Йигит бирор нарса сезгандай, мийиғида кулди.

— Ашулада айтилганидай, «ўзимни тўхтатолмайман» денг?

— Ҳа, — дедим йиғлагундай бўлиб. — Азондан бери шу лаънатининг белидаман! Ўнқир-чўнқирларда силкиनावериб, елкаларим эзилиб кетди! На тўхтайтиди бу золим, на секинлайди!..

Йигит қаҳ-қаҳ уриб кулди. Сўнг:

— Вой, сиз-ей, сизда гап кўпга ўхшайди-ку! — деди. — Қани, муфтани босинг-чи.

Муфтани қидириб, уёқ-буёққа алангладим.

— Ана, чап қўлингиз ёнидаги оқ темир бор-ку, ўшани руль билан қўшиб ушлаб, қаттиқ қисинг. Ҳа, балли! Энди...

Йигитнинг барча буйруқларини жон деб бажо келтирдим. Буни қарангки, тонг саҳардан буён вағиллаб учиб юрган касофатнинг овози тўсатдан ўчди-қолди! Пастга тушдим «шилқ» этиб уватга чўзилдим...

Ҳа, айтмоқчи, қўйларнинг ҳоли не кечибди, дерсиз. «Бахтимиз юришиб», ветврач ҳам, қассоб ҳам ҳовлига кириб боришганда ёрдамга ҳеч қанақа эҳтиёж қолмаган экан...

## ФУТБОЛЖОН

Ўзимни футболнинг энг ашаддий ишқибозларидан ҳисоблардим. Янглишган эканман.

Бир куни тор кўчада кетаётсам, кўк дарвозали ҳовлидан ғўлдироқ овоз эшитилиб қолди.

— Ҳо, Красницкий, югур, ойингни чақириб чиқ, Абдураимов этагини ҳўл қилиб қўйди.

Дам ўтмай дарвозадан дўмбоққина ўғил бола чопиб чиқди ва қаршидаги ҳовлига кириб кетди.

Ҳайрон бўлдим: нега энди бу боланинг оти Красницкий бўларкан? Эртасига танишимга шу ҳақда сўз очдим. Танишим кулди.

— Сиз бу ерга янгисиз, билмайсиз у кишини, — деди. — Аммо Футболжон, десангиз етти маҳалла танийди. Асли оти Иқболжон. Биз тегишиб Футболжон, деб атаймиз. Ҳақиқатан ҳам футболнинг ишқи унинг қон-қонига сингиб кетган. Шу боисдан бўлса керак, ўғилларини машҳур футболчиларнинг номи билан атайди. Футбол мавсуми бошландими — тамом, кетади. Буёғи Фарғона, Андижон, уёғи Олмаота, Фрунзе, Тошкент...

— Телевизори йўқми?

— Бор. Магнитофони ҳам бор. Лекин телевизорни фақат иложсиз қолганда, масалан, тоби қочганда кўради. Магнитофонни эса қишда эшитади. Беш-олти километр келадиган лентаси бор. Футбол ҳақидаги репортажларни шу лентага ёздириб қўяди ўғилларига.

Ёқамни ушладим.

— Ёпирай, биз ҳам юрган эканмиз-да, ишқибозман деб...

— Агар хоҳласангиз таништириб қўяман, — деди ҳамсуҳбатим. — Ҳозиргина командасини бошлаб ўн учинчи мактабга кетди. Юринг, борамиз.

— Команда? Қанақа команда? — дедим машинага чиқаётиб.

— Футбол командаси, — жавоб берди танишим. — Футболжоннинг командаси. Футболжон асли табиёт ўқитувчиси. Лекин физкультурага ҳам аралашиб юради. Яқинда ўқувчилардан футбол командаси тузди. Команда аъзоларини мактаб қошидаги интернатга жойлаб, уч ой боқди. Болалари анча бақувват. Лекин бугун нима бўларкан, билмадим. Негаки, ўн учинчи мактаб командасининг машқи пишиқ, дейишади.

Ўн учинчи мактаб стадионига етиб борганимизда, ўйин жуда авжига чиққан экан. Майдонда икки гуруҳ ёшлар тўп қувишиб, ҳали у дарвоза томон югуришади, ҳали бу дарвоза томон. Майдон атрофи тўла одам. Қийқириқ.

Шеригим майдоннинг нариги биқинига ишора қилди.

— Ҳов, ана Футболжон.

Футболжон сариқ, новча йигит экан. Уни майдон четида қатор турган ёш томошабинлар ичидан дарров ажратиб олдим. Футболжон қора сумканинг боғичидан чап қўлини ўтказиб елкасига илиб олган, худди товуқ ҳайдаётгандай икки қўлини ҳавода тўхтовсиз силки-тар, ёнбош юриб ўша ёққа чопарди. Шовқин пастлаган онларда унинг «Ҳа-ҳаҳ!» «Ҳа-ҳаҳ!» деган босинқи товуши ҳам эшитилиб қоларди.

Футболжон шу алфозда анча юрган бўлса керак, терга ботиб кетибди. Дарвоқе, ўйиннинг биринчи тайми охирлаб қолган экан. Ҳисоб эса биру бирга етибди.

— Сумкасини бирор жойга илиб қўйса бўлмасмикин?

Бу саволимга нотаниш бир томошабин жавоб қилди.

— Бўлмайди, — деди у истеҳзоли жилмайиб, — сумкада қимматбаҳо «ёнилғи» бор. Шу «ёнилғи» билан ҳозиргача икки дафъа «заправка» қилинди команда.

Дарҳақиқат сумканинг вазифаси танаффус эълон қилинганда аён бўлди. Майдондаги «жанг»чилар икки гуруҳга бўлинди. Футболжон ўз командасини сояга бошлади. Елкасидаги сумкадан тухум олиб футболчиларга иккитадан улашди. Сўнг каттакон қумғондан чой қуйиб берди.

Рақиб команда аъзолари эса, тухум ҳам емади, чой ҳам ичмади. Фақат давра қуриб, бирпас пичирлашиб олишди.

Ҳуштак чалинди. Ўйин бошланди. Яна қарсак. Аммо менинг икки кўзим Футболжонда эди. Чунки унинг жазавага тушиб қилаётган ҳаракатида майдондаги курашнинг суръати, шиддати ёрқин акс этиб турарди.

Ўйиннинг сўнгги минутлари қолганда Футболжон ўз командасининг дарвозаси ёнидан жилмай қолди. Бетоқатланиб, ирғишлаб сакради, ҳайқирди ва тўсатдан ўзини кўтариб ерга урди. Майдонни қийқириқ тутиб кетди: «Ура, гол, гол!..»

Биз югуриб бориб, Футболжонни ўрнидан турғаз-

дик, кийим-бошини қоқдик. Футболжон эса, қўлига рўмолча олиб, баралла йиғларди.

— Вой, командам! Вой, тухумларим! Оҳ, менинг кўзи очиқ кетган тухумларим!.. Вой командажоним!..

Шу воқеадан кейингина футболга ашаддий ишқибоз эмас, ҳаваскор, яъни тетапоя ишқибоз эканлигимга иқрор бўлдим.

## ИСФАРА САФАРИ

Карим чиноқ билан Мели қори болаликдан дўст. Шунчалар қалинки, гўё бири — балиқ, бири — сув.

Карим чиноқнинг иккала қулоғи ҳам буррак. Мели қорининг иккала кўзи ҳам ожиз. Лекин бу туғма камчиликлар уларнинг ошначилигига заррача монелик қилмайди. Аксинча, суҳбатларига шира, аскияларига файз бағишлайди.

Касб-кор ҳам бир хил — анжуманларни ял-ял яшнатиш! Қорининг ўткир, латиф товуши бор. Танбур чертиб қўшиқ айтади, аския қилади. Чиноқда эса қўшиқбоп овоз йўқ — дўрилдоқ. Шу боисдан тўй-ҳашамларда Қорининг ёнига кириб, фақат чилдирма чалади, аския билан Қорини чандийди, қизиқчилик қилади. Аския ва қизиқчиликда Қорининг исми «Дурбинчи»га айланади, чиноқники — «Гултувак», «Қўшқулоқ» ёки «Оштовоқ»қа... Алқисса, булар тушса, муз-муз қақшаб ётган давра ҳам ловиллаб «ёниб» кетади!

Ҳаммадан ҳам уларнинг ҳазилкашлиги! Бир куни Қори қизи Райҳоной етакчилигида бозор айланиб юрарди. Кулолчилик дўкони ёнидан ўтаётганда, икки йигитнинг коса-товоқ ҳақидаги баҳсини эшитиб қолди.

— Айтмадимми ўшанда! — дер эди улардан бири куюниб. — Мана энди қаердан топасан коса-товоқни! Яна бозор келгунча, пахта терими бошланиб кетади — тўй кейинги йилга қолади!..

Қори юришдан тўхтади. Осмонга боқиб, ўнг қулоғини овоз келган томонга бурди. Мийиғида кулди. «Шу болаларни Чиноқникига жўнатиб юборайми, бир хахолаб келишади» дилидан ўтказди Қори. Сўнг:

— Ҳой, йигитлар! — қичқирди жиддий. — Коса-товоқ керакми сизларга?!

Иккала йигит Қорига ташланди.

— Э, керак бўлганда қандай? Қаерда бор коса-товоқ?!

— Шошилманглар, шошилманглар, — Қори иягини қашлаб бир лаҳза ўйланган бўлди. — Қашқарқишлоқда Каримжон деган товоқфуруш бор. Ушанда топилади коса-товоқ.

— Яхши, яхши! Хайрият! — хитоб қилди йигитлардан бири. — Раҳмат, ака, раҳмат!

— Косачаси ҳам бордир-а? — шошиб сўради бошқаси.

— Ҳа, бор. Лаган дейсизми, қўшқулоқ дейсизми, гултувак дейсизми — ҳаммаси топилади ундан. Фақат, берса-бас. Заказчиларим кўп деяётган эди...

— Э, қимматига бўлса ҳам ундираммиз!

Йигитлар аниқ адресни олиб, ташқарига отилдилар.

Чиноқ пешонасини зангори белбоғ билан танғиб, болта соплаётган эди, кўчада кимдир чақириб қолди. Чиноқ чиқса, кўча эшик ёнида иккита йигитча, йўлнинг нариги юзида юк машинаси турибди. Йигитчалар ака-ука бўлса керак, юз тузилишлари гоят ўхшаш эди.

«Ҳа, тўйга айтгани келишган», ўйлади Чиноқ.

Бироқ қисқа суҳбат Чиноқнинг бу ўйини чиппакка чиқарди. Чиноқ ичида кулиб қўйди. «Ҳм, бирор хумпардан келган иш бу! Нима кўп — ҳазилкаш кўп! Қайси бири қилди экан?!»

— Кимдан эшитдиларинг менда товоқ борлигини? — сўради Чиноқ имкон борича бепарволик билан.

Йигитларнинг кичиги шошиб жавоб қайтарди.

— Ҳалиги... кўзи ожиз бир одам айтди бозорда.

— Ҳм! — Чиноқ сап-сарик қошини силади. — Аттанг, тутаган эди-я!

— Йўғ-е! — сакраб тушди иккала йигит. — Унақа деманг, ака, йўқ деманг. Узоқдан, жуда-жуда узоқдан келдик.

— Қизиқсизлар-а! — Чиноқ қўлларини олдига ёзди. — Тутаган бўлса, нимани бераман!

Йигитларнинг каттаси Чиноқнинг елкасига қоқди.

— Йўқ, ундай деманг, ака! Бирортасига олиб қўйган бўлсангиз, ўшани беринг. Жон ака! Қиммат сўрасангиз ҳам майли! Келинг, энди, жон ака! Тўйимиз тўхтаб қолмасин!

Чиноқ қараса, бўлмайдиган. Бошидаги белбоғини шартта юлқиб олди.

— Мана! — деди кулиб ва сал жеркиб. — Кулол ҳам, товоқфуруш ҳам эмасман! Қори ўйнатибди сизларни!..

Иккала йигит Чиноқнинг қулоқлари ўрнидаги қипқизил ғилдиракчаларга қараб анграйиб қолишди. Сўнг бирдан қаҳ-қаҳ уриб юборишди.

Ўшанда Чиноқ туксиз иягини қисиб, «хап, сеними!» деб қўйган эди. Яқинда шу «қарзи»ни узди. Якшанба куни эди. Чиноқ жиянининг «Москвич»ига ўтириб, Қориникига борди. Қорининг ҳовлиси бозорбошида эди.

— Қани, танбур билан чилдирмани олиб чиқ, — деди Чиноқ Қорига. — Исфарани бир айланиб келайлик. Тўй-пўй учраса, беш-тўрт танга чой пули ишлаб олармиз.

Чиноқ Қорини зўрлаб машинага ўтқизди. Жўнашди.

Лекин машина Исфара томонга юриш ўрнига далага чиқиб кетди. Чиноқ имлаб жиянига йўл кўрсатиб борди. Далаларни, қишлоқларни айланаверишди, айланаверишди... Бир шийпон рўпарасидан ўтаётганда:

— Бешариқ ҳам жуда обод бўлиб кетибди, — деб қўйди Чиноқ. — Иморатларни қара-я!..

— Бешариққа келдикми? — сўради Қори. — Бешариқнинг шамоли жуда зўр бўлади-да, аммо!

— Ҳа, — тасдиқлади Чиноқ. — Қўйиб берсанг, туяни учиради!

Тагин юраверишди, юраверишди.

— Мана, Конибодомга ҳам келдик, — деди Чиноқ. — Чойи жуда ширин бўлади Конибодомнинг. Тушамизми, Қори?

— Йўғ-е, Исфарада ичармиз чойни, — жавоб қилди Қори. — Исфаранинг суви ҳам ширин бўлади.

— Майли, майли.

Сафарда давом этишди. Ярим соатлардан сўнг машина Қорининг дарвозаси ёнидан ўтиб, бозор яқинида тўхтади.

— Ана, келдик Исфарахонга ҳам! — деди Чиноқ Қорининг елкасига секин қоқиб. — Қани, тушинг, Қорим. Аввал боққа кириб, бир чойхўрлик қилайлик.

Чиноқ жиянига бу жой бегона шаҳар эканини, шу туфайли машинанинг қошидан жилмай ўтириши лозимлигини ўқидирди. Кейин жиянига «қайтиб кетавер»



ишорасини қилди. Сўнгра Қорини етаклаб «боғ» сари йўл олди.

— Бу... ҳамма йўлақларни ўйиб ариқ қилиб ташлабди-я! — деди Чиноқ. — Газ-паз ўтказаяптими дейман?

— Ё газ ўтказаётгандир, ё артезиан ўтказаётгандир. — жавоб берди Қори осмонга боқиб.

— Келишиб олайлик, Қори, — деди Чиноқ бир оз юргач, ҳамроҳини тўхтатиб. — Бу ерда нима кўп — ариқ кўп экан. Паканасан. Ўшанинг учун ҳар ариқ келганда, «ариқ, ариқ!» деявермайин энгашиб, бегона шаҳарда. Яхшиси, шундай қилайлик: ариқ келди дегунча, қўлингни қисаман — сакрайсан. Қаттиқ қиссам баланд сакрайсан, аста қиссам — паст сакрайсан. Маъқулми?

— Маъқул.

Шу тариха «Исфара боғи»ни сайр қила кетдилар. Яъни текис асфальт йўлақлар бўйлаб юриб чойхоналарни кездилар. Марказий чойхонага яқинлашганда, Чиноқ чойхўрларга қўли билан «кулманглар»га ишора қилди. Сўнг Қорининг қўлини қаттиқ қисди. Қори ирғишлаб «ариқдан ҳатлади», чойхўрлар оғизларига қўларини қопқоқ қилиб, хўп кулдилар. Шу равишда бозор атрофини роса айланишди. Кўпдан-кўп «ариқлардан ўтишди». Тушунганлар Чиноқнинг бу ҳазилига мириқиб кулди. Тушунмаганлар ҳайрон: «Ие, Қори акага нима бўлди?! Нега ирғишляпти?»

Қори йигирматача «ариқдан ўтгач»:

— Ҳақиқатан ҳам Исфарада ариқ, чуқур-чиноқ кўп экан! — деб қўйди.

Чиноқ Қорини навбатдаги «ариқдан олиб ўтаётганда», қаршидан Қорининг қизи келиб қолди.

— Дада, нега унақа қиялпсиз? — сўради у.

Қори юзини осмонга буриб, тез-тез киприк қокди. Сўнгра овоз келган томонга ўнг қулоғини тутди.

— Нима?! — деди.

— Нега сакраялпсиз деялпман, — деди қиз.

Қори овоз эгасини дарҳол таниди.

— Райҳон? — ҳайрон сўради у. — Райҳонмисан?! Нима қилиб юрибсан Исфарада?!

— Қанақа Исфара?! — кўзларини катта очди қиз.

Чиноқ Қорининг қўлини дарров қўйиб юборди ва бозор томонга йўртиб кетди.

## ҲАММА НАРСА БУВА

Матқосим буванинг оламини сув босса илигидан келмайдиган эшаги бор: ўта «чақдон», ўта «ғайратли». Агар унга сафарда эканлигини, шунинг билан бирга сафар ҳали давом эттирилиши лозимлигини оғзаки ёки қамчи воситасида огоҳлантириб турилмаса, юриб кетаётиб ҳам тўхтатиб қолаверади. Бува эшагининг ана шу «фазилати»га «муносиб» нисбат бериб, уни «Учқур» деб атади. Бироқ маҳалла аҳли бу отга қаноатланмади, янгиларини топди: «Лочин», «Мотор», «Кабина». Маҳалла буванинг аравасига ҳам жуда «монанд» ном қўйди: «Такси», «Борт», «Универмаг», «Волга».

Матқосим бува мазкур номларнинг бирортасига бўлсин, эътироз билдирмайди. Эътироз билдириш нима экан, ўзи ҳам бу номларга тез кўникиб кетаверади.

Матқосим бува «такси»ни ҳар куни барвақт сафарга чоғлайди. Араванинг «борти»га «П» шаклида четан ўрнатилган. Чол, бошида узун оқ қалпоқ, кичкинагина бўлиб «П»нинг қуйи қисмига — араванинг олдига ўтириб олади. «Такси» ўрнидан қимирлаган ҳаммоно қўлини оғзига карнай қилиб, қичқиради.

— Ҳой, қизларим, чиқинглар, «Такси» келди-и!..

Ҳовлилардан хотин-қизларнинг овози эшитилади.

— Мана, ҳозир!..

Дам ўтмай аёллар тугун-тугунчаларини кўтариб, бирин-кетин чиқиб келишади.

— Ассалому алайкум, отахон!

— Ваалайкум ассалом! — жавоб қилади Матқосим бува майин, ингичка товушда. Кейин жувонларнинг қўлларидаги дўмбоқчаларга боқади. — Ие, Полвон ҳам чиқибди-ку?! Қани, буёққа келсин-чи, полвон. Бир «очом-очом» қилиб олайлик. Оҳ, оҳ, оҳ! Шакар экан-да, асал экан-да!.. Ие, момо ҳам чиқяпти-ку! Момом экан-да, онам экан-да!.. Қани, энди тутунчаларни узатинглар-чи. Ҳў, баракалла. Синадиган нарсаси йўқми ичида? Ундай бўлса, буни четанга иламит, мана. Беланчак билан кетмонларни орқага — мана бу ерга қўямиз, ана. Хўш, энди жўнадикми? Хиҳ, жонивор!

Чол сал юргач, яна қўлини оғзига карнай қилади.

— Ҳў, қизларим, чиқинглар, чиқинглар!..

— Мана, чиқяпмиз!..

Матқосим бува маҳалла хотин-қизларининг «такси»талаб нарсаларини шийпонга элтгач, этакка тушиб

кетади. Ёз фасли, мактаб болаларининг таътил пайти эмасми, нима кўп, «такси»га ишқибоз бола кўп. Уларни «такси»га ўтқизиб, катайса қилдиради. Кейин кўп-лашиб эшак боқишади, ўт юлишади. Кечки пайт Матқосим бува «такси»ни кўчма ясли «дарвозаси»га яна кўндаланг қилади...

Ҳар куни аҳвол шу. Бува бундан бошқа нима ҳам қилсин? Ҳовлида айтарли иш йўқ. Кампири бўлса, нонушта тугаши биланоқ эчкисини етаклаб асфальт йўл томонга жўнаб қолади. Эчки боқиш баҳона, дутоналари билан гурунглашади, ўткинчиларни томоша қилишади.

Чол ҳовлида ёлғиз ўзи қолади. Гаплашай деса, кўчада бекорчи одам йўқ. Тенгқурлари иш-ишини топиб кетишган. Бири колхозда боғбон, бири гаражда қоровул... Қўшнисини Рўзиқул маҳсум бўлса, омборхонасининг кўча деворини тешиб, атторлик дўкони очган. Эрталаб, кечқурун тешикча остида мўралаб ўтирадию, бошқа маҳал зим-зиё — ё ухлайди, — ё бозор овлаб кетади.

Матқосим бува нима қилсин? Овутай, овунай деса, невараларининг биттаси ҳам қошида эмас. Тўнғич ўғли Мирқосим колхознинг қўйини боқади. Бешта фарзанди бор. Ёз келди дегунча, пионер болаларини лагерга жўнатади. Қолганларини яйловга олиб кетади. Кенжа ўғли Шоқосим Тошкентда газетахонада ишлайди. Унда бор уч фарзанд. Шоқосим болаларини бир йилда зўрға бир марта олиб келади. Ўшанда ҳам дарров обкетиб қолади Тошкентига. Қайнаб турган ҳовли сўнади-қолади!..

Ана шулар туфайли ҳам Матқосим бува «таксичи»ликни касб қилиб олган. Эрталаб йўлга чиқади, хотин-қизларнинг ғовур-ғувури, болаларнинг чулдир-чулдири узундан-узоқ кунни бир тутам қилиб қўяди — «ҳаял ўтмай» қайтади. Аёлларнинг оғирини енгил қилганига, кичкинтойларни суюнтирганига мамнун бўлиб, дил-дили равшан тортиб, ҳовлига кириб келади.

Бироқ Матқосим буванинг қувончи узоққа чўзилмади. Колхоз ёш болали аёллар учун махсус автомашина ажратди-ю, чолнинг «такси»сига ҳожат қолмади.

— Ҳа, майли, — ўзига тасалли берди бува. — Менга ҳам иш топилиб қолар.

Чол шу умидда дала айланиб юрди — болаларни катайса қилдирди, эшагини боқди, ўт юлди... Ниҳоят, унинг орзуси ушалди: иш топилди.

Шанба куни эди. Кечки пайт Матқосим бува «ката» тезликда, яъни тўхтаб туриш билан юриш ўртасидаги тезликда «ғувиллаб» даладан қайтаётган эди, бир аёл:

— Ота, мабодо эртага бозорга бормайсизми? — деб қолди.

Чол дарҳол «тормоз»ни «босди».

— Бораман. Нима эди, қизим?

— Пича аччиқтош керак эди... Дадаси ишдан ортиб, бозорга боролмай қолди.

— Бажонидил.

— Раҳмат, ота. Мана, — жувон танга узатди. — Ярим сўмлик.

Бу гапдан бошқа бир жувон воқиф бўлиб турган экан, у ҳам суйкалди.

— Ота, малол келмаса, менда ҳам кичкина заказ бор эди, — деди ийманиброқ. — Ярим сўмлик зангори ранг билан бир килограмм анор керак эди. Аммо пули насия. Олиб келмабман.

— Майли, майли.

Шундан сўнг хотин-халаж чолни бирин-кетин ўраб олди.

— Қизчамнинг сирғаси йўқ эди...

— Менга «Лилия» деган гулчиरोқ керак эди...

— Ўғлимнинг қўл фонарига батарея керак эди. Мана пули. Эсингиздан чиқмас-а?

— Йўқ, энди эсимдан чиқади, — деди бува бош чайқаб. — Энди ёзиб олмасам бўлмайди. Кимда қоғоз-қалам бор?

Қоғоз-қалам табелчидан топилди. Чол заказларни лотинча ҳарфлар билан ёзиб олди: «Латофатхон қизимга ярим сўмлик аччиқтош. Эргашойга бир кило анор, ярим сўмлик зангори ранг...»

Индинига заказлар тарқатилганда, қиз-жувонлар чувиллаб юборишди.

— Раҳмат, отахон!

— Мунча ҳам пайчўкир экан отажонимиз!..

— Менга, отахон, зардўзбоп ипак олиб келиб беринг, ҳар хилидан...

— Менга...

— Ҳой, шошманглар, навбати билан...

Бува олдинги заказлардан соқит бўлгач, янги заказ қабул қилди.

— Бунақа пул йиғиб, мол тарқатиб юргандан кўра, давлатнинг автолавкасида сотилмайдиган молларни

келтириб сота қолсам бўлмасмикан? — ўйлаб қолди бир кун чол. — Далабон нарсаларни-ку, яхши биламан. Қоғоз-қалам тутишдан ҳам қутулардим.

Матқосим бува бу фикрини кампирига айтган эди, кампири рўйхушлик бермади.

— Йўғ-е, — деди, — қариганда «игна кетди, тутма кетди» деб юрсангиз, одамлар нима дейди?!

— Нима дер эди? Шаҳардан керакли молни сотиб оламан-да, келтириб, ўз нархига сотаман. Башарти камомад содир бўлса, устига бир-икки фоиз кўярман. Шунга нима деса десин халойиқ.

Матқосим бува эртаси куни шаҳарга тушиб, ул-бул харид қилиб чиқди.

...Шунақа қилиб, Матқосим бува антиқа бир касбнинг эгаси бўлиб олди. Эрталаб шод йўлга чиқади. Чарчагунча дала кезади, қичқиради: «Ҳой, яхшилар, беҳабар қолманглар», «Универмаг»га ҳамма нарса келди-и! Товардан пақирча, чилдирмача...» Кечқурун шод қайтади. Шу аснода чолнинг ўзига ҳам муносиб ном топишди болалар: «Ҳамманарса бува!»

— Майли, майли, — деди чол. — Ишқилиб, шулар хурсанд бўлишса бас.

Аммо янги касб туфайли андак кўнгилсизлик ҳам бўлиб ўтди.

Матқосим бува ўз бригадасидан ташқари яна уч бригадага хизмат қиларди. Табиийки, чол бошқа бригада аъзоларининг айримларини яхши танимас, шу боисдан уларнинг насиялари учун дафтар тутиб, пинҳона ёзиб юрарди: «Тўққизинчи биргат. Мамасолида қирқ тийин қолди. Қиррабурун новча жувонда йигирма тўрт тийин қолди. Узун шимли оқ соч муаллимда олтиш уч тийин қолди. Қизил кўйлакли қизимда ўттиз тийин қолди...»

Бу «қолди, қолди»лардан Рўзиқул махсум хабар топган экан, бир куни холани тасбеҳди қўли билан тешикча ёнига имлаб чақирди.

— Бувича, бу Матқосим акамга нима бўлди? — деди.

— Ҳеч нарса! — кампир кўзларини катта очди. — Нима эди?

— Бу, пенсия томоқларингиздан ўтмай қолдими дейман?

— Нега экан? — ҳайрон бўлди кампир.

— Ёинки ўғилларингиз пулни совургани юборишяптими сизларга.

— Қани совурганимиз?

— Ие, билиб туриб билмасликка соласиз-а, ўзингизни!.. Ахир, Матқосим акамнинг далама-дала пул сочиб юрганидан наҳотки хабарингиз бўлмаса?!

— Йўғ-е, сочган йўқдир-а, насия дафтари бор-ку!..

— Ана шунда-да ҳамма бало! «Қизил кўйлакли кизда унча қолди. Қўқон дўппили йигитда мунча қолди». Товба! Қизил кўйлакли қиздан кўпи борми?! Инсоф қолдими шу топдаги одамларда!..

Бу гапни кампир Матқосим бувага зимдан етказган эди, чол тўнғиллаб берди.

— Ажаб гапни айтасан-да! Шу топдаги одамлар йўлдан ҳамён топиб олса, эгасини топгунча шошадиду!

— Шундай-ку, лекин тагин...

Чол ўйланиб қолди.

— Хўп, кўрамиз, текшириб кўрамиз...

Матқосим бува уч кун «дам» олиб, далани қуруқ айланишга қарор қилди. Чолнинг мўлжалича, шу муддат давомида қарздорлар орани очиқ қилишлари лозим эди. Бироқ икки кундаёқ «қора дафтар»ида устидан чизик тортилмаган исм қолмади.

— Мана бунақа менинг одамларим! — деди чол фахр билан кампирига. — Ҳамма-ҳаммасини беришди!

— Ҳа, ўзим ҳам шунақа бўлар деб ўйлагандиму Махсум аканинг гапига...

— Махсум аканг хусуматдан айтган бўлса ҳам ажаб эмас!..

— Анови гапи ҳам хусуматдандир-да, бўлмаса?

— Қайси гапи?

— Болаларга қурт улашганингиз?..

— Вой пасткаш-эй, шуни ҳам айтдимиз?! Ҳа, берсам нима қилибди? Текинга берармидим?! Инсон боласининг кўнглини бир бор овлаш — юз минг тилло! Одамлар эл кўнглини оламан деб тўй-томоша қилади, юртга ош беради...

Эртасига «Универмаг»га мол юклашга қарор қилинди.

«Универмаг» қуёш кўтарилганда йўлга тушди. Четанга осилган чилдирмача, пақирчаларнинг тақир-туқирлаши, араванинг «ғийт-ғийт»и, қизил, яшил, сариқ пуфакчаларнинг ҳавода пилдираши ажиб бир куй, ажиб бир манзара касб этди...

Қишлоқ тугади, дала бошланди. Матқосим бува

«Сайдинг кўябер, сайёд»ни димоғида винг қилиб борар, икки кўзи тупроқди, эгри-бугри йўлда ва тева-рак-атрофда эди. Йўлнинг икки юзи қалин тутзор. Тутларнинг остида шарқираб сув оқиб турибди. Ариқларнинг уёғи бепоён пахтазор. Ҳаммаёқ ям-яшил!..

Бува кафтини пешонасига соябон қилиб, олис-олисларга кўз тикди. Ҳув нарида—пахтазор ўртасида зангори трактор енгил чанг кўтариб, чоқиқ қиялпти. Қизик, ўзи кўринади-ю, овози эшитилмайди. Тракторнинг нариги томонидаги пайкалда бир йигит, сувчи бўлса керак, пастга энгашиб нимадир қиялпти.

Бедазор келди. Бир неча йигит бедазорда трактор билан беда йиғиштираётган экан.

— Ҳорманглар, азаматлар! — қичқирди чол. — Ҳой, яхшилар, эшитмадим деманглар, «Универмаг»га ҳамма нарса келди! Товардан: вазелин, лампочка, пуфак!..

Йигитлар эшитмади чоғи, буёққа қарамади ҳам.

— Тавба, бедани трактор экса, ўрса, тўпласа... Яна уни чақмоқ қандай ихчам қилиб боғласа! Ажаб, ажаб!..

Бува шуларни дилидан ўтказиб, аста кетиб бораётган эди, бедазорда қизил майкали бир йигит қўл силкитиб қолди. Чол тизгинни тортди. Йигит икки ҳатлаб етиб келди.

— Қа, отахон, биз ўгайми? Ё кўнглингизни оғритган жойимиз борми? — ҳазилнамо ўпкаланди йигит. Мундай қарасам, қийшайиб ўтиб кетиляпти!..

— Вой, омон бўлгурлар-эй! — кулди Матқосим бува.— Нега мен... Чақирдим-ку! «Ҳорманглар!» дедим-ку!..

— Хўш, «Универмаг»да нима янгиликлар? Сигарет борми?

— Бор. Ҳамма нарса бор.

Чол йигитга сигарет бериб турган эди, яна икки йигит пайдо бўлди.

— Отахон, носвойнинг қанақа маркалисидан бор? — сўради улардан бири кулиб.

— Мавлонбекнинг носидан бор.

— Қа, «Мавлонбек — 71» маркалисидан бор дегн? Ўткирми ё «безопасний»ми?

— Ўткир бўлганда қандай, янги чархланган. Рўпара келган нарсани шартта кесади. Ўшан-чун чекканда бир қўлингизда сув ушлаб турасиз ёки ариқ ёқасига ўтириб оласиз. Бўлмаса товонингизга қоламан.

— Бай, бай, бай! Жуда «опасний» экан-ку! Қани, ўша «опасний»дан йигирма тийинлик беринг-чи, бир «лаборатория»га солиб кўрайлик-чи, — йигит чўнтагини ковледи. — Ие, танга йўқ экан-ку?! Қарз бўларканмиз-да, отахон! «Валижон ўғли Усмонжон «Мавлонбек-71» ваҳждан тўрт мири қарз бўлди», деб музга ёзиб офтобга қўйиб қўясиз-да энди.

— Шамол куни қумга ёзиб қўяқолсам бўлмайдими?..

Матқосим бува ҳазил-мутойиба ичида савдони тугатиб, шийпон томон йўл олди.

Саккизинчи бригада болалари Матқосим бувага жуда ўрганиб қолишган. Ҳар сафар уни шийпондан анча берида кутиб олишади. Бугун ҳам шундай қилишди. Узоқдан таниб, шод қийқиришганича чолга қараб югуришди.

— Ҳамманарса бува! Ҳамманарса бува!..

— Ҳамманарса бува келяпти!

Болалар етиб келгач, чол «тормозни босди». Болалар билан омонлашди.

— Вой, отажонларим, онажонларим-эй, юрибсизларми ўйноқлаб? — бува болаларга писташка улашди. — Мана сизга. Мана сизга... Энди буёққа. Қани, хўшча, хўппа!..

Икки ўғил бола, «кабина»га чиқди — эшакка мингашишди. Уч қизча ва икки ўғил бола «борт»га ўтирди. Чол чилдирмачалардан олиб қизчаларнинг қўлига берди.

— Қани, уйинг гулга тўлгур, мунчоқларим, чалинглар, қўшиқдан олинглар, бир маза қилиб эшитайлик!..

Чол болалар билан чуғурлаша-чуғурлаша шийпонга етиб келди. Одамлар ҳали тушликка чиқишмаган экан. Матқосим бува эшакни аравадан бўшатиб, ўрикзор ичига боғлади.

— Ҳамманарса бува, «Волга»нинг «мотори» жуда қизиб кетибди. Бир совутиб келайлик, — таклиф тушди болалардан.

— Йўқ, йўқ, шу ерда совигани маъқул.

— Келинг энди, бирпасда совитиб келамиз.

— Оббо, қоқвошлар-эй, жуда ҳам биркесарсизларда! Майли, олинглар. Аммо тезроқ қайтариб келинглар.

— Раҳмат, Ҳамманарса бува!..

Икки бола эшакка минишди. Қолганлари уларга эргашди, қийқиришиб боғнинг орқасига ўтиб кетишди



ва ярим соатлардан кейин қайтиб келишди. «Мотор» жонивор совиш ўрнига кулоқларигача терга ботиб, ҳансираб ёниб келди. Болалар буни билдирмаслик учун «мотор»ни атайин нарироққа боғлашди. Лекин Матқосим бува барибир сезди, сезди-ю, ўзини билмаганга солди.

— Оббо, қўзичоқларим-эй, келдиларингми совитиб? Баракалла, баракалла!.. Қани энди буёққа келинглари-чи, — чол хизматни тақдирлаб, болаларга пуфак улашди. — Мана, сизга, мана сизга... Ҳў, яшанглари, шоввозларим!..

Шу он болалар ичидан «хоин» чиқиб қолди.

— Ҳамманарса бува, Ҳамманарса бува, — деди семиз бир бола оғзини тўлдириб. — Анови Райрат билан Тўлқин «мотор»ни роса пойга қилишди!

— Ҳў, баракалла, тойчоғим! — деди бува ва «хоин»га ҳам битта пуфак берди.

«Мотор»ни «совутиш» насиб қилмаган икки бола Матқосим бувага суркалди.

— Ҳамманарса бува, «мотор»ни бир «заправка» қилиб келайлик.

Матқосим бува болаларнинг мақсадига дарров тушунди.

— Кейин, болам, кейинроқ, — деди илтимосчиларнинг бошини силаб. — Пича дам олсин, кейин. Агар эринмасаларинг, ўт юлиб келинглари, «заправка» шу ерда бўлсин.

Болалар бир-бирларига ялт этиб қараб олишди-да, тўсатдан шийпоннинг орқасига «гурр» этиб югуриб кетишди.

— «Заправка»га! «Заправка»га! Ур-е!..

Одамлар тушликка чиқишди. Аммо улар қозон томонга эмас, «Универмаг» сари бурилишди.

— Ассалому алайкум, отахон!

— Ваалайкум ассалом. Қалай, омонмисизлар, болаларим? Тинчмисизлар? Ҳормай, чарчамай юрибсизларми? Баракалла, баракалла!..

— Ўзингиз саломатмисиз, отахон! Онажонимиз сиҳат-саломатми?

— Раҳмат, раҳмат... Ҳўш, нима берай сизларга?

— Янгилардан нималар бор?

— Ҳамма нарса бор. Ҳазми таомдан қалампиртолқон, зиркли доривор, «Чўрни перис» деган мурч, ичимликдан лимонад, чекимлиқдан «Прима», «Мавлонбек-71».

— Ичимликдан «мўйсафид» ҳам бўлсин, отахон, — тегажоғлик қилди бир йигит.

— Йўқ, рухсат йўқ унга, болам. Бўлмаса-ю... Хўш, сизга нима эди, қизим? Ҳа, пушти ипак.

— Қаердан рухсат йўқ? — гап суқди бошқа бир йигит.

— Юқоридан, болам, юқоридан...

— Юқоридан? Бу юқори деганингиз колхозми, бозоркомми?

— РайПОга ҳисоб беради отахон, — кўзини қисди биринчи йигит.

— РайПОнғиз нима экан?! Тўппа-тўғри Тошкентга бўйсунди отахон. «Ўзбекбирлашув»га ёки савдо министрлигига бўйсунди, — деди бошқа бир йигит.

Енгил кулги кўтарилди.

— Илгари шунақа эди, — деди Матқосим бува ҳам кулиб. — Ҳозир фақат Масков билан алоқа қиялпман.

Кулги, ҳазил-мутойиба билан бир дамда савдо тамом бўлди. Харидорлар шийпон томонга бурилишди. Чол харидорларнинг қистови билан энди шийпон сари юраётган эди, бир-икки сиқимдан кўк ўтни боши узра кўтаришиб, шовқин-сурон ичида «заправка»чилар етиб келишди.

— Мана, Ҳамманарса бува, мана!

— Баракалла, баракалла, тойчоқларим! Ташлайверинглар «мотор»нинг олдига.

Матқосим бува бу сафар қурт халтани очди. Сўнг шийпонга ўтиб, икки пиёла чой ичди-да, юзига фотиҳа тортди.

— Энди менга рухсат, болаларим.

— Ҳа, энди обедни бирга қилайлик, отахон, — чувиллашди ҳар томондан. — Борарсиз...

— Раҳмат, болаларим, раҳмат, — чол қўлини кўксига қўйди. — Сизлар бемалол овқатланинглар. Мен абит вақти ўтмасдан тўққизинчига етиб борай. Заруротлари бордир уларнинг ҳам. Хўп, хайр, яхшилар, омон бўлинглар, хайр!..

— Хўп, хайр, отахон, сиз ҳам омон бўлинг.

Матқосим бува қурт сўриб юрган бир гуруҳ болалар кўмагида «Волга»ни сафарга тайёрлади. Болалар анча жойгача бувани кузатиб боришди.

— Баракалла, қўзичоқларим, — деди чол катта йўлга чиққач. — Энди қайтинглар. Хўп, келаман. Хайр, болаларим, хайр!

Болалар четанга осилган ранг-баранг пуфакчалар «кичрайиб» кетгунча қўл силкиб туришди.

— Хайр, Ҳамманарса бува, хайр!..

### СУҲБАТНИНГ «АСАЛ-ҚАНДИ»

Авваллари бемаза суҳбатларда бўлиб юраверган эканман. Суҳбатнинг бунақа «ширини» ҳам бўлар эканки...

Шаҳарда Расул ака деган танишим бор. Дўмбоққина. Ипақдай мулойим. Меҳмонхонада сартарошлик қилади. Икки дафъа меҳмоним бўлган. Шунинг учунми, йўлиқдим дегунча, уйига таклиф этади, ширин суҳбат ваъда қилади. Биламан, шаҳарликларнинг уйи кўркам, лекин қутичадай тор бўлади. Осмони кенг қишлоқда ўсган биздай тўпори бандалар учун унақа хонадонлар гўё қафасга айланади. Шунинг назарда тутиб, Расул аканинг таклифига қарши ҳар сафар сабаб топаман. Аммо бу гал иложи бўлмади.

— Қишлоқингизга борганимизда остонангизни ҳатламас эканмиз-да, — деди.

Важ халтамни қоқиштириб кўрдим, суяги бутунроқ баҳона топилмади. Ноилож меҳмонхонанинг сокин ҳужрасини бир кечага тарк этишга қарор қилдим.

— Бу бошқа гап, — Расул ака ийиб кетди, — баҳонада пича дам оламиз.

Изғиринли кечада қор кечиб, Расул акага эргашдим. Расул ака осмонўпар бинода яшар экан. Зинадан зинага кўтарилиб, тўртинчи қаватда тўхтадик. Расул ака ҳаворанг эшикнинг тугмачасини босди. «Тап-туп» оёқ товуши эшитилди. Эшик қия очилди. Беш-олти ёшдаги жиккак боланинг ялангбош калласи кўринди. Бола: «Пап», деди. Биз: «Қани, қани» деб турсак, эшик «қарс» этиб ёпилди. Эшик ортидан боланинг ҳиринглагани эшитилди. Расул ака эшикни дўқиллатди.

— Ҳой, Мирзадавлат, оч, ўғлим.

Мирзадавлат тагин кулди. Расул ака ҳарчанд уринди, бўлмади. Ниҳоят ялинишга ўтди.

— Ҳой, Мирзадавлатжон, очинг, отам, очинг. Ҳазилни қўйинг. Жуда совқотиб кетдик. Очинг.

— Нима олиб келдингиз?

— Ҳеч нима олиб келганим йўқ эди, бўтам. Эртага олиб келаман. Очинг, оппоғим.

Расул ака узоқ ёлворди. Бироқ фойдаси тегмади. Расул муштини ишга солди.

— Оч. Ёки аянгни чақир. Қани аянг?

Ичкарида телевизор гумбирлади. Расул ака, хижолат чеқди чоғи, сохта илжайди.

— Шуниси сал шўхроқ чиқди.

Кафтни кафтга ишқаб, уёқ-буёққа юриб турибман. Телевизорнинг овози ўчгач, Расул ака эшикни қаттиқ-қаттиқ муштлади.

— Оч! Очмасанг, қулоғингни кесиб ташлайман!

Мирзадавлат яйраб қиқирлади.

— Очмасам, қанақа қилиб кесасиз қулоғимни?

Эшикка мунғайиб боқиб, бир лаҳза жим қолдик. Тўсатдан Расул аканинг жаҳл оти суриб кетди. Эшикни тепишга тушди.

— Оч, мохов, оч!

Орқа томондан аёл товуши эшитилди.

— Ҳой, ким? Синади эшик!

— Мен, мен, — Расул аканинг овози негадир синиқ чиқди. — Нодирабегим, мен.

— Нима бало, мастмисиз ё жинни-пинни бўлдингизми?!

Нодирабегим — ширмон юзли сатанг жувон менга истар-истамас «келинг», деб қўйди. Сўнг парпироқ қошлари остидан ёниқ кўзлари билан бошимдан-оёғимгача тафтишдан ўтказди ва: «Буни нега етаклаб юрибсан!» дегандай эрига хўмрайди. Эр ёлғондан йўталди ва шоша-пиша мен тўғримда ахборот берди.

— Шундай, — деди ахборот якунида. — Сўлим қишлоғи бор буларнинг. Шарқироқ сойлар, туя ўрқач қирлар... Ёзда сизларни ҳам олиб бораман. Яқин ошнам бу киши.

— Вой, шунақами, — қийқириб кулди Нодирабегим.

У кулганда чимирилган қошлари буткул ёзилиб, тилла тишлари ярқираб кетди. Мени бир четга қўйингу Расул ака давлат имтиҳонидан эсон-омон ўтган талабадай енгил тортди.

— Шунақа, — деди яйраб.

Дастлаб Нодирабегим қаҳрли, дағал характерли хотин бўлиб туюлган эди. Фотиҳага эрта қўл кўтарган эканман. Хушчақчақ, назокатли, меҳрибонгина жувон экан. Кулиб юриб ҳол-аҳвол сўради. Биз томонда атласнинг қанақа хили мўллагини суриштирди. Синглисини, яъни бизнинг маликаи дилозорни етаклаб келмаганимга ўпқаланди. Даҳдизга стул, торора, илиқ сув

олиб чиқди. Сўнг илтифот билан сув қуйиб берди, қалтираб ўтириб оёғимни ювиб олдим (кечагина ҳаммомдан чиқдим, дегани тилим бормаган). Уй бекаси пиддираб, хандон ташлаб юриб атлас тўшакчага таклиф қилди. Орқамга, биқинимга пар ёстиқ қўйиб берди. Апил-тапил дастурхон ёзди. Нариги хонадан «дўпир-дўпир» оёқ товуши ва мушукчанинг аччиқ фарёди эшитилди.

— Сал шўхроқ чиқди Мирзадавлат, — минғирлади Расул ака.

— Кенжамиз-да, эрка.

Нодирабегим дастурхонга қимматбаҳо конфетлар тўла тақсимчаларни терар экан, истеҳзоли илжайди.

— Болаларингизни қайси бири «сал шўхроқ» эмас?!

Расул ака пешонасини силади. Ўнғайсизликнинг дамини мен кесдим.

— Катталари нечта, қани улар?

— Тўртта, — Расул ака ғурур билан жавоб қайтарди. — Ҳаммаси ўғлон. Қишлоққа тоғасиникига кетишган. Каникулни ўша ёқда ўтказиб келинлар, дедик. Қани, дастурхонга меҳрибончилик қилайлик.

Бир-икки пиёладан чой ичган эдик, жазилаб картошка қовурдоқ келди. Нодирабегим менга боқиб майин жилмайди.

— Айбга буюрмайсиз-да, меҳмон. Келишингизни билганимда Ўзганнинг гуручига ош дамлаб қўйган бўлардим.

— Ҳечбокиси йўқ.

— Ошни нонуштага дамлаймиз, — деди Расул ака.

Қовурдоқни тановул қилишга киришдик. Нариги уйда мушукча чинқириб устма-уст дод солди. Алланарса тарақлади. Нодирабегимнинг юзида ёниб турган табассум бир онда сўнди. У сапчиб ўрнидан турди ва овоз чиққан хона эшигини очди.

— Ҳой, бетамиз, бунақада ўлдириб қўясан-ку!

Шу пайт мушукча ва Мирзадавлат кетма-кет югуриб чиқишди. Мушукчанинг думига чипор рангли ўйинчоқ кучукча боғланган эди. Мушукча «кучук»ни тарақлатиб хонани бир айлаңди. Бурчақда тўхтаб орқасига қаради. «Рақиб»ига кўзи тушди-ю, жон-пони чиқиб, бамисоли отилиб кетди. Шифоньернинг остига ўзини урди. Расул ака қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ақлини кўринг, ақлини! Ит билан мушук қарма-қарши жонивор эканига фаҳми етганини қаранг!

Нодирабегим қовоғини уйганча «тарс-турс» қадам босиб чиқиб кетди. Мирзадавлат мушукчани олиш учун гиламга ётиб кўп уринди, қўли етмади. Ҳайинчоқ милтиқчани шифоньер остига ниқтаб-ниқтаб сўқди. Мушукча жон аччиғида вағиллади ва шифоньернинг ёнидан отилиб чиқди. Ипи узилиб, «кучук» шифоньернинг остида қолган эди. Мирзадавлат қувишда давом этди. Ота ёрдам ва кўрсатма бериб турарди. Мушукча Ҳайинчоқлар қалашиб ётган стол устига сакради. Столнинг бир бурчида ясатилган арча турар, уни чулғаб олган лампочкалар «милт-милт» ёниб ўчар эди. Мушукча арчанинг шохига ёпишди. Арча чинни вазанинг устига ағанади. Ваза полга тушиб, чил-чил синди.

Шу онда остонада Нодирабегим пайдо бўлди.

— Вой! — қичқирди оғиз ва кўзларини бор бўйича очиб. Сўнг мушукчага жон-жаҳди билан ташланди. Мушукча қовурдоқ устидан сакраб ўтиб, костюмининг этаги остига шўнғиди. Нодирабегим мушукчани чаптастлик билан тутиб олди. Унинг орқа оёқларидан ушлаб, Мирзадавлатнинг бошига туширди. Эрига Мирзадавлат хусусида икки жуфт нордон сўз айтди. Мушукчани олиб ташқарига шошилди ва йўқ бўлиб кетди.

Расул ака Мирзадавлатни ердан олиб бағрига босди. Юзларидан қайта-қайта ўпди. Эртага бир эмас, ўнта мушукча келтиришга астойдил ваъда берди. Бироқ ваъданинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмади. Расул ака Мирзадавлатни мақташга тушди. Мирзадавлат ҳеч кимдан ҳайиқмас экан. Жаҳли келса, ҳатто, акаларини ҳам дўппослайверар экан. Унинг камчилиги фақат боғчага боришни хуш кўрмаслиги ва элтиб берилса, қочиб келиши экан.

Нодирабегим Мирзадавлат отасининг кучоғида пинакка кетганда пайдо бўлди. Кулимсираб юриб, қўшни хонага билқилдоқ жой тўшаб берди. «Ширин» суҳбатнинг мағзини чақиб, алламаҳалгача тўлғониб ётдим.

Тонг чоғида радиоприёмникнинг кучли шовқинидан уйғониб кетдим.

— Ҳайир! — Нодирабегимнинг овози узоқроқдан эшитилди. — Меҳмон тоғанг дам оляптилар.

Мирзадавлат бу буйруқни бажонидил бажарди ва югуриб мен ётган уйга кирди. Кўрпани тортиб, устимни очиб юборди...

— Туринг, палов қияпмиз! — деди.

Сўнг стол устида турган соатимни қўлига олиб, қу-

логига тутди. Овози ёқмади шекилли, ирғитиб юборди. Соат стулга бир урилди-да, полга тушди. Ўрнимдан туриб, шоша-пиша кийиндим. Ҳаммаёқни аччиқ ҳид босиб кетибди. Ҳа, дарвоқе, ош пиширилаётган экан. Нодирабегим газ плитаси тепасида, ёғ доғлаяпти. Расул ака пиёз тўғраяпти. Шу тобда кўчага чиқиш, меҳмонхонага бориб каравотнинг хизматидан фойдаланиш истаги бағоят зўрайиб кетди. Бироқ, мезбонлар бунга имкон беришмади. Икки қошиқ ошни чайнаб аранг ютмагунимча эшикни ичкаридан қулфлаб, мени маҳкам тутиб туришди.

Шу тариқа, меҳмон бўлиш бурчимни ҳалоллик билан «мириқиб» адо этдим. Йўғ-е, шу тариқа «оромбахш суҳбат»дан баҳраманд бўлдим. Боз устига, «ҳордиқ чиқардим». Қулоқнинг бир маромда шанғиллаши, бошнинг зирқираши ва кўзнинг ачиши туғдирган «ёқимтой» туйғу ёнимга ўлжага қолди.

## «ҚЎҚОН ШАМОЛИ» (1986 ЙИЛ) КИТОБИДАН

### ҚЎҚОН ШАМОЛИ

Қўқон шамоли қишда қутуриб кетади. Томларда, дарахтларда, симёғочларда увиллайди, ўкиради, чийиллайди. Дарахтларни эғади, букади, «қарс-қурс» синдиради. Электр симларини узади, ўт чиқаради. Ҳаммаёққа даҳшат солади. Шивалаб ёғаётган қорни ўз майлига кўймай тўзғитади, олис-олисларга учириб бориб пасткамликларга, зовурларга, бурчак-бурчакларга тикиб ташлайди...

Аёзли кун ўтади, тигли тун ўтади, бироқ бу бешафқат шамолнинг адоғи кўринмайди.

Ўшанда ҳам қаҳратон қиш, қорли бўрон эди. Латифжоннинг онаси Жаннат хола бир ҳафтадан бери ана кетди-мана кетди бўлиб ётарди. Латифжон умрида биринчи марта ишга бормади. Сурункасига уч кун бормади. Синглиси Шарифа, хотини Зулайҳо билан бирга онасининг қошида бўлди. Колхоз ҳаётига доир баъзи зарур ишларни телефон ва ҳол сўраб келувчилар орқали битириб турди.

Жаннат хола кечга яқин тилдан қолди. Ўзининг пастак томли суюкли ҳужрасида сандалнинг тўр томонида қизил кўрпа орасида шишга қараб жим ётибди. Териси суягига бориб ёпишган, чакка суяклари бўртиб чиққан. Буришган юзлари, ориқ, кичкина кўллари қонсиз, оппоқ. Чўкиб кетган нурсиз кўзларини болаларига тикади. Чексиз меҳр билан, тенги йўқ бир қизганиш ҳисси билан тикилади. Гўё парвардигор булардан холани эмас, холадан буларни тортиб олаётгандай...

Жаннат хола эрталаб тупша-тузук эди. Дастлаб чорак пиёла сут ичди. Холанинг жондан азиз саккизта китоби бор эди. Варақлари сарғайган, жилдлари қайта-қайта таъмир қилинган китоблар. Ҳаммасини бир-бир ўпиб пешонасига босди. Сўнгра Шарифа унинг буйруғи билан китобларни оқ, одми рўмолга



туғди. Латифжон шоти келтирди. Тугунни шифтга — кампирнинг қоқ пешонасига осишди.

— Раҳмат, болаларим, раҳмат, — деди хола. — Умрларинг узоқ бўлсин.

Кейин Жаннат хола Бедилнинг бир байтини ёддан ўқиди, Навоийнинг «абадул-абад» эканлиги ҳақида гапирди. Сўнг зукко афанди ва нодон подшо ҳақида латифа айтиб, ҳаммани кулдирди. Магнитофондан Муножот Йўлчиеванинг лентасини қўйдириб эшитди. Муножотни суйди, алқади. Тушга яқин тарвуз сўради.

— Аттанг, тугаган эди-ю, — деди Шарифа қўрқарипса.

— Топамиз, топамиз, бувижон,<sup>1</sup> — хитоб қилди Зулайҳо ва эрига қаради.

— Ҳа, тугаган экан, нега олдинроқ айтмайсизлар шуни, — жеркиди Латифжон ва ташқарига отилди. — Ҳозир...

— Қўяқол, болам, — зорланди бемор. — Шу заҳар аёзда...

Латифжон йўқ бўлиб кетди ва бир ярим соатларда иккита кўм-кўк тарвуз қўлтиқлаб кирди.

— Мана, бувижон, — деди ва этигининг қўнжидан пичоқ олиб, тарвузлардан бирини шартта иккига бўлди. Қондай қизил гўштини палахса-палахса қилиб ташлади. Кейин майин жилмайди. — Қумга кўмишган экан азаматлар, ёздагидек турипти.

Зулайҳо тарвуз этидан майдалаб, кампирнинг тишсиз оғзига солиб турди.

— Энди бас, — деди хола бир оздан сўнг. — Баракалла, болаларим. Қолганини ўзларинг енглар, нариги уйга обкириб, болаларинг билан бирга енглар.

Аёллар «раҳмат», «раҳмат, сизнинг еганингиз — бизнинг еганимиз», деб тек ўтиришаверди. Бунга кампирнинг жаҳли чиққан бўлди.

— Гапим ўтмайдиган бўлиб қолибди-да, — деди.

Аёллар «кечирасиз, бувижон», дея ўринларидан турдилар ва бир палладан тарвузни кўтариб хонадан чиқдилар. Латифжон эшикни зич ёпди-да, онасининг ёнига келиб ўтирди. «Амрингизга мунтазирман», дегандай унинг оғзига тикилди.

— Фурсат борида гапириб олай, болам, — деди хола узоқ ўйланиб ётгандан кейин.

— Э, унақа деманг, — чўчиб тушди Латифжон. —

<sup>1</sup> Бу ви — Фаргонанинг айрим жойларида «она»ни «буви» дейишади.

Соғайиб, отдай бўлиб кетасиз. Ҳали сизни Кавказга олиб бораман деб юрибману.

Бу тасалли Жаннат холага ёқмади.

— Билиб туриб ёлғон гапирмагин-да унақа, — деди. — Ёлғончилик ёмон нарса.

Кампир тез-тез киприк қоқиб, жим қолди. Сўнг:

— Ёшимни яшадим, ошимни ошадим, — деди заиф бир товушда. — Мана, етмиш еттига кирдим. Отанг ҳаёт бўлганда икки кам саксонга борарди. Уруш еди раҳматликнинг бошини.

— Худди шундай, бувижон, — паст товушда хитоб қилди ўғли.

Хола пича дам олгач:

— «Эл-юртни яшнатаман деган одам аввало ўзи яшнайти», — деган экан бир донишманд, — деди. — Мана, сен ҳам яшнаб, яшнатиб юрибсан. Бундан кейин ҳам яшнагин, илоҳим.

Латифжон қуллуқ қилди.

— Хўп, бувижон, хўп.

— Кейин синглинг билан хотинингни эъзоз қилгин. Аломат жувонлар, жаҳонга бергисиз жувонлар.

— Хўп, бувижон, ҳамма айтганларингизни қиламан.

Кампир жимиб қолди. Унинг икки кўзида икки дона ёш ялтиради.

— Қирқ олти йиллик қадрдоним эдинг, — деди она овози қалтираб. — Қирқ олти йил ҳидладим сени. Лекин... тўймадим, сира-сира тўймадим...

Латифжоннинг томоғига бир нарса тиқилгандай бўлди.

— Бувижон! — деди қақшаб ва кампирга ташланди, юзларидан, пешонасидан «чўлп-чўлп» ўпди.

Ҳалигина бўлиб ўтган эди бу суҳбат. Шундай бир яхши гапириб ўтирган одам тўсатдан тилдан ажраб ўтирса-я.

Ярим кечадан ўтди ҳамки, шамол қаҳридан тушмайди. Оч бўридай ҳамон увиллайди, зринмай қор тўзғитади. Кампир қизил кўрпа орасида кичкина бўлиб, гўё шу шамолдан бошқа ҳеч қандай воқеа рўй бермаётгандай осойишта ётибди... Бошида Шарифа, ўнг томонида Латифжон, чап томонида Зулайҳо, учовининг ҳам кўнгли вайрон. Шарифа билан Зулайҳо овоз чиқармай куюниб йиғлаяпти. Дам-бадам елкалари тикув машинасининг «боши»даги сакрагичдай «дик-дик» қилиб қолади. Латифжон жим, дам онасига,

дам узлуксиз чайқалиб турган лампочкага қарайди. Чаккасига омбур солинган одамдай бетоқатланади, панжаларини қисиб эзади, қайиради... Бир пайт ташқарида нимадир тарақлагандай бўлди. Латифжон серқаланди. Нима экан? Нариги уйда болалар ётган эди, ўшалармикин?

Латифжон ҳовлига чиқди. Тарақлаган дарвоза экан. Ана, тагин тарақлади. Латифжон билқилдоқ қор уюмларини кечиб, дарвозахона томонга югурди. Дарвозахонанинг чироғини ёқди.

— Ким? — деди бақириб.

— Мен, мен, Хурсандман, — гулдироқ овоз келди кўчадан. — Бемаҳалда сайёқ юрган Хурсанд жиннингман.

Хурсандали пастроқ товушда кимгадир: «Ундай бўлса, майли, раҳмат, катта раҳмат», деди. Енгил машина гулдураб жўнаб кетди.

Латифжон дарвозани очди. Ҳақиқатан Хурсандали экан. Шериги ҳам бор. Бўлагина йигит. Хурсандали Латифжоннинг қалин дўсти. Сайёр мухбир. Латифжон сингари хушчақчақ йигит. Марғилонлик.

Улар узоқ вақт кўришмаган эдилар, қучоқлаша кетишди. Латифжон шофёр йигитни тутиб қолмагани учун Хурсандалидан ўпкalandи. Сўнгра дарвозани шамолга қарши зўр бериб итариб ёпди, шарақлатиб кулфлади. Бунгача Хурсандали Қўқон шамоли шаънига маломат ёғдириб ташлади.

— Бунча ҳам бурунга ўч экан Қўқоннинг шамоли, — деди сўнг. — Бир чақиб қўймайди, икки чақиб тўймайди... Бурунни суғурсанг чиқса экан, рўмолчага ўраб чўнтакка солиб қўйсанг, мана бўлмаса деб.

Латифжон самимий кулиб юборди. Кейин:

— Сеникидақа элик олтинчи размерли бурун биз томонда камда, — деди ҳамон кулиб. — Ўшанинг учун салмоқдор бурун учраб қолганда, бир бурунхўрлик қилиб олай дейди-да.

— Шунақа, — деди Хурсандали кулгидан кейин жиддий. — Ёз бўлса чивин кўз очирмайди. Анови хартумли чақадиган бор-ку, ўша. — Энди ҳамроҳига қараб давом этди. — Буларнинг чивинлари кўп «одамохун» бўлади. Гулзор ёки бирор ариқ ёқасида ўтириб қолсангиз, «қандайсиз, ин-и-и-мм...» деб келаверади бирин-кетин. Бепарво қолдингизми — тамом. «Хурматингизни ўрнига қўяди-да», қизил халтачани кўтариб жўнаб қолади хайр-маъзурни насия қилиб. Не

чоғли «иззат-икромга сазовор бўлганингизни» кейинроқ, баданингизнинг бирор пункти жизиллаганда биласиз...

Меҳмон билан Латифжон яна кулди. Хурсандали эса, тишининг оқини ҳам кўрсатмади.

— Э, юринглар-э, ичкарида гаплашайлик, — Латифжон уларни дарвозахонанинг шундоқ биқинидаги меҳмонхонасига бошлади. — Жуда совуқда қолибсизлар-а!

Меҳмонлар телпак ва пальтоларидаги қорларни қоқиб, зинада тепина-тепина ичкарига киришди. Латифжон кундузи қуруқ ходаларни майдалаб қўйган эди, дарров ўшани келтирди. Ҳол-аҳвол сўраб юриб, печкани ловулатиб юборди. Печканинг ёнига стол қўйди. Ўтиришди.

— Бай, бай, бай, ўт-а, — Хурсандали кафтларини оловга тоблаб, бир-бирига ишқади. — Бўйларингдан аканг айлангур, ўт-а.

— Кўчада кўп туриб қолдиларингми? — сўради Латифжон.

— Уч зум. Шамолга беткай ўзи дарвозанг. Яна бир зум турганимизда, музлаб, ҳайкалдай ағанаб тушармидик. Яхши, уйғоқ экансан!

Латифжон кечикиброқ жавоб қилди.

— Идорадан ҳозир келдим.

— Раислик ҳам қийин-да! Шундай совуқда. Шамолни қара-я. — Хурсандали шеригига боқиб бошини ликиллади. — Қўқон шамоли мана шунақа бўлади.

— Ёмон экан, — деб қўйди меҳмон йигит секин.

Хурсандали юрган йўлида латифа тўқиб, латифа айтиб юради. Латифа қаҳрамони кўпинча ўзи бўлади.

— Жуда ёмон, — деди у ва дарров лоф-латифа бошлади.

— Бир куни болалар ҳовлида ўйнаб юришарди. Ҳа, у вақтларда Бешариқда турардик. (Бу гапи ғирт ёлғон эди.) Мен сигирларга терт қораётган эдим. Шамол тўсатдан «ғув» этиб қолди. Югуриб бориб, уч болани икки қўлтиққа уриб уйга чопдим. Остонадан ўтаётганимда «тарс-турс» этгандай бўлувди, ташқарига чиқсам, сигир ҳам йўқ, ғунажин ҳам. Шамол арқонларини «шарт-шурт» узиб, учуриб кетипти икковини ҳам.

Меҳмон завқ қилиб кулди. Кулгига Латифжон қўшилди. Хурсандали жиддий, кўрсаткич бармоғи билан таъкидлаб ваҳима қилди.

— Бир ҳафта деганда аранг топдим. Қарангки, ос-

мону фалакда учириб бориб, Хўжақишлоқнинг бақатерагига осиб кетибди баттол. Борсам, сигирпошшо севимли қизи билан: «Не кунларга қолдик биз-е», деган ашулани ванг қўйиб, осилиб ётишибди бақатеранинг устида! Пожарнийларга ялиниб юриб аранг тушириб олибман бечораларни.

Яна кулги кўтарилди. Хурсандали «куюниб» кетди.

— Ҳе, ўл, бу кунингдан баттар бўл, шамол, дейман. Шу ҳам ишми? Хўл, ана, касбинг сигир учиреиш экан, куриб кетганмиди меникидан бошқа сигир? Мана, ҳаромхўрларникини учир, порахўрларникини учир, чайқовчиларникини учир. Келиб-келиб меникини учирасанми? Қалам учини ялаб, зўрға тирикчилик қилаётган фақир бир газетачиникини учирасанми? Ё бўлмасам ҳамманикини баравар учир — осмон мол бозорига айланиб кетсин.

Хўп кулишди.

— Ҳа, айтмоқчи, сизларни бир-бирларингга таништирмабман-ку, — Хурсандали пешонасига «шақшақ» урди. — Калла йўқ-да менда, калла. Бу киши бухоролик дўстимиз бўлади. Исми шарифлари Аминжон Неъматов. Москвада танишганмиз. Қўли гул журналист.

Латифжон қўллари кўксида, лабида табассум, гавдасини олдинга ва орқага ташлаб уч-тўрт бор тебратди.

— Жуда яхши, жуда соз. Баҳонада яна бир дўстининг соҳиби бўлиб олдик.

Меҳмон ҳафсала билан таралган бўлиқ, қоп-қора сочини силаб: «Раҳмат, раҳмат» деб қўйди.

Латифжон жилмайиб ўтирарди-ю, фикри-зикри ичкарида эди. Ров кириб чиқмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Мен ҳозир...

— Нима «ҳозир», — Хурсандали унинг елкасидан босиб ўтқизиб қўйди. Хурсандалининг дурустгина кайфи бор эди. Бундай пайтларда айтганини қилдирмагунча қўймасди. Буни Латифжон яхши биларди. Шу туфайли ортиқча тирқишлик қилмади. — Олдин таништириш маросими тутасин, кейин кирасан дастурхонга. Хў-ўш... Аминжон бир иш билан келиб қолди. Буёқларда биринчи марта бўлиши экан. Ҳамзаободни, Сўхни томоша қилдирдим. Риштонни кўрсатдим. Риштонда яхшигина ўтирган эдик, бирдан сен эсимга тушиб қолдинг. Район катталари кўп қаршилиқ қилишди. «Йўқ», деб туриб олдим. «Латифжоннинг ишқи

тушдими — тамом», дедим. Машина тўғрилаб беришди, мана, келдик. Бир томони шамолга ризқимиз тортиб турган экан. Эртага Қўқонни кўрсатамиз. Худоёрхоннинг саройи, адабиёт музейи, Муқимий, Ҳамзанинг музейлари — ҳеч қайсиси қолмайди. Машина «гум»дир?

— Ҳа, «гум».

— Бирга борамиз-а?

Латифжон ҳаяллаб жавоб берди.

— Майли, бораверамиз.

— Маладес-с. Хўроз йигит менинг дўстим! — Хурсандалди Латифжонни «чўлп» эткизиб ўпиб олди. Сўнг ўз пешонасига яна шапалоқ туширди. — Ҳақиқатан ҳам калла йўқ менда. Шишага яқинроқ юрамиз-да, ўша чирмовиқ қуришиб туради хотирани. Ҳали нима деётган эдим? Ҳа, таништириш маросими кетаётган эди. Бу — қадрдон дўстим Латифжон бўлади. Ҳақиқий латиф йигит. Шу колхозга раис, ўн тўққиз йилдан бери раис! Ўзи Меҳнат Қаҳрамони, орден-медалдан бир чойшабча бор. Унинг бувиси менинг ҳам бувим. «Бувижон», дейман уни. Айтмоқчи, бувижоним қандай? Кириб кўрмабман-а, дарров. Э, хомкалла! Аввал ўша кишини зиёрат қилиш керак эди-ку. Юринглар, кўриб чиқайлик.

Хурсандалди ўрнидан турди. Латифжоннинг ранги оқариб кетди. Оташкуракни олиб «туппа-тузук» ёниб турган оловни тузатишга беҳуда уриниб, узоқ жим қолди. Нима қилиш керак? Бу таклифга кўнсинми? Кўнган тақдирда... Йўқ, бўлмайди. Йўқса, ҳақиқий аҳволни айтиб қўя қолсинми? Йўқ, йўқ. Шундай дилбар, шундай яйраб-яшнаб ўтирган йигитларнинг кўнглини вайрон қилмайди. Қаҳқаҳа тўла меҳмонхонани азахонага айлантирмайди...

Латифжоннинг ҳолатини кўриб, Хурсандалди ташвишга тушиб қолди.

— Ҳа, рангинг ўчиб кетди? — деди. — Тинчликми?

— Астаффирилло, — Латифжон печканинг эшигини ёпиб, Хурсандалдига астойдил тикилди. — Кампир Хонободга, Шарифаникига кетган. Борамиз десанг, машина чақираман, борамиз...

— Э, шундай демайсанми. Мен... Ҳа, майли, ундай бўлса, эртага Қўқонга кетатуриб тушиб ўтармиз.

Хурсандалди кампирдан кўнгли тинчиб, яна гапга тушиб кетди.

— Ажойиб буви, — деди Аминжонга қараб. —

Байт ҳам битади. Анча шеъри район газетасида босилган ҳам. Дўппи тикишда унга тенг келадигани йўқ. Бир куни келсам, менга атаб дўппи тикиб қўйибди. Ловиллайди. Қарасам, иккита қалампирнусха гули устида арабча ёзув бор. Нозик пушги ипак билан тикиб ёзибди. Нима дебди денг? «Хурсанд отамга, ширин бўтамга», дебди. Қойил қолдим.

Хурсандали завқ-шавқ билан гапиряпти. Латифжон Аминжон сингари «Ҳм, о-о», деб ўтирибди-ю, ич-ичи қақшаб кетяпти. Юрагининг қаъридан дард сизиб чиқиб, икки марта хуруж қилди. Икки марта томоғида тутиб қолди. Меҳмонларнинг пайқаб қолишидан қўрқиб, печканинг эшигини очди, чиройли ёниб турган оловни зўр бериб пуфлай кетди. Сўнг ўзини ўнглаб олди-да, кескин ҳаракат билан ўрнидан турди.

— Хўш, нима дейсизлар, ош қилдирайми, шавла? — деди.

Хурсандали беш панжаси билан ўзини «сўйди».

— Мана шундай, — деди. — Ҳеч нарса керак эмас. Фақат «Она юраги» керак. Шуни бир айтиб берсанг бас. — Хурсандали меҳмонга боқди. — Арман шоири Исаакяннинг «Она юраги» шеърини эшитганмисиз? Бу шеърни Латифжондан эшитинг-қўйинг. Водийда йўқ бунақа ширин айтадигани.

Латифжоннинг юраги «шув» этиб кетди. У бу шеърни чиндан ҳам жуда ўрнига қўйиб ўқийди. Лекин ҳозир мутлақо ўқий олмайди. Шундай бўлса-да, қўлини кўксига қўйиб:

— Хўп, хўп, бажонидил, — деди зўр бериб илжайиб. — Аммо битта шартим бор. Шарти шуки, олдин чой дамлаб чиқаман. Томоқни «ёғ»лаб турмасам, шеър яхши чиқмайди.

— Майли, майли, — деди Хурсандали ва Аминжонга берилиб гап уқдира кетди. — Ўзи бу болада туғма талант бор. Шода-шода талант бор! Гўё табиат фазилатлар сандигини жаранглатиб очгану: «Ол, Латиф, ол, керагича олавер», деган. Бу ҳам мисқолаб эмас, этак-этаклаб олаверган, очкўз. Жуссани қаранг, жуссани. Минораи Калондай келади. Шу жусса билан ўйинни шунақа эзадик! Мукаррамхон бўлиб кет-э, дейман. Колхозчиларнинг тўйида ўйинни ўзи бошлаб беради. Ҳар доим шундай қилади.

— Жуда маддоҳ бўлиб кетдинг-да, — деди Латифжон. — Бас энди.

Бироқ, Хурсандали бунга эътибор ҳам бермади.

— Ашулани айтинг, ашулани, — деди Аминжонга қараб. — Танбурни йиғлатиб «Сайдинг қўябер, сайёд» ёки «Чўли ироқ»ни олганида Ориф Алимаҳсумов ёқа ушлаб қолади.

Латифжон печкага иккита оғирроқ ўтин ташлади. Сўнгра рухсат текканига бир қоп семириб, ташқарига отилди. Элик-олтмиш метрли масофани элик-олтмиш қадам қилиб, қор уюмларини писанд қилмай, ҳовлини иккита учбурчакка тенг бўлиб кесиб ўтди. Оёғини «тап-туп» ерга урди. Юраги орзиқиб, ҳужра эшигини тез, лекин авайлаб очди. Унинг орқасидан шамол ҳам уриб кирди ва ярақлаб турган чироқни олиб бориб шифтга қадади. Латифжон дарров эшикни ёпди.

Кампир анча сўлиб қолибди. Шафқатсиз ўлим тобора яқинлашмоқда эди. Жаннат хола ўғлини кўриб, бошини сал қимирлатиб қўйди. Латифжон ҳеч нарса деёлмади, беихтиёр бошини қимирлатди ва тек туриб қолди.

Шарифа кампирнинг бошида, онасининг оппоқ сочини панжаларида майин тараяпти... Зулайҳо кампирнинг ёнида, қайнонасининг қоқсуяк қўлини чап қўли кафтига қўйиб олибди, ўнг қўли билан аста-аста силаяпти... Иккови ҳам тебраниб, унсиз фарёд чекапти. Баъзан елкалари «дик-дик» қилиб қолади...

Латифжон онасининг ёнига тиз чўқди. Кампирнинг ўнг кўзидан бир томчи ёш сизиб чиқибди-ю, тўхтаб қолибди. Латифжон шошиб рўмолчасини олди-да, энгашиб ёшни авайлаб артди. Латифжон қаддини ростламоқчи эди, онаси ўнг қўлини аста кўтариб, унинг бўйнига ташлади. Чап қўлини кўтара олмади. Зулайҳо солиб қўйди уни эрининг бўйнига. Кампир юзига ўғлининг юзини узоқ босиб ётди.

«Бувижоним, — кўнглидан ўтказди Латифжон. — Мени кечиринг. Яхши эъзозлай олмадим... Эҳ, онам, ганимат онам-а».

Латифжон «Она юраги» шеъридаги бир бемаъни қизнинг муҳаббатига сазовор бўламан, деб ўз онасининг кўксига ханжар санчган ва юрагини суғуриб олган йигитга лаънатлар ўқиди. Юракнинг йиқилган ўғилга айтган сўзларини дилида такрорлади. «Жоним болам, ёмон йиқилмадингми, соғми ўт-бўтинг?!»

Латифжоннинг кўзларидан ёш қуюлди. Елкалари «дик-дик» сакради. Ниҳоят, кампир қўлларини тушир-



ди. Латифжон бошини кўтариб ўтирди. Она-бола бир-бирига сўзсиз тикилиб қолишди. Кампирнинг юпқа, қуруқ лаблари хиёл қимирлади, лекин оғзидан ҳеч қандай товуш чиқмади. Латифжон оғир кўзғалди. Чойнакка термосдан чой қуйди.

— Ҳозир келаман, — деди хаста товушда. Жаннат хола «майли» дегандай билинар-билимас бош қимирлатди. Латифжон ташқарига чиқиб, қор билан юзини ювди. Артди.

Латифжон кирганда, меҳмонлар грампластинкадан аския эшитиб, шарақлаб кулиб ўтиришарди. Латифжон ора-сира кулгига қўшилиб чой қуйиб ўтирди. Хайрият, аскияга овуниб «Она юраги»ни унутишибди.

Шеърни қайта тилга олишмади. Аския тугагач, Хурсандали ана шу аскиячиларнинг қайсиниси қаерлик эканини, уларнинг кимларни мот қилганликларини гапиришга тушиб кетди. Латифжон меҳмонларга жой қилди. Сўнгра:

— Сизлар бемалол гаплашиб ўтиринглар, — деди меҳмонларга. — Мен ўтин-пўтин тайёрлаб қўяйин. Башарти, дам олиш истаги туғилса, ана жой, марҳамат қилиб ёнбошлайверасизлар.

Меҳмонлар эрталаб уйғониб қарашса, қор тинибди-ю, шамол ҳануз қаҳридан тушмабди.

Улар чойдан сўнг Қўқонга отланишди. Булар чиққанда «Волга» машинаси дарвозахонада турарди. Латифжон шофёрини меҳмонларга таништирди.

— Мана, Одилжон, — деди, — кечгача хизматларингда бўлади.

Хурсандали кўзларини катта очди.

— Ҳа, ўзинг, бормайсанми? — деди ниқтаб.

Латифжон сариқ этиги билан қорни аста текислаган ҳолда бир лаҳза сукут қилди. Сўнг қўлини кўксига қуйди.

— Кечирасизлар, — деди меҳмонларга гуноҳкорона боқиб, — боролмайдиган бўлиб қолдим. Кичкина узрли иш чиқиб қолди.

— Нима экан у «кичкина узрли иш»? — жеркиброқ сўради Хурсандали. Латифжон кўзларини уқалаб, анча жим қолди. Кейин:

— Шу, шу... волидамиз... ҳалигидай бандалик қилди янгитда, — деди секин. — Омонатини топширди.

Хурсандали кўз ва оғзини катта очиб, тахта бўлиб қотиб қолди. Латифжон қалқиб чиққан кўз ёшларини яшириш учун юзини четга бурди.

— Нега? Нега?! — бор овози борича қичқирди Хурсандали ва саволига жавоб ҳам кутмай, ҳайқириб Латифжонга ташланди. Қучоқлаб юз-кўзларидан ўпаверди, ўпаверди... Икки жуфт азамат елка тинимсиз силкинаверди, силкинаверди...

Шамол эса ҳануз дарғазаб: қор уюмларини беармон тўзғитади, дарахт шохларини хивич қилиб олиб, шифер ва тунука томларни аёвсиз савалайди, савалайди...

### «МИРИШКОР» ДЕҲҚОН

Ҳасанали чўрткесар, ўз фикрига содиқ йигит... Бир куни у нима бўлиб, агроном билан айтишиб қолди.

— Агроном деган дипломингиз бору, лекин деҳқончиликнинг «Д» сини ҳам билмайсиз, — деди Ҳасанали бўғилиб. — Мен ўқитувчи бўлсам ҳам...

Агроном унинг гапини шартта кесди.

— Деҳқончиликнинг «Д»сини билмасак ҳам ҳар қолда пиёз уруғи билан бувабанги уруғининг фарқига етармиз, — деди.

Бу гап Ҳасаналининг жон-жонидан ўтиб кетди. Чунки у бурноғи йили бир ҳазилкаш дўстининг айби билан томорқасига пиёз ўрнига бувабанги экиб қўйиб, ҳаммага кулги бўлган эди.

— Мен унинг бувабанги уруғи эканини билиб туриб экканман! — деди Ҳасанали куюниб. — Тажриба учун экканман. Мен, мен... агар томга синиқ обдаста кўмсам, чинни ваза униб чиқади! Ҳм!..

Баҳорда колхоз янги ўзлаштирилаётган бир бўлак захкаш ерни шоли экиш учун хўжаликларга бўлиб берди. Ҳасанали ҳам олди. У пайтдан фойдаланиб, ўзининг миришкор деҳқон эканини бояги агрономга бир кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Йигирма сотих ернинг ҳаммасига шоли эмас, кўпчиликнинг раъйига қарши бодринг эқди.

Бодринг бир текис униб чиқди. Ҳасанали хурсанд... Баъзан ҳосилни хомчўт қилиб кўради; бир сотих ер бир тонна ҳосил тўкса, йигирма сотихи йигирма тонна тўқади. Ҳар кило бодринг ярим сўмдан-ўн минг сўм! Бу — «Москвич» деган сўз. «Москвич» нимаси, нақд «Волга!»

Ҳасанали бодрингзорни айланиб юриб, келажакни хаёлан тасаввур қилиб кўради. Ана, у новвотранг

«Волга»ни кўм-кўк асфальт йўлда физиллатиб кетяпти. Чап тирсагини деразадан сал чиқариб олган, оғзининг бир бурчида ўчиб қолган папирос. Пича юргач, йўлнинг ўнг томонида салқин чойхона кўринади. Ҳасанали машинани толзорга буради-да, қағтиқ тормоз қилади. Машина бир силкиниб тўхтайдди. Ҳасанали эшикни қарс ёпиб, сўри томон равона бўлади. Чойхўрлар унга ҳавас билан боқадди...

Аммо бу «Волга»ни бунёд қилиш учун «бир оз» тер тўкишга тўғри келди. Ҳасанали ёз бўйи шўр ва шира билан ёқалашди. Далага кечалари орқалаб кул, ўғит ва кимёвий дорилар элтди... Похол шляпасини кийиб олиб, бодрингзорни чопиқ қилди, суғорди... Нима қилдики, экиннинг ярмини офатдан сақлаб қолди.

Августнинг охирига келганда, жазирама офтобда ўтказилган икки ойлик отпускаи ва сарфланган отпускаи пули ўз самарасини кўрсатди. Яъни кўпчилик бодринг, гарчи кичик-кичик бўлса ҳам пишди, ярим доира ясаб эгилди. Айримларининг банд томонига қизғиш тўр кирди.

Кейин нима бўлди, беҳабармиз. Бир куни кечки пайт тўрт-беш киши Олтиариқда автобус кутиб турган эдик, сочлари тўзғиган бир йигит бозордан ҳаллослаб чиқиб, биз томонга чопиб келди-да, ўзини ўртага уриб, беркинди. Қарасак, ўзимизнинг Ҳасанали! Ранглари оқариб кетибди. Биз «нима гап?» дейишга улгурмай, орқадан бир чол етиб келди.

— Шу ердан соч қўйган бир йигит ўтдимми? — деб сўради у биздан.

— Йўқ, — дедик, — отахон, тинчликми ўзи?

— Э, бир бола биз қоровулларга иш орттириб, бир гарам бодрингни ташлаб қочди. Қаёққа йўқотамиз энди бу буррак-суррак бодрингни!

Чол шундай деди-да, югурганича ўтиб кетди.

Масала равшан эди. Анчагача жим қолдик. Фақат автобустга чиққанда, Ҳасаналига оғир тушмасин, уёқ-буёқдан гап бошладик. Ҳасанали эса, орқа ўриндиқда мунғайиб ўтирар, афтидан, деҳқончиликдан келган «даромад»ни ҳисобларди.

Ана шунақа бизнинг Ҳасанали, бир сўзли ва ўз фикрига кўл садоқатли йигит, билсангиз.

Айтишларича, Ҳасанали келгуси йилда таррак экмоччи. «Миришкор» деҳқонга янги хўжалик йилида янги муваффақиятлар тилаймиз.

## АБЖИРЛИК ШУНЧАЛИК-ДА!

Биз мана шунақамиз, ошна, уddaбуронмиз. Савдо-сотиқнинг гайкасини қотириб ташлаймиз. Уччига чиққан чайқовчи, мана мен деган устамон олибсотар, пихини ёрган магазинчи бизнинг олдимизда ип эшолмайди. Абжирмиз-да, абжир. Маликаи дилозор бўлса, бозор-ўчарга биринчи сортли сўтаксиз, бамисоли гўдаксиз, деб жиғимга тегади.

Ўғилни уйлантирмоқчимиз. Янгангиз шаҳарга бир ойлик семинарга кетган. Йўқ пайтида ким эканлигимни бир кўрсатиб қўяйин дедим. Тўй ашёларини харид этиб, тахт қилиб қўйдим. Ипидан игнасигача сотиб олдим. Савдонинг пайғамбари ҳам эплотмайди бунақа йирик савдо-сотиқ ишларини. Мана, энди кўрсин янгангиз ёстиқдошининг ким эканлигини! Тўй харажатлари эгарланган отдай бўлиб стартда турибди. Узангига оёқ босилса, бас, улкан тўй, бутун қишлоқнинг оғзи ланг очилиб қоладиган буюк маросим! Ва-ҳа-ҳу, ва-ҳа-ҳу! Гумбура-гумбур, гум-гум! Шуларни ўйлаб турсам, янгангиз келиб қолди.

— Ия, ия? Хоним, тушимми ё ўнгимми? — дедим қўлидан чамадонини олиб. — Қалай, яхши келдингизми?

— Раҳмат, — деди хоним, — тинч-омон юрибсизларми?

— Раҳмат, миннатдорман, — жавоб қилдим мен. — Қани, ўтирайлик. Индинга келишингиз керак эди-ку?

— Ўқишни икки кунга қисқартиришди, — хоним стулдан жой олди.

— Жуда соз. Демак, тўй ҳам икки кун олдинга силжир экан-да. Табриклашингиз мумкин, хоним. Тўй сармояларини таппа-тахт қилиб қўйдим.

Бу сўзларимни эшитиб хонимнинг кўзлари олайиб кетди.

— Вой, ростданми?

— Нега ёлгон бўлар экан?! — эътироз билдирдим бир оз тўрсайиб.

Янгангиз сапчиб ўрнидан туриб кетди ва қўлини пахса қилди.

— Бангидевонанинг уруғини пиёз уруғи нархида сотиб олган сиз-а? Бозордан бўғоз совлиқ деб қўчқорни етаклаб келган банда-я! — ўшқирди у. — Савдонинг алифбесидан ҳам беҳабар аъло навли сўтак-а!

— Бу гал ундай қилинмади, — дедим бир оз торти-  
ниб.

— Қандай қилинди бўлмаса? — жеркиди хоним. —  
Бемаъни моллар эвазига рўзгорни қақшатган бўлманг  
тагин?

Шундан сўнг орада мана бундай «тотли» ва «бежи-  
рим» суҳбат бўлиб ўтди.

— Нега қақшатар эканман, ҳамма ишни одамлар  
билан бамаслаҳат қилдим.

— Қайси одамлар билан, улфатларингиз биландирда?

— Худди шундай. Аввал тўйга нималар зарурлигини  
шулардан сўраб, блокнотга ёзиб олдим. Кейин бирин-  
кетин сотиб олавердим, сотиб олавердим...

— Нечук, бозор деса энсангиз қотарди-ку? Хўш,  
қани, нималар харид қилдингиз?

Блокнотга кўз югуртирдим.

— Мана, икки жўра «Сув париси» деган кўйлак-  
лик. Уч метр ҳисобида. Сотувчи бақувват ва тежам-  
коргина йигитга ўхшайди, ўлчаётганда метрни кама-  
лак, газмолни учбурчак қилиб юборди, азамат. Юз  
олтмиш сўм.

Хоним афтини бужмайтирди.

— Вой, эллик сўмдан юз сўм бўлиши керак эди-ку  
икки жўра «Сув париси», чайқовдан олдингизми?

— Нега чайқовдан олар эканман?! Боплаб магазин-  
нинг нақд ўзидан олдим. Лекин пича чиқим бўлди.

— Қанақа чиқим?

— Шошилманг, — хотиржам сўз қотдим мен. —  
Ҳозир тушунтириб бераман. Магазинчининг қулоғига  
аста шивирладим. «Сув париси» топиладими, Ҳожи?»  
дедим. «Топилади сизга, акажон, — деди. — Бироқ  
кичкина «илова»си бор. РайОнинг сарёғ плани тўл-  
маё тибди. Беш кило сарёғ топиб келинг», деди. Қиди-  
ра-қидира килосини етти сўмдан..

— Вой, ўлмасам! Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Кейин, бахмал, крепдешен...

— Уларга ҳам сарёғ топширдингизми?

— Йўқ, сарёғ эмас, жун, тери дегандай...

— Ё тавба! Кейин-чи?

— Ўн кило линтер пахта, уч кило қийқим олдим.

— Қийқим?!

— Ҳа, қийқим, линтерга қўшиб берди. Магазинчи  
айтдики, қийқим кўрпача ёки ёстиққа увада ўрнида  
жуда кетворар экан.

— Вой, кетвормай ўлсин! Гиламчага пўстак,

«ёнар»га қанор, якандозга бўйра қўшиб олмабсиз-да! Уф-ф!.. Биз томоннинг уйинг куймагур аллофларига қолса, сигаретга шалоғи чиққан чилим, тугмачага ташландиқ тегирмон тоши, игнага занглаган лом, қайчига беда қирқадиган жоди, ойбалдоққа ўлган отнинг тақаси, камзулга эшакнинг тўқимини жуфтлаб сотишдан ҳам қайтмайди. Андиша улар учун буткул бегона.

— Магазинчи: «Ҳаммага ҳам қийқим қўшиб сотиляпти, таомил шу», — деди. Таомил шу бўлгандан кейин бузиб бўладими уни! Инсоф ҳам зарур-да!

— «Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим». Сиздай лақма, ландавур харидорни топиб олгандан кейин билганини қилади-да! Ўтмаган исқирт молларни ўтказди-да! Кейин?

— Ўн метр қизил лента олдим. «Илова»сиз.

— Ҳайрият, лентага чирик арқон қўшиб сотмабди.

— Ўнта лаган, йигирмата чинни коса, ўн иккита чинин чойнак, ўттизта пиёла...

— Буларни бозорнинг «учар»ларидан икки-уч ба-раварига олгандирсиз ҳар қалай?

— Шунга ўхшашроқ. Сўраганини бердим. Зиқна-лик яхши эмас.

— Ҳамёнингиз тешик-да, юрган йўлингизда тўки-либ юради пул.

— Саховат ҳам зарур-да инсонга. Айтмоқчи, «учар»лар қаердан олишар экан тансиқ нарсаларни, масалан, чинни буюмни? Магазинда сотилмаса?

— Гўлсиз-да, гўл! Қаердан олишарди, қовун-тар-вузнинг биқинига экишади чойнак-пиёланинг уруғи-ни. Косани ошқовоқ пўчоғининг палласидан ясашади. Лагани кунгабоқаринг товоғидан қилишади.

— Йўт-е, йўт-е!

— Бўлмаса, қаердан олишади? Аниғи, магазиннинг орқа эшигидан юлқишади-да.

— Ихм. Шунақа денг. Ўша орқа эшикни кўриш сира насиб бўлмадида бизга?

— Латта, сўлтамат одамларга кўрсатишармиди орқа эшикни. Кейин?

— Лампochкани магазиндан ўз нархида олдим. Йи-гирмата.

— Яхши, лампочкага ўнта жинчироқ қўшиб бе-ришмабди.

— Йўқ, ундай қилишмади барака топкурлар. Қо-шиқ билан вилкани ҳам соф ҳолатда сотишди.

— Қошиққа чўмич, вилкага паншаха қўшиб сотганда бўлармиди? Кейин?

— Бир бош қўй, икки пуд гуруч. Ўзганнинг гуручидан. Ярим қоп оқшоқ олдим.

— Вой, бошимизга урамизми оқшоқни! «Маърака арафасида турган одаммиз, керак эмас», демадингизми?!

— Дедим. Лекин сотувчи «гўшт суяксиз бўлмайди», деди. Уйлаб қарасам, мантиқан тўппа-тўғри.

— Мантиқан дейди-я! Кейин?

— Беш кило «Ласточка» деган конфет. Икки кило ҳалигидай...

— Қурт тушган конфет?

— Ҳа, ҳа, топдингиз. Қурт конфетни сал-пал тешган. Сотувчи синдириб, саралаб еса бўлади, деди. Оқсоқол одам экан сотувчи, ёлғон гапирмагандир-э! Қолаверса, сотувчи илтимос қилди, йўқ дегани кўнглим бўлмади.

— Ўзингизга едираман, сортовой сўтак! Кейин?!

— Ўттиз кило сабзи, ўн кило лавлаги. Лавлаги сал сасиганроқ, яйратиб қўйиш керакмиди?

— Лавлагини нима қиламиз? А? Боз устига, сасиган лавлаги, олмайман, демадингизми?

— Дедим. Лекин сотувчи унамади. «Лавлаги олмасангиз, сабзи бермайман», деди. Кейин ноилож...

— Вой, ўлмасам. Қоғозга тикилиб лекция ўқишдан бошқасига ярамайсиз! Келардим-ку! Шаҳарда гумдон бўлиб кетмасдим-ку! Энди шунақа қилинг. Шакарга заҳар қўшиб сотса ҳам олаверинг. Печканинг трубасига куйган уйнинг мўрисини қўшиб сотса ҳам олаверинг. Қатиққа ардоб, қаймоққа зардоб қўшиб сотса ҳам олаверинг. Кучукка мушукнинг ўлигини қўшиб сотса ҳам ҳеч иккиланманг! Ўлардай кўрсавдосиз. Сизга магазинчи чолнинг қўлига уч сўм тутқазиб: «Анови «Чашма»дан битта узатиб юборинг, тангрисифат, жаннатмакон отам» дейиш бўлса!..

— Ҳа, энди...

— Адойи тамом қилибсиз! Бор мулкимизни шамолга совурибсиз. Айтмоқчи, буларнинг ҳаммасига пулни қаердан олдингиз? Омонат кассадаги жамғармамиз етмагандир? Қарз кўтардингизми?

— Йўқ, қарз кўтаришга андак ор қилдик.

— Хўш?

— Ҳалиги... Сигирнинг адресини, яъни яшаш

жойини пича ўзгартиришга тўғри келди. Сигирнинг эгасини янгиладик.

— Сотдингизми?

— Шунга ўхшашроқ...

Хоним икки сонига «тарс» этказиб бир жуфт шапалоқ туширди.

— Вой, шўрим, ҳой, одамлар! Нега шу уқувсиз лалкаловга, классик сўтакка ақлнинг уруғидан зиғирдеккина қўшиб сотмайсизлар? Келардим-ку! Ундан-бундан пул топардим-ку! Кечагина туққан говмишимни... Ноқобил эрнинг дастидан дод! Оғилим тагин файзидан жудо бўлди. Вой, менинг сигирим! Зотдор сигиргинам! Ландавур эрнинг дастидан дод!..

Индамадим. Хоним оғзи тўла фарёд билан оғилга шўнғиди. Парво қилманг. Янгангиз ўзи бир оз куюнчакроқ. Сал нарсага вайсайверади. Сира ҳам ландавур эмасман. Савдо-сотикқа бу атрофда мендан эпчил ва чайири йўқ! Масалан, башарти икки ярим сўлкавой чўнтагимга оғирлик қилса, сутканинг маълум қисмида винонинг исталган хилидан сотиб олишга қодирман, ҳа, қо-дир-ман! Абжирлик шунчалик-да!..

## ШТАТСИЗ ШТАЛАРИМ

Институтнинг дипломини кўтариб, район халқ маорифи бўлимига борган эдим, еттинчи мактабга ишга тайин қилишди. Еттинчи мактабга тушларда етиб бордим. Суриштириб юриб, директорнинг кабинетини топдим. Эшигини аста чертдим. Ичкаридан: «Марҳамат», деган майин овоз эшитилди. Секин эшикни очдим. Ёши эликдан ошган, новча, қотма, қорача бир одам сакраб ўрнидан турди. Жилмайиб, қўлини кўксига қўйган ҳолда мен томон жадал юрди.

— Э келсинлар, келсинлар! Қадамларига ҳасанот!— деди қўлимни меҳрибонлик билан қисиб. — Сиз тўғрингизда ҳозиргина телефонда гаплашиб туриб эдим райОНО билан. Оббо сиз-эй!..

Эски қадрдонлардай ҳол-аҳвол сўрашдик. Сўнг диванда ўтириб узоқ суҳбатлашдик. Директоримнинг исми шарифлари Ҳалимжон Салимжонов экан. Ҳалимжон домла гап орасида ота-онам, ака-укам борми эканини, уларнинг яшаш шароитини суриштирдилар.

— Ҳаммасидан бор, — дедим мамнун, — фаровон яшашади.



— Офарин, офарин! — Ҳалимжон домла қувониб кетдилар.

Сўнг силлиқ таралган оппоқ сочларини кафти билан майин силаб қўйдилар. Кейин менга бир ставка дарс, синф раҳбарлиги ва тураржой тайин этдилар. Қўлим куксимда, севинчдан энтикиб, тескари юрган ҳолда ташқарига чиқдим. Ҳалимжон домла ярим соатлардан кейин квартирамни кўрсатажагини айтиб, тавозе билан кузатиб қолдилар.

— Мана буни ҳақиқий одам деса бўлади!

Бу фикр кечгача дилимни қитиқлаб юрди. Қувончдан маст бўлиб, ишга шўнғиб кетдим. Ҳафталар, ойлар ўтган сайин Ҳалимжон домлага бўлган ихлосим орта борди. Дилбар одам экан Ҳалимжон домла! Дилкашлигини айтинг! Оҳ, оҳ, оҳ! Суҳбатларида бир бор бўлган одам яна қўмсаб, уч кунгача тамшаниб юради. «Сен» сўзи у киши учун етти ёт бегона. Ҳатто, итни «кет», товукни «кишт», демайдилар. «Кетингиз», «киштингиз», дейдилар. Ҳалимжон домланинг суҳбатларида хумор бўлиб юрган эдим, бахтни қарангки, тўсатдан кабинетларига таклиф қилиб қолдилар. Елдай учиб кирдим.

— Кичкина маслаҳатча бор эди, — дедилар мени диванга ўтқизиб. — Хушхат экансиз, ўртоқлар билан кенгашиб, сизни педагогика кенгашига котибликка тавсия қилмоқчимиз, нима дейсиз? Кенгаш қарорларини ёзиб юрарсиз.

Шундай улур одамнинг гапини икки қилиб бўлади-ми?! Қўлимни кўксимга қўйиб, қуллуқ қилдим.

«Кичкина маслаҳатча»ларда кейин ҳам қатнашиб турдим. Қуллуқ қила-қила тўтарак раҳбарлиги, агитаторлик, пропагандалик, «Педагог» деворий газетасининг редакторлиги, ота-оналар комитетининг котиблиги сингари бир тизим мансабнинг эгаси бўлдим.

Математиклар айтмоқчи, «Лавозимлар тўплами»ни бир маромда тутиб туриш андак мушкул экан. Хонадан хонага, мактабдан колхоз идорасига, дала шийпонига, у ердан мактабга югураман. Ишдан ишга кўчман, иш тубининг думини сира тутолмайман. Буни Ҳалимжон домла сезиб юрган экан чоғи, галдаги «кичкина маслаҳатча»да ёрилдилар.

— Янгисиз, тажрибангиз кам, — дедилар. — Шунинг учун бир оз қийналяпсиз. Шу боисдан дарсингиздан пичагина қисқартирсак, нима дейсиз?

«Кичкина маслаҳатча»нинг «қарор»и билан олти

соат дарсим Ҳалимжон домланинг қайноғасига «тўёна» бўлди. Баҳорга чиқиб тўй қилмоқчи экан. Ўн икки соат дарсим қолди.

— Ҳой, ишининг туби! — дейман муштумимни тугиб. — Қани энди думингни тутқизмай кўр-чи! Нақд юлиб ташлайман!

Бироқ «дум юлиш»га пича шошилган эканман. Ҳалимжон домла тагин кабинетларига таклиф қилиб қолдилар. Эшикни зич ёлиб, илтифот ила мени диванга ўтказдилар. Ҳалигина учрашган бўлсак-да, такрор ҳол-аҳвол сўрашдилар. Сўнг елкамга енгил шапатилаб кулдилар.

— Зап менбоп йигит экансиз-да, Турсуналижон, — дедилар эркалаб. — Тагли-зотли одамларнинг фарзандисиз-да. Баракалла, баракалла!.. Турсуналижон, шу бизда нима кўп — мажлис кўп. Ақлли йигитсиз, тушунасиз... Шу... мен мажлисга кетганимда йўқлигимни билдирмай, уёқ-бу ёққа кўз-қулоқ бўлиб турсангиз. Қоровуллар бор, фаррошлар бор. Дурустми?

Штатсиз директорликни қабул қилиб, аста ўрнимдан тураётган эдим, домла:

— Ҳа, яна бир гап, Абдутурсуналижон! — деб қолдилар. — Бахтимга сиз ҳам тилчи экансиз. Бўш пайтларингизда дарсчаларимни эплаштириб турсангиз. Эринмасангиз, ўқувчиларнинг дафтарларини тўплаб, ёзма ишларини текшириб ҳам юрарсиз. Ҳозир районга мажлисга кетяпмиз. Икки соатгина дарсчам бор эди...

Ҳалимжон домланинг дарсини ўтиб, ўқувчиларнинг дафтарчаларини текшириб ўтирсам, домла йиғилишдан келиб қолдилар. Оғзининг икки бурчагидан кулги сизиб, мени кабинетларига таклиф қилдилар.

— Оббо, Абдутурсуналижон-эй! — дедилар. — Офарин, офарин! Бахтли экансиз! Катталарнинг эътиборини қозониш осон гап эмас. Шу шарафга сиз сазовор бўлдингиз. Табриклайман. Райпедкабинетнинг штатсиз методистлигига муносиб топишибди сизни.

«Вой, худо! — дейман ичимда. — Энди буниси ҳам бормиди?!»

Оғир дарднинг муолажасини кутгандай, юрагим ҳовлиқиб ўрнимдан туриб кетдим. Бу ҳаракатимни домла «файрат тўлқини»га йўйдилар.

— Ана! Ана! — хитоб қилдилар жилмайиб. — Файратингиз тўлқини ҳалитдан... Ўтиринг, жигарим, ўтиринг. Дарсдан кейин дарров районга боринг. Пед-

кабинетдан гувоҳномангизни ёздириб келинг. Кейин мактабма-мактаб сайр қилиб юраверасиз.

«Буёғига бел чидармикан?» — демоқчи бўлдимундамадими. Ахир, шундай одамларнинг гапини ерда қўйиб бўладими?! Бошим айланиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Эшикни аранг топиб кабинетдан чиқдим. Бошқа бир куни танаффус чоғда кимдир елкамга аста қоқди.

Қайрилиб қарасам, Ҳалимжон домла эканлар.

— Агар бемалол бўлса, ҳалироқ кабинетга ров кириб чиқа оласизми? — дедилар ёқимли кулимсираб. — Кичкина маслаҳатча бор эди.

«Нафасингни қаттиқ ол, Турсун! — дедим ичимда... — Бошингга тагин бир сўйил тушади».

Тушди сўйил! «Кичкина маслаҳатча»да олти соат дарсимни топшириб чиқдим. Бўронов домла пенсияга чиқаркан, пенсиянинг чоғроқ тайин этилиши учун маоши сербарроқ бўлиши лозим эмиш.

— Баракалла, азизим! — дедилар Ҳалимжон домла мени йўлаккача кузатиб. — Пенсияга узатиб, шу чаласаводдан ҳам қутулайлик. Ҳанузгача «нинг» билан «ни»нинг фарқига бормаиди. Ҳа, қутулайлик шундан. Ишларингиз кўп, анча енгиллайсиз.

Ҳалимжон дамла айтганларидек, анча енгилладим — олти соат дарсим қолди. Аммо буни ҳам кўп кўрди тақдир. Ўтган шанба Ҳалимжон домланинг жиянлари келди армия хизматидан бўшаб. Оти Ботирали экан. Тантана билан кутиб олдик. Орадан бир ҳафта ўтгач, Ҳалимжон домла мени кабинетларига «маслаҳатча»га таклиф қилдилар. Удабурролигим, камтарлигим, савиямнинг «осмон қадар юксак»лиги тўғрисида ширин-шакар сўзларни қатор териб ташладилар. Сўнгра:

— Укангиз Ботирали қалай? — сўрадилар жиламайиб. — Зўр-а?

Бош силкиб тасдиқладим.

— Ҳалиги... Дарсдан бор-а?

Яна бош силкидим.

— Шу боланинг стажига кириб қолсин. Ҳалигидай... Дарсингизнинг қолганини... Уч-тўрт ойга, холос. Бой-бадавлат хонадоннинг фарзандига ҳеч гап эмас. Уч-тўрт ой дўппини айлантиргунча ўтиб кетади. Мабодо бекорчиликдан зериксангиз, бизнинг дарсчаларни эрмак қилиб тураверарсиз.

Штатсиз ўқитувчиликни қабул қилиб, кабинетдан шалвираганимча чиқаётган эдим, домла тўхтатдилар.

— Айтмоқчи, суюнчи беринг! — шод қийқирдилар кафтларини кафтларига ишқаб. — Сизни маориф бўлимининг штатсиз инспекторлигига муносиб кўришибди! Сизнинг номингиздан ваъда бериб юбордим. Штатсиз инспекторликни штатсиз методистликка жуфтлаб... Қотираверасиз ҳаммасини!

Дармоним куриб, диванга ўтириб қолдим. Ана холос! Буёғи каммиди! Шу ёғининг ўзи ҳам касал-вандроқ одамни штатсиз банд қилиб ташлайди-ку! Эҳ, менинг штатсиз штатларим-эй, мунча кўпсиз! Бу кетишда бора-бора штатсиз райОНО мудирлиги ҳам тегар менга. Штатсиз облОНО мудир, штатсиз маориф министри ҳам бўларман ҳали! Ана унда мансаблар тўфониде паққос фарқ бўлиб кетаман-ку! Вой-дод!..

Ўз овозимдан чўчим уйғонсам, хайриятки, штатсиз директорликка ўтганим ва кейинги воқеалар тушим экан. Дарров кўкрагимга туфладим. Ҳансираб, аччиқ-аччиқ туфладим.

### ФЕЛЬЕТОНЧИ БЎЛМАЙ КЕТАЙ

Барча оила аъзоларимиз жам бўлиб, уйда чақчақлашиб ўтирардик. Ёнгинамда турган телефон жиринглаб қолди. Трубкани олдим. Редакторимизнинг ўринбосари Каримжон ака экан. Каримжон ака ҳол-аҳвол сўрагач, муддаога ўтди.

— Анови чойнакфурушнинг қўлга олинганини эшитгандирсиз?

— Ҳа, эшитдим, — дедим.

— Эшитган бўлсангиз, нима қилиб ўтирибсиз?! Дарров фельетон қилиб юбормайсизми?!

Каримжон ака пок қалбли одам. Лекин шунақа сал кўрслиги, ҳовлиқмалиги бор — бунга ҳаммамиз кўникиб қолганмиз. Шундай бўлса-да, пича оғриндим.

— Каримжон ака, — дедим босиқ товушда, — биласиз, отпусқадаман. Қолаверса, фишт қолипдан кўчган. Кул кечиб, кўмир кечиб, ўчган ёнғиннинг устидан сув сепиб юрсак масхара бўлмасмиканмиз? Яна қолаверса, мен янги кўриқ очиб ўрганганман...

— Катталарнинг топшириғи бу! Фельетон қилиб чиқаринглар, бошқа қилвирларга ўрناق бўлсин, дейишяпти.

— Шундай қилиш зарур бўлса, редакцияда мендан бошқа ишлаётганлар ҳам бор-ку?!

Каримжон ака юраги торлик қилди.

— Оббо, Маҳмуджон-эй! Биласиз-ку, улар фельетончи эмас, кифтни келтириб ёзолмайди!

— Фельетон бўлмаса, танқидий мақола бўлар...

Каримжон ака аччиғини ютолмади, тўнғиллаб берди.

— Бунақа латта чайнайдиган одатингиз йўқ эди-ку! Катталарнинг гапини қандай қилиб ерда қўямиз!

Индамасиз. Жимликни Каримжон ака бузди.

— Шундай қилинг, редакцияга тез етиб келинг, акаси! — Бу гал Каримжон аканинг овози ялинганнамо эшитилди. — Фактлар етарли. Шунинг фельетон қилиб бериб келинг, отпускангизнинг этагини чўзиб берамиз.

Ноилож «хўп» дедим ва трубкани жойига қўйдим. Авзойимни кўриб, ҳамма менга тикилди.

— Тинчликми? — шошиб сўради келинингиз.

Икки оғиз гап билан воқеани тушунтирдим.

— Ҳм, шунақами? — Келинингиз авжига минди. — Ёз деса, дарров ёзинг! Бир бошлаб шармандасини чиқаринг, юлғич ўлгурнинг! Халойиқ раҳмат десин сизга! Зора тунука чойнак тутишдан қутулсак!

Бувим ёнбошлаб ётган эди, сергаклиб ўрнидан турди. Ўнг қулоғи оғир эди, чап қулоғи орқасига қўлини қўйиб менга тутди.

— Нима гап?

Жавоб бермадим. Келинингиз бақриб, имлаб тушунтира кетди. Бувим бошини ликиллади.

— Жуда аломат бўлади. Кўпчиликка фойда. Чойингни катта-катта ичгин-да, дарров ёзиб бер! Савоб ҳам керак одамга.

— Тавба! — дейман ичимда. — Фельетон ёзиш шафтолининг пўстини арчишдай гапмикан буларга! Ҳужжатлари, ашёвий далиллар нақд бўлганда ҳам уларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиш, масаланинг моҳиятини таҳлил этиш, газетхоннинг зеҳнини қитиқлайдиган услуб топиш!.. Эҳ-ҳа!

Истар-истамас йўлга отландим. Мотоциклини юргизишга чоғлаб турган эдим, келинингиз буйруқнамо савол ташлади.

— Эртага ўқиймизми?!

— Ҳа, — дедим энсам қотиб. — Ҳали пешин сари ўқийсиз!

Каримжон ака бетоқат кутиб турган экан, редакцияга кирганим ҳамон бир папка ҳужжатни қўлимга тутқазди.

— Иложи бўлса, шу сонга тайёрланг. Кулгили бўлсин. Қийқиртирворинг, газетхонлар мириқиб кулсин. Бу томони обуна маҳали...

Талабни қаранг, талабни! Бир фирром қаердандир улгуржи чойнак-пиёла олган. Уни икки-уч баравар қимматига пуллаётганда қўлга тушган. Уйдан бошқа камёб буюмлар ҳам топилган. Унинг устидан олдин ёзилган ва матлубот жамиятида қарахт ётган шикоятлар ҳам ҳаракатга келган. Бор гап шу! Шу воқеадан қандай қилиб кулгили фельетон тўқиб бўлади!

— Ҳа, ўйланманг, киринг кабинетингизга, — Каримжон ака енгимдан олди. — Фурсат ўтмасин.

— Ахир, қийқиртириш учун ўзим қийқиришим, яъни фактларни тўлиқ ўрганиб, нафрат билан ўқланишим керакми, йўқми?

— Тўғри, керак. Буёғи ўзингизга боғлиқ: ёзилиши ҳам, масъулияти ҳам. — Каримжон ака сал паст тушди. — Аммо ширали, ўқишли чиқсин. Қаҳрамонингизнинг исми шарифи ҳам жуда олиб қочадиган: Ётовқўзи Бўриев! Фельетоннинг қофиясига поршендай жипс тушади.

Каримжон аканинг бўлажак қаҳрамоним исм-фамилиясини мақтаб савдога солганига ичимда кулиб, кабинетимга кирдим. Кечгача папкадаги қоғозлар билан эринмай танишдим. Икки кун ички ишлар бўлимида, райПОда ва Ётовқўзининг маҳалласида ивирсиб юрдим. Бу муддат давомида уйимга уч марта «делегация» келди. Ётовқўзининг яқинлари бўлса керак, бир бор икки киши, иккинчи марта уч йигит «ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ» қолишини қаттиқ илтимос қилишди. Бу иш менинг ихтиёримдан буткул ташқарида эканини тушунтиргунча қолдан кетай дедим. Бувим билан келинингиз илтимосчилардан хабар топиб, ваҳимага тушиб қолишди.

— Нима қиласан бировнинг дилини оғритиб! Дил озори — худо безори, деганлар!..

— Шу фельетонсиз кунингиз ўтмай қоладими?! Нима қиласиз душман орттириб! Ахир, биттаси бўлмаса биттаси!.. Ёзманг!

Учинчи кун ирталаб келинингиз уйғотди.

— Туринг, бир кампир чақиряпти.

— Қанақа кампир? — сўрадим кўзимни зўрға очиб.

— Анови фельетонингиз масаласида келган шекилли.

— Оббо! Боши оғрияпти, деб юбор!

Келинингиз орқасига энди бурилган эди, эшик қия очилиб, ёши етмишларга борган кампирнинг боши кўринди.— Шу ердами Пелтўн болам? Тур, болам, тур! Турмасанг, гапимни айтаману кетаман. Абдурасулни машинасида келганман, кўчада кутиб турипти, иши шошилинч экан.

Кампир деворга суяниб ўтирди ва юзига фотиҳа тортди.

— Гап бундай, Пелтўн болам. Ётовқўзи кўшним бўлади. Ҳозир қамокда. Хотини йиғлайвериб шишиб кетди. Раҳми-ю зоринг келади! Бунинг устига сен пелтўн ёзиб овоза қилиб ўтирсанг, Ётовқўзи нима деган одам бўлади?!

— Бошлиқлар шунақа дейишяпти-да! Ёзилиши шарт экан!

Кампир бошини анчагина чайқаб жим қолди.

— Ҳа, — деди сўнг. — Ундай бўлса, мени пелтўн қила қол. Ётовқўзи кўча-кўйда юрган бообрў йигит. Мен уйда ёлғиз ўтираман. Ҳеч ким кўрмайди ҳам, билмайди ҳам.

Эр-хотин бу содда, беғубор кампирнинг самимий гапига кулиб юбордик.

— Ахир, қўйнинг ҳам, эчкининг ҳам ўз оёғидан осмайдиларми? — дедим. — Ташқарида чой ичиб туринглар, ҳозир чиқаман.

Дастурхон устида «пелтўн» масаласини узоқ тунтирдим. Кампир хомуш ўрнидан кўзғалди.

— «Пели тўнг болам» дедими ҳалиги хотин? — бувим соғ қулоғини келинининг оғзига тўғрилади. Келини маъқуллади.

— Ана! — бувим менга боқди. — Сенга нима зарур шунақа маломатли ном орттириб?! Тинчгина юравермайсанми?! Бемаҳалга қолсанг, кечалари кўз юммайман!

Бувимга келини қўшилди. «Аёллар сўзи — ақлнинг кўзи»ни «мириқиб» тингладим. Бироқ суҳбатдан «маънавий озуқа» ололмадим. Аниқроғи, олмадим. Чунки фельетоннинг ёзилмай қолиши сира-сира мумкин эмасди! Ўқланган милтиқдай бўлиб редакцияга жўнадим.

Масала равшан, лекин чиройлироқ йўл топиш лозим эди. Қўлни орқага қилиб олиб, тушгача кабинет

полини қадамлаб юз хил бўлак ва доирага бўлдим. Гугуртнинг ўнтача донасини тишлаб, тиш кавлаб юриб ишдан чиқардим. Ниҳоят, топдим! Бироқ уч-тўрт қоғоз ёзганда топган йўлим кўзимга ғариб кўринди. Уч-тўрт қоғозни гижимлаб саватга ташладим. Яна юриш, яна ўй! Хайрият, бу гал тезроқ топдим! Суюнганимдан ўша ондаёқ ишга шўнғиб кетдим. Ўтираман, беихтиёр ўрнимдан туриб кетаман. Яна ўтираман... Эртасига тушга яқин битди фельетон! Каримжон ака уни завқ қилиб ўқиди.

— Эртага вёрстка, индинги сонда чиқади, — деди Каримжон ака юзида табассум яшнаб. — Бутун район кулади!

Аллақандай оғир юқдан халос бўлгандай, уйга енгил кириб келдим.

— Бутун район кулади! — ўйлайман шод. — Қаллобнинг қилмишидан ҳамма ғазабланади!

Бироқ новора чўпни эртароқ кўтарган эканман! Индинги сон, ундан кейинги сон чиқди ҳамки, фельетондан дарак йўқ! Юрагим қисилиб, телефонга ёпишдим.

— Энди, ука, хафа бўлмайсиз, — жавоб қилди Каримжон ака. — Фельетон қоладиган бўлди. Қариндош-уруғлари раҳбарларга кўз ёши қилишибди. Бунинг устига, ҳал бўлган масала экан...

Каримжон ака яна нималар деди — билмайману трубка қўлимдан тушиб кетди.

Ҳали чойхона ёнидан ўтаётиб, қувноқ бир даврага кўзим тушиб қолди. Тунов кунги ҳовлимга келган илтимосчилар сўрида керилишиб ўтиришар, улардан бири қўлини менга бигиз қилиб ниманидир уқдирар, унинг гапи қизиқ бўлса керак, барча хандон ташлаб куларди!.. Алам ва хижолатдан довдираб, уйга қанданй етиб келганимни сезмай қолибман. Хайрият, эртароқ келганим, уни қарангки, редакторимиз менга телефон қилаётган экан.

— Хой, Маҳмуджон! — дер эди у менга. — Бекорчиликдан зерикмадингизми? Газетамиз маддоҳ бўлиб кетяпти. Ишонган фельетончимиз — сиз! Яхши бир фельетон жўнатинг, шу сонга берамиз. Ҳа, зудлик билан юборинг!..

Гаранг бўлиб қолдим. «Ҳа» дедимми, «йўқ» дедимми, билмайман. Трубкини кўрқа-писа аста жойига қўйдим. Оёқ учида майин қадам босиб, секин ташқарига йўналдим.



— Войдод! — дегим келарди. — Фельетончи бўлиб шу кунларга тушдимми ҳали! Ҳе, фельетончи бўлмай кетай!..

## БОШ АЙБДОР ТОПИЛМАДИ

РайОНО мудирини олтинчи ўрта мактаб директори Азизовни кабинетига чақириб, бундай деди:

— Маълумингиз бўлсинки, институтларнинг биринчи курсларида областдаги барча ўрта мактаблардан вакил бор экан. Сизнинг мактабингиздан бўлса пашша ҳам йўқ эмиш — облОНО кенгашида роса гап эшитдик.

Ҳаттоки, кумуш медалли ўқувчингиз ҳам имтиҳондан ўтолмай, шалвираб қайтиб келибди! Бунинг бош айбдори—сизсиз. Чунки таълим сифати учун етарли ғамхўрлик қилмагансиз!.. Худди шундай деб ёзаман облОНОга юбориладиган тушунтириш хатида.

Азизов жаҳди чиқса ҳам ўзини босди.

— Ие, — деди кулиб. — Нега энди бош айбдор фақат мен бўларканман? Ахир...

Мудир кўзини Азизовдан олиб, кулдонга тикди.

— Тўғри, — деди сўнг, — айб бизда ҳам бор, буни инкор этмаймиз. Бошқа ишлар билан бўлиб, мактабингизга вақтида боролмадик, тегишли ёрдам беролмадик... Бироқ нима бўлганда ҳам ҳалиги қусурнинг бош айбдори мактаб директори сифатида — сизсиз!

Азизов кўтарилди.

— Ахир, пахта хирмонини ҳам бригадирнинг ёлғиз ўзи яратмайди-ку? — деди.

— Биламан, биламан, — деди мудир паст тушиб, — сиз ҳам биргина таълим ишига қараб ўтирганингиз йўқ. Бир ёқда хўжалик ишлари, бир ёқда йиғилишлар... Лекин сиз айтган ўша пахта хирмони пуч бўлиб чиқса, бунга кимдир бош айбдор бўлиши керакми, йўқми? Борди-ю, ўзингизни бош айбдан соқит ҳисоблайдиган бўлсангиз, бош айбдорни топиб, айбига иқроқ қилинг ва шу ҳақда менга тушунтириш хати ёзиб беринг.

Азизов мактабга келибоқ, илмий бўлим мудирини нишонга олди.

— Бу йил институтларга кирганлар орасида областдаги ҳамма ўрта мактабларнинг собиқ талаблари-

дан бор эмиш, — деди. — Биздан эса мутлақо йўқ. Ҳаттоки, кумуш медалли битирувчимиз ҳам шалвираб қайтиб келди. Бунинг бош айбдори — сизсиз! Чунки сиз таълим сифати устидан етарли назорат қилмагансиз, ҳавойи баҳоларга ишонгансиз.

— Нега бунинг бош айбдори мен бўларканман?! — директорнинг гапини шартта кесди мудир. — Ахир...

— Тўғри, тушунаман. Бу борада менда ҳам айб бор, — деди директор бир оз паст тушиб. — Фаолиятингиз устидан лозим қадар назорат қилолмадим, зарур ёрдам беролмадим. Буни бўйнимга оламан. Аммо бу айбнинг бутун масъулияти сизнинг гарданингизга тушади. Чунки ўқувчилар билимига сиз жавоб берасиз.

Мудир қизипди.

— Ўнинчи синф билан бошдан-оёқ фақат мен шуғулланганим йўқ-ку?! — деди. — Ахир...

— Тўғри, гапингизда жон бор. Лекин шу кўнгилсиз воқеанинг содир бўлишига кимдир бош айбдор бўлиши керакми, йўқми?.. Менга ана шу айбдорни топиб ёзиб беринг, бўлмаса...

Илмий бўлим мудир бултурги ўнинчи синф раҳбарини қийин-қистокқа солди.

— Шунақа, — деди узоқ гапига яқун ясаб. — Ҳатто кумуш медалли битирувчимиз ҳам институтга киролмай, шалвираб қайтиб келди. Бунинг бош айбдори — синф раҳбари сифатида — сизсиз.

Синф раҳбари ҳам бўш келмади.

— Нега бунинг бош айбдори мен бўлар эканман? — деди. — Ахир...

— Тўғри. Гапингизга тушундим, — деди мудир сал паст тушиб. — Ишингиз устидан етарли назорат қилолмадим. Сизга зарур ёрдам беролмадим. Лекин шунга қарамай, бунинг бош айбдори — сизсиз!

— Ахир, бу синф билан фақат мен шуғулланганим йўқ-ку?! — эътироз билдирди синф раҳбари.

— Ҳм, бу жиҳати ҳам бор, — деди мудир бўшашиб. — Лекин айб содир бўлгани ҳақиқатми, ҳақиқат. Демак, шу айбнинг бош айбдори бўлиши керакми, керак! Менга худди ана шу айбдорни топиб, айбини бўйнига қўйиб, шу ҳақда тушунтириш хати ёзиб беринг.

Синф раҳбари фан ўқитувчиларига ёпишди.

— Шунақа, — деди узоқ гина-кудуратдан сўнг. — Ҳаттоки, кумуш медалли битирувчимиз ҳам шалвираб қайтиб келди. Бунинг бош айбдори ҳеч шубҳасиз — сизлар!

— Нега бунинг бош айбдори биз бўлар эканмиз? — чуғурлашди фан ўқитувчилари бараварига. — Ахир...

— Бўлди-бўлди, нима демоқчи бўлганларингга тушундим, — деди раҳбар ён бериб. — Тўғри, бошқа ишларга алаҳсиб, сизлар билан яқин алоқада бўлолмадим. Зарур ёрдам беролмадим. Лекин фан ўқитувчилари сифатида бош айбдор — сизлар! Болаларга чуқур билим бермагансизлар...

— Ахир, бу синф ўқувчиларини биринчи синфдан бери биз ўқитганимиз йўқ-ку?! — эътироз қилишди фан ўқитувчилари.

— Ҳм, бу жиҳати ҳам бор, — бошини қашлади синф раҳбари. — Аммо нима бўлса ҳам шу қусурнинг бош айбдорини мен билишим керак. Шунини топиб, менга ёзиб беринглар.

Фан ўқитувчилари шу синф ўқувчиларини бошланғич синфда ўқитган Норматовни ўртага олишди.

— Ҳаттоки, — дейишди улар суҳбат сўнгида куюниб, — кумуш медалли битирувчимиз ҳам имтиҳондан ўтолмай, шалвираб қайтиб келди. — Бунинг бош айбдори ҳеч шубҳасиз—сизсиз! Чунки сиз шу ёшларни бошланғич синфларда тузуккина ўқитмагансиз! Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг пойдевори эканини тушунмагансиз!..

— Нега энди бош айбдор мен бўлар эканман? — эътироз билдирди Норматов. — Ахир...

— Айтмоқчи бўлган фикрингизга тушундик, — дейишди фан ўқитувчилари бир-бирига қараб олишиб. — Тўғри, биз бошланғич синфлар билан лозим даражада шуғуланмаймиз. Ўзимизнинг бўлғуси ўқувчиларимиз тақдири билан олдиндан қизиқмаймиз. Бу — бизнинг айбимиз, албатта. Бироқ бош айбдор—сизсиз! Чунки сиз пойдеворни бўш яратгансиз.

— Ахир, мен бу синфни уч ярим йил ўқитганман, холос-ку! — баланд келди Норматов. — Биринчи синфни дастлабки икки чорақда Шодмонов ўқитган. Шодмонов кўчиб кетгандан кейин бу синфни менга топширишган. Ўзларингизга равшанки, ўқувчининг бугун тақдири шу биринчи ярим йилликда ҳал бўлади.

Алифбе даврини бошқа одам ўқитса-ю, энди келиб-келиб бош айбдор мен бўламанми?

— Эътирозингиз тўғри, — паст келишди фан ўқитувчилари. — У ҳолда Шодмоновнинг айбини бўйнига қўйиб, шу ҳақда бизга тушунтириш хати ёзиб беришингиз керак.

Норматов Шодмоновни кўп суриштирди. Бироқ ундан дом-дарак тополмади.

Сўнг у Шодмоновни тополмагани хусусида фан ўқитувчиларига тушунтириш хати ёзиб топширди. Фан ўқитувчилари синф раҳбарига, синф раҳбари илмий бўлим мудирига, илмий бўлим мудирди директорга, директор райОНО мудирига, райОНО мудирди облОНО мудирига тушунтириш хати йўллашди.

Лекин барча тушунтириш хатларининг мазмуни юқоридаги мунозаралар баёни сингари деярли бир хил эди:

«Институтларнинг биринчи курсларида областдаги ҳамма ўрта мактаблардан вакил бўлгани ҳолда бизнинг олтинчи ўрта мактабдан пашша ҳам йўқлиги рост. Ҳатто кумуш медалли битирувчимиз ҳам кириш имтиҳонидан ўтолмай, шалвираб қайтиб келди. Бу биз учун катта исноддир. Аммо, минг афсуски, шу исноднинг сабабчиси, яъни бош айбдор топилмади».

## СОВҒА

Аҳмадjon сафар анжомларини уйига қўйди-ю, бошлиғи Жабборовнинг олдига чопди. Кабинет эшигини секин очиб мўралади. Жабборов қандайдир бир пакана киши билан хона ўртасида тик турган экан.

— Бировнинг олдада учрашиш ақдан эмас, — қатъий қарорга келди Аҳмадjon. — Бир оз кута турай.

У эшикни очишдаги эҳтиётлик билан аста ёпаётган эди, бошлиқ кўриб қолиб, «киринг», деди.

Аҳмадjon эндигина ранж чанги қўна бошлаган юзини қайта пардозлаб, остонадан ўтди.

— Ассалому алайкум, — деди у бутун борлиғи кулги, вужуди малҳамга айланиб. — Ҳе, яхшимисиз, ўртоқ Жабборов, тинч-омонмисиз? Жиянлар, келинойимлар...

— Раҳмат! Яхши дам олдингизми?

— Ҳеҳ-ҳе, яхши дам олиш ҳам гап эканми, — жавоб берди Аҳмаджон нотаниш кишига ёнбошдан қўл чўзиб. — Сиз йўлланма деб нақд Боғи эрам калитини бердирган экансиз. Ҳаҳ-ҳаҳ-ҳа... Шу денг...

— Қани, ўтиринг, — Жабборов мийиғида кулиб стул кўрсатди.

— Йўқ, мен...

Аҳмаджоннинг чап кўкрагидаги қўли юқоридан си-дирилиб тушаётиб, дўппайиб турган нарсага урилди-да, таққа тўхтади. «Буни ҳозир берсам анови бетавфиқ маломатга қўймасмикан? — ўйлади у. — Йўқ, нега... Бу совға-ку, ахир. Совғани кўчада ҳам бериш мумкин».

Жабборов пакана кишига ниманидир уқдириб, Аҳмаджонга ўтирилди.

— Бир оз семирибсиз чамамда?

— Ҳа, ҳа, семирдик, семирдик. Айтмоқчи, сизга, — абжирлик билан қўйнидан қорақўл телпак чиқариб, кизагини наридан-бери тортди, кўм-кўк қундузини оғзи аралаш ияги билан майин силади ва икки кафти орасида омонат тутиб, бошлиққа томон эгилди, — ҳи, арзимас совға азбаройи ҳурматим туфайли...

Бошлиқ унинг ҳаракатидан телпакни кийдирмоқчи эканини сезиб, қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди. Лекин эътироз учун лўндароқ важ тополмай, ноилож бошидан дўпписини олди.

— Ўҳ-ў! — Аҳмаджон телпакни кийдириб, ҳар томондан томоша қилди. — Худди ўзингизники-я.

Жабборов уни бошига тузукроқ ўрнаштирар экан, кулди:

— Хў-ўл, ўзимники бўлиши учун қанча тўлашим керак?

Аҳмаджон ёлғондан аччиғланди:

— Ие, нима деяпсиз ўзи?! Наҳотки...

Жабборов унинг гапига парво қилмай, ёнини кавлай бошлаган эди, Аҳмаджон чўнтак аралаш биллагидан тутди.

— Йўқ, йўқ, Носиржон ака. Агар мени хурсанд бўлсин десангиз... Қўйинг энди, атайин сизга ихлос билан...

Носиржон Жабборов ҳалиги пакана киши — Асқаровга иш топшириб, уй ичи билан бошқа районга кўчиб

кетаётган бўлиб, ҳозир у билан хайрлашгани кирган эди. Носиржон ўйланиб қолди. Кетиш олдидан бировни ранжитиш инсофдан эмас. Совғани олиш керак. Аммо ҳў бирдагидек қармоқ санчилган чувалчанг бўлмасин яна. Йўқ, зинҳор, ундай эмас. Пора бериб бир марта дашном еган одам бошлиққа, унинг устига ишдан бўшаб кетаётган бошлиққа, яна бировнинг олдида пора берадими! Ўша сафарги бермоқчи бўлгани ҳам ҳар қандай қусурдан холи, самимий совға бўлган. Мен бўлсам...

Жабборов ўрни келганда бу совғани қайтариш, қайтарганда ҳам каттароқ қилиб қайтаришни кўнглига тугди-да, чўнтагидан қўлини чиқариб, қуллуқ қилди. Сўнг Асқаровга қўл узатди.

— Хўп, бўлмаса, хайр. Ишда муваффақият тилайман.

Аҳмаджон ҳайрон: «Нима гап ўзи?»

— Ҳозир жўнамоқчимисиз? — деб сўради Асқаров қўл бермай. — Тушдан кейин? Яхши, хайр-маъзурни ўшанда, кузатгани чиққанда қиламиз бўлмаса.

Аҳмаджоннинг юраги «шув» этиб кетди.

«Э, Жабборов ишдан бўшапти-да, — у атиги икки минут илгари ўзиники бўлган ва ҳозир бегона, фойдасиз бошда ярқираб турган телпакка жавдиради. — Энди нима бўлди? Мен аҳмоқ суриштирмай-нетмай... Эсиз қирқ уч сўм!»

— Илтифотларингиз учун қуллуқ, — деди Жабборов эшик қабзасини ушлар экан, орқасига қараб. У бирдан Аҳмаджонга тикилиб қолди. Аҳмаджоннинг юзлари сал оқарган, кўзлари қандайдир бесаранжом, киприклари тинимсиз пирпирарди.

Жабборов ундаги ўзгаришни одатда бир-бирига меҳрибон кишилар узоқ вақтга ажралишаётганларида бўладиган тушкун кайфиятнинг таъсири, деб билди.

— Хафа бўлманг, Аҳмаджон, — деди у майин товуш билан. — Мана, янги бошлиғингиз ўртоқ Асқаров. Эски ишингиз... яна боягидек...

— Йў-йў-йўқ, ундай... шу... — Аҳмаджон чўф чайнаётгандек қийналиб жағини қимирлатди. — Шу ҳалиги... телпак орқангиздан унча ярашмас экан, шу...

— Нима шу! — деди Жабборов унга яқинлашиб. Хонага бир дақиқа жимлик чўқди.

Асқаров гап нимада эканини англаб, заҳарханда қилди:

— Ўртоқ Жабборовга ярашмаса, менга ярашар дейман?!

— Ҳа, ҳа, сизга, албатта... — деди Аҳмаджон қалтираб. — Шу, ҳалиги...

Жабборов ғазаб тўла кўзларини Аҳмаджонга қадаганича бошидан телпакни юлиб олди. Олди-ю, телпакли қўли беихтиёр орқага кетди. У бор иродасини ишга солиб, қўлини зўр билан изига қайтарди. Аҳмаджоннинг башарасига қўйиб юбормасликка тиришиб, қўлига тутқазди.

— Ма, совғанг, махлуқ, ма, ол! Ҳе, ўша сендақа ихлосмандни!..

Аҳмаджон бирпас гарангсиб турди-да, сўнг худди биров қувгандек ташқарига отилди.

Асқаров қия қолган эшикни тақ этиб ёпаркан «аблаҳ!!!» деди гижиниб.

## «ЧУҚУР ТЕКШИРИШ» (1988 ЙИЛ) КИТОБИДАН

### ЧУҚУР ТЕКШИРИШ

«Текшириш»нинг бунақа хили ҳам борлигидан бе-хабар эканман. Баҳорнинг охирларида район халқ маорифи бўлимидан қўнғироқ бўлди:

— Беш кундан кейин мактабнингизга катта комиссия боради. Чуқур текшириш ўтказади.

Педагогик коллективимиз бу нордон хабарни эшитиб, бир сесканиб тушди. Мактабимиз районнинг чўлга туташ зонасига жойлашган. Энг кенжа билим даргоҳи. Унинг филиалдан мустақил мактабга айлан-тирилганига йил ҳам тўлгани йўқ. Камина ҳам директор сифатида ҳали гўдак. Чуқур текшириш ўтказадиган комиссия уёқда турсин, юзаки иш юритадиган комиссияга ҳам йўлиқмаганмиз. Мактаб ваҳима тўфонига фарқ бўлиб кетди: мўъжазгина коллектив кўпчиликдан иборат бақувват комиссиянинг чуқур текширишига бардош бера оладими, йўқми?!

Тиззамиз қалтираб, бараварига оёққа қалқдик. Мажлис устига мажлис ўтказдик. Қават-қават тадбирлар белгиладик. Тадбирлар кетидан сурункасига тўрт сутка югурдик. Иш қовозлари анча изга тушди. Хомхатала бўлса ҳамки, олтига фан кабинетини қайта жиҳозланди. Директор сифатида янгидан иш плани туздим. Ўқув йили давомида илк бор конспект ёздим, кўргазмани кураб ясадим. Буйруғимга биноан устозу шогирди, қоровулу фаррош — барча ҳаммомга бориб келди. Ҳамма гулдай кийинди. Не хаёллар чулговиди чўчиб-чўчиб кабинетимга дастурхон тузаб қўйдим.

Хуллас, тўртинчи куннинг охирида шайланиш жа-раёни ниҳоясига етди. Мактаб гўё улкан байрам ара-фасида. Коллектив буйруқ кутаётган лашкардек жан-говар ҳолатда. Ниҳоят, бешинчи тонг ҳам отди. Соат саккиз бўлмасданоқ, мактаб аҳли жам бўлди. Барча ўз ўрнида. Талабалар синфларда киприк қоқмай жим ўтиришибди. Педагоглар оёқ устида, олазарак. Алла-



қандай портлашни кутандай ҳаяжонда. Кўзлар бегона шарпага интиқ. Кулоқлар динг, гўё чумоли қадамидан чиққан товушни илғашга қодир. Дам-бадам кўчадан хабар олиб турибман. Икки кўзим соат милида. Ана, саккиз бўлди. Ана, саккиздан чорак ўтди. Шу пайт тўсатдан «Жигули»нинг чийилдоқ сигнали эшитилиб қолса бўладими! Мактаб бир чўчиб тушди.

— Ана, келди! — кимдир даҳшат ичида қичқирди. — Келди комиссия!

Назаримда мактаб кўрққанидан бамисоли эгнини қисиб, қунишиб қолди. Ана энди чуқур текшириш бошланади! Ҳаммаёқ элак-элак қилинади. Ғалвирда ким қолади, ким йўқ! Нимадан бошлашар экан-а? Юрагимни ҳовучлаб, ташқарига отилдим. Ҳақиқатан, комиссия экан. Тўрт киши! Ановниси таниш. Камолов домла. Инспекторимиз. Қолганлари ким бўлди экан?! Иккитаси пахта тиқилган қанордай семиз. Учинчиси чўп-устихон. Юқориданмикан?!

«Оббо, урди худо, Шойимбек! — дейман ўзимга-ўзим ичимда. — Икки қўллаб урди!»

Комиссияни юрагимиз пўкиллаган алфозда зўр такалуф билан кутиб олдик ва ичкарига бошладик.

Меҳмонлар дарвоза тепасидаги: «Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!» сўзлари ёзилган алвонга мамнун қараб қўйишди. Лекин чиннидай тоза ҳовлига ҳам, рангбаранг жиҳозланган йўлакларга, фан кабинетларига ҳам тузукроқ разм солишмади. Зарқал ҳарфлар билан битилган: «Дарснинг ҳар минути — соатнинг битта винти» лавҳаси ҳам эътибордан четда қолди. Йигирмата пионерни табриклаш учун шайлаган эдик. Табрик болаларнинг оғзида қолди. Камолов домла меҳмонларни тўппа-тўғри менинг кабинетимга бошлади. Ана холос, текширишни мендан бошлашади шекилли! Нимадан бошлашаркин?! Стол устидаги ноз-неъматлар устига газета ёпиб қўйган эдик. Комиссия ишни шу газеталарни олиб ташлашдан, яъни, дастурхонни тафтиш қилишдан бошлади. Дастурхон маъқул келди чоғи, комиссия аъзолари нозик ютиниб, латиф жилмайиб қўйишди. Сўнг таомларнинг мазасини татиб кўришга киришилди. Илмий мудир иккимиз пешмапеш чой қуйиб турибмиз. Афтидан, нонушта қилишга улгурмаган бўлишса керак, комиссиянинг диққат марказига дастурхондан бошқа ҳеч нарса сифмай қолди. Ёғли патир, қаймоқ, писта, бодом ва анорга алоҳида аҳамият берилди.

Бора-бора истеъмол суръатининг дами кесилгандай бўлди... Шунда суҳбат бошланди. Текшириш йўналишига кўра, суҳбат мавзуси фақат мактаб фаолияти бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Тахминим нотўғри чиқди. Суҳбат қайси таомда қанақа витамин кўплиги ва сайру саёҳатнинг инсон саломатлиги учун фойдаси хусусида кетди. Бу орада соат саккиз ярим бўлиб, кўнғироқ чалинди. Аёз еган одамдай кафтимни кафтимга ишқаб илжайдим.

— Бу ҳалигидай... муаллимларнинг дарсга ҳозирлигини кўрмайсизларми?!

Камолов домла овқат чайнашдан кескин тўхтаб, хўмрайди. Қаттиқ сўз айтмоқчи бўлди-ю, айтмади. «Шундай дастурхонни ташлаб-а?!» демоқчи бўлдими, ё: «Кўряпсиз-ку, бандмиз!» — демоқчи бўлдими, билмадим.

— Тайёрдир-ку, — деб кўяқолди. — Ундан кўра, яхши-си бензиннинг иложини қилинг. Топилар тўқсон уч?

— Тўқсон уч одамнинг қони эмас, топилади.

Отилиб ташқарига чиқдим. «Жигулим»нинг бензинини қириштириб, меҳмон машинанинг «қорнини тўқладим». Қайтиб кирганимда, Камолов домла мудиримга ниманидир уқдирарди. Кейин унга бир варақ қоғоз узатди.

— Мана бу ерда йигирма учта савол бор. Ҳар бир саволга мактабингиз ҳаётидан олиб мукамал жавоб ёзасиз. Справкани машинкадан уч нусхада чиқарасиз.

Мудирим қўли кўксига, тескари юриб чиқиб кетди.

— Энди гап бундай, Шойимбек, — елкамга Камолов домланинг қўли келиб тушди. — Кўлда балиқ бор-а?

— Ҳа, бор.

— Чапдаст ўқитувчиларингиздан уч-тўрттасини дарсдан озод этасиз. Чўлга бориб ов қиламиз. Меҳмонлар областдан келишган. Ёввойи чўлни кўришмаган. Мириқиб дам олишсин. Қайиқ тургандир стартда?

— Турибди. Бироқ мотори бузуқ.

— Эшкаги бордир?

— Бор.

Икки машинага озиқ-овқатдан тортиб то қозон-товоқча юклаб, саккиз киши чўлга отландик. Балиқ ови ҳам, қайиқ сайри ҳам меҳмонларга кўп манзур бўлди.

«Хайрият, — дейман ичимда қувониб. — Ҳеч нарса ни суриштиришмаяпти».

Лекин фотиҳага эрта қўл кўтарган эканман. Балиқ

қовураётганимизда Камолов домла тўсатдан саволга тутиб қолди-ю!

— Китоб фондингиз қанча?

Шошиб қолдим. Ана энди бошланди текшириш!

— Ўн олти мингдан зиёд, — қалтираб жавоб қайтардим.

Камолов домла сирли жилмайди.

— У фондингизни қўйинг, — деди томоғига чертиб. — Мана бу «китоб фонди» нгизни сўраяпман.

Аввалига масаланинг тубига етмай анграйиб қолдим. Кейин тушуниб, завқланиб кетдим. Буларнинг тилида ичкиликни «китоб», уни сипқоришни «китобхонлик» дейилар экан. Коньяк «бадий асар», ароқ «дарслик» деб юритилар экан. Қора сумканинг оғзини очдим. Комиссия аъзолари сумкадаги оқ, қизил шишаларни кўриб яйраб кетишди.

— Шойимбек зўр директоларимиздан! — Камолов домла елкамга майин қоқди. — Ўта зийрак.

— Зўр экан, зийрак экан, — деб қўйишди меҳмонлар мамнун. Чўлдан кечки пайт қайтдик. Меҳмон машинанинг орқасига тўрт тизим балиқ ташлаб комиссияни кузатдик. Улар янаги текширишга келганда парранда овига боришга астойдил ваъда бериб, шод жўнашди. Ҳамма иш кўнгилдагидай битди. Коллектив эркин нафас олди. Хайрият. Аммо кичкинагина камчиликка йўл қўйибмиз. Шошилишда «чуқур текшириш» тўғрисидаги справкани комиссия аъзоларига бериб юборишни унутибмиз. Эртасига районга тушиб топшириб келдим.

«Текшириш» якуни уч кундан кейин райОНО советида муҳокамадан ўтказилди. Муҳокамада педагогик фаолиятимиз атрофлича «таҳлил» этилди. Камолов домла менинг тўғримда алоҳида тўхтади. Гапни салмоқлаб: «Ажойиб инсон, атоқли ташкилотчи, етук педагог Шойимбек Каримбеков» сўзлари билан бошлади. Мажлис сўнгида менга ва мактабга ташаккур эълон қилинди.

## ТУМАН ТАҚДИРЛИ ИНШО

Район педагогика кабинети юқори синф талабаларининг иншолари учун очиқ конкурс эълон қилди. Иншо «Ким бўлмақчиман?» сарлавҳаси остида ёзили-

ши лозим эди. Конкурсадан мақсад — ёшларнинг орзу-истакларини олдиндан билиш ва уларни қизиққан касбига илдамроқ йўналтириш эди. Голиб ёзма ишларнинг рағбатлантирилиши ва энг сара иншоларни район газетасига нашрга тавсия этилиши эълонда алоҳида таъкидланган эди.

Ижодий мусобақанинг биринчи босқичи еттинчи мактабда ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилинди. Лекин унинг якуни дилларни яйратмади. Ҳатто, ўнинчи синф ўқувчиларининг ёзма ишлари ҳам қувонч келтирмади. Яъни, қизил қаламни «милтиқ» қилиб уларнинг хатоларини «овлаб» чиқилганди, текстлар «лолазор»га айланиб кетди. Тил-адабиёт муаллими «лолазор»лар орасидан учтасини танлаб олди-да, уларга пича ишлов берди. Сўнгра иккитасини «тўрт, биттасини «уч» билан баҳолади ва уларни илмий бўлим мудирига оширди. Мудир ишларни кўриб бир сакраб тушди.

— Ия, ия! — деди у кўзларини катта очиб. — Бу қанақаси бўлди, ўртоқ Муродов, «беш» эмас-ку булар?! Боз устига, «уч» ҳам бор, шуларни жюрига рўпара қилиб бўладими?

Муродов маъюс тортиб ерга қаради.

— Шунини ҳам зўрға эплаштирдим, — деди.

— Ҳа, эплаштиришни билар экансиз, шунини «беш»га эплаштириб қўяқолмабсиз-да!

Муродов мудирга ёнбош қараш қилди, аммо «чурқ» этмади. Жимликни яна мудир бузди.

— Биламан, — деди у Муродовга гуноҳкорона боқиб, — бунда айбдор фақат сиз эмас... Лекин фалон мактабдан конкурсбоп иншо чиқмабди, деган гап ўрмалаб қолса, нима деган одам бўламиз? Энди шунга, — Муродовнинг елкасига мудирнинг майин кафти келиб тушди, — ҳалигидай... сал жило бериб юборсангиз... Ахир, бошқа мактаблар ҳам ишнинг негативини ҳавола қилмайди-ку юқорига.

Муродов «негатив»ни истар-истамас олди ва уни эртасига «позитив» ҳолатида қайта топширди. Мудир ишларни мароқ билан ўқиди, лазиз таомнинг таъмини олаётгандай тебрана-тебрана мутолаа қилди. Сўнгра уларни директорнинг столи устига аста қўйиб чиқди.

Директор бирор нарсага жиддийроқ аҳамият берса, унинг товуши артист Наби Раҳимовнинг овозидай бир парда кўтарилиб кетарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Мана бу «беш»ларнинг соҳиблари билан муло-

қотда бўлгандирсиз, албатта? — сўради у текстларга ишора қиларкан, гулдираб.

— Ҳа, ўқиганман.

— Жуда соз, — директор ёзма ишлардан бирини қўлига олди ва варақларга кўз югуртирди. — Ширин, таҳсинга лойиқ гаплар. Ўқиб хурсанд бўлдим. Автори «орзуим конструктор бўлиб етишиш, агар шунга эришсам, оригинал пахта териш машинаси яратаман», дебди. «Лекин таъна-дашномларга кўмилиб юрадиган машина эмас, деҳқоннинг дуосини оладиган машина яратаман», дебди.

Директор билинар-билиномас илжайди. Сўнг кўрсаткич бармоғи билан таъкидлаб деди:

— «Деҳқоннинг дуосини оладиган машина яратаман». Ажойиб орзу. Аммо боладан чиққан фикр эмас бу. Бунда Муродовнинг қўли бор, бошдан-оёқ ўшанинг фалсафаси.

— Шубҳасиз, — тасдиқлади мудир. — Муродовнинг нуқтаи назари текстларнинг ҳар бир сатри орасидан мўралаб турибди. Бироқ салмоқли истаклар. Мана, масалан, «Деҳқоннинг дуосини оладиган машина яратаман». Эзгу истак. Олтинга тенг истак. Лекин аслида «Ҳамманинг дуосини» ёки «Барчанинг олқишини оладиган машина» дейиш маъқулроқ эди.

— Ҳа. Ёинки «Хирмон-хирмон ортиқча меҳнату ботмон-ботмон чиқимнинг илдизига болта урадиган машина» деса ҳам бўлади. Яхши, бошқа чапани гаплари ҳам талайгина, — директор иккинчи ёзма ишни олди. — Бунда агрономликка меҳрим зўр, дейилибди. Топиб ёзган. «Аммо минбаъд айрим агрономлардай, таваккалчи дала прораби, бақироқ экин-тикин қоровули бўлмоқчи эмасман. Зукко пайкал врач, маданий ўсимликларнинг мураббий шифокори, агротехника қоидаларининг содиқ посбони бўлиб етишиш илинжидаман». Бу ҳам чакки эмас. Мазкур иншодан ҳам кўнглим кўтарилди. Конкурста ниҳоятда кетворади, — директор мудирга мамнун боқди ва учинчи ёзма ишга астойдил тикилди. — Бироқ ўқигандирсиз, мана бунда нима дебди денг? Ким ўзи Болтабоева дегани?

— Ҳу бирда синф раҳбари устидан педсоветга арз қилмоқчи бўлган-ку, киритмаганмиз, — шоша-пиша жавоб қайтарди мудир. — Ўша қиз. Шаддод қиз.

— Ҳа, ҳа, ўт қиз, олов қиз! — директор бир лаҳза ўйланиб қолди. — Лекин ишидаги гапларни бозор кўтарадими, йўқми, билмадим.

— Яхши фикрлари ҳам йўқ эмас эди шекилли?

— Бор. Мана, масалан, охирги абзац: «Ягона истагим — колхоз активи бўлсам, барча қусурларга хотима берсам дейман. Бунинг учун биринчи галда қишлоқ хўжалик институтининг экономика факультетини битираман. Кириш имтиҳонларидан ўтолмасам (йиқилсам керак), тайёрлов бўлимида ўқийман. Нима қилсам қиламанки, хўжаликнинг чўкиб ётган резерв имкониятларини қиртишлаб ишга солувчи дастёри бўлиб етишмагунча тинчимайман».

Директор кулди.

— Истараси иссиқ, хушрўй жумлалар.

— Чиройли гаплар, — деб қўйди мудир. — Хайрли мақсад.

— Шундай-ку-я, лекин мана бу гапларга эътибор беринг, — директор иншодан икки йирик парчани ўқий бошлади. — «Табийки, авваллари техника ҳам, онг ҳам ҳозиргидан паст бўлган. Шунга қарамай, қарияларнинг таъкидлашларича, дала юмушлари катталардан ортмас, мактаб талабалари ўз машғулотлари билан банд бўлар экан. Энди эса, деҳқончилик ишлари ўқув йилимизнинг бир ярим-икки ойини ямлаб юборяпти. Айрим мансаб эгалари юқорининг кўзини шамғалат қилиб, қуйи синф шогирдларининг ўқишини ҳам кемтик қилиб қўйишяпти». Шу гапларни бозорга солиб бўлармикан?

— Нечук бўлмас экан? — эътироз билдирди мудир. — Бу фикрлар ўзингизнинг кўп йиллик воянгизга ҳам, шу кунги сиёсатга ҳам ҳамоҳанг-ку? Қолаверса, наинки бизда, адолат ватанида чин сўз учун...

— Ҳм, тўғри, сиз ҳақсиз, — паст тушди директор бир он сукут қилгач. — Манови гаплар ҳам Муродовдан чиққан: «Робот» исмли темир одам меҳнат аҳлининг моҳир дублёрига айланиб боряпти. Одамнинг нигоҳи Қуёшдан ўтиб, галактикага етди. Инсон Ойга қадам қўйди ва унинг тупроғидан намуна олиб тушди. Шундай замонда наҳотки пахта теримини техниканинг гарданига буткул юклаб бўлмаса? Хўп, ҳозирча бунинг иложи йўқ ҳам дейлик. У ҳолда қишлоқларимизда теримга яроқли куч тахчилми? Асло! Ҳатто керагидан ортиқ. Ҳашарчини бошқа жойдан ҳам топса бўлади. Мана, бир мисол. Бултур терим мавсуми қайнаган паллада комсомол билетимизни олиш учун район марказига бордик. Кўча тўла одам эди. Биллиардхона, шахматхона ва чойхоналар тирбанд эди.

Райкомкомсомол секретари билетларимизни топшириб, бизга зафар тилади. Кейин, дарров бориб пахтазорда жавлон уришга чақирди. Кела-келгунча баҳс-лашдик: «Нега бу ердаги оломон теримга сафарбар этилмайди? Маҳаллалардагилар-чи? Нега улар пашша қўриб ўтиришади-ю, биз ўз ишимиз — ўқишни ташлаб... Ахир, журналистлар таъбири билан айтганда, «оқ олтин» ишқи «фақат талабаларга мансуб эмасдирку». Ва ҳоказо, ва ҳоказо...

Директор савол назари билан мудирга кўз ташлади.

— Лоақал мана шу гапларни сал рандаламасак бўлмас? Улар маҳаллий раҳбарларнинг назарига тушиб...

— Оғир ботса, яна соз, — гапни чўрт кесди мудир.— Шояд ёшларнинг истиқболи учун жонлари дурустроқ қайишса. Колхозлар бор, колхоз нима экан, бутун бошли районлар қаловини топиб ҳашарчидан воз кечишяпти. Қандай қилиб? Бизникилар ушбу саволга жавоб қидиришга ҳам эринишади. Қисқаси, текстни шундоғича жўнатаверамиз. Қолаверса, олдинда ҳали сараловчи комиссия турибди. Комиссия уни конкурсга муносиб тонадими, йўқми?

— Ҳа, комиссия... Бу томони ҳам бор. Майли, — бош силкиди директор, — юбораверамиз. Ёқса ёқар. Ёқмаса ўзимизга тан.

— Бу бошқа гап, — ёйилиб жилмайди мудир.

Шу тариқа Болтабоевнинг иншоси ҳам тарҳи бузилмаган ҳолда конкурсга тавсия этиладиган бўлди. Аммо у беллашувнинг иккинчи даврасига қўйиладими, қўйилса, голиб чиқадими ва газета юзини кўрадими, йўқми — бу жиҳати қоронғи.

## ҚОРОВУЛ БОБОНИНГ «ТИЛЛО ЗАЁМ»И

Шаҳар театрининг қоровули бор. Оти Ҳалим бобо. Театрга сахнавий машқ топширган эдим. Шу муносабат билан театрга келиб-кетиб юриб танишиб қолганмиз: исми жисмига монанд — ипақдай мулойим, содда ва беғубор. Ҳар борганимда ҳужрасида илиқ кутиб олади. Театрда менга керакли киши бор-йўқлигини аниқ айтиб беради. Кейин қўлимга бир пиёла чой тутиб, гап бошлайди.

Бир кунни борсам, чол ҳужрасида кўринмади. Суриштириб топдим. Гаражнинг орқасидаги хонада ги-

мирсиб орган экан. Хушнуд қарши олди. Теваракка алангладим.

— Вой-бў, бу хилват гўшада шунақа иморат ҳам бор экан-да? — дедим. — Нақд карвонсаройдек келади-я!..

— Карвонсарой дейсиз-а, карвонсаройда нима бор, — бобо атрофга мамнун назар ташлади. — Бу — кон, хазина — бу.

— Хазина?

Қария жавоб бермади. Қиқирлаб кулиб қўяқолди. «Хазина» зах ҳидига тўлиб кетибди. «Хазина»нинг уч томони кўп қаватли баҳайбат жавон. Уларнинг устига оқ газмол тўплари тирбанд қилиб босиб ташланибди. «Хазина бамисоли газмол магазинига ўхшайди. Тўплардан биринчи очиб кўрдим. Йўқ, газмол эмас, афиша экан.

— Шуларнинг ҳаммаси афишами?

— Худди шундай, — бобонинг товушида қандайдир гурур борлигини илғагандай бўлдим. Чол бирдан нолишга ўтиб кетди. — Беш-ўн кун йўқ бўлганингдан кейин аҳвол шу-да. Отпискага чиққандим. Келсам, апишаларим димиқиб кетибди. Ҳеч ким бош суқмабди бу ерга. Яйратиб қўйдим, биқинига шамол тегди апишаларимнинг.

— Бу афишаларни нега ишлатмайсизлар? — қизиқиб сўрадим.

— Нечук ишлатмас эканмиз? Пайти келганда жудаям ишлатамиз-да, — жавоб қилди чол. — Артислар ҳам унча-мунча ишлатиб туришади. Аксариятини эса, ўзим ишлатаман. Лекин «Катта кансет» деган апишаларига қўл урмайман — артислар хафа бўлмасин дейман. Артислар жуда ўч унга. Жондиллари «Катта кансет». Ҳафта-ўн кунда уларнинг идорасига «Катта кансет»дан бир-икки тўпини обкириб бераман. Отпискага кетишдан олдин уч ўрамини киритиб берган эдим — енгиллатиб қўйишибди. Бошқа апишаларга ҳушлари йўқ. Ҳафсалам келганда «Катта кансет»мас апишалардан бир тўпини қопга тиқиб белга қўяман-да, кўчага опчиқиб, носфурушларга улашаман. Қарабсизки, ўрам-ўрам текин нос — етти маҳаллага етади.

— «Катта кансет»масларини ишлатишмаса, нега тайёрлатишади? — гап суқдим.

Отахон елка қисиб, лабини бурди.

— Биламанми, таомили шунақадир-да.



— Ажаб? — савол назари билан қарияга боқди.

Бобо бурчақдаги чўян скамейкага ўтирди ва мени ёнига таклиф қилди. Сўнгра сўзида давом этди.

— Боя сизга айтдим-а, бу ер кон, хазина, деб. Мана булар бўлса, бойлик, — чол афиша тўпларидан бирининг сағрисига қўли билан «тап-тап» уриб кўйди. — Олдинлари чой билан гўшт ҳам бепул эди. Ҳа, кўчанинг муюлишида магазин, унинг орқасида қассоблик бор. Шулар менга кўп асқатар эди. Тунов куни бир тўпини олиб чиқсам, иккови ҳам бурнини жийирди. Сичқон ҳиди уриб қолган эмиш. Назаримда эскироғидан олиб чиқибман чоғи. Кейин нима қиларимни билмай, чиқинди қоғоз тўплаб юрган мактаб болаларига инъом қилиб юбордим. Савоб бўлар.

Ризқ экан-да, худога минг қатла шукур, яқинда янгиси келиб қолди. Саккиз тўп. Тўрттаси «Катта кансет» экан. Уларни ажратиб кўйдим. «Катта кансет»масларидан қассоб билан магазинчига олиб чиқаман-да энди. Эскиларини пистафуруш бор, ерёнғоқфуруш бор... Ўшаларга оширамиз-да, аста-секин.

Кассиримиз апишаларни «Соғин сигирингиз», «Ёрдамчи хўжалигингиз» деб қўядилар. Йўқ, у ҳам, бу ҳам эмас. Апишалар тилло заёмнинг нақд ўзи, дейман мен. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, хоҳлаган нарсага алмашиб олса бўлади. Мана, масалан, маҳалламизда Аниса деган бева аёл бор. Қоғоз халта тикиб сотади. Қоғозни ҳамиша мендан олади. Эвазига жун пайшоқ ёки қўлқоп тўқиб беради...

Машқимнинг тақдирини ҳал қилиш масаласи кейинроққа кўчирилганлиги сабабли узоқ муддат театрга бормаи кўйдим. Бунинг учун вокзалда бош режиссёр учраб қолди, ундан ачиққина танбеҳ олдим. Тошкентга релертуар планини тасдиқлатиш учун кетяпти экан. Панда менинг машқим ҳам бор эмиш. Ура!

— Сизнинг пьесангиз зўр кетади, — деди режиссёр қувноқ оҳангда. Сатирик комедия! Хлебний! Ҳозир зритель кулгига чанқоқ. Афишаларини, яъни сизнинг «бахт ключи»нгизни ҳам ҳозирлатиб кўйдик. Типографиядан кеча олиб келишди. Красота!

— Ёпирай, ростданми?! — дедим қийқириб. — Нималар деяпсиз?!

— Бориб кўришингиз мумкин.

— Ишқилиб бошига анови афишаларнинг қисмати тушиб қолмасмикин?

Режиссёрнинг қовоғи осилди.

— Подумаешь, — деди афтини буриштириб. — Мелкий театрларнинг аксариятида ҳам аҳвол шу гўр.

Режиссёрнинг товушидаги зарда оҳанги мени кўрқитиб юборди. Хайрият, дарров ўнгарилди.

— Сизники вообше ундай бўлмайди. Ахир, бу комедия-ку! — завқланиб кулди иқболим дояси. — Афишаларимизнинг «Касса очиқ» деган жойига «Билетлар сотилган» сўзларини ёзамиз-да, ҳаммаёққа осиб ташлайвераимиз.

Нафасим чиқмай қолди. Ҳаяжон оловида энтикиб, зўрға «раҳмат», дея олдим. Режиссёр билан ресторандан қўлтиқлашиб чиққанимиздан сўнггина ўзимга келдим. Поезд жўнайдиган вақтга қадар асаримнинг нурафшон истиқболи хусусида ҳамду сано ўқидик. Поезд ўрнидан кўзгалар-кўзгалмас таксига ўтириб, театрга етиб келдим.

Хайрият, бобо ҳужрасида экан. Иситма хуруж қилаётгандай «дир-дир» қалтирайман. Қани энди жондан азиз «бахт калити»мни тезроқ кўрсам, бағримга босиб, «чўлп-чўлп» ўпсам. Чол эса, бепарво. Истагимга кўра, дарров омборни очиш ўрнига мен билан эзилиб сўрашди. Уни «эсдан чиқариб қўйганлигим» учун пича гинахонлик қилди.

— Янги афиша келдими? — гапига от солдим ўпкам оғзимга тиқилгудай бўлиб.

Чол яйраб жилмайди ва билинар-билинимас тамшаниб қўйди.

— Ризқ экан-да, олло-пошшо эгам...

Жаҳдим чиқди. Мен нима ғамда-ю, «бахт калити»мга ҳалитдан сўлакайини оқизади-я! Уялмагани! «Бу сатирик асар афишаси, қаҳқаҳанинг паспорти, унинг келажаги порлоқ. Анови қаллашиб ётган афишаларнинг тақдир менинг «Бахт калити»мга буткул бегона. Матрица омон бўлса ҳали бу афиша неча марта-лаб қайта босилар экан».

Қани энди бу ҳақиқатни дунё беҳабар чолнинг идрокига бир-икки сўз билан етказиб бўлса!

— Отахон, жон отахон, ўшаларни бир кўрайлик, — ялиндим елкасига майин қоқиб. — Тезроқ кўрайлик. Ичида меники ҳам бор экан.

— Сизники? — — қария хомуш бош чайқади. — Тавба.

— Ҳа, шундай, — дедим шошиб. — Калитни берсангиз, ўзим...

Бобо аста ўрнидан кўзгалди ва бориб қулфга калит солди.

Янги афишалар этакдаги жавонга қўйилган экан. Ҳовлиқиб, тўпларнинг қатини бирма-бир очдим ва ўзимга тегишлисини топдим. Улардан бирини суғуриб олдим. Эни бир метр, бўйи бир қулочли афиша. Дастлаб, исму шарифимга кўз югуртирдим. Офарин! Унинг остида: «Қутурган бўронлар». Ҳарфлари ўқлоғидай-ўқлоғидай келади. Ҳар хил рангда кўркам қилиб бостиришибди, барака топкурлар. Беш юз нусхада. Отангга раҳмат, шоввозлар! Лекин номини ўзгартиргани дуруст бўлмабди. «Сокин саболар» эди. Ҳа, майли. «Саболар» зрителни тортмайди, дейишаётган эди. «Бўронлар», боз устига, «Қутурган бўронлар», Нима ҳам дердим, зорим бор, зўрим йўқ.

— Отахон, шулардан уч-тўрттасини олсам майлими? — дедим.

Чол «қўлим очиклигини наҳотки билмайсан», дегандай юзимга ғалати қаради.

— «Катта кансет»масмикан ишқилиб? Ҳм-м, ундай бўлса уч-тўртта нима экан, тўпи билан олинг. Артистларга беш-олти дона қолса кифоя.

Бобонинг беписанд гапига оғриндим. Бироқ индамадим. Гўл чол билмайди-да, ҳали буларнинг кўзларга тўтиё бўлиб кетишини!

Ҳалим бобога ёвқараш қилдим-да, афишалардан тўрттасини олиб, папкага тикдим. Кейин уйдагиларни, қариндош-уруғ, ёру биродарларни тезроқ суюнтириш учун яна таксига ўтирдим...

Ваъдга мувофиқ, орадан уч кун ўтказиб театрга бордим. Бобо «ҳазина»да экан. Режиссёр ҳақида маълумот олиш илинжида ўша ёққа ўтдим. Омборнинг икки тавақали эшиги ланг очиқ. Бобо ичкаридан аравача етаклаб чиқяпти. Тўла афиша.

— Ҳа, отахон, «тилло заём»га улгуржи харидор топилиб қолди шекилли? — дедим кулиб. — Ёки мўмайроқ ютуқ чиқдимми?

— Э, қаёқда! — ғудранди қария афишалар устига чопонини ёпаркан. — Тепадан комиссиями, ревизорми келармиш. «Катта кансет»ни подвалга яшириб қўйинг. Бошқаларининг ҳар биридан беш-ўнтадан қолдириб, уёғини паққос ёқиб юборинг, дейишди. Увол-а, увол! Тарҳи бузилмаган, ипи узилмаган қоғозлар. Оҳори тўкилмаган «заём»лар. Нима қиламан куйдириб. Уйга элтиб, оғилнинг охурига босиб қўяман.

Мендан ош-нон тилармиди. Вақти келади, булар — гўшт-ёғ, қанд-қурс, чой, нос... Олти-етти рес ташлаб келдим. Бу — охиргиси.

Ичкарига тикилдим. Жавонларнинг қуйи қаватида бир тутам-ярим тутам афиша турибди. Юқори қаватлар деярли бўм-бўш. Юрагим «шув» этиб кетди.

— Меники ҳам охурдами ҳозир? — дедим йиғлам-сираб.

Чол ияги билан аравачага ишора қилди.

— Мана, энди боради охурга.

— Комиссия ва ревизор келса, нега буларни гумдон қилиш зарур экан?

— Ничево, хафа бўлманг, керак бўлса повторний печать қилдираверамиз, — орқа томондан бош режиссёрнинг овози эшитилди. — Ўзи план ҳам думи хуржунроқ бўлиб турибди. Ничево, бивает...

Донг қотиб қолдим. Режиссёр келиб, мен билан сўрашди ва афишаларни яхшироқ беркитиб олмагани учун бобога андак дашном берди. Чол чопонини нарибери сурган бўлди ва тележканинг «рул»ини кўча томонга бурди.

Шу тариқа менинг табаррук «бахтим калити»м ҳам қоровул бобонинг «тилло заёми»га айланиб кетди.

## МАҲАЛЛАНИНГ МУЛКИ

Шу замоннинг одамлари ўта писмиқ бўлиб кетяптими дейман-да! Бири «Жигарим носоғ» дейди — ичкиликка чап беради. Бири қон босимини ўртага солади — стакандан ўзини олиб қочади. Меҳмонига қадаҳдош зарур бўлиб қолгудай бўлса, мени қидиришади. Сершиша дастурхон тепасида ўтираман. Мезбонга сипқариш бўйича ўринбосарлик, меҳмонга соқийлик қиламан. Айни вақтда меҳмоннинг стаканга бўлган хоҳишини меҳрга айлантираман. Куламан, кулдираман, ичаман, ичираман. Нима қиламанки, мезбоннинг ҳожатини чиқариб, дуосини оламан.

Авваллари «халқаро аҳвол» мутлақо кескин, шу ичкилик тушмагурнинг «шарофат»и билан кичкина бола ҳам менга қўлини бигиз қилар эди. Бир ҳодиса сабаб бўлди-ю, кескинлик барҳам топди.

Воқеа бундай кечди. Кунларнинг бирида қишлоғимиз магазинчиси Аливой ака келди ҳовлига. Ипақдай майин. Ҳайрон қолдим. Доим гердаиб юрадиган, на-

сияга шишанинг думини ушлатмагани етмагандай, «магазин ёнида ичиш мумкин эмас», дея дағдаға кўтардиган баттолга нима бўлди? Магазинчи аҳволимни астойдил суриштирди. Мақтади. Ичкиликка қолганда филнинг бардошию шернинг қудратига молик эканимни таъкидлади.

— Хўш, тинчликми, Аливой ака? — дедим.

Аливой ака дардини тўкиб солди. Санитария инспектори магазинга муҳр босиб қўйибди. Аливой ака маломатга қолишдан чўчиб, инспекторнинг оёғига бош ургундай бўлибди. Ялина-ялина уйига олиб келибди. Дастурхонга шишаларни териб ташлабди. Афсуски, инспектор йўлга юрмабди. Ичирмаса бўлмас, Аливой аканинг кўнгли тугал таскин топмас экан. Ичириш учун чайир ва уздабурро қадаҳдош керак экан.

— Биласан, ўпкам ямоқ, зўрға юрибман, — зорланди Аливой ака. — Ярим томчи ютолмайман. Мен ичмаган эдим, у ҳам ичмади. Шу боисдан сен бориб ёнига кирмасанг бўлмайди. Эпинг бор, кулдир, ич, ичир, муросага келтир.

Пиянистанинг табиати нозик бўлади. Аливой ака буни назар-писанга қилмай, дилимни такрор-такрор вайрон қилган. Шуни эслаб «йўқ», демоқчи бўлдим, бироқ айрим жиҳатларни назарда тутиб, юмшадим. Аливой ака уйига етгунча, йўл-йўриқ кўрсатиб борди. Инспектор ёшгина бола экан. Иштаҳа билан «рулга ўтирдим», аммо сира эпқага олиб бўлмайди-да зумрашани! Қадаҳ сунаман, олмайди, ёлвораман, унамайди. Аливой ака пинҳона ияк қоқишини қўймайди. Икки ўт орасида қолдим. Шунда майнавозчиликни ишга солдим. «Инсон тақдири» фильмидаги Соколовга тақлид қилдим. «Йигитнинг арслони биринчи қадаҳдан сўнг газак қилмайди. Йигитнинг зўри...» Закускасиз уч марта кўтардим. Аливой ака рағбатимга қанот боғлаб турибди.

— Ҳақиқий хўроз йигит бу! Ошқозони заводдан чиққан, домна печни бир чўқишда қочиради.

Инспектор завқланиб кулди ва ниҳоят мен бошлаган йўлга бурилди. Кейин нима бўлди, билмайман. Уйғонсам, уйимда ётибман. Туфлимнинг ипига тутун тушган экан, чигалнинг учини тополмай хит бўлиб ўтирсам, Аливой ака келди иржайиб. Иши одинга филдирабди шекилли, миннатдорчилик билдирди. Сўнг тўрт қути камёб чойни сўрига қўйиб изига қайтди.

Бор гап шу эди. Аливой ака унга либос кийдириб, чойхонада сўзлаб берибди. Пиво, ароқ ва винони омухта қилиб ичганим қолмабди. Минерал сувни ижирганиб ичиб коньякни закуска қилганим қолмабди. То мени уйга замбилгалтақда элтиб қўйганигача гапирибди. Эртасига ёстиқдан чошгоҳда бош кўтарган эдим. Аливой ака унга ҳам «пича тузатиш» киритибди.

— Оғзини воронка қилиб, салкам бир пақир суюқлик қўйган эди қорнига. Азонда учрашсам, ҳеч нарса кўрмагандай, ўқланган милтиқдай қотиб турибди, дебди. — Сортовой пияниста деб мана буни айтади.

Чойхўрлар ёқа тутишибди. Бўлғуси мижозларим хурсанд бўлиб, енгил тортишибди. Шундан кейин Аливой аканинг «илғор иш услуби» ва бизнинг ошқозон оғизга тушиб кетди. Исмим эса «сортовой»га айланди. Заказчим болалай бошлади. Бировникига шишабоп меҳмон келади, унга қадаҳдош керак бўлади — бизнинг ошқозонга юмуш топилади. Бировнинг бирор кимсага иши тушади, бизнинг ошқозон енг шимаради...

Олдинлари ошқозон паққос мустақил эди. Унга хоҳлаган вақтимда истаган ичимликни бемалол қуяверар эдим. Бора-бора маҳаллага қарам бўлиб қолди. Бу хусусда маҳалла оқсоқолидан махсус кўрсатма ҳам олдим.

— Ўзбошимчалик қилмайсан, — тайинлади оқсоқол. — Фақат маҳалланинг эҳтиёжи бўйича ичасан. Кўпчиликнинг хизматини қилсанг, кам бўлмайсан. Хизматнинг ёмони йўқ, биров маҳалланинг ошини пиширади, биров кўчасини супуради.

Сезиб юраман, колхозга меҳмон келиши кўп. Раисимиз Соливой ака қув ва меҳмондўст одам. Ким келса, уни колхозга ром қилиб кузатади. Биладики, бировнинг кўнгли дилочар машғулот билан обод, бириники — ичкилик билан... Соливой ака ошқозонини кўз қорачиғидай асрар, шу туфайли иккинчи тоифа меҳмонни хушнуд этишда андак қийналар экан. Идора ходимлари юрак олдириб қолган, меҳмонга дастурхон ёзилди дегунча, қочворар, меҳмон эса, «ёлғиз отнинг донғи чиқмас» қабилида оёқ тираб туриб оларкан. Хуллас, раис мендай пухта ичувчи ва ичирувчига эҳтиёж сезиб юраркан. Менинг тўғримда узунқулоқ гапларни эшитади-ю, ҳушёр тортади. Дарҳол менга одам юборади. Хавотирланиб идорага келдим.

Қаерда учрасам, Соливой аканинг қовоғи осилиб кетарди. Бу гал, негадир, очиқ чехра билан кутиб олди. «Ҳа, сортовой», деб кулиб ҳам қўйди. Кейин ва-зифамни тушунтирди.

— Ошқозонингни колхоз юмушидан бошқа ишга қўл урдирмайсан, — деди охирида. — Боғбоннинг ёрдамчиси сифатида иш ҳақи оласан.

Шу тариқа раис мени буткул ўзиники қилиб олди. Шишага яқинроқ меҳмон келган ҳамон «Волга»си дарвозамга салом бериб турарди. Ноз-неъмат раисдан, ичиш ва меҳмонга бир амаллаб мўлроқ ичириш мендан. Ҳа, дарвоқе, эртасига ошқозоннинг «ашула»сини ва янгангизнинг «дийдиё»сини тинглаш ҳам мендан. Борди-ю, меҳмон қадаҳ кўтаришни хоҳламаса, Соливой ака қўлини кўксига қўйиб жилмаяди.

— Соғлиғингиз жойида, олинг, — дейди меҳмонга. — Бизга узр. Ошқозонимиз операция столи мурувватидан икки марта баҳраманда бўлган. Қатрон қияпмиз. Бўлмаса-ю, косалаб ичган вақтимиз ҳам бўлган. Қани, олинглар, оқ бўлсин. Ҳа, баракалло, баракалло, от билан туя бўлармиди, ҳазми таом-да.

Меҳмон Соливой аканинг ҳам ичишини қатъий талаб қилса, раис найрангга ўтади. Дастлаб соқийликни мендан тортиб олади. Учовимизнинг оддимизга иккитадан бўш стакан қўяди, уларнинг бирига ароқ, иккинчисига минерал сув қуяди. Сўнг меҳмоннинг кўзини шамғалат қилиб, ароқли стаканини менинг сувли стаканимга алмаштириб олади. «Қани, қани» қилиб «кўтарамиз». Раис вой-войлаб сувни сувга газак қиладди. Мен шўрлик ароқ кетидан ароқни закуска қилман. Шу равишда «ароқ»ни Соливой ака ичади, спирт ўлгур бизнинг ошқозонга қуйилади. (Ўзиники гўё ноёб идиш, спирт тегса, сири кўчиб кетади!)

Раис қалтис синовлардан кейин бизнинг ошқозонни «домна печь», деб атайдиган ва эъзозлайдиган бўлди. Менбоп меҳмонга рўпара қилишдан бурун уни ярим қадоқ думба ёғи билан сийлайди. Бундан ташқари уйга гуруч, макарон, ун-пун ҳам обкетиб тураман. Соливой ака ёнидан бермайди, албатта. Колхоз омборидан чиқади-ю, хужжатларда «боғчага кетди, далада иссиқ овқатга ишлатилди» қилинади. «Домна печь» хизматдан безиллаб қолган эди, санаторийга элтиб «тоблатди». Лекин ўзим жонли гувоҳ, тўрт ҳафта давомида «домна»га спирт зотини йўлатмади.

— Ана энди биринчи класс «домна» бўлди. Унга

сифат белгиси берса ҳам бўлади, — Солиной ака қорнимга меҳри жўшиб қаради. — Лекин биринчи класс экан, деб ким нима қўйса, кўнавермагин. Сортовой деган номинг бор.

— Хўп, — дедим.

Бироқ юрмай бўладими «левий»га. Буёқда ҳожат деган гап ҳам бор. Мана, масалан, бева холам бор. Заводдан фишт сўраса, бермабди. Нима қилиш керак? Заводнинг кўнглини овлаб, холамга ёрдам бермасам, инсофдан бўлмайди. Холамнинг тугунини қўлтиқлаб заводга бордим. Заводда узоқроқ лақиллашиб қолибман, фишт холаминг ҳовлисига аллақачон етиб келибди. Завод бошлиқлари шаънига офаринлар айтдим. Аммо бир ҳисобда, олқиш увол кетади. Негаки, минг жуфт фишт эвазига олти червон тутқаздим. Боз устига, икки «мўйсафид»ни пок-покиза «туширишди». Улардан нима кетди. Акт номли аждаҳо бор. Ўн минг фиштни бир «ямлайди». Фалон минг дона хом фиштни сув босиб нобуд қилди. Мунча минг дона хом фишт хумдонда эриб кетди... Тупроқ, сув текин. Қовознинг тилсизлиги барчага равшан.

Эртаси куни матлубот жамияти омборининг қоровули келди ҳовлиқиб.

— Тез тегирмон бошига етиб борар экансан, — деди. — Мудир айтди.

— Қайси мудир?

— Ўртоқ Валиев-да.

Қоровулнинг айтишича, ўтириш соҳибларидан икитаси мени нишонга олиб, йигирма беш сўмданга гаров боғлашибди. Ярим литр «Экстра»ни косага қуйиб, бир кўтаришда «отиб» юборсам, Валиев ютар экан. Нима қилдим? Буёқда «домна» ҳордиқталаб, деворлари ҳилвираб оғрияпти. Бормасликнинг яна иложи йўқ. Валиев баъзан атлас-патлас топиб бериб туради. Ҳатто химчисткадан чиққан костюмимни, нури ўчган телевизоримни оҳори тўкилмаганига алмаштириб берган. Бордим. Эртасига қарасам, чўнтақда қовурғаси синмаган йигирма беш сўмлик турибди. (Улар учун пулнинг қадри унчалик эмас-да). Кеча қаерда бўлганимни шунда хотирладим.

Ёзнинг қайноқ куни эди. Кечки пайт сабзавотчилик бригадири келди қора сумкани шишага тўлдириб.

— Шу, аканг айлангур Сортовой, экинларим сув-



саб, қовжираб ётибди. Тўғон бошига бориб, қоровулни бир кечага инсофга келтириб бермасанг, ҳосилсиз қоламан, — деди ялинчоқ товушда. — Мени биласан, юрагимнинг мазаси йўқ...

— «Домна» банд, қўли тегмайди, — демоқчи бўлдим уйланиб қолдим. Ахир бир-икки қоп сабзи, пиёз берса, тешиб чиқармиди! Бир-икки қоп нима экан, ўн қоп берганда ҳам колхознинг хазинаси камаймайди. Пайкалда етиштирилган ҳосилни йиғиштирмай туриб тарозидан ўтказилмайди ҳеч қачон. Шу боисдан тонна-тонна сабзавотни четга элиб сотиб олишади.

Етаклашиб тўғон бошига кетдик. Тонг маҳалида уйғонсам, тўғон сўрисида ётибман. Оёғимни қоровулнинг қорнига қўйиб олибман. Аста кўзғолдим. Бригадир тунда ғойиб бўлганича, қайтиб келмабди. Ариғининг суви кечқурунги искатдан бир энлик ҳам пастламабди. Тўғондан қайтишда бригадирни учратдим. Оғзи қулоғида.

— Беш, беш! — деди у елкамга қоқиб. — Капсанга қарз бўлдик.

Мамнун илжайдим. Бироқ Соливой ака тотли кайфиятимни бир онда тилка-пора қилиб ташлади. Райондан маданий ўғит тарқатадиган идоранинг бошлиғи келган экан. Раиснинг «Волга»си уч қур бош урибди дарвозамга, мен йўқ! Раис ноилож хашаки ичувчиларни ҳашарга чорлаб, аранг ишини битказибди.

— Колхозчиларнинг меҳнат минимуми бор. Сенинг ҳам, — деди ҳовридан тушиб. — Сен шу минимумни бажармаяпсан, Сортвой! Агар тағин «левий»га юриб «домна» хизматини суиистеъмол қилсанг, аяб ўтирмайман. Қонуннинг амрига гирифтор қилиб юбораман! (Хайриятки, «опқозонингни мусодара эттирвораман», демади). «Домна» ҳаминша боевой ҳолатда турсин.

Ёт кўчага кирмасликка ваъда бердим. Аммо кирмасликнинг иложи йўқ-да! Биров қош, биров кўз—кўнгил бўлмайди. Пошша хола-уйига оқма газ қузури ўтказдираётган экан. Оғилимга ҳам тушириб беринглар, эчким қишда исикқина ётсин, дебди. Газчилар унашмабди. Уларга ароқ тутибди, қиё боқипмабди. Пошша холанинг жияни молияда ишлайди. Ўлардай кўрс, мақтанчоқ. Хола бир оғиз шипшитса,

ошқозонимга даромад солиғи чиқаришдан ҳам тоймайди. Кўндим, баҳонада эчки қиш чилласини терлаб ўтказадиган бўлди. Мен эса, дуо олдим.

Эрталаб раис чақиртирди.

— «Домна»нинг аҳволи қалай? — сўради.

Кечаги «левий»нинг «ҳузури»ни кўраётган эдим. «Домна»нинг деворлари куйишиб оғриётган бўлса-да, бош бармоғимни кўрсатдим.

— Воҳ, пўлатни эритишга қодир!

— Молодец! — елкамга Соливой аканинг меҳрибон қўли келиб тушди. — Индинига сенбоп меҳмон келди. Болта қассобга тайинладим. Йўлиқсанг, думба ёғи беради. «Домна»ни тобга ол.

Кечга яқин «домна»га ишлов бериб турсам, Анзират хола кириб келди. Дарров фотиҳага қўл кўтарди.

— Илоё омин, бахтимизга ошқозонингнинг боши тошдан бўлсин, олоҳу акбар. Гап бундай, ошқозонингдан холанг айлангур, гиргиттон. Невара куёвим келган эди. Биласан, ҳозирги ёшлар нозиклашиб кетган. Дастурхоннинг бир бурчида шу ер юткур шиша турмаса, қўй сўйсанг ҳам ёзилмайди пешонасининг тириши. Қўйсам, ичгани уяляпти, сен кириб...

Гапини бўлдим.

— Заказим бор, хола, бошқа қабул қилолмайман.

Кампирнинг лабидаги табассум тўсатдан ғойиб бўлди.

— Туғилганигда суюнган эдик. Бир мартагина ишим тушса-ю!

— Унақа кўрнамаклик қилманг-да! Юбилейингиздаги хизматим эсингиздан чиқдимми?!

— Ҳа, у хизматингни тўёна қилгансан, жонингдан садақа. Йўқ дема, болам, савоб бўлади. Қиёмат куни қўшнидан.

Раисни рўкач қилдим. Кампир хомуш тортди.

— Раисга ўрдир қилдириб келсам кирасанми? — деди.

Ана, холос, ордер қилдириб келармиш-а! У ҳолда Соливой ака нима дейди? Ҳеч қанақа ҳужжат талаб қилмасдан кампирга эргашдим. Кампирнинг куёви-ку гўл, синчалақдай нимжон нарса экан, бир зумда кўзини филай, оғзини баймоқ қилиб ташладим. Баъзан чайир ва забардаст қадаҳдошларга дуч келаман. «Белини буккунча» Азроилнинг меҳрини қозонай-қозонай деб

қоламан. Шу боришда «домна печь» хипча белли, сер-янтоқ қабрининг мўътабар мулкига айланиб кетмаса яхшику-я! Начора! Эҳтиёт қисмлар магазинида сотса экан, қирқинчи размерли ошқозон харид қилиб, белимга гайкалатиб олсам. Ундай десам, бошқа қисмларнинг фарёди ҳам кўкка етиб ётибди. Ичкилик қурғур одамнинг этига ўч бўлар экан, гўштни шилиб, суякка ёпиштириб ташлади. Дармонни сўрганини айтмай қўяқолай. Буёқда тенгдошлардан хижолат тортаман.

— Биз ҳам «домна печь»дан бирор марта фойдаланайлик, барака топкур Соровой, — деб қўйишади.

Ҳар гал ваъда беришдан нарига ўтолмайман. Меҳмон ва заказчининг кети узилмайди.

— Соровой, эртага колхозга меҳмон келади...

— Чоршанба куни кичкина дастурхонимиз бор, Соровой, бирга баҳам кўрсак...

Биров қош, биров кўз, кўнглим бўлмайди. Йўқ десам — гинахонлик.

— Маҳалладан қарзимиз йўқ эди-ку!

— Мазам йўқ, ошқозон ярамайди хизматга, — илтижо қиламан йиғламсираб.

Харидорим лабини буриб, ўпкаланади.

— Ҳа, бизга қолганда шунақа экан-да!

Қийналиб кетдим. Сўнг шартта ошқозонни олдим-да, ҳайё-ҳуйт деб шу ёқларга қочиб қолдим.

Мана, уч ҳафтадирки, маҳалла мулкани кўтариб, дарбадар қочоқ бўлиб юрибман. Ким билади, ошқозон ўғриси сифатида қидирув зълон қилинган бўлса ҳам ажаб эмас. Тутиб олишса, маҳалла мулкани ўғирлашда айблаб судга оширишадими, деб қўрқаман.

## СИГИРИМ «МУЛЛА» БЎЛДИ

Яхши биласиз, дарёи азимлардан эмасман, юрагим қуриган ичакнинг тешигидан ҳам тор. Магнитофон бузилиб қолган эди. Уни ҳовлига олиб чиқиб, тузатмоқчи бўлдим. Лекин уёғини кавлаштираман, буёғини бурайман, сира-сира «тили чиқмайди» исқотининг! Бўғилиб, устидан болта солиб юборишимга оз қолди. Бунинг устига, ўтган ҳафта сигир сотиб олган эдим, бирам жағи очиқ чиқди, бостирманинг остини тўлдириб, узлуксиз айюҳаннос солиб турибди.

— Мо-о!.. Мо-о!.. Мо-о!..

Сигирга бузоқча ҳам жўр бўлиб қўяди аҳён-аҳёнда:

— Мў-ў!.. — дейди ингичка овозини чўзиб. — Ҳм-м!..

— Ўл «ҳм-м!..» Дард «ҳм-м!» — дейман энсам қотиб. Кейин янгангизга юзланаман. — Аяси, анави овозинг ўчгурларга хашак-пашак ташланг!..

— Янгитда ташладим-ку! — силтаб жавоб қайтаради янгангиз. — Ўзи сиз кўр харидорсиз! Бўлмаса, шу ер юткур шаллақини олармидингиз!..

— Оббо! — дедим хунобим ошиб. — Қачон мен...

— Хаҳ, иккитадан туғадиган қўй олдим, деб, такани етаклаб келганингиз эсингиздан чиқдимми?

— Қўйинг эски гапларни! Яхшиси, томоғингга пичоқ қадалгурларга сув беринг.

Янгангиз сигирнинг «нағмаси»дан безор бўлиб, тўлиб турган экан, яна нималарнидир саннади. Бироқ унинг сўзлари гадаги «нағма» ичида кўмилиб кетди, эшитолмадим. Кейин у пақирни кўтариб кетди. Сигир сувни ичиб, бирпас яланиб турди. Сўнг тагин «нағма»сини бошлади.

Ғижиниб бориб, сигирга хашак ташладим.

— Ма, аблаҳ, заҳарингга е!

Бироқ хашак ҳам тўсолмади унинг жағини. Чайна-либ туриб «мо-о!» деб қўяверди.

Бир маҳал ён қўшним Марасул бува деворидан бўй чўзиб, сигирни неча сўмга олганимни сўради. Кейин:

— Нафаси «ширали»гина экан, — деб қўйди. — Холангизнинг фикри ҳам шу.

«Дарвоқе, Марасул буванинг кампири анчадан бери бетоб, — хижолат тортиб ўйлайман ўзимча. — Соғ одамнинг асабига бигиз тикаётган бу «нағма»лар беморга қандай таъсир қилаётган экан?!»

«Нағма»нинг гадаги «серия»си бошланган ҳамон ғазаб билан ўрнимдан турдим. Паншахани қўлга олиб, «қаерингиз қичийди»га солдим. Сигир калтакнинг зарбидан роса сакради.

— Мана энди ҳисоб-китоб қилиб ол! — дедим ғижиниб.

Бироқ ўжар «ҳисоб-китоб» қилмади, бақираверди!

Ноилож арқон билан тумшуғидан танғиб ташладим.

Бунинг ҳам фойдаси бўлмади. Бурни орқали «нағма»сини қилаверди.

— Ҳм-м! Ҳм-м! Ҳм-м!..

Энди нима қилдим-а? Оғилга қамаб ташлай десам, сўкичак бор, қурт бор! Ҳайла-ҳайла, иложини топдим, яъни радиотехникага мурожаат қилдим. Сигирнинг боши тепасига каттакон радиокарнай, охурга микрофон ва овоз кучайтиргич аппаратини ўрнатдим. Уларни бир-бирига мослаб уладим. Сигирнинг тумшугидаги арқонни ечиб олдим.

— Ана энди бўкиравер! — дедим ва берирокда томоша қилиб турдим.

Сигир бирпас тамшаниб жим қолди. Сўнгра, мосламадан беҳабар, тумшуги остида турган микрофонга қараб қаттиқ бўкирди. Бўкирди-ю, ўзининг яқин ўн марта кучайтирилган даҳшатли овозини эшитиб, жон-пони чиқиб кетди. Сапчиб, ўзини у ён-бу ён ташлади. Кейин қулоқларини кўтариб, жим қолди. «Бегона» товуш манбаини қидириб атрофга жавдиради. Бузоқча ҳам қўрқиб кетган экан, онасига боқиб шикоятмуз «мў-ў», деди. Сигир ҳалиги воқеани унутгандай бўлди. Ҳашак ниш-хўрдига интилди, лекин емади. Беихтиёр «нағма» бошлади. Аммо авжига чиқмади. Оғзидагиси оғзида қолди. «Номаълум» овоздан ҳуркиб ирғишлади. Шу-шу, жим, орқасига тисарилиб, арқонни таранг тортган ҳолда жим қолди. «Тиқ» этган товуш унинг қулоқларини дарров тикка қилиб юборарди. Ҳўп кулибман.

— Энди «мулла» бўлдингми?! — дейман. — Бақирчи тавин, кейин қулоқнинг қадрига етасан!

Шунақа қилиб, сигиримни «мулла» қилиб олдим. Бироқ иштаҳаси пастлаб кетяпти. Келаси якшанба куни сотиб юборсамми?

## ҲОЛ СЎРАШ

Бир уятчан йигит бетоб бўлиб ётган қайнотасиникига уялиб бормай юрар ва бунга ўзи ҳам хижил эди. Бир куни хотини ундан ўпқаланди.

— Менга ота бўлса, сизгаям ота! Бечора қачондан бери ётипти, бир бориб, ҳол сўраб келай ҳам демайси...

Йигит бўйинини ишқади.

— Нима деб ҳол сўрайман?

— Нима дердингиз, тузукмисиз дейсиз. Ҳа, тузукман, дейди. Хайрият, хайрият, дейсиз. Кўнглингиз нима тилайди, дейсиз. Бирор таомнинг отини айтади. Шундан кейин айтганингизни ернинг остидан бўлса ҳам топиб келаман, деб шошиб чиқиб келаверасиз.

Йигит бемор ётган уйга кирганда, у кўзларини шипга қадаб жим ётар, ҳар нафас олганда кўкраги бир қарич кўтарилиб тушарди...

— Тузукмисиз, ота?.. — деди йигит уялганидан қизариб-бўзариб.

— Одам бўлмайдиганга ўхшайман...

Йигит қайнотасининг нима деганини англамади.

— Хайрият, хайрият, — деди у шошиб. — Наҳор қиляпсизми?

— Кечадан бери туз тотганим йўқ!..

— Хайрият, хайрият... Кўнглингиз нима тилайди?

Бу гаплардан бемор ғазабга келди.

— Заҳар!!! — деди, жон-жаҳди билан бақариб.

Йигит буни ҳам англамади.

— Айтганингизни ернинг остидан бўлса ҳам топиб келаман, — деди-да, ташқарига отилди.

## ДАФТАРДА ҚОЛГАН ҲИКОЯЛАР

### ОБРУҲ КЕРАҚДИР ЙИГИТГА

Зап менбоп ҳунар экан-да директорлик. Бутун бошли мактаб аҳди соямга салом беради...

Директорликка тайинланганимдан кейинги дастлабки ойларда шу янглиғ ширин-шакар хаёллар оғушида маст эдим. Бу кайфият район педагогика кабинети мудири Яхшиевнинг қабулида ўтирганимда барқ уриб яшнаб кетди.

— Зўр, обрўли директорларимиздансиз, — деди у киши. — Обрў — туганмас хазина.

Кўкрагим бир қарич кўтарилгандай бўлди. Узоқ чақчақлашдик.

Яхшиев ўз фамилиясига узукка кўз қўйгандай муносиб, мулойим ва бебаҳо одам. Ниҳоятда хушфеъл ва дилкаш. Юмалоқ, оч сариқ юзларидан табассум аримайди. Қошининг чимирилганини маориф дунёси сира-сира кўрган эмас. Мабодо Яхшиев буюрса, наинки буюрса, ақалли майл билдирса, азбаройи эриб кетганингиздан арслонни тирик тутиб келишга ҳам бажонидил рози бўлаверасиз. Ўзи ҳам қўли очиққина одамга ўхшайди. Икки гапнинг бирида: «Мол кетса кетсин, обрў кетмасин. Йигит кишига обрў сув билан ҳаводек зарур», дейишни хуш кўради.

Яхшиев вилоятда энг узоқ ишлаган мудир экан. Шу боисдан бўлса керак, кўп нарсани билади. Муаллимлар уни «билим ва тажрибанинг уяси» дея таърифлашади (баъзан «тулки табиатли одам», деб ҳам қўйишади, аммо бу гап домла Яхшиевнинг шаънига батамом бўҳтондир).

— Гап бундай, Саид Жумабоевич, — деди домла суҳбат хотимасида. — Мактабингиз ўша томондаги илм даргоҳлари орасида анча дуруст. Шу «дуруст»га пича жило бериб, уни «аъло»га айлантирсак. Келган-кетганларга кўрсатиб турсак, сизга ҳам обрў бўларди, бизга ҳам.

— Бош устига.

Югуриш, югуртиришнинг зўри билан ўн тўртта фан кабинетини оёққа қўйдик. Уларни телевизор, киноаппарат, эпидиоскоп каби техника воситалари ва бошқа анжомлар билан шинам жиҳозладик. Ашёларни қўлга киритишда ҳужжатнинг тиши ўтмаган жойда оилавий кассани ишга солдик. Кабинетлар Яхшиевга манзур бўлди.

— Камол топинг, кўп ривожбахш йигит экансиз-да, — деди кабинетларни кўздан кечиргач, елкамга қоқиб. — Чўғдай яшнатиб юборибсиз. Оригинал! Техника воситаларини автоматлаштирганингиз оригиналнинг оригинали! Энди шу ютуққа эришишдаги иш тажрибангизни оммалаштирамиз.

Иш тажрибамни қай йўсинда оммалаштирар экан, деб ўйлаб турган эдим, мудирнинг оғзидан «лўп» этиб жавоб чиқиб қолди.

— Мактабингиз базасида маорифчи раҳбарлар учун кўрғазмали семинар ўтказамиз. Йигирма биринчи числода. Тайёрланиб улгурарсиз йигирма биргача?

Ҳайрон бўлдим.

— Тағин нимага тайёрланаман, барча нарса тахтку?

Яхшиев елкамга қўлини ташлаб, нафис жилмайди.

— Вой, сиз-эй! Гўлсиз, янгисиз-да. Ахир «бадий» қисм, яъни семинарнинг иловаси ҳам бўладими, бўлмайdimи?

— Илова? Қанақа илова?

Яхшиевнинг лабидаги кўркам табассумдан асар ҳам қолмади.

— Чой-пойни айтаман! — деди негадир юраги торлик қилиб. — Меҳмонлар ошқозонларини ўчоқ бошига шапиллатиб ташлаб келмасликларини биларсиз, деб ўйлайман.

Хижолат бўлиб пешонамни силадим.

— Биламан, домла, биламан. Чой-пой, албатта, бўлади.

— Отангизга раҳмат. Шунга ҳозирлик кўриш керакми, йўқми?

— Керак.

— Баракалла, — Яхшиевнинг товуши яна нозик тортди. — Районда сизникидан ташқари қирқ битта мактаб бор. Ҳар мактабдан иккитадан келганда, атиги саксон иккита одам бўлади. Нар и борса, методистлар билан тўқсонга етар. Шугина одамга қанча чой кетар-



ди. Семинар тутагунча, бирор хилватроқ жойга кичкина дастурхонча ёзасиз. Ҳовлингизга ёзсангиз, яна саз — беблискироқ бўлади.

Эгнимни қисдим.

— Келинингиз йўқ эди-ку, ўзингизга ҳам маълум, кечагина бир ойлик ўқишга кузатиб қўйдим, — дедим. (Аммо нордон «дийдиё»ларидан аранг қутулдим, демасдим — ўрни эмас.)

— Йўқ бўлса, яна ҳам яхши, меҳмонлар эркинроқ ўтиришади. — Домла яйраб жилмайди. — Тагин бир гап, Саид Жумабоевич. Писта, бодомнинг хилини кўпайтираман, деб ўқитувчилардан пул тўплаб юрманг мабодо. Гап кўпайиши мумкин. Бунинг ўрнига, яхши-си, мундоқ қилинг. — Мудир қулоғимга аста шивирлади. — Иккита касаба союз аъзосига ариза ёздиринг. «Моддий ёрдамга муҳтожман», мазмунида. Уёғини ўзим тўғрилайман. Етмаганига унча-мунча ямарсиз. Авваламбор меҳмон ўз ризқи билан келади, деган гап ҳам бор.

Яхшиев «Москвич»и томонга бурилди.

— Мен қайтдим бўлмаса.

— Чой қиламиз, домла.

— Йўқ, чойни семинар куни ичамиз. Жигаркабобдан кейин ичамиз. Айтмоқчи, Саид Жумабоевич, уч-тўртта шампан олишни ҳам унутманг-а. Аёл раҳбарларимиз ҳам бор. Ичса-ичмаса, эҳтиёт шарт. Рўпарасида турса бас, обрўйингиз.

— Ҳўп, бўлади.

Мудир машинасига ўтирди. Сўнг деразадан бош чиқарди.

— Қозонингиз тоқ эмасдир ҳар қалай?

— Жуфт, қўшжуфт, — дедим шоша-пиша.

— Яшанг, биродар, омадингизни берсин. Тупроқ ушласангиз, олтин бўлсин.

Яхшиев жўнади. Машинанинг чанги босилмасданок югур-югур бошланди. Мактаб билан хонадонимга бамисоли шиддатли ўт кетди. «Ёнғин» ҳарорати йигирма биринчи куни кечки пайт «кичкина дастурхонча»даги неъматлар чўғи пасайгандан сўнггина сусайди. Меҳмонлар бизни оламжаҳон таҳсинларга фарқ этиб, шод тарқалишди.

Шу тариқа тажриба улашиб, обрў тўпласим. Ҳа, дарвоқе, кичкина дастурхончанинг шиша ва қозонга алоқадор қисми каминанинг чекига тушди. Район касаба уюшмаси берган олти червон тиргак бўлди. Бош-

қа жиҳатларига барака топгур коллективимиз саҳовати елкалашиб юборди. Мен ҳам, ҳамён ҳам анча енгил тортдик. Бироқ эртарақ енгил тортган эканмиз.

Кунларнинг бирида Яхшиев келди кулимсираб. Тўрт кун олдин кабинетларимиз ҳақида газетада мақола чиққан эди. Яхшиев газетанинг учинчи саҳифасини очиб, ўша мақолага ишора қилди.

— Табриклайман, Саид Жумабоевич.

— Раҳмат.

— Ўқигандирсиз, сизни, коллективингизни жуда мақташибди.

— Ҳа, ошириб юборишибди.

— Ғоят севиндим. Областга олиб борган эдим, у ердагилар ҳам ўқиб хурсанд бўлишди. Шаънингизга офаринлар айтишди. Мана сизга обрў-эхтиром.

Чаккамни қашлаб лоқайдгина тургандим, мудир бирдан сергаклантириб юборди.

— Энди бундай қиламиз, Саид Жумабоевич, — деди ёқимтой товунда. — Имоним комилки, мақолани кўпгина маорифчилар ўқиган, ҳавас қилган. Тажрибангизга қизиқиб, якка ҳолда ёки икки-учтадан бўлиб келишаверади энди мактабингизга. Илғор тажрибангиз хусусида уларга такрор-такрор сўзлаб беришингизга тўғри келади. Шу такрорнинг дамини шартта кесиб қўяқолсак, ақлли ва маъқул иш бўларди-да!

— Хўш?

— Яъни, тегишли фан ўқитувчиларини ёппасига таклиф қилсак. Кичкина семинарча уюштириб берсангиз, биратўла қутулардик. Сизга ҳам обрў бўларди, бизга ҳам.

Янгангиз «қўли очиқ» жувон. Бу «фазилати»ни поездга чиқиш олдидан вокзалда ҳам намойиш қилди. Кассир янглишиб, қайтимини ўн бир тийин кам берибди. Шунга кўтарди жанжал, тўпланди халойиқ, милиционер, дружиначи!.. Номусларга ўлай дедим. Янгангизнинг ўша ондаги важоҳатини хаёлан «кичкина дастурхонча» тепасида кўриб, юрагим «шиғ» этиб кетди. Лекин дарров ўзимни тутиб олдим.

— Ҳа, обрў бўларди, — овозим гўлдираб зўрға чиқди.

— Қолаверса, ҳар бир келгувчига мўрингизнинг тутунини кўрсатмасликнинг зинҳор иложи йўқ, — таъкидлади мудир. — Шундай бўлгач, тутунларни жамлаб мўридан бирдан ҳайдаб қўя қолиларди.

Сиртимда илжайдим, ичимда ичагим қалтираб кулдим. Ғамхўрликни қаранг, ғамхўрликни!

Яхшиев илжайишимни бошқа ёққа йўйди.

— Кулги — чехранинг гули ва яна мамнуният белгиси. Яшанг, азамат!

Нима ҳам дердим, кўндим. Бу гал «кичкина дастурхонча» сўлим сой соҳилига ёзилди. «Дастурхонча» чўнтакка отпуска инъом қилиб, эвазига офилдаги бузоқни етаклаб кетди.

Илмий бўлим мудиримиз кеча янги гап топиб келди: мактабимиз базасида районлар аро семинар-кенгаш ўтказилар экан. Область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг масъул ходими айтибди. «Мақтов ёрлиғи»га муносиб педагоглар тўғрисида маълумот сўрабди. Ана! Демак, барвақтроқ «кичкина дастурхонча»нинг ғамини ейиш керак.

Чамалаб боқсам, «кичкина дастурхонча»нинг эҳтиёжини қондириш учун киссада ҳам, офилда ҳам дармон қолмабди. Энди қайнонамнинг рўзғорига мурожаат қилишга, унинг ашёларини бир оз ихчамлаштиришга тўғри келади.

Қайнонамнинг кўпни кўрган, чувак юзли, йирик кўзли тўқол эчкиси бор. Қозонга «ташриф буюриш» навбатини шу «кампиришо»га ҳавола қиламиз. Жунсиз териси билан суяги орасида бирор нарса борми, йўқми — номаълум. Ҳозир «бўлғуси марҳума»нинг ҳузурига кетяпман. «Хизматга таклиф этаман». Ой охирлаб қолди, қайнонамга пенсия теккандир, бир йўла уни ҳам олиб келаман.

Ҳа, азиз семинарчим, гаплар ана шунақа, обрў йивяпман. Энди оқ йўл тилаб қолинг, юракдан, астойдил тиланг! Эвазига маликаи дилозор ўқишдан қайтса, менга қўшиб сизни ҳам «қуюқ дуо» қилади. «Алқаш»ни ўттиз икки тишингиздан бошлайдими ёки дастлаб кекирдагингизни тилга олишни афзал кўрадим, бунисини келажак кўрсатади.

## ХАШАКИ МАЖЛИС

Мажлислар залининг деразалари чарақлаб турибди. Хиёбон ва гулзорлар оралаб ўтувчи асфальт йўлкалар енгил машиналарга тўлиб кетган. Шофёр аҳли машиналар ичида ёки неон чироқлар остида ул-бул ўқийди.

карта ўйнайди, рўпара келган мавзуни айқаш-уйқаш қилиб муҳокамадан ўтказади.

— Оҳ, оҳ, оҳ! Муздайгина экан шу ер! — деди новча йигит. — Бугун ҳаво жуда исидими, Ўсар? Нақ ёндираман дейди-я, номард!

— Ҳм!.. Энди пастлади иссиқ, — деб жавоб берди пакана йигит. Кейин ярақлаб турган ойга суқланиб боқди. — Қара-я, роса тўлибдими!

— Ҳа, тўлибди, — деди Ўсар ойга тикилиб ва кескин ҳаракат билан ҳамсуҳбатига юзланди. — Айтмоқчи, Салим, тунов кунги заказ нима бўлди?

— Қайши жакаж? — деб сўради Салим синчалоғининг учи билан тишини ковларкан.

— Вой, хотиранга вилт тушгур! — дея Ўсар Салимнинг елкасига қоқди. — Ҳў, чинни лаган-чи?!

— Ҳа, уми? — Салим носини четга пуркаб юборди. — Лаган келмаяпти. Базага келсин, раисга айтиб, беш-ўнта ундириб бераман.

Шу пайт қора «Волга»дан бир йигит отилиб чиқиб, буларнинг олдига келди.

— Э, буёқдамидинглар? — дея қичқирди у кафтини кафтига ишқаб.

— Ҳеч кимда дурустроқ сигарета йўқ! Қарасам, шу ёқдан бир жуфт олов бўрининг кўзидек йилт-йилт қилиб турибди. Тикилиброқ назар солсам, «Орбита»нинг «кўз»лари! Кейин... Қани, кимда бор ўпка дори?

Салим жиккак унга сигарета узатди.

— Ма! Қачон қараса тиланчилик экан-да сеники!

— Тилаб чексанг, ширин бўлади! — деб жиккак йигит сигаретини тутатиб уч-тўрт тортди. Кейин уёқ-буёққа қараб олиб, энгашди ва сирли оҳангда қаттиқ шивирлади: — Эшитдиларингми, бугун Нусрат акани муҳокама қилишаркан!

— Раисингни-я?! — дея барабар савол ташлашди икковлон.

— Ҳа-да! Ҳў бирда айтган эдим-ку: «Нусрат акамнинг устидан ёзишибди, текширишяпти», деб. Ўшани яқунлашар экан бугун.

— О-о!.. Ажралиб қолмасайдинг раисингдан, Азимбой?

— Ажралишим аниқ! Ишлар жуда қалтис! Шикоятда ёзилганлар тўппа-тўғри чиқибди! — Жиккак йигит кескин қўл силтади. — Э, кетса кетсин-э! Ўзим ҳам безорижон бўлиб юрган эдим.

Ўсар истеҳзо билан илжайди:

— Ҳо, энди ёмон бўлиб қолибди-да? Бир вақтлар роса мақтар эдинг-ку, жинқарча, «Раисим зўр! Раисим хўроз!» деб.

Азим бошидан дўпписини олиб, силлиқ таралган сочини силади.

— Ҳа, у вақтларда ҳақиқатан ҳам хўроз эди-да! Бора-бора тожиси шалпайиб... Ўзи ҳам чарх уриб, роса югурди-да! Шу ялинади дегин, шўрлик, одамнинг раҳми келади! Ҳаммасини биламан-да!

— Сенга нима деб ялинди? — дея шошиб сўради Ўсар.

— «Бўлган иш бўлди, ҳеч кимга айтма!» дейди.

— Айтдингми, айтмадингми?

Азим кўзини қисиб, кулди:

— Ҳеч қайсисини айтмадим. Бу ердан борганлар мени кабинетга чақириб суҳбатлашишди. Ҳар баҳор чўлга яширинча шоли, даштга сабзи-пиёз эктиришини ҳам айтмадим. Уларга кечалари минерал ўғит элтиб берганимни ҳам айтмадим. Тонна-тонна шолио сабзавотларнинг бозор айланиб, отнинг калласидай муллажиринг бўлиб келишини ҳам айтмадим. Колхоз фермаси қозонига бузоқ ташлаб, хўкиз олганини ўзлари текшириб билишибди.

— Танқидчи бўлиб кет-е! — деб хитоб қилди Салим муштгумини қисиб. — Ҳа, яна нималарни «айтмадинг?»

— Ҳовли-жойини кўргансан-а? — деб луқма ташлади Ўсар. — Ҳу, ўғлини уйлантирганида боргансану тўйига? Шоҳона!

Азим қўл силтади:

— Колхознинг теракларини кесдириб қурдирган. Куч ҳам колхоздан. Аммо колхознинг ободончилиги хусусида тариқча бош қотирмайди! Мана, Ўсар, сенинг колхозингни олайлик. Қишлоқларинг бамисоли шинам шаҳарчага ўхшайди. Йўллар чиннидай асфальт. Ҳамма хонадонларда водопровод! Газ!.. Бизда-чи? Кўчалар чигал ипга ўхшайди! Идора атрофи қўриқ! Клубда ҳар баҳор қурт боқилади. Бошқа пайтда пиёз сақланади. Энди мактаб биноларини қара! «Ана қулайман, мана қулайман», деб зўрға турибди!

Азим сигаретасини йилтиллашиб тутатди.

— Ана шунақа! Хў-ўш, шапалоқ мукофот олганимни ҳам айтмадим.

Шу пайт даврага шалпангқулоқ йигит келиб қўшилди.

— Э, ҳа, мажлис авжида-ку! — деди у скамейкага ёнбошлаб. Азимга қаради: — Нимани айтмадинг? «Мукофот»ни қайси хизматларинг учун олгансан? Билсак бўладими?

— Жуда-жуда бўлади-да! — Азим кўзини сузиб, бош қимирлатди. — Шу денглар, келинойимиз ҳар куни «Волга»га чиқиб, эшикни қарсиллатиб ёпадилар. «Азимбой, Гултепага ҳайданг!», «Азимбой, шаҳарга буринг!» Жонимга тегди! «Келинойи, — дедим кунларнинг бирида, — умид билан машина харид қилгансизлар. Ҳайдашни ўрганинг, белини қайиштириб мининг хумпарни!..»

Бу гап Нусрат акамизга қаттиқ ботибди. Бирни у деди, бирни мен. Мукофот ана шунда теккан.

— Э, хусусий машинаси борми раиснинг? — деди Ўсар кўзларини катта очиб.

— Ҳа-ҳа! Гаражда қантариғлик турибди солидоли билан.

— Об-бо номард-эй! Жуда ҳам ошиб-тошиб кетган экан-да ўзи! — Салим Ўсарга қараб бош силкитди. — Қара-я! Раҳбарлар нечук индамас экан-а, уларга?

— Баъзи катталар кўпинча пландан нарини кўрмайди! — деди Салим.

— Индайди. Мана, энди индайди! — гапни илиб кетди Азим. — Ҳамма нарсанинг вақти соати бор.

Шу пайт зинада биров пайдо бўлиб, суҳбатни бўлди:

— Азимбой, ҳов, Азимбой!

Ҳамма сергакланиб, индамай қолди. Азим дик этиб ўрнидан турди-да, зина томонга югурди.

Нусрат ака унга ўқрайиб қаради, лекин бир сўз демади. Тарс-турс юриб машина олдига келди. Тўхтаб, орқасига қайрилди:

— Раҳмат сизларга! Яхши хизмат қилдинглар! — деди бўғиқ, қалтироқ товуш билан зинада турганларга. — Муродингга етдинглар!

— Ҳа, энди шунақа экан-да! — сўз қотди тик турганлардан бири. — Қилмиш-қидирмиш, дегандай...

Нусрат ака ўзини машина ичига урди. Эшикни қарсиллатиб ёпди. Ҳамма машина орқасидан унсиз қараб қолди. Кимдир: «Иҳм-м!» деб қўйди секин.

Салдан кейин ҳашаки мажлис яна бошланиб кетди.

## МАРҲУМНИНГ ҲУРМАТИ

Жўра пиён билан Зокир пиён буфетда роса «тортишиб», энди кўчага чиқишган эди, танишлари учраб қолди.

— Ҳа, Собир ака? — Зокир пиён унинг қўлтиғидан тутди. — Жуда шошилинч?

— Э, ошналаринг омонатини топширибди, эшитмадиларингми? — деди Собир ака.

Иккала пиённинг кўзлари катта очилиб кетди.

— Қайси ошнализ?

— Шоюнус пиён-чи? Кўктераклик.

— Э, Шоюнус пиён-а? Қачон?

— Ҳозир хабар келди.

Икки пиён бир-бирларига ялт этиб қараб олишди-ю, тўсатдан йиғлаб юборишди.

— Вой, Шоюнусжоним, Шоюнус пиёним!..

— Вой, Шоюнусжоним-эй...

— Ҳой, сизларга нима бўлди? — деди Собир ака. — Бас! Марҳумнинг уйига борганда йиғлайсизлар.

— Энди қирққа кирганда... Касал эдими, нима бўлиб ўлди? — сўради Жўра пиён йиғидан ўзини тўхта толмай.

— Ичкиликка ружу қилаверса, шунақа бўлади-да! — жавоб қилди Собир ака. — «Кимки ичкиликка бўлар меҳрибон, ўт ичида ёнар — қолмагай омон» деган экан бир донишманд.

Икки пиён «шилқ-шилқ» йиғлаганларича марҳумнинг қишлоғи томон йўл олишди. Марҳумга ҳурмат белгиси сифатида то азахонагача пиёда лўкиллаб боришга қарор қилишди. Марҳумга эҳтиром юзасидан йўлда учраган магазиндан бир шиша ароқ ва бир дона пиёз олишиб, чўнтакка уришди. Йўл-йўлакай галдаги вазифалар хусусида маслаҳатлашишди. Маслаҳатга кўра, ҳозир тўғри бориб, азахонага дод солиб киришадди. Кейин то қабристонгача тобут олдида марҳумнинг фазилатлари ҳақида айтиб йиғлаб, айёҳаннос тортиб боришади. Қабристонда марҳум билан видолашиб, унинг ҳурмати учун шишани бўшатишади.

Улар дарвозадан ўтиб ичкарига киришганида ҳовли одамга тўла, бир томонда эркаклар, бир томонда аёллар, қий-чув эди. Қий-чувга улар ҳам қўшилиб кетишди.

— Булар Шоюнуснинг қадрдон ошналари экан, — деди кимдир қаттиқ шивирлаб. — Бордон қишлоғидан келишибди...

Бир йигит пиёнларнинг қўлларига тол ёғочдан ясалган ҳасса тутқазди. Бир жувон иккита зангори белбоғ олиб чиқиб, уларнинг белига пальтолари устидан боғлаб қўйди.

— Ҳой, янга, — деди шу пайт Жўра пиён «ҳиқ-ҳиқ» қилиб. — Марҳумнинг энг севган буюми қайси эди?

Аёл тушунмади. Зокир пиён изоҳ берди:

— Яъни марҳум нимада ичар эди? — деди.

Аёл яна тушунмади.

— Нимани? — деди.

Мўйсафидлардан бири тандир бошида турган алюмин финжонни олиб, Жўра пиёнга тутқазди.

— Мана, мана шунда ичар эди ароқни.

Жўра пиён финжонни мамнуният билан олиб, ихлос билан ўпди. Сўнг белбоғига осиб олди. Кейин фарёди оломонга қўшилиб кетишди.

— Сершовқин давраларнинг булбули эдинг, Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус!

— Шишазор буфетларнинг гули эдинг, Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус!

— Шарбатли пишаларнинг қули эдинг, Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус!..

Ниҳоят, жасад тобутга олинди. Расм-русмлар адо этилди. Тобут елкага чиқди. Дод-фарёд кўтарилди. Меҳмонлар тобут олдига ўтиб олдилар.

Икки шоввоз узун дала йўлида кетиб боряпти. Қўлда ҳасса, оғизда фарёд.

— Қирқ ёшда доvon ошган, Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус...

— Узоқ йўлга сафар қилган, Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус!..

— Борар жойинг винзавод бўлсин, Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус!..

— Марҳум Турсун пиёнга саломлар айт. Шоюнус, Шоюнус, Шоюнус!..

Меҳмонлар қабристонга етгунча бақиравериб томоқлари қирилди.

Қабр ҳали битмаган экан. Тобутни қабр тепасига қўйишди. Одамлар чекка-чеккага унсиз чўкишди. Ҳамма жим. Фақат меҳмонларгина намли тупроқ чи-



қаётган тешикка термулиб, «хиқ-хиқ» қилишар, алланималар деб инграшар эди.

— Раҳмат, меҳмонлар, раҳмат! — деди чоллардан бири қичқириб. — Марҳумнинг хурматини хўп ўрнига келтирдиларинг, энди дам олинглар. Марҳумнинг руҳи безовта бўлмасин.

Меҳмонлар «хўп, хўп» деб ерга ўтиришди-ю, дам ўтмай яна пиқиллаб йиғлаб юборишди.

— Марҳум мановида ичар эди, — деди Жўра белидаги финжонни кўрсатиб.

— Худди шундай! — деди Зокир. — Тўлдириб-тўлдириб ичар эди!..

Оломон «Оббо!» дегандай, шу ёққа қаради. Мўйсифидлар меҳмонларнинг ён-верида ўтирган ўспиринларга бош ирғаб: «Тинчитинглар шуларни!..» дегандай ишора қилдилар. Тўрт йигит меҳмонларга яқин келишди. Меҳмонларни алдаб-сулдаб нарига — янги қазилган зовур тупроғининг орқасига бошладилар.

— Алвидо, шишадан дўстим, Шоюнус! — деди икки пиён тобутга боқиб, — Алвидо!..

Йигитлар меҳмонларни ажриқзорга ўтқазиб, қайтдилар. Қабр битди. Жасад кўйилди. Ҳамма оғир кўзгалди. Шу пайт мўйсифидлардан бири ёшларга қараб:

— Ҳой болалар, меҳмонлар қани? — деб қолди.

— Қайси меҳмонлар? Э, ҳа! — Бир неча йигит зовур ёнидаги ажриқзорга югуриб кетишди.

Улар борганда, меҳмонлар учиб, ажриқзорда ағанаб ётишарди.

Жўранинг лабида чайналган пиёз қолдиқлари, Зокирнинг кўлида финжон. Бир ёнида бўш шиша. Йигитлар меҳмонларни белига қўйиб, трактор ёнига келтиришди. Фовур кўтарилди. Йигитлар меҳмонларни прицепга ётқизишмоқчи бўлишди. Аммо чоллар унашмади.

— Қаттиқлик қилади прицеп! — деди бир мўйсифид жеркиб. — Олдин анови кўрпани тўшанглар.

— Қандай бўлар экан? — эътироз билдирди кимдир.

— Бўлаверади! — юраги торлик қилди ҳалиги чолнинг. — Марҳумнинг яқин оғайнилари экан меҳмонлар. Бўлаверади!

Прицеп устига кўрпа тўшалди. Ёстиқлар қўйилди. Меҳмонлар ётқизилди. Усларига тўшак ва марҳумнинг чопони ёпилди.

Трактор секин кетиб борар, меҳмонларнинг бош-

лари аста силкинар, прицеп орқасида одамлар маъюс қадам ташлар эдилар.

Ёшларнинг бири шеригининг қулоғига:

— Шунақа экан-да, — деди қиқирлаб, — ерга бир-ни берсанг, икки қилиб қайтаради.

Шериги хахолаб юборди ва кафтини дарров оғзига босди.

Чоллар нохуш тўнғиллаб қўйишди.

— Ҳа, шайтонлар, шайтонлар!..

Меҳмонлар бу гаплардан беҳабар жимгина ётишар, афтидан, марҳумнинг ҳурматини охиригача бажо келтиришар эди.

### «ХЎБ-БА!»

Бурноғи йили эди. Конизар қишлоғига тўйга кетяпмиз. Йўлда ҳамроҳимга савол ташладим.

— Мазкур қишлоқни олдинлари нега «Конизар» деб аташган?

Ҳамроҳим мийғида кулди.

— Ҳали биласиз.

Тўйхонага кирдик. Ҳовлида тумонат одам. Дошқозонлар қуюқ буғ оғушида. Хилвагина йигит микрофонга жон куйдириб гапиряпти. Унинг ёнида оппоқ соқолли мўйсафид икки қўлида ғалвир тутиб турибди. Оқ карнайдан шеригимнинг номини эшитиб қолдим.

— Ана, тўй соҳибининг бошлиғи фалончи ҳам келди. — деди диктор. — У сартарошга эллик сўм ташламоқчи. Отасига раҳмат! Отаси ҳам қўли очик, тўкилган-сочилган одам эди раҳматли. Илоё омин, у дунёсини берсин!

Ҳамроҳим жиноят устида қўлга тушган кишидай, бир зум довдираб қолди. Сўнг чўнтагидан бешта қизил червон чиқариб, ғалвирга ташлади. Ғалвир тутган чол илҳомланиб шеригимни астойдил дуо қила кетди.

— Саховатингизга тасанно, болам. Умрингиздан барака топинг. Тупроқ ушласангиз, олтин бўлсин, меҳрибоним. Бола-чақангизнинг орзусини кўринг. Бола фақир бор-будини сарфлаб, тўй қилди умид билан. Раҳмат, минг раҳмат.

Чол йиғламсираб юборди. Навбатим келганини сезиб ёнимни ковлаётган эдим, сургиллашиб мени ичкарига обкириб кетишди. Меҳмонхонада ўтирибману

кулоғим ташқарида. Йигит келаётган меҳмонларни радио орқали халойиққа қувонч билан таништирар, уларнинг неча сўм ташлагани ҳақидаги хабарни тўй аҳлининг кулоғига қуяр, чол эса зўр ҳафсала билан дуо қилар эди.

— Баракалла, отам. Умрингиз узун, имонингиз баркамол бўлсин. Фирдавсга сазовор бўлинг. Тўй эгасидан қайтмаса, худодан қайтсин. Ҳа, кўп яшанглар, азизлар. Ҳиммат халтасининг оғзини кенгроқ, бор бўйича очинглар. Унақа қурумсоқлик қилманглар. Қаттиқлик яхшиликка олиб бормади. Тўй эгасининг бир этак фарзанди бор. Шу боисдан енгил машина сотиб ололмай турибди. Ҳа, мурувватли меҳрибонларим, саҳий бўлинглар. Атаганларингни тортинмай ташланглар фалвирга, савоб бўлади...

Дастурхондан туриб ташқариги чикдик. Фалвир пулга тўлай деб қолган, тўй эгаси унга олисдан туриб, яширинча нигоҳ ташлаб қўяр, унинг миқдорини фикран чамалаб кўрар ва тинмай жилмаяр эди. Йигит билан чол яна ярим соатча гапиришди.

— Фалати одати бор экан-а, буларнинг? — тааж-жубланиб сўрадим шеригимдан. — Ҳеч қаерда кўрмаган эдим бунақа қилиқни. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш хусусида гап кетаётган бир пайтда, бу қанақаси?..

— Ҳа, шундай, — жавоб қайтди шеригимдан. — Тагин бир удуми бор бу қишлоқнинг. Ҳали кўрасиз.

— Пулнинг барчасини сартарошга беришадими?

— Қаёқда! Сартарошга атиги чўтал беришади, холос. Ҳаммасини тўй эгаси олади.

Қишлоқнинг иккинчи удумини ҳам кўрдим. Кечки пайт ош дамланди. Дарвоза ёнига чикдик. Бир йигит велосипед миниб, юртни ошга чорлаб келди. Гўё космосга чиқиб келгандай виқор билан велосипеддан тушди. Кимдир унга «кишнатиб юбор!» деди.

— Хўб-ба! — қичқирди чорловчи йигит ва велосипедни зарб билан олдинга итарди. Сўнг тик қилди. Велосипеднинг олдинги гилдираги ҳавода «чир-чир» айланди. Йигит гилдиракни тўй эгасининг пешонасига тўғрилади. Тўй соҳиби йигитнинг чаккасига ўн сўм қистирди. Йигит «хўббалаш»да давом этди ва барча меҳмонларни бирма-бир «сийлаб» чиқди. Ҳамёни пучларнинг юзларига «нечундир» қизил югурди.

— Ҳм, тушунарли, — дедим қайтишда. — Конизар-

нинг тўйи меҳмонлар учун кони зарар экан. Қишлоқнинг қадимги номи ўзига жуда муносиб экан.

— Шунақа, — иқроор бўлди ҳамроҳим. — Конизар активларининг ташландиқ удумларга бўлган муҳаббат ва эътиқодларига «барака» берсин! Хўб-ба!..

## ЙЎЛДАГИ ВОҚЕА

Кеч соат ўн бирлар чамаси эди. Вагоннинг ғарбий қисмидаги йўловчилар бирдан бесаранжом бўлиб қолишди. Ўзаро шов-шув.

— Энди нима қилар экан, бечора, ҳам буюмларидан ажраб, ҳам билет пулига куйиб.

— Билетга-ку, куймас, буюми ҳам ўзига тегар-ку, ташвишни, оворагарчиликни айтинг.

— Балиқ емай мен ўлай!..

— Проводникни чақириш керак!

Дам ўтмай улар қаршисида проводник Қоплонбек аканинг қотма, қоп-қора юзи пайдо бўлди.

— Нима гап? — деди у ташвишли кўзларини ҳаммага бир-бир тикиб. — Тинчликми?

Маълум бўлишича, Шарофат опа деган бир аёл ёнида келаётган Акрамжон исмли йигитга қайси бир станцияда: «Иним, шу ерга тушиб бир қарамайсизми, пишган балиқ бормикан», депти. Йигит тушиб кетибди. Бироқ мана уч станция ўтишти ҳамки, дараги йўқ экан.

— Тунда балиқ ейишга худодан ваҳий келган эканда, бу кишига, — хирқиради кўшни купедан эркак товуши.

— Қўйинг, унақа деманг, амаки, — жавоб берди бошқа купедан бир аёл, — атайлаб қиптими!

Қоплонбек ака ҳозир ҳар бир сўз, ҳар қандай мунозарани ортиқча деб билди-да, заҳар тилини айбдорга қаратди:

— Ахир, шуни эртароқ айтмайсизми, ҳар нарса бўлса ҳам, — деди ўзини қоронғига тортиб мунгайиб ўтирган аёлга юзланиб. — Қилғиликни қилиб қўйиб, яна... Йиғига бало борми! Артинг ёшингизни!

Хотин хазин товуш билан бурчакдан минғиллади: «Қайдан билай, мен... мен уни бошқа вагонларда...»

— Бошқа вагонларда эмиш!.. Қанақа йигит эди ўзи?!

— Новча, хипча, жингалак соч, йўл-йўл кийим...

Қоплонбек ака йигитнинг жойига, чамадонига яна бир қаради-да, одамлар ичидан сўғурилиб чиқди, кескин бурилиб орқасига қайтди. Йўл-йўлакай шериги Аҳмаджонни чақирди, унга ниманидир уқтириб, орқа вагонга йўллади. Узи эса олдинги вагонга ўтди-ю, ҳаял ўтмай қайтиб келди ва яна Шарофат опага рўпара бўлди.

— Танирмидингиз? Ҳеч ким тавимасмиди?

Қоплонбек ака вагон бўйлаб юриб, барча йўловчиларни синчиклаб кўздан ўтказди, унинг кўзига юқори полкага ётиб олиб, китоб ўқиб пиқ-пиқ кулаётган анови йигит, бир рус киши билан берилиб гаплашаётган ўзбек жувон ва бошқалардан ташқари ҳамма ва ҳамма, нечукдир уйкудагилар ҳам ҳам ютиб, ҳам чиқараётгандек бўлиб кўринди. Бу ҳол вагонни доим хушчақчоқ кўриб ўрганган Қоплонбек акага эриш туюлди, юрагини қисди. У қопқора, шопдай мўйловини босиб-босиб силади, сўнг ташқари эшикни очиб, зинапояга тушди, поезднинг орқасига, олдига аланглади, зимистон — ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Паровоз «хўп-хўп»лаб, қора тутун пуфлаб хотиржам олға интилади. У, диққати ошиб, яна ичкари кирди.

Орқасидан Аҳмаджон кириб, «йўқ» жавобини берганда, унинг назарида бутун вагон чуқур ташвишга ботиб «ух», деб юборгандек бўлди. Чиндан ҳам йигит воқеаси кўпларнинг, айниқса сергак қариялар суҳбат мавзусининг туб ва кўнгилсиз манбаига айланган, ҳамма босинқи товуш билан сўзлар, йигит тақдири ҳақида ҳар ким ўз тахминини айтиб, уни кўрган-билган йўл саргузаштлари билан шиббалаб пишитар эди.

Бир кампир бу жойлар хатарли эканини гапириб, бунга қачонлардир московчи савдогарни босмачилар талаб, иккитасини пичоқлаб кетгани ҳақидаги чолининг ҳикоясини далилга келтираётган эди, бир мўйсафид уришиб ташлади.

— Э, кўйсангиз-чи шунақа гапларни! — деди у юқоридан тушаётиб. — Сиз айтган замонлар ўтиб кетган. Қолаверса, ўшанақа муттаҳамларни қутуртирадиган нарса ана, шу ерда!..

— Хўп, вазият-ку, шундай-а. Урди-олди замонлар ўтиб кетган. Ҳозир аксарий одамларимиз бировнинг бирор нарсасини топиб олса, уни то эгасига ёхуд бирор ишончли жойга топширмагунча ўтириб кўнгли тинчимайди, ётиб уйқуси келмайди. Лекин бунинг йигит масаласига нима даҳли бор?

— Энди нима қилиш керак? — вагон бошида шу муаммо дайдир эди. — Йигитнинг таниши бўлмаса, қаердан чиқди, қаерга тушарди — ҳеч ким аниқ билмасан!

Жумбоқни ечиш эҳтиёжи чамадонни очиш заруриятини туғдирди.

Очилди.

Ундан турли совға-саломлар, кийим-кечак ҳамда «Синчалак» деган сариқ муқовали китоб чиқди.

Қизлардан бири унинг муқовасини очиб, чиройли қилиб ёзилган лавҳани ўқиди: «Рафиқам Саидахонга. Ушбу совғам қаҳрамони отдошингиздек бўлишингизни тилаб, ўртоғингиз Акрамжон. 26 июнь».

— Ҳим-м, ўртоғингиз Акрамжон, — деб қўйди Қоплонбек ака, гўё йигит ҳақида тугал маълумот топилгандек. — Қани, ичкарисини оч, ичкарисини.

Китобнинг ўртарағидан бир тўп пул билан ҳаворанг телеграмма бланкаси чиқди. Унинг адреси остига шу сўзлар ёзилиқ экан: «Акрамжон ака! Салом. Иштихонларни топшириб бўлаёздим. Бу йилги отпускангизни мен билан Қримда ўтказишингизни истардим. Жавоб сўзингизни эмас, ўзингизни кутиб: Саида, 23 июнь».

Ҳужжатлар ҳам титкиланиб, йигитнинг қаерлик экани роса ойдинлашгач, чигалнинг учи топилгандай бўлди-ю, аммо у бошқа бир чигалнинг учи бўлиб чиқди. Буюмларни йигитнинг уй адресига жўнатилса, у поездни қувиб буёққа йўл олса... Чигал учининг ҳадеганда топила бермагани одамларнинг кўнглига ғашлик солди.

Ахир, фикри ёди меҳнат отпускасини севгили ёри билан Қримда ўтказиш билан банд бўлган йигитнинг шодлигига бирдан пашша тушиб турса.

Бутун вужудини қамраб олган ширин хаёлларини лаънати бир тасодиф суғириб олса-да, қувончига раҳна солса!

Йўқ, бунга ҳеч ким рози бўлмайди.

— Яхшиси, ҳозир келадиган станцияга топшириб кетақоламиз, — мунозара яқуни шу бўлди.

Проводник бошлиқ уч ўспирин йигитнинг нарсаларини олиб кетаётганларида, бир кампир ўтирган жойидан қичқириб қолди.

— Ҳой, болаларим! «Буюмларинг палон истансада қолди», деб ўша йигитга айтиб қўйинглар сим билан, кўнгли тинчисин бола пақирнинг.

Улар қайтиб, буюмларни станция бошлигининг ўз қўлига топширганликларини, бу тўғрида йигит қолган станцияга телефонограмма ҳам берганликларини маълум қилганларида, гўё нарсалар ўз эгасига теккандек, вагон енгил тин олди. Қоплонбек ака саҳаргача ивирсиб юрди. Шериги «эртага ҳам кун бор»лигини, «эртага ҳам ишлаш керак»лигини писанда қилгандан кейингина ёстиққа бош қўйди. Бироқ кўнглининг бир бурчи ачишиб, яна алламаҳалгача уйку бермади. Борди-ю, телефонограмма тегмай қолса... бечора... Балиқ емай ҳам кет! Тагин бемалол тарвайиб ётганини-чи...

... Поезд радиоузелидан берила бошланган тонги музика вагонни жонлантириб юборди. Бир оздан сўнг музика тўхтаб, дикторнинг йўгон овози эшитилди. У тундаги воқеани сўнги ахборотига уч-тўрт оғиз сўз билан тиркаб юборди-да, охирида Акрамжондан олинган телеграммани ўқиб берди: «Москва поезди, 4-вагон пассажирларига. Хабарингизни олдим. У орқали буюмларимни ҳам топдим... Раҳмат, сиздек кишилари-мизга раҳмат, минг раҳмат!» Ҳамма бир-бирига қараганича бир лаҳза тек қолди: табассум очган лаблар нимадир дегиси келар, юзларда қувонч, кўзларда меҳр шуълалари барқ уриб турар эди. Шарофат опа шодлигидан рўй-рост товуш чиқариб йиғлаб юборди. Кимдир чапак чалиб қийқирди. Бир қиз дугонасини беихтиёр қучиб ўлиб олди. Вагон руҳида нимадандир мамнунлик ҳисси кенг қанот ёзиб, осойишта парвоз қила бошлади.

Қоплонбек ака Шарофат опанинг олдига: «Кеча аччиқ устида оғзимдан бадҳазмроқ сўз чиқиб кетган бўлса, кечирасиз», деб иссиғида авф сўрагани борган эди, тили шошқолоқлик қилиб: «Энди унақа йўлда балиқ еманг», деб юборди. Ҳамма уни ҳазил гумон қилиб, қийқириб кулди. Бу гап ҳатто, ҳозиргина кўз ёши қилиб ўтирган Шарофат опани ҳам таъсирига тортди.

Қоплонбек ака кишиларнинг, айниқса, «айбдор» Шарофат опанинг кулгисидан хижолат бўлиб бошини қашлади. Лекин бу ҳиссиёт баҳор ёмғиридек ёқимли, ёмғирдан кейинги қуёш нуридай оромбахш эди — кулгига ўзи ҳам қўшилди. Сўнг ёқимтой пассажирларининг гул-гул очилиб кетган чеҳраларига меҳр билан, завқ-шавқ билан қарай-қарай орқасига бурилди, жилмайиб, мўйловини икки томонга майин ҳимариб қўйди-да, қандайдир бир куйни хиргойи қилиб, бўлмасига кирди. Йўловчиларга чой тайёрлар экан, ўзича:

— Зап кишиларимиз бор-да, аммо! Бундай одамларни олиб кетаверсанг, кетаверсанг — маршрут ҳам тугамаса, умринг ҳам, — деб қўйди.

У, негадир, тунги воқеанинг тагин бир такрорланишини истарди.

## ДИРЕКТОРНИНГ ДАРСИ

Мактабда тўққизинчи йил ўқияпман. Бироқ бирор марта бўлсин, директорнинг дарсида бўлиш насиб этмаган. Зўр ва аломат бўлса керак директорнинг дарси! Ахир, ўзингиз ўйланг, директор муаллимларнинг муаллими, устозларнинг устози бўлади. Программа материалларини ўқитувчилар қулоғимизга қўрғошиндай қуйиб ташлайди-ю! Директор эса, ҳеҳ-ҳе! Талабаларнинг калласини билимларга лиммо-лим қилиб, пешоналаридан мунчоқ-мунчоқ ақл оқизиб юборса керак.

... Ниҳоят, орзуимга етдим. Директорнинг дарсини тинглаш шарафига муяссар бўлдим. Май ойида деҳқонқишлоқлик тоғам уй-ичиси билан саёҳатга кетди. Шу муносабат билан тоғамга қарашли хонадоннинг назоратчилиги менга қолди. Ўқишни Деҳқонқишлоққа кўчириб олдим. Бахтни қарангки, тўққизинчи синфда директор Ҳафизовнинг ҳам дарси бор экан! Ҳафизов бир эмас, иккитадан — тарих ва география фанларидан сабоқ берар экан! Уре! Роса мириқадиган бўлдим. Қувончдан энтикиб, директорнинг дарси бўладиган кун — чоршанбани кутдим. Мана, чоршанба ҳам келди. Учинчи соатда тарих, бешинчи соатда география дарсини маза қилиб эшитаман. Учинчи дарсга кириш учун қўнғироқ чалинди. Беихтиёр ичкарига талпиндим. Лекин синфдошларим негидир ошиқмас, уларнинг аксарияти ҳануз ҳовлида юришар эди. Фашим келди. Ахир, директорнинг дарсига ҳам шунақа совуқ муносабатда бўлишадими! Кейин билсам, асабим торларини ўринсиз тортган эканман. Болалар директорнинг дарсга кириш муддатини жуда аниқ билар эканлар. Улар синфга қўнғироқдан беш-олти минут ўтгандан кейингина киришди. Еттинчи минутда эшик очилиб, устоз пайдо бўлди. Шогирдлар апил-тапил парталарга тизилди. Қий-чув тинди.

Бизнинг мактабдаги сингари мазкур тарбия масканида ҳам кўп фанлар кабинет системасида ўқитилар, синфларда тўлиб-тошиб ётган кўрғазмали қурооллар ва



техника воситаларининг хизматини дарс мағзига сингдириб юборилар экан. Аммо бу ҳолатдан директорнинг дарси мустасно бўлса керак, Ҳафизов яланғоч хонага «СССР тарихи» китоби ва синф журнали билан кириб келди. Дарсни шундай ҳам дўндириб ташласа керак-да!

Алқисса, Ҳафизов журнални очиб, йўқлама қилди. Китобни варақлар экан, бизга қаради. Барчамизни бирма-бир кўздан кечирди. «Кимсан, бу ерда нима қилиб ўтирибсан?» — деб суриштириб қолса, қандай жавоб қайтараман экан, деган ташвишда эдим. Хайрият, ундай қилмади. Афтидан, шогирдларини дуруст танимаса керак, мени бошқалардан ажратиб ололмади. Синфга савол ташлади.

— Хўш, уйга вазифа нима эди?

Уч-тўрт ўқувчи қўл кўтариб жавоб берди.

— «Халқ хўжалигининг муваффақият билан тикланиши»ни ўқиб келиш эди.

— Уни синфда ўқиганмиз. Вазифа «Социалистик индустрлаштиришнинг бошланиши»ни ўқиб келиш эди.

— Яхши, — ўнғайгина рози бўлди директор ва журналга тикилди. — Қани, Собирова ким? Доскага.

Собирова доска ёнига борди ва директорнинг буйруғи билан «Социалистик индустрлаштиришнинг бошланиши»ни айтишга киришди.

— Совет халқи халқ хўжалигини тиклашни 1925 йилда асосан тугаллади...

Шу он кимдир эшикни чертди. Директор ташқарига чиқди ва салдан кейин қайтиб кирди.

— Сен, Собирова, ўқиб бер. Бошқалар кузатиб борсин. Мен дарров телефонга кириб чиқай.

Директор жим ўтиришимизни тайинлаб, хонадан чиқди. Собирова қайси темани ўқишни билмай, бир лаҳза тарадудланиб турди-да, таваккал қилиб «Биринчи беш йиллик даврида мамлакатни индустрлаштириш учун кураш» сарлавҳали текстни ўқишга киришди. Бироқ унинг чийилдоқ товуши дам ўтмай болаларнинг шовқини остига кўмилиб кетди. Мен синфком раиси Каримов билан бир партада ўтирардим. Каримов синфни такрор-такрор тартибга чақирди. Лекин унчалик фойдаси тегмади. Собирова кўзларини пирпиратиб, бир лаҳза болаларга жавдираб турдида, ўқишдан тўхтади. Жойига келиб ўтирди. Фовир тўлқини пол, шифт ва деворларга бир маромда урилиб тур-

ди. Директорнинг «дарров»и ярим соатдан сал мўлроқ бўлар экан. У қўнғироқ танаффуста чорлаётганда, шошиб кириб келди.

— Колхозга қақришган экан, — деди ҳансираб, — ўқиб бўлдиларингми? Хўп, қолганини уйда ўқиб келинглар.

Директор китоб ва журнални қўлтиқлаб, ташқарига отилди. Ҳайрон бўлдим, ниманинг қолганини ўқиб келамиз экан? Дилим нечундир хира тортгандай бўлди.

— Ҳай, майли, — тасалли бердим яна ўзимга. — География дарси ҳам бор-ку, олдинда.

Афсуски, география дарси бўлмади. Ҳаммамизни сафга тизиб, далага ҳашарга олиб кетишди. Ҳафизов Каримовнинг тоғаси бўларкан. Каримов гўза яғана қилиб юриб, гапириб берди. Директорнинг иши беҳад кўп бўлар экан. Мажлисдан чиқиб семинарга, семинардан чиқиб дала шийпонига югураркан.

— Бизнинг мактаб бригадирлар костюминиңг тутмасини ҳам солиб қўяди, — деди сўнг. — Бригадирлар уёқ-буёққа кўз-қулоқ бўлиб турганликлари ва мукофотланганликлари учун иш ҳақи олишади.

Каримов айтганидек, директорнинг ташвиши анчагина экан. Эртасига районга йиғилишга кетибди. Унинг икки соатлик дарсини бош пионервожатий ўтди.

Шундай қилиб, директорнинг дарсига «мириқиб» олдим.

## ШОШИЛИНЧ МАЖЛИС

Ниҳоят, Набининг сабр косаси тўлиб тошди.

— Пахта, чорва деса энтикиб қоласиз, пилладан гап очса эснайсиз, — деди у, Қўчқор аканинг юзига тик боқиб. — Нима, сиз пахта-ю чорвага раисмисиз?! Ипакчилик ўтай соҳами?!

Набининг мўлжалича, раис бунча гапдан сўнг: «Хўш, ўртоқ агротехник, нима даврдингиз бор?» — деб ундан ҳол-аҳвол сўраши лозим эди. Лекин раис бундай қилмади. Набининг елкасига аста қоқди-да, одатдагидай: «Яхши, яхши, партком ўқишдан келсин, бафуржа гаплашамиз», — деб қўяқолди. Набининг жиғи бийрони чиқди.

— Бултур ҳам шувақа ланжлик қилган эдингиз!.. Аммо бу йил аяш йўқ, юқоридан комиссия келиб қол-

са, тўғри ўзингиза рўпара қиламан, билиб қўйинг! — деди.

— Э, кўп ваҳима қилаверма, февралда нима бор комиссияга! Пилла комиссияси апрелда келади.

Қўчқор ака шартга бурилиб, фермага кириб кетди. Наби икки сонига «шап» этиб уриб қўл силтади.

— Бор, нима бўлса бўлар, менга нима!..

Наби жаҳл устида шундай деб юборди-ю, то уйига етгунча ўзини ўзи койиб келди.

— Менга нима дедингми, Наби?! И-е, вей! Бултурги доғни ювмасам, отимни бошқа қўяман деган ким эди бошқарма мажлисида! Энди бунақа... Хў, лапашанг, ландавур!..

Пахтакорлар баҳорни бой берса, куздан ажрайди. Пиллачи эса қишни бой берса, баҳоридан сербарака хирмонидан айрилади. Мана, хирмонни чош қиладиган ўша қишнинг ярми ўтяпти. Лекин сен на тутнинг ғамини единг, на қуртнинг! Юрибсан раиснинг кетидан шалолаб... Раиснинг эътиборини ҳозирдан жилолаб олмасанг, икки кундан кейин аҳволингга вой! Ҳа, кўзингни оч мундоқ!

Бироқ бунинг учун нима қилсам экан-а? Юқорига арз қилсаммикан ё газетага борсаммикан? Йўқ, ғаламис деган номга кимнинг тоқати бор?! Шошма, отимни-ку, Наби шум дейишади. Нега бунга шумлигимни бир ишлатмас эканман? Билса ҳазил, билмаса...

Набининг кўзлари чақнаб, юзлари ёришиб кетди. Уйга кирибоқ гардеробга ёпишди. Хотинининг кўк пальтосини кийди, жун рўмолини юзларигача беркитиб ўраб, томоғидан танғиди. Шимини сонигача ҳимариб, оёғига капрон тортди... Кампирнинг кўзойнагини бурни устига қўндириб, ўзини мундоқ ойнага солди. Вой-бўй, келишган жонон бўлибди. Ўрта бўйли, хипча жувон туғилибди-қолибди!..

Наби дам-бадам ойнага боқиб, хуфтонгача хотинча юриш ва гапиришни машқ қилди. Қалам, дафтар олиб, нималарнидир ёзди. Сўнг идорага йўрғалади.

Раис кабинетида котиб билан чўт қоқиб ўтиришган экан.

— Ассалому алайкум! — деди Наби овозини болаларникидай ингичка қилиб.

— Ваалайкум ассалом! — Қўчқор ака нотаниш аёлга хушламайгина қаради. — Келинг, меҳмон.

«Меҳмон» бошини у ён-бу ён ташлаб дикирлаганича бориб сўрашди.

— Редакциядан, Ибохон Тошева бўламан, — таништирди у ўзини. — Менга раис керак эди. Зарур иш билан келган эдим.

Қўчқор ака «Ибохон»ни боғча-моғчани текширгани келган аёллардан бўлса керак, деб ўйлаган эди. Редакциядан, зарур иш билан, деб эдики, дарров ўрнидан турди.

— Раис? — деди у бир оз ҳушёр тортиб. — Қани, ўтиринг, Ибохон Тошева. Раис — менман...

— И-е, шунақами? — «Ибохон» хиёл қийпанглаб қўйди. — Яхши, яхши. Муҳимроқ гап бор эди...

«Ибохон» шундай дея бу киши халал бермасмикин, дегандай котибга имо қилди.

Раис котибни эшикни зичлаб ёпишга йўллаб, изоҳ берди:

— Бу бола — колхозимизнинг котиби, ҳар қанча гап бўлса, пажалиста.

Қўчқор ака «Т» ҳарфи шаклида ўрнатилган столларнинг тўрига, Наби билан котиб икки биқинига ўтиришди. Котиб бирор нарсани хотирлашга уринаётгандек, «Ибохон»га бир-икки қараб қўйди. Буни «Ибохон» сезиб, чийиллаб кулди.

— Йигитча, жуда тикилиб қолдингиз, ёқиб қолдим шекилли сизга?

Котиб қип-қизариб, кўзларини яширгани жой тополмай қолди.

Раис «бефаросат» котибга бир хўмрайиб қўйди-да, хижолатдан тебранди.

— Гап бундоқ раис бува. Ҳа, айтмоқчи, — Наби ён чўнтагидан ҳарбий билетининг ярмини чиқариб жилмайди, — эсим курсин, ҳужжатимни кўрсатмабман-ку?

Раис шошиб жавоб қилди.

— Кераги йўқ, кераги йўқ! Наҳотки, одам одамга ишонмаса?!

— Шунақами? Хўп, мен ҳам сизга ишондим. — Наби «ҳужжат»ини ўрнига тикди. — Энди гап бундоқ, раис бува. Устингиздан редакцияга нордон бир маълумот тушган эди...

Раиснинг кўзлари олайиб кетди.

— Маълумот? Нима ҳақда экан у?

— Ипакчиликдаги иллатлар хусусида.

«Оббо, Наби айтувди-я, комиссия келади деб, — дилидан ўтказди Қўчқор ака. — Ҳидини билган экан-да!»

— Маълумотнинг бир-икки жойи сал шубҳалантириб турибди, — давом этди «Ибохон» киссасидан қоз олиб. — Шуни аниқлашга ёрдам берсангиз. — Раис бутун гавдаси билан интилиб қўл чўзди.

— Мумкинми, маълумот билан танишсак?

— Сабр қилинг, ҳозир ўқиб бераман, танишасиз. Мана, «Ўн олтинчидан, қуртнинг озуқа базасини яратиш раиснинг етти ухлаб тушида ҳам йўқ!».

«Ибохон» Қўчқор акага савол назари билан боқди. Қўчқор аканинг энсаси қотди.

— Қолган ўн беш бандида нима дейилган, билмайман-ку, аммо шуниси ёлғон! — деди гижиниб. — Қип-қизил ёлғон! Мана, бултур ҳам...

— Хўп, бултур қанча тут кўчат эктирдингиз?

Қўчқор ака «Бултурми?» — деди-да, шипга қараб туриб, кўз қирини котибга ташлади. Котиб чап қўли билан тирсакланиб унинг панасига ўнг қўли билан «ўн уч минг», деб ёзди.

— Ўн учта! — шошиб жавоб берди раис ва чўғдай қизариб кетди.

— Ўн учта! — қикирлаб кулди «Ибохон». — Наҳот барваста бир хўжалик...

— Ўн учта деганим, яъни ўн уч юз, йўқ, ўн уч минг деганим!..

— Шундан қанчаси тутди?

— Ҳаммаси.

— Хў, катта зовур ёқасидаги қақшаб ётган кўчатлар ҳам тутганга кирадими?

Раис дўпписини бошига ишқай кетди. «Ибохон» гапириб туриб, дафтарига ёзди: «Етти ухлаб тушида ҳам йўқ» экани ҳа-қи-қат».

— Энди мана буни аниқласак. «Йигирма биринчидан. Колхозда йилдан йилга баргнинг баракаси учиб кетяпти. Ўтган йили бу йилги қуртларнинг ризқини едириб, уч қайталаб қурт боқилди».

Қўчқор ака ҳайрон қолди.

— И-е, ўзимиздан ортган баргни кўшни колхозларга улашиб бердик-ку, бултур! Камчил бўлса...

— Неча қайта қурт боқилди бултур?

Котиб раис ҳалигидай янглишиб кетмасин, деган ўйда бўлса керак, шошиб, «Уч қайта!» деди. Бироқ шу оннинг ўзидаёқ «вой», деб қичқириб стол остига энгашди. «Ибохон» бир сакраб тушди.

Котиб раисга яхшилик қиламан деб, оёғига тепки еган эди боёқиш. «Ибохон» буни сездиди-да, беихиёр

хохолаб кулиб юборди. Бироқ шу пайт «Ибохон»нинг овози тўсатдан ўзгариб дўриллаб кетди. Фижиниб ўтирган раис ҳам, оёғини зўр бериб уқалаётган котиб ҳам ялт этиб унга қаради. «Ибохон»нинг юраги «шув» этиб кетди. Дарров қалтис хавфнинг олдини олишга шошилди.

— Ихти, ихти!.. Шу денг, томоқ оғриқ товушни ҳам бузиб юборади экан, — чийиллади у. — Ихти, ихти!..

— Қаттиқ шамоллабсиз, синглим, — раис дарров ўзини ўнглаб, меҳрибонлик қилди. — Яхшироқ ўраб олинг томоғингизни. Мен ҳам бир куни денг...

Қўчқор ака гапни чувалантириб, орадаги расмийат руҳи пардасини кўтариб ташламоқчи эди, «Ибохон» бунга имкон бермади.

— Неча қайта қурт боқдик, дедингиз боя?

— Бир марта-да!

— Ундоқ бўлса, нега тутларингиз тепакал, чўлтоқ? Ё пичан қилдирганмисиз ўрдириб?

Раис кўзи жавдираб, тек қолди. «Ибохон» яна ёзди: «Материалдаги фактлар юз фоиз тўғри. Уни бемалол босиш мумкин».

«Ибохон» ўрнидан турди.

— Хўп бўлмаса, хайр. Ёрдамингиз учун раҳмат!

Раис мундоқ ўйлаб боқса, иш чатоқ. Ахир, эртага мақола чиқади, ҳамма устидан кулади!.. Қанча гап-сўз!.. Пахта билан чорва берган обрў ҳам қулоғини ушлаб кетади!.. Нима қилиб бўлса ҳам олдини олиш керак.

Қўчқор ака ташқарига чиққунча: «Шу... шу», деб борди-ю, бир сўз айтолмади. Ниҳоят, хайрлашаётганда таваккал қилиб, дил ёрди.

— Шу, синглим, шу ишни ҳалигидай... Шу... бости-бости қилиб қўяқолсангиз...

— Нима дедингиз, и-е, галати экансиз-ку!

«Ибохон» тарс-тарс юриб жўнаб қолди. Раис орқасидан эргашди.

— Келинг, бир яхшилик қилинг, жон опа. Эртагаёқ ҳаммасини парадка қилиб ташлаймиз. Жон синглим...

«Ибохон» тўхтаб, узоқ ўйлаб қолди. Сўнг бирдан инсофга келиб, юмшади.

— Қандай бўларкан-а?

— Нима десангиз, эртагаёқ!..

— Хайр, майли. Сиз учун редакцияга бир хиёнат қилсам қилибманда.

— Барака топинг, опа!

— Аммо бунинг шарти бор, — писанда қилди «Ибохон». — Шарти шуки, парадка қилишдан олдин мажлис чақириб, пиллачилик соҳасини ағдар-тўнтар қилиб гаплашиб оласизлар. Кейин мажлис қарорининг бир нухасини эрталаб менга юборасиз, бошқармада бўламан. Агротехнигингиздан берворинг, унгаям га-пим бор. Келганимни, орадаги бу гапларни ҳеч ким билмасин. Йиғилишни эса, ҳозироқ чақиринг.

— Хўп, опагон, хўп! Ҳозир...

Қўчқор ака «Ибохон»ни ҳам унутиб, ҳовлиққанича радиоузелга кириб кетди. Дам ўтмай, радиокарнайлардан янграб турган ялла узилиб, раиснинг товуши эпитилди:

— Ҳозир колхознинг... йўқ, йўқ, правлинанинг мажлиси бўлади, қайсики, шошилишч. Шунга барча правлина аъзолари, қурт бригадирлар тезда идорада бўлиши керак. Наби Маннонов ҳам! Ҳозир гараждан машина чақираман. Ҳой, Маматкул! Эшитдингми? Дарров «қирқ учу ўн бир»ни чиқарвор, ҳаммасини териб келсин. Тез!

Наби буталар орасида бир он илжайиб турди. Сўнг туфлисини қўлтиққа уриб, «шошилишч мажлис»ига тезроқ етиб келиш учун уйига чопди.

## «ЕТУК САНЪАТКОР» БЎЛГАНИМ

Ғижжак чалишни болалигимдан ҳавас қиламан. Ахир ғижжакни, масалан, «Муножот»га йиғлатиб: «Кеча келгумдир дебон, ул сарви гулрў келмади-ё»ни бошлаб юборсангиз, ёнингизда чилдирмачи бола доирани «ин-так, ин-так» уриб турса, қандай гашт! Ёки «Гулузорим», «Танавор», «Э париваш»ларни ўзингиз қийқиртириб, ўзингиз тингласангизчи! О!.. Қалбингиздаги тошдек ғубор, зилдай чарчоқ бирпасда эриб, тумандай тарқаб кетади!

Қиш бўйи бўшман. Наҳотки, шу муддат давомида ғижжакни лоақал «Жонон», «Андижон полкаси» сингари беш-ўнта енгил-елпи машққа булбулдай сайратиш малакасини эгаллай олмасам?! Эгаллай оламан! Ҳафталаб кўчага чиқмасам чиқмайманки, шунга эришаман! Одамлар эришади-ку, ахир! Мен ҳам, яъни мулла Турсун ҳам одам!..

Аҳдим қатъий эди. Катта қор бошланган куни келингиз билан ҳам маслаҳатлашмай, магазиндан

ғижжак сотиб олдим. Одамлардан андиша қилиб, уни уйга қоронғи тушганда олиб келдим.

Икки ўғлим бор. Бири уч ёшда, иккинчиси беш ёшда. Иккови ҳам шўх, ерга урсангиз осмонга сакрайди. Эшикни очганимда, ёстиқ ва тўшакчаларни тўзғитиб «от-от» ўйнашаётган экан. Аяси печкага кўмир соляпти. Болалар мени кўришди-ю, «от-от»ни дарҳол тўхтатиб, мен томон югуришди. Ғижжакка ташланишди.

— Бу нима?

— Ие, нима?

— Шошма, шошма! — дедим ғижжакни улардан ҳимоя қилиб. — Ғижжак, ғижжак. Нозик нарса, салга синиб қолади!

— Ғижжак? — шошиб сўради кичигим Мавлон. — Ўйинчоқми?

— Ўйинчоқ эмас, — жавоб қилди акаси Даврон. — Чаладиган нарса. Одамлар чалиб ашула айтади, ўйинга тушади. Жуда яхши нарса!

— Уре! — Мавлон чарх уриб ўйнай кетди. — Ўйинга тушади! Ўйинга тушади! Қани, дада, чалинг-чи!

Ғилофни очдим. Ғижжак билан камонни олдим. Камони оҳори тўкилмаган торлар устида у ён-бу ён суриб, «ғийт» этказдим. Болалар қийқириб сакраб кетишди. Тепамга қарасам, келинингиз белини ушлаб менга тикилиб турибди.

— Ҳа, кимники? — қўлимга ҳеч қачон чолғу асбоби ушламаганим, келинингиз шунга ҳайрон эди.

— Ўзимники, ўзимизники, — дедим ялинганнамо. — Ҳозир сотиб олдим. Ўрганаман чалишни. Баҳоргача тўлиқ ўрганаман. Ундан кейин «Баёт» у, «Дилхирож» сингари дилбар куйларни эшитаверасиз мириқиб.

Келинингиз совуққина қараб турди-да, лабини бурди, бурни орқали «иҳи!» деди.

— Қайси талантингизга ишониб олдингиз?

— Ие, вей! — дедим шошиб. Талант, бу — меҳнат! Тинмай уннайверсам...

Келинингиз афтини бужмайтириб қўл силтади.

— Э, қўйсангиз-чи!

— Шу деганингизга...

Гапим оғзимда қолди. Келинингиз кескин бурилиб, ташқарига чиқди. Болалар авжига минди.

— Тагин чалинг!

— «Юлдузчам»га чалинг!



— Ҳали билмайман, — дедим фикжакни филофга жойлаштираётим. — Ўрганиб олайн, кейин ҳар кун чалиб бераман.

— Йўқ-йўқ! — иккови баравар ёпишди фикжакка. — Бўлмаса ўзимиз чаламиз!..

Қарасам, бўлмайдиган. Стулга ўтириб, «ғийт-ғийт» қилиб турдим. Болалар шу «куй»га жўр бўлишиб, алламаҳалгача роса бақиришди. Бақира-бақира ухлаб қолишди. Фижжакни бурчакнинг баландроқ жойига осиб қўйдим.

Мактабимизнинг яхшигина музика ўқитувчиси бор. Уни «Олим худрук» дейишади. Эртасига мактабга чиқиб, шу худрукка учрадим. Четга тортиб, мақсадимни айтдим.

— Яхши ният қилибсиз, — деди у. — Майли, қўлдан келганча ўргатаман. Ҳалироқ бораман ҳовлингизга.

Худрук тушга яқин келди. Фижжакни созлаб, торларига конифол деган нарса суртди. Сўнгра менга нотаниш қандайдир бир куйни чалди. Кейин «хўроз қилиб қичқиртирди». Болалар завқланиб, хўп сакрашди.

— Тағин! Тағин!..

Худрук қайта «қичқиртирмади». Қайси тор, қайси пардадан қандай товуш чиқиш, уларнинг нима деб аталиши ҳақида анча гапирди-да, илк сабоқни бошлади. Фижжак ва камонни қандай тутишни, парда бошишни, камон тортишни кўрсатди. Кейин «ла-ла-лай»ни чалиб эшиттирди. Сўнгра фикжакни қўлимга бериб, «ла-ла-лайни» машқ қилдирди ва тўрт-беш кунда хабар олиб туришга ваъда бериб, ўрнидан турди.

— Узлуксиз машқ қилаверинг, — деди. — Санъатни машқ туғдиради.

Худрук кетгач, болалар тағин ғалва бошлашди.

— Хўяш қийиб бейинг!

— Хўроз! Хўроз!

— Аввал ўрганиб олайн, кейин...

— Ўрганинг бўлмаса тезроқ...

Дераза остига ўтириб, «ўрганиш»га киришдим. Тиззада фикжак, ўнг қўлда камон, «ғийт, ғийт, ғийт...» Боя худрук «ла-ла-лай»ни осонгина чиқарган эди. Қаёқда! Сира чиқмайди-я!

«Чиқиб қолар, — тасалли бераман ўзимга. — Худрук айтди-ку, тинмай машқ қилаверинг, деб...»

Яна «ғийт-ғийт!» Поёнсиз «ғийт-ғийт!..» Болалар

рўпарамда бирпас томоша қилиб ўтиришди. Сўнг «хўроз қичқириви»ни тезроқ ўрганишимни тайинлаб, «от-от» ўйинига ўтиб кетишди. Чалавердим, чалавердим. Беш кун чалдим. Ҳар мақомга солиб чалдим. Машқ давомида «ғийтув», «ғийқ», «қиё-в-в» сингари кўп куйларни «кашф» қилдим. Болалар бора-бора «хўроз қичқириви»ни унутишди. Ҳатто, менга ва ғижжакка ёвқараш қиладиган бўлиб қолишди. Бу нимаси? Наҳотки, кўникиб кетиш ўрнига зерикисаётган бўлса! Бир куни Даврон қулоғимга шивирлаб қолди.

— Жон дада, бирпас чалманг.

«Хўп», дедим ва ярим соатча чалмадим.

— Қиш ўлгур тезроқ тугаса экан, шу касофат «фурбатнинг уяси»дан қутулармидим! — келинингизнинг орзидан мана шунақа «ширин-шакар» сўзлар чиқа бошлади.

— Сабр қилинг, сабрнинг туби олтин. «Фурбатнинг уяси» бир куни «роҳатнинг уяси»га айланса ажаб эмас. Эҳтимол, етук санъаткор бўлиб кетарман, — дейман ва машқни давом эттираман. Еттинчи куни худрук келди. Мендан имтиҳон олди ва сабоқ берди.

— Ҳаракат қилиб тураверинг-чи, — деди лоқайдлик билан ва хонадан чиқди.

Шу кетганича сира келмади. Суриштириб билсам, Тошкентга бир ойлик ўқишга кетган экан. Мустақил машқ қилавердим. Уч ҳафта чалдим. Бу муддат ичида «Бақ-бақа тўрам»ни сал-пал тирнайдиган бўлиб олдим. Аммо бу ютуқ «кичкинагина» кўнгилсизлик эвазига келди. Яъниким, келинингиз сал нарсага шовқин соладиган бўлиб қолди. Уч ҳафта ичида уч мингта дашном олдим ундан. Лекин бардош билан чидадим барчасига.

— Э, қуриб кетсин шу матоҳингиз! Болаларни ҳам безор қилдингиз! Ёғин ўлгур тинса экан, гумдон бўлишса кўча-кўйга!

Келинингизнинг энг одми гаплари мана шу бўлиб қолди. Менга қўшилиб ғижжакни ўйлаб топган, уни ясаган ва сотган кишилар ҳам сиртдан дашном ейди келинингиздан. Болалар ҳам алақандай қуйилиб, ажабтовур бўлиб қолишди. Эрталаб қулоқларига пахта тиқиб олишади. Ғижжакни кўлга олишим биланоқ уларнинг кўзлари жавдирайди, хонага қамалиб қолган чумчуқ сингари бетоқатланади. Кейин даҳлизга чиқиб, мунғайиб ўтиришади ёки кўрпанинг ичига кириб

юмалоқ бўлиб олишади. Кўриб тураман, баъзан аясининг қулоғига шивирлашади. Болаларнинг ялинчоқ сўзлари аясининг оғзидан замбаракнинг ўқидай гум-бурлаб отилиб чиқади.

— Ҳой, бераҳм! Бераҳм дейман! Гўдакларга шафқат қилинг! Шўрликларнинг қулоғига бирпас дам беринг!

— Хўп, хоним, — дейман паст товущда. — Жузъий қийинчиликлардан кўрқманг, бардошли бўлинг. Кўпи кетиб, ози қолди.

Ғижжакни деворга беш-ўн минут суяб қўяман-да, яна оламан. Аммо Мавлоннинг боши оғриб қолганда ғижжак қаторасига уч кун бекор турди. Мен эса, бу кунларда келинингизнинг «дийдиё»сини тинглаш билан банд бўлдим. Совуқроқ бўлса ҳам ноилож даҳлизга кўчиб олдим.

Қор аралаш ёмғир ёққан куннинг эртасига қайнонам келди.

— Қиш ичи уч-тўрт ҳафта шу ерда туриб, сизларни бир зериктирай дедим, — кўлди у.

Қайнонамнинг ниятини астойдил маъқулладик. Бироқ у негадир, фикридан дарров қайтди. Уч-тўрт ҳафта туриб, бизни зериктирадиган одам икки кундаёқ «кетаман»га тушиб қолди. (Бунда ғижжакнинг ҳам «хизмат»и бўлса ажаб эмас.) Ҳарчанд ялиндик, унамади. Кетди.

— Шу уйда ё шу сабил турсин, ё биз! — кўзига ёш олди келинингиз.

— Кетамиз биз ҳам аямнинг изидан! Бутунлай кетамиз!

Ғиди-биди узоқ давом қилди. Эртасига худрук келди Тошкентдан. Кечки пайт ғижжакни қўлтиқлаб, дала йўли билан уйига бордим судралиб. Худрук имтиҳон қилди.

— Силжиш йўқ-ку, силжиш?! — деди ва аянч билан бош тебратди. — Сиз, яхшиси, рубоб чалишни ўрганинг, осонроқ...

Тарвузим қўлтигимдан тушиб кетди. Бу нима дегани? Қобилиятинг йўқ деганими? Бошни қашлаганча шалвирлаб уйга қайтдим. Ғижжакни жойига иддим. Шу илганимча қайта қўлга олмадим. Алвидо, червонлар! Алвидо, бир ярим ойлик тинимсиз меҳнат! Ҳа, бунинг устига, қиш ичи яқин гуваладай келадиган конифолнинг ҳам бошига сув қуйдик! Аммо буларга унчалик ачинмайман. Нега дейсизми? Авваллари шанба

кунлари пул сўрасам келинингиз сакраб тушарди. Ҳозир «халқаро алоқа» бутунлай бошқача.

— Чўнтак қуруқ, — чайналаман бурчакка боқиб, — гижжакни эрмак қилиб ўтираверамиз-да, шу ерда!

— Йў, йў, йўқ! — келинингиз учта сўмни икки буклаб қўлимга тутади. — Манг, айланиб келинг кўчаларни!

Болалар шўхлик қилишса ёки гапга унашмаса, гижжакни писанда қиламан. Масалан, бирортаси йигласа:

— Бас қил, йўқса, вашим келиб турибди, гижжак чалвораман ҳозир, — дейман бурчакка интилиб.

Вағиллаб қайнаб турган бола ранги қув ўчиб, муз бўлиб қолади. Кейин ёшли кўзини ваҳима ичида гижжакка қадайдди. Менинг меҳнатим самарасидан келинингиз ҳам унумли фойдаланипти.

— Сен бола, талтайиб кетяпсан, гижжак эшитмай қолдинг-да, а?! Даданг ишини тугатсин, уйга қамаб, гижжакка бир тўйғиздирай!..

Болалар бунақа дашномни эшитса, типирчилаб: «Жон ая, тавба қилдим», деб қолади.

Баъзан қарғаб ҳам кўяди.

— Гижжак зулмига гирифтор бўлгур, гижжак эшитгинг келяптими?!

Гаплар ана шунақа, оғайни. Ҳазил-ҳазил билан «етук санъаткор» бўлиб олдик. Бироқ чолғу асбобини «сайратадиган» ёки роль ўйнайдиган санъаткор эмас, оила аъзоларини изнга соладиган «санъаткор».

## ИШҚ АЗОБИ

Ишқ дегани бунақа бўларкан, кишининг бўйнига сиртмоқ солиб, уни не-не қийноқларга гирифтор қиларкан.

Оддинлари Ризвон одамлар аро ишқ-муҳаббат деган нарсани тан олмасди. У мол-мулқдан ташқари на ўқишга, на жамоат ишига ва на бошқага меҳр қўйдди. Эри Носир акага ҳам муҳаббат туйғуси раъйига қараб эмас, хотин жинсидан бўлгандан кейин эр қилиш керак-да, деган қаноатда ва яна аллақандай истак туйғу файли теккан. Уни қарангки, ёши қирқ олтига етганда, кўксида тўсатдан ишқ пайдо бўлиб турибди! Тағин унинг ишқи кимга тушибди денг, аёл зотига!

Воқеа бундай бўлди. Қайноқ ёз куни эди. Ризвон бозордан келиб товукларга, мол-қўйларга қараб юрган эди, ён қўшниси Кароматнинг ҳовлиси томондан хотинларнинг қувноқ қаҳқаҳаси эшитилиб қолди. Ризвон ҳушёр тортди ва дарров бориб, гувала деворга суёғлик турган нарвончага оёқ қўйди. Бўйинини чўзиб, мўралади. Ҳовли саҳнидаги беҳи соясига ўрнатилган сўричада икки аёл чақчақлашиб ўтирарди.

— Анови иршайиб чой қуяётган-ку, Каромат, — дилидан ўтказди Ризвон. — Тескари қараб ўтирган барваста хотин ким бўлди экан? Бошига қизил гулли қора дурра танғиб олибди.

Ризвон нотаниш жувоннинг яшил гулли оқ кўйлагига, кўйлак устига ташланган тимқора икки ўрим сочига бир зум тикилиб қолди. Кейин шошиб пастга тушди. Кафтларидаги кесак юқини камзулига арта-арта, Кароматникига йўрғалади. Ризвон нотаниш жувонни кўрди-ю, ичида «увв!» деб юборди. Жувоннинг юм-юма-лоқ, буғдойранг юзи, қоп-қора энли қошлари, узун киприклари, йирик, ўтқир кўзлари, юзидаги гултожихўрознинг уруғидай келадиган холи Ризвонга беҳад кўркам кўринган эди. Салом-алиқдан сўнг сўричага ўтиришди. Каромат уларни бир-бирига таништирди.

— Бу киши Шарифахон, — деди меҳмонга ишора қилиб, — Чексаройдан. Бултур туристик саёҳатга борганимизда танишганмиз. Касбдошмиз. Колхоз медпунктида ишлайди.

Ризвон бошини ликиллатди.

— Тузук, тузук.

— Бу киши, — деди Каромат Ризвонга чой узатиб. — Қўшним бўлади. Оти Ризвон. Тенгдошим. Еттинчи синфгача бирга ўқиганмиз. Илғор савдо ходими. Мана, кўриб турибсиз, уч «орден»нинг эгаси.

Ризвон қизариб кетди. Чунки у ҳеч қандай савдо объектида ишламас, сут, қатик, мева ва сабзавотфурушлик билан шуғуланар, тўғри келса олиб сотарликдан ҳам қайтмас эди. Кўп болалилиги учун берилган медалларни эса, бозор назоратчиларининг қаҳрига қалқон қилиш учун кўкрагидан қўймасди. Шу туфайли камзулини ўта ҳароратли кунларда ҳам эғнидан туширмасди. Уни ечиб, дурустроқ кийиниб чиқмаганига ич-ичидан зил кетди. Шарифа оғзининг чап томонидаги олтин тишларини ялтиратиб, самимий жилмайди ва бошини қимирлатди.

— Ҳоят миннатдорман, — деди Ризвоннинг тўла,

сарик юзларига, чокидан тер қалқиб чиққан қора камзулига, медалларига, тўзғиган сочига, кўйлагига доғдуғларига аянч ила боқиб. — Баҳонада тағин бир дугонанинг эгаси бўлди.

Каромат бўш чойнакни кўтариб, ўрнидан турди.

— Сизлар гаплашиб ўтиринглар, мен ҳозир...

Ризвон билан Шарифа бир-бирларига қараб олишди.

— Зап кепсиз-да? — деди Ризвон.

— Ҳа, Кароматхон бизникига бориб қарз қилиб қўйган эди, — қисқа жавоб бўлди меҳмондан.

— Неччига бордингиз? — Ризвон тўсатдан оғзидан чиқиб кетган бу саволдан ўзи чўчиб тушди.

— Қирқ бирга, — деди Шарифа, — нима эди?

— Ўзим, шундай. — Ризвон хижолат бўлиб, кўзини Шарифадан олиб қочди.

Шу билан жим қолишди. Гиламча устида бир даста газета-журнал турарди. Шарифа улар орасидан «Работница» журналини суғуриб олиб, варақлай кетди. Ризвон ноилож «Саодат»га қўл чўзди. У журнал саҳифаларидаги суратларни тамоша қиларди-ю, фикри-зикри Шарифада эди.

«Қирқ бирида шунча чиройли, ўн еттисида қанақа бўлган экан, — ўйларди у. — Айтмоқчи, қизи борми-кан, қизи? Бор бўлса, қанақа экан?»

Ризвон Шарифага ўғринча такрор-такрор тикилди. Шарифа бунини сезиб, кўзини журналдан олди ва Ризвонга қаради. Ризвон шаҳло кўзларнинг ўткир нигоҳига бардош беролмай, ўрнидан турди. Ошхонага кирди. Каромат чойнинг қайнашини кутиб, газ плитаси тепасида турган экан. Ризвон унинг ёнига борди.

— Мунча чиройли меҳмонинг?! — деди.

— Қизини кўрмабсан, қизини, — жавоб қилди Каромат. — Фариштанинг суқи киради.

— Вой, қизи борми, қизи?! — Ризвон оғиз ва кўзларини катта очди. — Нечта?

— Ягона фарзанд. Оти Зарифа. Зарифахон келгуси йили ТошМИни битиради.

Ризвон Зарифага сиртдан маҳлиё бўлиб қолди. Уни кўз олдига келтирмоқчи бўлди, келтиролмади. Лекин Зарифанинг ниҳоятда гўзаллигига юракдан қаноат ҳосил қилди. Бир нуқтага тикилганича жим қолди.

«Жудаям чиройли қиз бўлса керак, — ўйлади у. — Қани энди шуни келин қилсам. Ҳам ўқиган қиз экан. Мен ҳам ўқитмадим-да Турсунбойди».

Аслида Ризвон Турсунбойни олий маълумотли қилиб, қишлоқнинг кўзини ўйнатмоқчи эди. Куйди, пишди — фойдаси тегмади. Мушкулкушоднинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмади. Эр-хотин бир сиқим червон кўтариб, институтга боришди. Аммо уни оладиган одамни топишолмади. Турсунбой биринчи имтиҳондаёқ «тескари беш» олиб чиқди. Сўнг армия хизмати-га кетди. Армиядан бурноғи йили аллақандай қизни етаклаб келди. Қиз икки ой ҳам турмади, қайтиб кетди. Шундан бери муносиброқ қиз чиқмади. Турсунбой бензинфуруш отасига шогирдлик қилиб юраверди. Унинг чўнтаги тўла пул, остида «Жигули», фақат қайлиғи йўқ эди.

— Ҳа, нафасинг ичингга тушиб кетди? — Каромат чойни дамлаб, плита устига қўйди. — Ишқинг тушиб қолдимиз Зарифахонга, гаплашиб берайми Турсунингга?

Ризвон: «Қани энди шундай қилсанг», деб қийқириб юбораёзди. Лекин, шапшак Кароматнинг заҳар тилидан чўчиб, ўзини тутиб қолди.

— Йўқ, йўқ, ўзим шундай, — деди. — Кейин бола кўрмаганми?

Каромат Зарифа ҳақида гап очиб, чакки қилганини кейинроқ пайқади. Чунки ҳар нарсага бурнини суқаверадиган Ризвон Зарифани келинликка сўраб, Шарифанинг дилига озор етказишдан ҳам тоймасди. Каромат ўйлаб, хавфнинг олдини олди. Меҳмондорчиликда совчилик қилмасликка Ризвонни муғамбирлик билан бир амаллаб кўндирди.

— Ҳар қанча гап бўлса кейин, — деди.

— Бўпти, — рози бўлди Ризвон ва суриштиришда давом этди. — Зарифахондан кейин бола кўрмаганми?

Каромат саёҳатда уч ҳафта бирга юриб, Шарифанинг бутун сир-асрорини ёдлаб олган эди. Шарифа медицина билим юртида Валижон исмли йигитга кўнгил қўяди. Дипломни олишгач, уларнинг тўйи ўтади. Гаштгаи турмуш бошланади. Афсуски, у узоққа чўзилмайди. Кўшнисининг гаражига ўт кетганда, Валижон ҳалок бўлади. Шарифа шу қизи Зарифага етти ойлик ҳомиласи билан бева қолади. Кўп йигитларнинг кўзини ёндириб, Валижоннинг хотирасига ҳурмат сақлайди. Каромат булар ҳақида оғиз очмади.

— Ҳа, кўрмаган, — деб қўя қолди. — Эри ҳам йўқ, ўлган.

Ризвон аввалига институтда ўқиган қизни ўқима-

ган йигитга берармикан, деган мулоҳазага ҳам борган эди. Кароматнинг бу гапи унинг умидига қўнаётган чангни учириб юборди.

«Ҳм, — деди ичида. — Беради. Эри ҳам йўқ экан, қўл учуда тирикчилик қилса керак. Эртага уйга чақираман, мол-мулкимни кўрса, оғзининг таноби қочиб кетади».

Бу фикр Ризвоннинг миясига қўрғошиндай қуйлиб қолди. Чойхўрлик чоғида ҳам, уйга кириб, рўзгор ишларига уннаганида ҳам аримади. Кечқурун эри бензин дўконидан келган ҳамон уни оғилга тортди. Бўлғуси қуда ва келини ҳақида кундузи нимани кўрган, нимани билган бўлса, барчасини тўкиб солди.

— Худога шукур, ҳамма нарсамиз бор, — деди у сўнг жилмайиб. — Данғилама уйимиз борми, бор. «Жигули»миз борми, бор... Ҳа, энди шулар қаторида битта ўқиган келинимиз ҳам бўлса, нима қипти?

Носир ака ёғ сачрайвериб ялтираб кетган чопонининг этагига бурнини артиб, сўради:

— Ўқишни битирса, катта дўхтир бўлармикан?

— Худди шундай. Ҳам яра-чақамизга қараб юради.

— Катта дўхтир бўлса, ойлиги ҳам дурустдир, икки юз сўмча олар?

— Э, пули ўз йўлига. Ҳаммадан ҳам анави қизини бозорга солганларга бир алам қилсин! — Ризвон кийик боладай қарсак чалиб, шод қийқирди. — Эртага меҳмон қиламан қудамни! Мол-мулкимни кўрсатиб, ёқасини ушлатаман.

Носир ака узоқ вақт тиф кўрмай, ҳурпайиб кетган мўйловини силади.

— Ҳи.

Носир аканинг лоқайдлиги Ризвога ёқмади. Бақириб берди.

— Соч-соқолингизни олдинг! Қўлингизни совунлаб ювинг, уни қаранг, ёрилиб кетибди. Азонда бозорга бориб, ул-бул қилиб келинг. Пистанинг энг қимматидан олинг. Арзонлигига учиб, ҳу бирдагидай оғзи юмуғини олманг.

Ризвон ёстиққа бош қўйганда ҳам Зарифани ўйлаб ётди. Турсунбой «Жигули»нинг рулида, ёнида суқсурдай бўлиб Зарифа ўтирса. Кўрганлар «анави катта дўхтир Ризвоннинг келини экан», деса! Оҳ! Бир маҳал туш кўрибди. Тушида Зарифа ҳовли супуриб юрганмиш.



— Ҳой, келин, ташланг супургини, — дермиш Ризвон. — Ҳали янги сиз.

Ризвон тонг саҳарда уйғонди. Тушини эслаб, кулди: «Ҳа, Зарифахон албатта меники бўларкан».

Ризвонинг дил-дили ёришиб кетди. У тайинсиз бир куйни «ғинг-ғинг» қилиб юриб «қудасининг ёқасини ушлатишга» астойдил ҳозирлик кўрди. Лекин тайёргарлик ниҳоясига етмаган экан. Бу ҳол Шарифа билан Кароматни тушга яқин қўярда қўймай уйга бошлаб чиқаётганида сезилди. Кароматнинг кўча эшиги ёнида ранг-баранг атиргуллар барқ уриб очила ётар, нафис гулбарглари орасида асаларилар ғужғон ўйнардди. Шарифа сал энгашиб, уларнинг ҳаракатини завқ билан томоша қилди. Сўнг жилмайди, лазиз таомнинг таъмини олгандай, бошини майин чайқаб қўйди.

Ҳм, гулни, асалариларни севаркан, деб қўйди Ризвон ичида.

Нега у ҳам дарвозахона ёнига икки туп гул эктирмади? Аксига олиб, у ерда неча йиллик гўзапоя ғарами бор эди. Нега уни соттирмади ё ўт қўйдириб юбормади?

Ризвон Шарифа гўзапояга эътибор бермас, деган умидда эди. Унақа бўлмади. Бошини орқага сал энгаштириб, ғарамнинг тепасида осилиб ётган латта-путталарга назар ташлади.

— Ҳамма уйларимиз газлашиб, ёқилмай ётибди булар, — изоҳ берди Ризвон. — Каттароқ тўй-пўй қилсак, ёқилиб кетади.

Ризвон хижолат чекиб турган эди, Шарифа дарвозахона тепасидаги кошанкор болаҳонага боқиб, жилмайгандай бўлди. Аммо уни мақтаб, ёқасини ушламади. Ризвон энтикиб разм солиб юрди, Шарифа меҳмондорчилик давомида ҳовлисини, устунига исирик боғланган узун айвонларини, данғилама иморатларини ва бошқа ашёларини синчиклаб кўздан кечирди. Бироқ улар хусусида тузук-қуруқ фикр айтмади. Ризвоннинг энсасини қотириб, у эшитмаган мамлакатлар, аллақандай дори-дармонлар, тиббиётнинг кейинги беш йилликдаги тараққиёти, янги фильмлар ва бошқалар ҳақида эринмай эзилишди. Ризвон онда-сонда луқма ташлаб, суҳбатни «одам тушунадиганроқ» мавзуга буриб олишга интиларди. Афсуски, унинг уринишлари деярли бетаъсир қоларди. Ҳатто, у: «Жигули» тез, хавфли машина экан, соттириб,

янги чиққан «Волга»дан олдираман, деганида ҳам Шарифа пинагини бузмади. «Яхши қиласиз», деб қўя қолди. Ризвон Шарифанинг Турсунбойга атаб жиҳозланган икки хонага киришини, қават-қават гиламларини, бахмал, атласдан тикилган кўрпаларини қўли билан ушлаб кўришини орзиқиб истарди. Лекин Шарифа ундай қилмади. Фақат ҳовли саҳнида тарвақайлаб ўсиб турган супургига қараб, кулди.

— Ерингиз кучли экан, — деди.

— Уруғи яхши, уруғ! — изоҳ берди Каромат. — Энг зўр сортидан.

Ризвон Шарифанинг лоқайдлигини босиқликка йўйди.

«Ҳм, ўзини жуда босиб олган жувон экан, — деди ичида. — Йўқса, бор бойлигимни бирма-бир кўрди, энгилтак бўлганида, суюнганидан чапак чалиб юборган бўларди».

Кечки пайт Шарифа жўнамоқчи бўлганида, Ризвон пешона ойнасига кўзмунчоқ осилган «Жигули»ни Кароматнинг эшигига кўндаланг қилди. Бироқ Шарифа энгил машинада боши айланишини важ кўрсатиб, унга чиқмади. Автобуста ўтириб кетди. Автобус кўздан ғойиб бўлар-бўлмас, Ризвон Кароматнинг фикрини титкилаб кўрди. Зарифага кўнгли суст кетаётганига шама қилди. Каромат Ризвоннинг юзига тикилиб, бош тебратди.

— Ҳм, гаплар буёқда денг? Кўнгиллари нималарни истамайди-я! — деди ниқтаб. — Гирдикапалак бўлиб юришингдан, дастурхонингнинг чўғидан билганман мақсадингни! Йўқса, сен қачон менинг меҳмонимга бир пиёла чой қуйиб берган эдинг? Пул исроф бўлади, деб эрингга нос чектирмай қўйган сен хотин-а?

Ризвон Кароматнинг гапини бўлди.

— Ке, қўй ўшанақа гапларни! — шилталанди елкасига қоқиб. — Совчиликка ўзинг борасан. Тўйда елкангга бир эмас, иккита атлас ташлайман. Турсунбойим дунёга келиб тузукроқ хотин кўрсин. Акасига ўхшамасин.

Кароматнинг жаҳли чиқди.

— Т-фу атласингга! — деди ва мувофиқроқ гап тополмай, бирпас жим қолди. — Сен суллоҳга бермоқчи бўлганда ҳам ораларингга қора тиканак бўлиб тушардим. Хомтама бўлма, Зарифани охиратда ҳам бермайди, хотин кўрган шалпангқулоғингга. Бир томони — яқинда диплом олади, дипломли қизни сенга...

Ризвон ўнг қўлининг орқасини чап кафтига «шақ-шақ» урди.

— Ҳа, унинг дипломи бўлса, Турсунбойнинг «Жигули»си бор! Жарақ-жарақ пули, тилла заёми бор! Подшони саройидай уй-жойи бор!

— Э, бошига урмайди уй-жойингни-ю, мол-дунё-йингни! — қўл силтаб бақирди Каромат ғазаб билан. — Савиянг паст-да!.. Сен аввало «савия» сўзининг ўзига тушунмайсан. Бир донишманд айтган экан: «Савияси паст одам савияси паст бўлганлиги учун ҳам ўз савиясининг пастлигини билмайди». Сен ўшандақасан. Ахир, аёл боши билан ер тимдалаб ўқитди. Ўйинчоқми қишлоқда ўстан қизни шунча йил Тошкентда ўқитиш! Инкубаториянинг жўжасидай она тарбиясини кўрмаган Турсунингга бериб қўярмиди гулдай қизини? Тавба, вой, уятсиз суллоҳ-эй!

Каромат шундай деди-да, тарс-турс юриб, уйига кириб кетди. Ризвон жиғибийрон бўлиб жавраганича қолди.

— Кўрасан ҳали! — деди ғижиниб. — Шу деганингга ўша Зарифангни Турсунбойди қўйнига солиб қўйиб, кўзингни ўйнатмасам, отимни бошқа қўяман. Молимни сотаман, жонимни сотаман, ўйнатаман кўзингни.

Ризвоннинг фикри қатъий, чиндан ҳам унинг ишқи Зарифага тушиб қолган эди. Бир ҳафтани шу ишқ ўтида ёниб зўрға ўтказди. Шанба куни бозорни тарк этди, каттакон дастурхон қилди. Пешин сари Носир акани чақиртирди.

— Ахир правам йўқлигини биласан-ку, — эри ҳурпайган соқолини силади. — Узоқ йўлга қандай бўларкин?

Хотин кескин қўл силтади.

— Ҳа, олса, беш-ўн сўм жарима олар. Ҳайданг! — деди Ризвон зардаси қайнаб. — Менга қолса, юз сўм олмайдим!

Сўраб-сўраб топишди. Шарифанинг уйи чойхонадан икки уй нарида, йўлнинг тушлик томонида экан. Ризвон эрини чойхонага йўллатиб, садақайрағоч қоплаб ётган кўк эшикни аста очди. Ичкарида ҳеч ким йўқ эди.

«Ҳм, ишдан қайтмагандир», — дилидан ўтказди Ризвон.

Ризвон ҳовлини кўздан кечирди. Дўппидеккина экан. Аммо ҳаммаёқ чиннидек тоза ва саранжом-саришта эди.

«Ҳм, майда болалари ҳам, мол-қўйи, ақалли товуғи ҳам йўқ экан, шунинг учун тоза, — Ризвон «қуда»сига тўсатдан ачиниб кетди, — фақиргина кун кўрар экан бечора».

Ризвон айвон қошидаги арчаларга, хандон ташлаб очилиб ётган ранго-ранг гулларга, ҳовли этагидаги шарқираб сув оқиб турган ариққа, ариқ тепасидаги навдор меваларга ҳавас билан боқди. Уларнинг тартиб билан ўрнатилганига аҳамият берди.

«Ҳақиқатан ҳам гулга ўч экан қудам. Зарифани ундириб олайлик, ҳовлини ёппасига гул, мева билан тўлгаздираман, — дилига маҳкам тутди Ризвон. — Тўқай ўлгурни йўқоттираман».

Ризвон «қуда»сининг иморатига разм солди. Икки хона, даҳлиз ва ошхонадан иборат экан. Ризвон оч пушти рангли парда тўсилган қатор беш деразадан бир-бир мўралаб, уларнинг жиҳозини томоша қилаётган эди, кўча томондан оёқ товуши эшитилиб қолди. Шарифа экан. Ризвоннинг юраги негадир «шув» этиб кетди. Шарифа Ризвонни шод кучоғига олди. Дастурхон ёзганда ҳам, чой дамлаб келганда ҳам кулимсираб юрди. Бироқ Ризвон қуда бўлиш истагини билдирган ҳамон жимиб қолди. Ризвоннинг қистови билан унинг дастурхонини очаётган эди, дарров ёпиб қўйди. Жавобини ҳам қисқа қилди.

— Аввало, ўқишини битирмагунча турмушга чиқармайман, — деди. — Қолаверса, ҳозирги қизлар она изнига қул эмас.

Бу гапни Ризвон эски расмий таомилга йўйди. Қайтишда Носир ака натижани сўраганда, бундай деди:

— Қизи борди, — нози бор, деганлар, бир мартада дарров «хўп» деб қўя қоладими?!

— Аммо қўлдан чиқарма, — деди Носир ака йўлдан кўзини узмай. — Чойхонада суриштириб билдим, тагли-зотли одамларди қизи экан қуданг. Бир амаллаб кўндир. Маҳалласидаги катта-кутгаларди оғзини ёллаб, ишонишар қилиб қўяйлик. Ўқиган қиз харидоргир бўлармиш.

Бироқ ишонишар қилишга иккинчи, учинчи марта борганларида ҳам унамади Шарифа.

— Мен сизга соф ўзбек тилида айтган эдим-ку, — деган жавобни олди Ризвон. — Тушунмаганмидингиз?!

— Очиғини айтсам, Зарифахонга ишқим тушиб қолди. — Ризвон ялинишга ўтди. — Келинг, йўқ де-

манг, биттагина қизингизди мендан аяманг. Тўй-томошани катта қиламиз. Уч минг сўмча тилло заёмимиз бор. Ҳаммасини тўйга совурамиз.

Шарифанинг ваши келди. Қошларини чимирди.

— Қўйинг ўшанақа гапларни, — деди алам билан. — Ундан кўра ўйингизга боринг, ишингизни қилинг.

Ризвон кетгач, Шарифа дили хира тортиб ўтирган эди, почтачи газета ва хат ташлаб кетди. Хат Зарифадан эди. Шошиб конвертни очди. Саломнома орасида фотосурат чиқди. Унда чувак юзли, бароқ қошли, истараси иссиққина йигит майин жилмайиб турарди. Ким бўлди экан бу йигит? Шарифа мактубдан жавоб топди. Йигит тошкентлик бўлиб, исми Набижон экан. Зарифа билан бирга ўқиркан. Набижон Зарифага: «Агар рози бўлсангиз, қишлоғингизга бориб яшашга, ишлашга розиман. Аммо олдиндан айтиб қўяй, биласиз, етимман, орзуимдан, сизга бўлган умидимдан бошқа ҳеч вақом йўқ», дебди. Зарифа мактуби охирида: «Шу йигитга майл берсам майлими?» — дебди.

Шарифанинг кўзлари қувончдан ёниб кетди.

«Майли, майли! — хитоб қилди у ўзича. — Сен ёқтирган йигит ҳеч қачон ёмон бўлмайди. Минг марта майли! Вой, болагинам-ей, ақллигинам-ей! Топган куёвингни қара-я! Ҳам куёвим, ҳам ўғлим! Ҳам Зарифа бир умр қошимда бўлади!»

Шарифа альбомдан Зарифанинг суратини олди. Иккала суратни ёнма-ён қўйиб, завқ-шавқ билан томоша қилди. Уларни қайта-қайта ўпди, бағрига босди. Фарзанди битта эди, иккита бўлди. Меҳри товланиб, ўпкаси тўлди.

«Тўйнинг ҳамма нарсаси тахт, фақат давлат имтиҳонидан ўтиб, етиб келишса бас», дилидан ўтказди.

Шарифа бўлажак тўйни кўз олдига келтирди. Қадрдон маҳалласи зрталабдан, кечгача енг шимариб хизмат қилади. Шарифа шу оқшом кўп уннамайди. Меҳмонларнинг яйрашини томоша қилади. Кўрганларини лентага ёзгандай, қалбига бошдан-оёқ битиб олади. Кейин уни эслаб, умр бўйи роҳатланиб юради. Яқин-орада тўй кўрмаган ҳовлисида тумонат одам. Дилрабо куйлар, қўшиқлар, рақслар, шодон қийқириқлар янграйди. Йигирма-ўттиз қулочли дастурхон атрофида башанг кийинган йигит-қизлар... Дастурхон тўрисида никоҳ либосида унинг Зарифаси, Набижони... Бири отасиз, бири ҳам отасиз, ҳам онасиз — етимчалари...

Шарифанинг ўйи шу ерга келганда узилди. Нафаси қисилиб, ўпкаси тўлди. Кейин баралла ҳўнграб юборди. Ризвон эсига тушди-ю, йиридан тўхтади.

«Энди келса, Набижоннинг суратини кўрсатаман, — қатъий қарорга келди Шарифа. — Зарифанинг хатини ўқиб бераман. Умидини буткул уздираман».

Шарифа Ризвоннинг галдаги «визити»да шундай қилди ҳам. Зарифага ёзган жавобини ҳам айтди. Лекин булар Ризвонга заррача таъсир этмади.

— Э, бошнгизга урасизми унақа сўққабош қашшоқни, — деди лабини буриб бепарво. — Тошкентликлар топиб олаверади. Нима кўп — қиз кўп Тошкентда.

Шарифа қаттиқ аччиқланди. Бу бетамизнинг беибо гапларига қарши нима деса қор қиларкан?! Бир оз ўйлаб, муносиб сўз тополмади.

— Туринг ўрнингиздан! — қичқирди ғазаб билан. — Иккинчи қорангизни кўрмайин!

Ризвон валдирай-валдирай остонадан ўтди ва орқасига қайрилди.

— Тагин бир танангизга кенгашиб кўринг, — деди.

Шарифа Ризвоннинг яна келиб миясини ачититшдан хавфсираб юрди, хайрият, келмади. Куз ўтди, қиш ўтди ҳамки, остонасига қадам босмади. Шарифа Каромат билан учрашганда қошини қоқиб, кулди.

— Анави «қудам» юрибдими? Сизга айтган эдим, ўша «кузатув»дан бери келмай қўйди?

— Келгани қўли тегмай қолди, — жавоб қилди Каромат. — Пайтавасига қурт тушиб, роса югурди идорама-идора.

— Нега?

— Эшитмаганмисиз, эри қўлга тушиб, беш ойча қамалиб чиқди. Бир қаллоб бензин ташийдиган шофёрга мижоз бўлиб олган экан. Шофёр қаёқдандир тонна тонна бензин олиб келиб, қоқи баҳосига бериб кетаркан. Бунинг устига бу ўлгур бензинга алланималарни қўшиб сотаркан. Бензин ўлчайдиган пақирнинг остига уриб, ичига букиб қўйган экан балохўр! Ўшанга...

— Ажаб бўпти! Хайрият қутулибман.

Шарифа енгил тортиб, яна бир бор «хайрият», деб қўйди. Лекин у фотиҳага эрта қўл кўтарган эди.

Кечки пайт «Олтин сандиқ»ни димоғида куйлаб, гуларга сув сепарди, эшиги ёнига «Жигули» келиб тўхтади. Эшиги «қарс» ёпилди. Оёқ товуши эшитилди ва у тобора яқинлаша бошлади.

Шарифа юраги ҳовлиқиб кўча томонга югурди.

Эшик қабзасини ушлаган эди, ташқаридан кимдир итарди. Эшик очилганда, не кўз билан кўрсинки, рўпарасида ўша пўрдоқ Ризвон, бошида тоғорача, иршайиб турарди. Шарифа гўё тўсатдан оқ бўрига йўлиқиб қолгандай «вой», деб ўзини орқага ташлади ва ерга ўтириб қолди.

— Бехосдан келиб чўчитиб юбордим шекилли, — кулди Ризвон ва остонадан ўтди. — Ассалому алайкум, куда!

Шарифанинг овози чиқмай қолди. Қўлини силтаб, ташқарига ишора қилди.

— Кетинг, кетинг! — деди заиф товушда. — Ҳу, қуданг ўлиб қудасиз қолгур!

Ризвон ҳануз безрайиб турарди.

— Ҳой, сизга нима бўлди, Шарифахон?! Ахир, ишқим тушиб қолгандан кейин...

Шарифа сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Кет! Кет-кет! Ке-ет! Ҳу, ишқинг гўрларда чиригур! Йўқол кўзимдан, йўқол!

Ризвон Шарифанинг вазоҳатини кўриб, икки-уч қадам чекинди, остонанинг нариги томонига ўтди. Нимадир демоқчи бўлиб Шарифага юзланди. Шарифа эшикни унинг юзига қараб қарсиллатиб ёпди. Эшик тоғорачага зарб билан урилди.

— Ке-ет, суллоҳ, ке-ет, ёсуман! Ҳой, ким бор! Милиция!

Шарифа эшикни шарақлатиб занжирлади ва жадаллаб уйга кириб кетди. Ўзини каравотга ташлаб, куюниб йиғлади.

Ризвон эса, Шарифанинг дағдағасидан ундан ҳам хунук бир вазиятни ҳис қилиб, сеvimли «келини»дан бутунлай ажралиб қолганига жуда-жуда қўрқиб кетди. Илиги қалтираб, тартибсиз сочилиб тупроққа қоришиб ётган палов ёнига ўтириб қолди. Унинг ранги қув ўчган, аъзойи-бадани зирқирар, дир-дир титрар эди...

Ризвон ишқ-муҳаббат нималигини ана шунда билди. Биддигина эмас, азобининг заҳрини ҳам татиб кўрди.

## КУЗАТУВ

Кеч соат ўндан ўтганда бир новча, бир пакана йигит ресторандан довдирашиб чиқишди. Улар шод эдилар.

— Шу... ресторан кўп аломат нарса-да, Шервой! — сўз қотди пакана йигит. — Иш йўқ, хаф-фагарчилик йўқ. Фақат хурсандчилик! Қани энди уйинг ҳам ресторандай бўлса!..

Новча йигит Шервойнинг елкасидан қучиб, юзидан ўтди.

— Яш-шавор, Жавлон! Ҳақ-қий-қий олимсан! — деди завқ билан.

— Қани энди уйларимиз сен айтганча бўлса! Аписанкалар атрофингда гирдикапалак бўлиб юришса! Бир томонда буфетчи арағу пиволарни шарқиратиб қуйиб турса!.. Ие, шошма, қаёққа кетяпмиз?

— Сеникига-да! — деди Жавлон ҳамроҳининг елкасидан қучиб.

— Ўтган сафар сен мени кузатиб қўйган эдинг. Бу сафар мен сени кузатиб қўяман.

Шервой таққа тўхтади.

— Йў-йўқ, йў-йўқ! — қичқирди у кўрсаткич бармоғи билан таъкидлаб. — Оғайнигарчилик ун-нақа бўлмайди! Бўл-майди!..

Жавлон Шервойни чап томонга судради.

— Я-я-я-яқ! Унақаси кетмайди! Тегирмон навбати билан!..

Улар узоқ сургилашди. Ниҳоят, чек ташлашга қарор қилинди. Электр чироғи порлаб турган симёғочнинг остига боришди. Шервой бош бармоғи устига танга қўйиб, юқорига отди. Танга ерга тушиб жиринглади. Шервой тангани олиб, ёруққа тутди.

— Ютдинг, сен ютдинг! — деди маъюс. — Бахтинг бор экан!

— Ана шунақа-да! — Жавлон чапак чалди ва қийқириб кулди. — Ана шунақа! Ҳақ жойида қарор топди!..

Икки ошна бир-бирининг елкасига қўл ташлашиб, Шервойнинг ҳовлиси томонга йўл олишди. Йўл-йўлакай ширин суҳбатлашиб боришди. Аммо ҳовлисига етганда, Шервой тирхашлик қилиб туриб олди.

— Икки йўл! — деди у. — Ё уйга кирасан, ё сени кузатиб қўяман. Шу баҳонада бирпас суҳбатлашамиз.

Жавлон шартнинг иккинчисига кўнди. Улар чайқала-чайқала Жавлоннинг уйи томонга қараб кетишди. Пастқам бир кўчадан ўтиб боришаётганда, магазин қоровули томоқ қириб:

— Ке-мў?! — деди.



— Биз, отахон, биз-з-з! — жавоб берди Жавлон ва Шервойга қаради. — Озгина отамизми?

— Майли, бормикан чолда?

Чолда қизилидан бор экан. Қоровулхонада ўтиришиб, икки шишани бўшатишди. Кейин сигарет тутатишди. Кайфлари хийла ошиб қолган эди.

— Оббо, отахон-эй! — Жавлон чолнинг елкасига қокди. — А-жойиб одам экансиз! Жуд-даям бизбоп одам экансиз! Ҳожатбарор одам экансиз! У дунёда пряма жаннатга кирасиз!

— Так тўчни! — Шервой томоғини қириб туфлади. — Пряма, пряма!..

— Бас энди, йигитлар! — чол елкасидан Жавлоннинг кўлини сидириб туширди. — Энди қайтинглар уйларингга. Соат ҳам бир бўлиб қолди.

Икки ўртоқ узун-қисқа бўлиб хужрадан чиқишди.

— Лекин катта кўчадан юрманглар, — тайинлади чол. — Мелиса-пелисадан холи хилватроқ кўчадан кетинглар.

— Хўп, отахон, хўп-п!

Улфатлар кўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлаб олишди. Сўнг магазиннинг ёнидаги йўлак орқали қоронғи кўчага кириб кетишди. Чайқалиб, туртиниб кетиб боришарди. Гоҳ чапга бурилишади, гоҳ ўнгга.

— Тўғ-ғри кетяпмизми ишқилиб? — сўради Шервой.

— Тўғ-ғри бўлса керак! — жавоб берди Жавлон.

Кичкина чорраҳага келганда тўхташди.

— Хўш, энди ққаёққа? — деди Шервой.

Жавлон кўзларини катта очиб, учала кўчага бирма-бир тикилди. Бироқ зарур кўчани фарқлай олмади.

— Тўғрига бораверайлик-чи, — деди сўнг.

Улар узоқ юришди. Ниҳоят, ёруғ, каттагина кўчадан чиқишди.

— Шу бўлса керак бизнинг кўча-ча! — деди Жавлон чайқалиб.

— Қани, шу томонга юраверайлик-чи.

Улар ўнг томонга бурилишди. Икки қаватли бино ёнига етишганда, Жавлон Шервойни тўхтатди.

— Бу эмасга ўхш-шайди, — деди. — Бизнинг кўчада бун-нақа уй йўқ эди.

Жавлон атрофга аланглади. Кўча бўм-бўш, зор учмасди.

— Энди нима-ма қилдик-а?

Икки ошна бош қашлаб, ҳайрон бўлиб қолишди.

Шу пайт орқадан кимнингдир товуши эшитилгандай бўлди. Улфатлар қайрилиб қарашди. Бир йигит шу томонга жадал юриб келмоқда эди.

— Ассалому алайкум! — деди йигит етиб келиб. Унинг чап билагидаги қизил лентани булар кўришмади. — Йўл бўлсин?

— Б-бу... адашиб қолдик, — жавоб берди Жавлон чайқалиб. — Кўчани топ-тополмайроқ турибмизз!..

— Қайси кўчада турар эдиларинг? — сўради йигит. Жавлон Шервойга боқди.

— Қайси эди?

Шервой елка қисди.

— Бу — Фурқат кўчаси, — лукма ташлади йигит.

— Пурқат, қайси Пурқат-т? — қизиқсинди Шервой.

— Шоир Фурқат.

— Ие, борми Пурқат? Ҳаётми?

— Ҳаёт, ҳаёт! — жавоб қилди йигит билинар-билинемас жилмайиб.

— Ҳалиги байт ёзадиган Пурқатми? — Жавлон йигитга тикилди.

— Ҳа, ўша, — деди йигит. — Олиб борайми уйига? Жавлон Шервойга қаради.

— Майли, Пурқат уйроқ бўлса, уч-тўртта байт эшитиб келармиз, — деди Шервой. — Кейин кузатиб кўярман.

— Э, байтни қўй! — қўл силтади Жавлон. — Ялла дегин! Яллани қийворади Пурқат! Радиодан эшитгандирсан!

— Майли, ялла ҳам қилдирамиз, — деди йигит. — Мен ҳам яллани жуда севаман.

Йигит икки ошнанинг ўртасига кириб олди-да, уларни чапга бошлади. Балан дарвозали ҳовлига етганда, йигит «байт мухлислари»ни тўхтатди.

— Мана шу дарвоза Фурқатники, — деди.

— Э, шунақами?

— Жаноб Пурқат шу уйда турадиларми?

Дарвоза тепасида «Хушёрхона» деган ёзув бор эди. Улфатлар уни ўқимоқчи бўлишди. Жавлон чап кўзини юмиб, кафтини ўнг кўзига «дурбин» қилди.

— Хуш... Хуш... — деди-ю, уёғини ўқиёлмади.

— «Хуш келибсиз!» — изоҳ берди йигит... — Фурқат ёздирган.

— Ҳм, шундайми?! — дейишди икки ошна. — Хушвақт бўлинг, ҳазрати Пурқат!

Жавлон қўшиқ бошлади, Шервой қўшилди.

— Адашган кимсадек, Пурқат, қай-ён борғў-ўм билолмасман...

Учови қатор бўлиб, «Пурқатнинг уйи»га кириб кетишди.

## АЙЛАНМА КЎЧА

Ниҳоят, Тилаволди ўнинчи синфни тутатди. Рауфжон буванинг қувончи ичига сирмайди. Нега севинмасин? Ахир, қариганда кўрган ёлғиз ўғли ўрта мактабни тамомлаб «аттестат» қоғозини кўтариб келади-ю, севинмайдими?!

Лекин бу ҳали биринчи марра. Тилаволди яна бир довон ошиши, катта мактабларда таҳсил кўриб, баркамол домла бўлиб келиши керак. Рауфжон бува қолган умрини, молини, пулини — бутун борлигини ана шунга бағишлайди. Нима қилса қиладики, Тилаволдини домла қилади. Кейин уни ўзидақа домла қизга уйлантиради...

Афсуски, бу орзу-умидлар ой ўтмай пучга чиқди: иккинчи довон жуда тик келди — Тилаволди қабул имтиҳонларидан ўтолмади.

Рауфжон бува йиғлагундай бўлди. Мағлубият сабабини ҳам тузуккина суриштирмай, дарҳол шаҳарга жўнади. Институтга бориб, имтиҳон олувчилар раисининг кабинетига кирди. Раисга юрагини очди.

— Жо-он болам, — деди охирида, — шундоқ қилинг, Тилаволдини ўқишга олинг. Шу бола сиздан ҳам, мендан ҳам бир умр хурсанд бўлиб юрсин...

Раис чолнинг арзини диққат билан тинглади-ю, аммо чучук гап айтмади.

— Ҳм, Рауфжонов Тилаволди, — деди у алақандай қоғозларга кўз югуртириб. — Ҳм. Ўғлингиз она тили билан адабиётдан «ёмон» олипти, қабул қилолмаймиз.

Рауфжон бува, институт фақат аъло жавоб берган болаларни қабул қилган, Тилаволди эса яхши, яъни мактабдан олиб келган билиминигина айтиб бера олган, унинг институтга ўтолмаганининг боиси шу, деган фикрда эди. Раиснинг гапини эшитиб, ёқасини ушлади.

— «Ёмон» олипти?! — деди у кўзларини катта очиб. — Наҳотки! Ахир, ҳаммасидан «яхши» олган эди-ку, мактабда?! Қорозига ҳам шундоқ деб ёзилган?

— Афсуски, шу «яхши», «ёмон» чиқипти, — деди раис лоқайд.

Чол сапчиб ўрнидан турди.

— Ие, бу қанақаси?! — деди раис томон юриб. — Ҳаммаларинг бир одам, бир ҳукуматнинг икки идорасида ишлайдиган одамсизлар-ку, нечук уёқнинг тоштарозиси буюққа тўғри келмайди? Ахир, колхоз юборган пахта сира-сира кам чиқмайди-ку, пунктда?!

Раис бу саволларга жавоб бериш ўрнига чолни бошқа бир хонага бошлаб кирди ва новча бир йигитга рўпара қилди.

— Мана, тил-адабиёт бўйича имтиҳон олган ўртоқ Акбаров, барча саволларингизга шу киши жавоб беради.

Акбаров институтнинг талабчанлиги, Тилаволдининг бўшлиги тўғрисида узоқ гапирди.

— Ахир, она тилидан энг жўн нарсани ҳам билмади-да, Тилаволдижон! — деди кейин. — Ҳатто, қанузгача «нинг» билан «ни»нинг фарқига етмайди. Адабиётдан ҳам мазаси йўқ, Мана иншоси.

Акбаров чолга дафтар варақларига бинафша сиёҳда ёзилган ва қизил қалам оралаб «лолазор»га айланиб кетган ёзувларни кўрсатди. Қизил белгиларнинг бир нечасини изоҳлади.

— Мана шунақа, — деди сўнг. — Энди хафа бўлмай кетасиз-да, отахон.

Рауфжон бува ҳафсаласи пир бўлиб ўрнидан турди.

— Ҳамма айб болада! — сўзланди у эшик томон юриб. — Ўлардай уятчан, ҳуркак. Билганини мондалаб ёзолмаган, айтиб беролмаган сизларга. Майли, ўзидан кўрсин ландавур!

— Болангизда айб йўқ, отахон, — Акбаров Рауфжон буванинг орқасидан эргашди. — Қозонда бўлса чўмичга чиқади-да! Яъни, масалан, ёзма имтиҳонни ўз мароми билан ўтказилди, уялтирмай сўралди... Лекин чиқмади-да ҳеч нарса! Қозон бўш келган экан ўзи.

Рауфжон бува эшик қабзасини тутган ҳолда орқасига қайрилди.

— Қозон, қозон, дейсиз. Шу қозон бўш экан, нега «тўла» деб ёзиб беришади?! — деди.

Акбаров қўлини кўксига қўйиб, майин жилмайди.

— Бунисини ўша мактаб ўқитувчиларидан сўрайсиз.

Чол алам билан қишлоққа қайтди.

Ахир, алам қилмайдами?! Мана, ўн йилдирки, Рауфжон бува мактаб аҳлининг эркагини — ака, аёлини — опа дейди, туну кун уларга суйкалади. Тилаволдининг ўқишини, юриш-туришини суриштиради. Тилаволди хусусида қандай топшириқ бўлса, қош қоқмай бажо келтиради...

Болам кўп қатори одам бўлсин, унсин, ўссин, деб шунча азият чекса-ю, мана бунақа алдаб ўтиришса-я, домлалари!

Тилаволди «атистат» қорозини кўтариб келган куни ўша меҳнатлари ҳордиғи чиққандай бўлганди. Ундаги баҳоларни ўқиттириб эшитганда, ҳатто кўзига ёш олиб:

— Ҳамма нарсани баб-баравар яхши билиб чиқипти Тилаволдим. Бу — яхшилик нишонаси, болагинам яхши йигит бўляпти, таълим берган устозларидан айланай, — деган эди.

Энди нима деса бўлади?!

Рауфжон бува жадал юриб мактабга кетаётган эди, йўлда иттифоқо тил-адабиёт ўқитувчиси Исломов учраб қолди. Рауфжон бува бутун гина-кудуратини тўкиб солди.

— Болани бунақа думбуллицига чиқаргандан кўра тагин бирон йил ўқитганларингда ҳам бўлар экан, — деди охирида.

Исломов гапни калта қилди.

— Мени ўзимга яраша хўжайиним бор, бобой! Ат-чўтни ўша кишига бераман.

— Шундайми?!

— Так точни!..

Исломов йўлида давом этди. Чол унга тикилганича бир зум тек қолди.

«Магазинчи беш пайса қандни кам берса-ку, жало ерга жар солишади бу домлалар, тавба-тазаррусига қарамай, милицияга судрашади. Нега энди ўзларининг ботмон-ботмон камомадлари хусусида ҳатто юзларига ҳам гапириб бўлмайди?! — дилдан ўтказди у рижи-ниб. — Майли, мардум нима деса десин, шу алдоқчиликнинг субутига етмасдан, шу ишнинг бош айбдорини топиб, эл олдида бир уялтирмасдан қўймайман!»

Рауфжон бува шу фикр асоратида мактаб директори га йўлиқди, ўтиқиб институт воқеасини айтди.

Директор оғиз ва кўзларини катта очди.

— О, шунақа бўптими? — деди. — Тилаволдининг ёзуви қип-қизил қон бўп кетиптими? О, ёмон бўпти,

кўп ёмон бўпти!.. Ҳай, майли, хафа бўлманг, отахон, бу йил болаларнинг бозори касодроқ бўлди ўзи. Саломатлик бўлса..

— Бэ-э! Тилаволдининг институтга киролмаганига эмас, бошқа нарсага хафаман! — деди энсаси қотиб чол. — Мен унинг қўлларингга ўн йил ўқиб хом калла билан чиққанига хафаман! Пишмаган каллани пишди, деб ёзиб берганларингга хафаман! Шу хом каллани бозорга солиб юрганингга хафаман!..

Директорнинг ранги сал оқарди.

— Упка-гинангиз тўғри, отахон, — деди сўнг. — Бу борада, иқрор бўлишимиз керак, биз ҳам қисман айб-лимиз — иш бор жойда камчилик ҳам бўлади-да! Лекин асосий айбдор — Исломов. Чунки тил-адабиётнинг нонини ўша еган.

Чолнинг зардаси қайнади.

— Нонини бунақа ҳалоллаб емаса, нечук мактабда юрипти?

Директор аччиқ илжайди.

— Бунисини райОНОдан сўрайсиз, отахон, — деди бошини чап елкасига ташлаб. — Исломовни райОНО тайинлаган бу ишга.

Рауфжон бува разаб билан район халқ маорифи бўлимига борди. Бўлим мудирини воқеани эшитиб, чолнинг ҳолига кўп ачинди ва:

— Афсуски, институт бизнинг бўлимга қарамайди, — деди. — Акс ҳолда..

— Йўқ, ундай демоқчи эмасман, — мудирнинг гапини бўлди чол. — Демоқчиманки..

Рауфжон бува Тилаволдини катта сафарга чоғлаб юрганини, лекин у мактабдан «қоғоз отта яйдоқ миниб чиққани»ни ва оқибатда биринчи кўприқдаёқ қулаб тушганини куюниб арз қилди. Шу иллатнинг бош айбдорини сўради.

— Албатта ўша муаллими, Исломов айбдор-да, — деди мудир. — Яъниким, у болаларга пухта билим бериш учун курашмаган. Ўз айбини ниқоблаш мақсадида ўқувчилар билимини орттириб баҳолаган.

— Курашмаган, дедингиз, — деди чол бир қимирлаб олиб. — Уни курашга ким солгану нега курашишга мажбур қилмаган?

— Ҳа, курашга... — мудир томоғининг тагини қашлаб бир лаҳза ўйлаб олди. — Эътироф этиш керак, бу борада бизда ҳам, ўша мактаб бошлиқларида ҳам айб бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда раҳбармиз-да. Аммо уёғи-

ни сўрасангиз, бунга аввало ўша институтнинг ўзи айбдор. Негаки, Исломов шу институтда ўқиган, сиртдан ўқиган. Сизга қоронғи, мазкур институт сиртдан ўқийдиган талабаларига ўгай она назари билан қарайди. Уларни хом-хатала битиртириб йўллай беради бизга. Ана энди бу чаламулла мутахассисларга танлаган синфидан дарс бермай кўринг, солади қўлидаги дипломи билан бошингизга!.. Исломов ҳам юқори синфларга шу тариқа ўқитувчи бўлиб қолган. Мана, кўрдингизми, иллатнинг боши қаерда?!.

Рауфжон бува иллатнинг бошини қидириб, институтга борди. Бояги Акбаровни топди. Акбаров чолни кўрибоқ авзойи бузилди.

— Беўрин овора бўляпсиз, отахон, — деди у қошларини чимириб. — Фишт қолипдан кўчди энди!..

— Буни ўзим ҳам билиб турибман, — деди Рауфжон бува ва мудирдан эшитганларини айтди.

Акбаров қизишди.

— Биздан ҳисоб оладиган махсус ташкилотлар бор, отахон, — деди у лаблари хиёл қалтираб. — Қолаверса, бунақа қилиб юришдан сизга тариқча манфаат ҳам бўлмаса керак. Лекин, майли, оппоқ соқолингиз ҳурмати, сизга бор гапни айтай. Гап бундай, отахон. Эҳтимол, биз ўша мудир айтганидек, Исломовга етарли билим бера олмагандирмиз. Эҳтимол, шу важдан бош айбдор биздирмиз. Аммо ўша Исломов деганингиз ўрта маълумотни қаерда олган? Шахсан биламан, ўша қишлоқда олган. Ўрта таълим олий таълимнинг пойдевори. Эсимда бор, Исломовда ана шу пойдевор бошданок бўш эди. Барчага равшан, пойдевори бўш иморатга қанча кўп меҳнат сарфламанг, барибир у омонатлигича қолади...

Рауфжон бува Акбаровнинг гапига қаноат ҳосил қилиб ва айни чоқда мактаб ўқитувчиларига хусумати ортиб қишлоққа келди. У тўғри мактабга йўл олди. Бироқ мактабга етай деганда, боши йўқ айланма кўчага тушиб қолганини тўсатдан сезиб қолди — таққа тўхтади. Сўнг кескин қўл силтади-да, уйига томон бурилди-кетди.

## ХОТИНИМНИНГ ДАСТИДАН ДОД

*(Бир пиянистанинг ўртоқлик судига берган аризаси)*

«Азизлар, биродарлар, ёрдам беринглар менга, ёрдам! Ялинаман, ёлвораман, мени, мен шўрликни хотинимнинг зулмидан қутқаринглар!

Мен ҳам одамман ахир. Ҳукумат менга ҳам ҳуқуқ берган, эрк берган. Бу феодал хотиним бўлса эркимни бўғяпти, ҳуқуқимни поймол қияпти! Аёвсиз поймол қияпти. Урай десам, кучим етмайди, сўкай десам, мендан баланд келади! Ўлиб бўлдим бу ҳўл балонинг дастидан!

Илгарилари ичкилик ичсам, бирпас хархаша қиларди-ю, жимиб кетаварарди. Йиллар ўтиб, ичкилик бўйича стаж ва малакам ортган сари қилиқ чиқара бошлади. Мана, бутунга келиб унинг зулми чидаб бўлмас даражага бориб етди!..

Тунов куни ичувчилик фаолиятимнинг бошланганига йигирма йил тўлган эди. Шу тарихий кунни нишонлаб қўяй деб, кўнгилга яқин шишадощларимдан уч-тўрттасига ҳовлида кичкина зиёфатча бермоқчи бўлдим. Хотиним тоғасиникига кетган эди. Маслақдошларим менинг соғлиғимни тилаб, энди қадаҳ кўтаришаётган эди, лоп этиб келиб турибди-да, хотиним! Муҳтарам дўстларим, кўп йиллик шишадощ устозларим йиқилиб-сурилиб зўрға қочиб қутулишди. Мана, атоқли ичувчиларга бўлган «ҳурмат-эҳтиром!»

Бир сафар бўлса, азиз шишадощларимнинг ширин даврасидан мени омбирдай суғуриб олиб чиқиб кетди, баттол! Обруйим бир чақа бўлди. Ҳозир мени навқирон шишадощларим уёқда турсин, ҳатто ветеран пиянисталар билан ҳам суҳбатлаштирамай қўйди!..

Менга нисбатан тариқча ҳам меҳри йўқ хотинимнинг! Шунча ҳушёрхонага тушаман, бирор марта ҳам борган эмас ҳол сўраб!

Баъзан кечалари уйга киритмайди. Магазин қорувулининг ҳужрасида ёки чойхонада гингшиб чиқаман.

Бир куни бозордан келаётиб, харид қилган нарсаларимни йўқотиб қўйган эдим. Шунга чунон дағдаға



қилдики, ичганларим ҳам бурнимдан булоқ бўлди. Кўчадан замбилғалтақда келган кунимнинг эртасига ҳам бошимда данак чақди, золим.

Шу-шу, бозорга ҳам юбормайди, кўчага ҳам чиқармайди.

Мояна пулимни ҳам бермай қўйди яқиндан бери. Мен ведомостга қўл қўяман, холос, пулни жарақ-жарақ ўзи санаб олади.

Бу қандай зулм, бу қандай бедодликки, ўзим топган пулга ўзим ичолмасам! Уч ҳафта бўлди оғзимга тегмаганига!..

Ўтган якшанба бир амаллаб «яримта» топиб келиб, омборхонага яшириб қўйсам, шуни ҳам топиб олибди. Кейин нима қилибди денг? Ичидаги шарбатни паққос тўкиб, ўрнига сут қуйиб қўйибди, қаллоб. Кечқурун ичиб кўрсам — сут! Дарров туфлаб ташладим.

Кошки тўплаган пулига менга бирорта мотоцикл сотиб олиб берса! Йўқ, ундай қилмайди — йиқилиб тушар эмишман! Пулни ҳадеб буюмга совуради энсамни қотириб. Бултур тўрт юз сўмга гилам сотиб олди, индамадим. Шифоньер сотиб олди, индамадим. Телевизор сотиб олди, ҳа, бунисига ҳам майли, болаларга овунчоқ бўлар, дедим. Энди яқинда холодильник билан кир ювадиган машина олиб келибдида, пулни исроф қилиб. Холодильник-ку, майли, ёз кунлари баъзан рўзғорга керак бўлиб туради. Лекин кир ювадиган машинага бало борми?

Хотинимнинг бунақа бемаънигарчиликларини айтаверсам, уч кунда ҳам тугамайди. Жуда жонимдан тўйдим бу золимнинг дастидан! Кимга айтаман арзу додимни! Пиянистанинг қадрига етадиган бирор инсон, унинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган бирор идора бўлмаса бу дунёда!

Арзи ҳол сўнгида сизларга талабим шуки, вақтичоғлик ва улфатчиликнинг ашаддий душмани бўлган золим хотинимни эл олдида суд қилиб, эгиб беринглар. Токи мен нотавоннинг бошига ҳам офтоб тегсин. Ичувчилик бўйича йигирма йил давомида тўплаган бой тажрибаларим жувонмарг бўлиб кетмасин! Ҳар қадаҳ кўтарганда сизларни эслаб, қайта-қайта дуо қилиб юрай!..

Жабрланувчи: сершиша буфетларнинг қули, сершовқин давраларнинг гули Ароққул Бўзаев».

## БИР СЌЗЛИ ЙИГИТ

Бир сўзликка келганда бизнинг Шарифжонга та-  
раф йўқ. Кечкурун уйку элтса, ухлайман дедими, сира  
иккиланмасдан ётиб ухлайди. Кун ёйилган пайтда  
кўрпадан тураман, деб қасд қилдими, шубҳасиз, тура-  
ди. Ошқозонининг эрталабки ғалвасидан қутуламан  
дедими, албатта, нонушта қилади.

Шарифжон шунақа биркесар йигит. Тўққизинчи  
синфни тугатгач, бирдан шофёрликка ишқи тушиб  
қолди. Мактабни ташлайман деди, ҳеч қанақа «ғиди-  
биди»га қулоқ солмади, ташлади. Ҳайдовчилик курси-  
ни битираман деди, битирди. Колхознинг аталага гўнг  
ташлайдиган «думли» машинасини минаман, деди,  
минди. (Раиснинг «Волга» — йигирма тўртини миниш,  
қовурғасини қирсиллатиб елдириш ва ҳамкасбларини-  
ниг кўзини ўйнатиш етти ухлаб тушига кирмаган Ша-  
рифжоннинг. Бу борада Шарифжоннинг шаънига тў-  
қилган гапларга асло ишонманг. Ҳаммаси хусуматдан.  
Шарифжон аввал-бошданок «мен гўнг кишиси, «дум-  
ли» машина минаман», деган). Уч йил минди. Армия  
хизматига борасан, дейишди, бораман, деди, борди.  
«Виллис»нинг рулига ўтирасан, дейишди, ўтираман,  
деди, ўтирди. Юртинга қайтиб кетасан, дейишди,  
қайтаман, деди, қайтди.

Автокорхонага ишга ўтгани бораман, деди, борди.  
Шунда кадрлар бўлимида сулув бир қиз — Шарифжон  
совчи юборганда, «маълумоти паст экан, бўлмайди»,  
деган қиз учраб қолди-ю! Шарифжоннинг юраги  
«шув» этиб кетди. Боз устига, қиз қоғоз титкилаб ўти-  
риб: «Маълумотингиз қанақа? Аниғини айтинг», деди  
атайин калака қилаётгандай. Шарифжоннинг садоқат-  
ли тили оғзида бир-икки айланди-ю, ўз эгасига: «Ўр-  
та» деган биргина сўзни эплаштириб чиқариб берол-  
мади. Шарифжон қизарди, ерга қаради. (Ахир, ишга  
кирувчилар орасида олий маълумотлилар ҳам бор  
экан-да!) Ниҳоят, Шарифжоннинг тили ростига кўчди:  
«Тўққизинчи синф», деди.

Шарифжон кадрлар бўлимидан қутурган арслон-  
нинг қабулида бўлган қуёндай отилиб чиқди. Қаттиқ  
ғижинди: «Ўлсам ўламанки, олдин ўрта, кейин олий  
маълумот оламан. Олмагунча қўймайман».

Шарифжон айтганини қилди, ишга ҳам кирди,  
кечки ўнинчи синфга ҳам. Синф журналида ўн олти  
ўқувчининг рўйхати бор эди. Бироқ парталарда ўти-

рувчиларнинг сони ўн-ўн иккитадан ошмасди. Айрим талабалар ҳафталаб қорасини кўрсатмай кетарди. Шарифжон эса, сира дарс қолдирмади. Ўқитувчиларига ҳам шу талабни қўйди. Қаттиқ турди. Муаллимларни уйдан судраб келган кунлари ҳам бўлди. Дарсга чорловчи қўнғироқ товушини «эшитмай» шахмат тахтаси тепасида «михланиб» ўтирадиган устозлар, телезкран қаршисида футболнинг гаштини сурадиган ўқитувчилар ва «мажлисга кетиб» қоровулхонада ҳуфёна қиттак-қиттак «отадиган» раҳбарлар ҳам қутулмади Шарифжоннинг дастидан. Бошинг билимга лиммо-лим тўлгур Шарифжон, нима қилдики, ўн биринчи синфни ўзи айтмоқчи «беш-беш» баҳолари («беш-беш» деганимиз аслида бир кам «беш», икки кам «беш» эди. Бу хусусда бировга ёрилиб қўйманг, Шарифжон эшитса, хижолат чекади), ҳа, «беш-беш» баҳолари билан тамомлади. Мана, энди сиртқисига киради.

Бугун имтиҳон. Иншо. Аудиторияга бир йўгон, бир ориқ ўқитувчи кирди. Абитуриентлар уларни оёққа қалқиб қарши олдилар. Йўгон домла абитуриентларга имтиҳон топшириш бўйича йўл-йўриқ кўрсатди. Унгача ориқ домла тахтага «тук-тук» эткизиб иншо мавзуларини ёзди. Учта экан. Иккитаси Шарифжонга нотанишдай, учинчиси қадрдондай туюлди. Қадрдонини йўгон домла тарқатган штампли варақча туширди: «Қутлуғ қон» ва «Бой ила хизматчи» асарларига қиёсий характеристика».

Шарифжоннинг ўнг биқинида барваста жувон, чап томонида жиккак йигит ўтирарди. Шарифжон бўлғуси «курсдоши» бўлмиш аёлга боқди.

— «Қиёсий» дегани нима эди, ё «сиёсий»ми?

— «Қиёсий», яъни «қиёсан» дегани, — жавоб қайтарди бўлғуси «курсдоши».

Шарифжон шошиб қолди.

— «Қиёсан», яъни «қиясанми?» — деди. Масалан, «телпак қиясан» ёки «этик қиясан»... Шунақами? Ё «қайчи қиясан?»..»

— «Қиёсан», «таққосан» дегани, — жавоб қилди жувон ва машғулотга берилди.

— «Таққосан?» — митти кўзларини очди Шарифжон. — У нима? «Тақа сон» ёки «тақасан» дегани эмасми? Масалан, «мунчоқ тақасан?»

Аёлнинг юраги торлик қилди.

— Солиштириб характерланг, дейиляпти, — деди ниқтаб.

— Ҳм, солиштириб, — деди Шарифжон. — «Қутлуғ қон»ди Ойбек ёзган-а?

Бу савол жувонга малол келди.

— Ҳа! — деди жеркиб.

Шу он йўғон домланинг танбеҳи эшитилди.

— Ҳў, йигит, тартиб-қоида айтилди, эшитгандир-сиз-а?

Шарифжон қалтираб қолди.

— Ҳа, ҳа, эшитдим, домла, эшитдим, — деди овози гўлдираб.

— Энди ҳечам унақа...

Шарифжон ўйга берилди. Анови хотин ўчакишиб «ҳа!» деди. Ёлғон. «Қутлуғ қон»ди оташпараст шоир Ҳамза ёзган. Ҳамза Шоҳимардонда қон кечган. Мир-закаримбойларди адабини берган.

Шарифжон «курсдоши»га қаҳрли назар ташлади.

— Лақиллатиб бўлсан мени, — дея зуғумини сочди. — Эсон-омон студент бўлиб олсам, шу заҳарди ёнида сира-сира ўтирмайин.

Шарифжон яна ўйга толди. «Бой ила хизматчи»ми-нан «Қутлуғ қон»ди солиштиринг, депти. Фарқи нимада экан-а? Униям, буниям кино қилишган. Қани, икковини ўйлаб олайин, ёзиш қочмайди.

Шарифжон иккала фильм мазмуни ҳақида ўй суриб кетди. «Қутлуғ қон»да Ғопир тоғасиникига қурт олиб боради. Кампир «Бунақа тош қурт олмайман», деб қўлига қайтариб беради. Ё отиб юборармидикин? Мановилардан сўраб бўлмаса. Йўқ, ундай эмас. Маткаримбой қароли Ғопирни уйлаб қўяди. Аломат тўй бўлади. Тўйда кўқонлик Мазоҳидова деган артист чилдирма чалиб, ашула айтади: «Жон ука, марғилонлик ука-е, омонёр». Йўқ, у «Ўтган кунларда»-ку. Қаёққа қиялаб кетяпсан, Шарифжон ҳожи? Бой қаролини Жамила деган қизга уйлаб қўяди. Йўқ, Унсинга. Кейин, чўтни қоқиб «хўш, деганингиздан билсак, сарт экансиз», дейди. Ҳисоб-китобдан кейин: «Келинни кўрайлик», дейди. Кўриб: «Момақаймоқ экан, Ғопирвой, қайлиқдан ялчибсан», дейди. Кейин Жамилани Ғопирдан тортиб олади ва унга уйланади. Ғопир ғиди-биди қилади. Бойди ғаши келиб, уни Сибирга сургун қилади. «Сени жойинг даҳшатли Сибирь», дейди. Жамила роса ялинади, бой жаҳлдан тушмайди.

Ғопир Сибирда Қоратой, Петровлар билан танишади. Яна бир чол бор эди, маҳсидаўз... оти... оти... Шоис-

ломмиди? Йўқ, йўқ, Шоқосим ота. Шоқосим ота маҳси тикиб сотади. Йўлчи Шоқосим отаминан ҳам танишади. Кейин кўплашиб кўзғолон кўтаришади ва бойларди йўқ қилишади.

Энди Шарифжон «Бой ила хизматчи»ни ўйлаши, ўйини пишитиши керак.

Бунда Ғопир, йўқ, йўқ, Ғопир эмас, Йўлчи бош қахрамон. Йўлчи кимга уйланарди экан?

Шарифжон саволини чап биқинидаги «курсдоши»га аста шипшиди. Савол «Гулбаҳор» сўзини ундирди.

«Яхши, — деди Шарифжон ва ўйлашда давом этди. — «Бой ила хизматчи»ни ким ёзган? Албатта, Ойбек ёзган. Буни иншони кириш қисмига киритаман. Кириш қисмидан кейин асосий қисм, ундан кейин хулоса ёзилади. Мактабда шу тартибда ёзишга ўргатишган. Хулоса тагидан «беш» баҳоси муносиб ўрин олади. Ана, «тўрт» бўлсаям майли.

Ҳа, нимани ўйлаётган эдим. Йўлчини хотини Гулбаҳорди. Йўлчиминан Гулбаҳорди тўйи дабдабали ўтади. Магнитофон Солиҳбойларди уйида кечаю кундуз бақиради. Уни далада ишлаётганлар ҳам эшитади. Келин-куёв фарзанд кўришади. Ўғилмиди, қизмиди? Ҳа, «боласи» дейман-қўяман. Хонзода деган баттол хотин уларди боласини қозонда қайнаб турган сувга ташлаб ўлдиради. Кўтарилади жанжал. Буёғи прокурор, суд. Йўлчи Хонзодага заҳар ичиради. Йўлчини қамашади. Йўлчи қамоқда Петров, Қоратой, Шокир ота... Йўғ-е, улар Сибирда-ку. Умуман, революционерларминан танишади. Ҳаммасини биламан. Калада билим кўп, билим. Мактабда адабиёт ўқитувчимиз мени «профессорсиз», деган. Иншомни мақтаган. «Илмий иш қилиб юборибсиз, юқоридагилар ўқиса, ишонишмайди», деган. Кейин қизил шарковой билан чизиб, бузиб берган. Қайта кўчирганман. Тагин мақтаган. Лекин «З» қўйган, қуримсоқ.

Вой, мен қаёққа ўтлаб кетдим. Нимани ўйлаётган эдим? Ҳа, Йўлчиларди. Улар қамоқдан чиқиб, кўзғолон кўтаришади. Маткаримбойлар устидан ғалаба қозонишади.

Ана, «Бой ила хизматчи» ҳам пишди. Энди иккаласини таққослаш қолди. Буёғини ёзиб олайин, таққослашни бир зумда «қотириб» ташлайман.

Шарифжон айтганини қилди. Барчасини «қотириб» ташлади.

Шарифжон индинига институтга бораман, деди, борди.

Оёқ учида юриб ҳовлига кирди. Ишқилиб «5» ёки «4» бўлсин-да, «2» ёки «1»дан худо сақласин. Девордаги «Баҳолар ойнаси»ни одамлар ўраб олишибди. Баҳолар чиқибди чоғи. Шарифжон бўйнини чўзиб, фамилиясини топди. Э, воҳ! Козимов Шарифжон: «2»! Ана, холос. Ноҳақлик!

Шарифжон қабул комиссиясига ўша тобнинг ўзида кираман, деди, айтилган гап отилган ўқ, кирди. Иншомни кўраман, деди, кўрди: «лолазор». Қизил қаламдан калтак емаган сўз қолмабди. Бир сеанслик «адибади»дан сўнг Шарифжон «лолазор»дан кескин юз ўгирди. Шахсий деломни ҳозироқ оламан, деди, олди. Бу ерда адолат йўқ экан, кечки факультетга кираман. Сўзсиз кираман, деди қатъий.

— Кечки факультетнинг тарози тоши сиртқиникидан енгил бўлмасо-в, — дея луқма ташлади биров.

Шарифжон биркесар йигит эмасми, «кираман, дедим, кираман, кечкига», деди муштумини қисиб. Бошқа гапга ўрин йўқ!

Шарифжон айтганини қилди, кирди. Бироқ ўқишга эмас, шахсий делосини шу жойда тўрт-беш кун шамоллатиб олиш учун кирди.

## ШАРТИГА ТЎҒРИ

Тўртинчи бошланғич мактаб касаба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов мажлиси кетмоқда эди. Мажлисда ташкилот раисининг бир йиллик иш фаолияти қониқарсиз топилди. Шу туфайли ташкилотга янги раис сайлаш керак бўлиб қолди. Мажлисга мактаб мудир Фозиев раислик қилар эди. Фозиев аввал касаба уюшмаси ташкилоти раиси сайловини ўтказиш ҳақидаги таомил шартларини мажлис қатнашчиларига эслатди. Сўнг бундай деди:

— Хуллас, биз раис қилиб сайлайдиган ўртоқ эпчил, ишбилармон ва намунали педагог бўлмоғи лозим экан... Саволлар бўлмаса, энди асосий масалага ўтамиз. Хўп. Бу вазифага кимни мувофиқ кўрасизлар?

Мажлис аҳли сукутга чўмди.

— Хўш, ўртоқ Етмишева? — мудир дераза томонда ўтирган жувонга боқди. — Сиз кимни мувофиқ кўрасиз?

Етмишева ўрнидан туриб, бурчақда бошини қуйи солиб ўтирган қорача қизга бир қараб олди-да:

— Менимча, бу вазифага ўртоқ Мансурова муносиб, — деди. — Матлубахон, мана, ҳаммамизга маълум, мактабимизга келганига уч йил тўлган бўлса, бирор йил йўқки, у ўз синфи бўйича тўла ўзлаштириш бермаган бўлсин. Одобда, интизомда, ғайратда ҳам камчиликдан холи.

Етмишева ўтирди. Ўқитувчилар ўйланиб қолишди. Афтидан, улар Матлубахон Мансурованинг фазилатларини мажлис раиси Ғозиев қўйган талаб тарозисида ўлчаб кўрмоқда эдилар. Жимликни мажлисга котиблик қилиб ўтирган йигит бузди.

— Тўғри, — деди. — ўртоқ Мансуровада ибратли жиҳатлар кўп. Касаба уюшмаси ташкилоти раислигининг расмий ишларини ҳам уддалай олади. Аммо у уятчан, ҳаддан ташқари уятчан. Раислик лавозими эса, уятчанликни ёқтирмайди.

Котиб Ғозиевга зимдан кўз ташлади. Ғозиев аста-аста бош тебратиб ўтирар, афтидан, унинг фикрини маъқулламоқда эди. Котиб бошлиқнинг бу ҳаракатидан мадад олиб, овозини бир парда кўтариброк давом этди.

— Мана, масалан, собиқ раисимиз фаолиятини нега қониқарсиз топдик? Аввало шунинг учунки, у район миқёсидаги йиғилишларда мондалаб гапиролмайди. Район касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарлари билан қалин алоқада бўлолмайди, талашиб-тортишолмайди. Оқибатда айрим ҳордиқталаб ўқитувчиларимиз ёзда йўлланмасиз қолади. Иккинчидан эса, ўқитувчилар учун бериладиган ёқилғи ўз вақтида келтирилмайди... Буларнинг барчаси собиқ раисимизнинг тортинчоқлигидан бўлди. Ўртоқ Мансуровада ҳам ана шу қусур бор. Шунинг учун ўртоқ Етмишеванинг таклифига қўшилолмайман. Мазкур мансабга ўртоқ Раззоқовнинг номзодини кўрсатаман. Раззоқов — ҳам яхши педагог, ҳам абжир, ҳам шаддоод...

Мажлис аҳди котибнинг таклифига катталар қандай қараркин, дегандай президиумга боқди. Раис майин жилмайди ва:

— Менимча, кейинги номзод оддингисидан ҳам муносиброк, — деди. — Яъни, Раззоқов ҳам моҳир педагог... ҳам эпчил, ҳам сўзамол. Бироқ ташкилот раҳбари бўладиган кишига бу хусусиятлар камлик қилмасмикин? Кўнгилларингга келмасину, раҳбар ки-

ши учун қадди-қомат, яъни салобат ҳам баъзан зарур бўлиб қолармикан? Яна кўпчилик билади-ку...

Ҳамма жимиб қолди. Ҳозиев диваннинг бурчида ўтирган жиккак йигитга яширинча кўз ташлади, қайта-қайта қаради. Ниҳоят унинг кўзини кўзига тўқнаш келтирган ҳамона «айтмайсанми?» дегандай ияк қоқди. Жиккак йигит уйқудан чўчиб уйғонган кишидай сапчиб оёққа қалқди.

— Менда битта таклиф бор, — деди у шошиб. — Таклиф шуки, касаба союз ташкилоти раислигига ўртоқ Қўчқоровни сайласак...

— Жуда ҳам тўғри таклиф! — деди мудир кўрсаткич бармоғини ҳавода силтаб. — Райкомсоюзнинг тавсияси ҳам Қўчқоров эди. Фикр бир жойдан чиққанини қаранг-а! Менимча, мана, ўзларинг кўриб турибсизлар, Қўчқоров ҳар томонлама жавоб беради талабга: жуссадор, хушбичим... Минбарбоп сўзларни ҳам қийворади. Тил топиб, иш юритишга ҳам уста. Уйлайманки, ўртоқ Қўчқоров коллективимизга фақат фойда келтиради. Нима дейсизлар?

— Менга сўз беринг, — деди Етмишева ва сакраб ўрнидан турди. — Ўзингиз юқорида айтдингиз, раисликка намунали педагогни сайлайлик деб. Ўртоқ Қўчқоровга нисбатан «намунали» иборасини ҳозиргача ишлатиб бўлмаса керак дейман. Чунки унинг иш фаолиятини ўтган ҳафтагина муҳокамадан ўтказдик шекилли?..

— А, энди! — Ҳозиевнинг жаҳли чиқди. — Камчилиги бўлса, ўзига кўрсатдик, тўғри йўлга солдик. Қолган камчиликларини ҳам аста-секин йўқотиб борар дейман саломатлик бўлса? Қолаверса, юқори тавсия қиляпти уни!

Ҳамма ўйга толди.

— Аслида бизни бу ерга тўплаб ўтирмасангиз ҳам бўлар экан, — деди кимдир.

— Ҳа-я, — деди яна биров. — Ўша юқоридан «фалончи фалон ишга сайлансин», деб қўя қолинса битадиган иш экан-ку!..

— Юқорининг ҳаққи йўқ-да сайлов қондасини бузишга! — қаттиқ шивирлади Ҳозиев. — Юқорининг раъйини қайтаришга эса... Умуман, яхшимас бунақа тортишиб ўтиришимиз. Қолаверса, ким сайланса кўпроқ фойда келишини катталар яхши билишади.

Ўтирганлар чуқур сукут ичида ўтирган кекса ўқитувчи Жалиловга боқишди.



— Келинлар энди, — деди мудир илтижо оҳанги-да. — Ҳар йили ҳам шундоқ бўлиб келяпти-ку...

— Бўпти-да, — деди Жалилов, — шундоқ бўлса шундоқ экан-да. Бюллетень ҳам ташлаймизми?

— Албатта-да, ие! — деди Ғозиев шошиб. — Яширин овоз билан сайлаймиз-да.

— Қани, ёзинглар бўлмаса бюллетенни, — деди Жалилов.

— Лекин аввал ўртоқ Қўчқоровнинг номзодини овозга қўйиш учун розилигини олиш лозиммикан? — лўқма ташлади мудир. — Яъни қоида бўйича.

— Ҳа, дарвоқе, — Жалилов диваннинг бир томонида уйқусираб ўтирган барваста йигитга қаради. — Хўш, розимисиз шунга, ўртоқ Қўчқоров?

Қўчқоров кўзини очиб, ўнг кўлини иягидан бўшатди.

— Кўпчилик нима деса шу-да.

— Демак, рози, — деди Ғозиев. — Энди ўртоқ Қўчқоровнинг номзодини овозга қўйиш ҳақида қарор қабул қилиб қўйсак. Хўш, кимда қандай таклиф бор?

— Овозга қўйилсин, — таклиф тушди пастдан.

— Хўш, — деди мажлис раиси, — ўртоқ Қўчқоровнинг номзоди ёпиқ овозга қўйилсин, деган ўртоқларнинг қўл кўтаришларини сўрайман. Яхши. Демак, тасдиқ.

Мудир шкафдан бир даста қоғоз олиб, котибга узатди.

— Дарров шундан бюллетень тайёрланг ҳаммага етарли қилиб. — Ғозиев кўпчиликка юзланди. — Айтмоқчи, райкомсоюз конференциясига делегат ҳам сайлашимиз керак эди. Икки кишини. Шунини ҳам биратўла... Қани, кимни сайлаймиз делегатликка?

Мансурова жиккак йигитнинг номзодини кўрсатди.

— Жуда тўғри фикр, — деди мудир мамнун. — Акрамов илгор ўқитувчи. Лекин... кечирасизлар-у, катта йиғинга мундоқ ҳалиги... галстук ярашадиганроқ йигитлардан сайласакмикан. Қани, кимни сайлаймиз?

Анчагача ҳеч кимдан садо чиқмади. Ниҳоят, Жалилов аста ўрnidан турди-да:

— Ростини айтмайми? — деди. — Бунақа қилиб вақтни ўтказиб ўтирмайлик. Мен сиз билан Қўчқоровни таклиф қиламан.

— Тўғри таклиф, — деди мудир. — Аслида конференцияга менинг боргим йўқ-ку, лекин мактаб раҳбари сифатида боришга мажбурман. Қоида шунақа.

Фозиев яна қоғоз олди. Бюллетенлар тайёр бўлгач, Фозиев уларни ўз қўли билан тарқатиб чиқди. Сайлов қутиси учун стол тортмаси мувофиқ кўрилди. Сайловчиларнинг аксарияти ўз бюллетенларининг юзига ҳам боқмай, уларни тортмага ташлаб ташқарига чиқиб кетишаётган эди, мудир тўхтатди:

— Ҳа, қаёққа, — деди. — Ахир, сайлов натижасини эшитиб кетмайсизларми?!

Сайловчилар тунд бир кайфиятда истар-истамас қайта ўтиришди. Уч кишидан иборат саноқ комиссияси бюллетенларни ҳисоблаб чиқиб, натижасини эълон қилди. Натижа қувончли чиқди. Яъни номзодлар юз фоиз овоз олган эдилар! Фақат шуниси қувончли бўлмадики, мактаб касаба уюшмаси ташкилотининг янги раисини мудирдан бошқа ҳеч ким табрикламади...

### ФАЗОКОРЛАР ПАРВОЗИ

Кўқон аэропорти ёзда бамисоли жаннат бўлиб кетади: йўллар, йўлаклар, майдон, хиебонлар — ҳаммаёқ гул, гул, гул...

Одамларнинг қўлида ҳам қучоқ-қучоқ гул. Биров бирор яқин кишисини кутиб олади, биров кузатади... Барча ўз меҳрини, юрак тафтини шу гул орқали тақдим этмоқчи бўлади. Аммо айрилиқ арафасидаги ёки учрашув онларидаги меҳри жўшган, ҳижронзада кишиларнинг ҳаяжонли говури, қувноқ хандалари, қайноқ бўсалари, чақноқ кўзлардаги севинч ёшлари олдида бу гуллар ҳеч бўлиб қолади.

Кўқон аэропорти жажжи, лекин чорраҳа аэропорт. Бу ердан жумҳуриятимизнинг кўпгина шаҳарларига, Тошкент орқали эса бепоён дунёнинг барча бурчакларига кишилар таралиб кетади. Бири ўқишга боради, бири дам олишга, бири саёҳатга... ва аксинча.

Пассажир самолётлари қўниш майдонига соат сайин тушиб туради, одимлаб келиб, биқинини перронга тутатади. Эшиги очилиб, бетоқат йўловчиларнинг бошлари кўринади. Ҳаяжонли висол дамлари бошланади. Зум ўтмай яна диктор овози: «Ҳурматли йўловчилар!...» Яна ҳаяжонли хайрлашув онлари...

Бу ердаги тинимсиз ҳаракатга, ял-ял гулларнинг ҳусни жамолига маҳдиё бўлиб, гулзор қошидаги скамейкада ўтирардим. Ўрта яшар бир одам олдимга келиб салом берди.

— Тошкентгами, ука? — деди сўнг.

— Ҳа, ўша рейсга, — жавоб қилдим.

— Ундай бўлса, илтимос, иним, шу бизнинг чолкампирага бохабар бўлиб кетсангиз, самолётга биринчи марта чиқишлари эди...

— Марҳамат.

— Ундан кейин Тошкентга борганда, саккизинчи трамвайга ўтқизиб қўйсангиз, уёғини ўзлари топиб кетишади. Телефон ҳам қилиб қўярмиз-ку Тошкентга.

— Майли, — дедим. — Қани улар?

— Ҳов, ана, — у ток остидаги скамейка томонга ишора қилди. У ерда оқ дўппи кийган бир чол ва дока рўмоли бир кампир ўтиришар, қўлларини силтаб, бошларини чайқаб, нима ҳақдадир қизгин баҳслашар эдилар.

— Сал «камгапроқ» иккови ҳам, — кулди йигит ва мени ўша ёққа бошлади. — Бунинг устига иккови ҳам бир-биридан «олим».

Биз етиб борганимиз ҳамоно кампир йигитга юзланди.

— Қани, сен айт, Кенжабой, — деди самолётларга ишора қилиб. — Шу самолётларни Гагарин ўйлаб топганми, йўқми? Қани, тўғриси айт!

Кенжабой ака ўзига термулиб турган ота-онасига бир-бир боқди-да, кулди.

— Йўқ, Гагарин ўйлаб топмаган. Нима эди?

— Ана! — деди чол кампирга голибона боқиб. — Эшитдингми? Гагарин ўйлаб топмаган самолётни, Гагариннинг одамлари ўйлаб топган, ҳа, Гагариннинг қўли тегмаган бувақа ишларга, камбағалларнинг пешонасини силаш билан банд бўлган.

Кампир юзини четга бурди.

— Ҳа, эркак киши эркак кишининг ёнини олади-да, — деди у алам билан. — Сизларга қолса Гагарин ҳеч иш қилмаган!..

Чол узун оқ яктагининг ёқасини ушлади.

— Вой, тухматчи-ей, вой тухматчи-ей! Қачон биз сента Гагарин ҳеч иш қилмаган, дедик?!

Кенжабой ака қўл силтади.

— Э, қўйинглар шунақа гапларни! — деди қизариб. — Ундан кўра, мана бу укам билан танишинглар, сизларга ҳамроҳ.

Кампир ялт этиб менга қаради.

— Вой, шунақами? — деди дарров ҳовридан тушиб. — Мен... Биз «келинг», ҳам демабмиз.

— Келинг, демабмиз эмиш! — Чол лабини бурди.— Сенга бу ер онангнинг уйими, «келинг» дегани!..

— Намунча юраги тор бўлмасайкин! — зорланди кампир. — Қариган сайин мияси суйилиб, айниб кет-япти. Сира-сира...

— Бўлди, бўлди, — Кенжабой ака қарияларнинг елкаларига аста-секин шапатилади. — Бунақа тортишувлар уйда бўлади.

Ўғиллари Тошкентта телефон қилгани почтахонага кетди. Чол-кампир чиндан ҳам «камгап» эканлар, бирпасда ичларида борини тўкиб солишди. Улар асли қўштепалик бўлиб, чолнинг оти Назирбой, кампирники Назирабиби экан.

— Отдош экансизлар? — дедим кулиб.

— Ҳа, отдошмиз, — илжайди чол. — Отдошлар топишганмиз.

— Латифхон пиримнинг даргоҳида топишганмиз, — гап қўшди кампир.

— Латифхон эшоннинг хонадонида, дегин, — қовоғини уйди чол.

Гапни бўлдим:

— Бу, фарзанддан нечта?

— Фарзанддан нолийдиган жойимиз йўқ, — жилмайди чол. — Учта. Икки ўғил, бир қиз. Уч ўғил, икки қизни ерга берганмиз, чечак олиб кетган.

— Нега учта бўларкан? — эътироз қилди кампир.— Болаларингизнинг болалари фарзанд эмасми?!

— Фарзанд! Фарзанд!.. Ўн тўққизта невара, тўнғичимиз Тўхтансадан тўртта невара. Ҳаммаси бамаъни болалар. Унинг тўнғичи Учқунжон тоғ текширадиган олим. Ундан кейингиси ҳам... Яхшиси, — чол чўнтагидан ҳаворанг жилдли дафтарча олиб менга узатди, — мана бундан ўқиб кўра қолинг. Эсимда турмайди, деб ёздириб олганман.

Дафтарчанинг муқовасига, «Катта бобонинг аҳоли рўйхати» деб ёзиб қўйилибди. Кулдим.

— Ким ёзган буни?

— Тўхтансанинг невараси Гулнорхон шоир қиз, байт битади. Ичкарисини очинг, ичкарисини.

Оқдим. Ўқидим: «Тўхтансанинг болалари тўртта. 1. Учқунжон — тоғ текширадиган олим. 2. Савринисо — боғчага мудир. 3. Гулжамол — тракторчи. 4. Хурсанали — сартарош. Учқунжоннинг болалари учта: 1. Клара — 8-синфда ўқийди. 2. Зокиржон — 6-да...»

Дафтарча шу янглиф ёзув билан тўла эди. Сўнгги саҳифада «Аҳоли рўйхати»нинг якуни: «Икки ўғил, бир қиз. Ўн тўққизта невара, қирқ иккита чевара...»

— Пири бадавлат экансизлар, — дедим «Аҳоли рўйхати»ни эгасига узатиб.

Чол ёйилиб кудди.

— Ҳа, чеварамиз кеча қирқ учта бўлди. Кўпайсиннинг қизи Мунаввархон кўз ёриди. Элбурутдан кетиб олган Кўпайсин Тошкентга.

— Ҳа, кеча кўзи ёриди, — деди шошиб кампир. — Турмай юриб-юриб туғди болагинам. Қизалоқ топибди. Ўшанга кетяпмиз. Тошкентга тушган эди-да, Мунаввархон. Жуда яхши жойга тушган. Куёви, қайнақайнаталари бариси яхши одамлар. Куёви Машрабжон билан ТошМИни ўқиб юриб топишган. Машрабжон аспирансуни битирган.

— Ҳа, куёви Машрабжон аспрантур, яъниким аспрантурияни битирган, — носвойни туфлаб гап қистирди чол. — Кейин китоб ёзиб қандалат бўлди.

— Кандидат олим бўлди, денг.

— Ҳа, қандат олим бўлди. Мунаввархон ҳам китобини битириб, энди қандалат олим бўламан деб турганда бунақа буваклашиб қолди.

Бир оз жим қолдик.

— Оммо бизнинг кампиршо илмга келганда, қандалат олимдан ҳам зўр! — қиқирлаб кудди чол. — ЧСБ деган аспрантуриянинг нақд ярмини битирган. Китоб ҳам ёзмоқчи бўлган эди, қалам масаласида сал оқсаброқ қолган.

— Ҳа, ўзингиз-чи? Ўзингиз қайси аспрансуни битиргансиз?! Ўша ЧСБдан ҳам қочворгансиз-ку, тилим қотиб қолган деб.

— Ҳм, майли, майли, — бўш келди чол. — Аспрантурияни битирмасак ҳам кам бўлаётганимиз йўқ-ку!..

Шу пайт Тошкент томондан самолёт келиб қолди.

— Бизники, — дедим пастлаётган «пўлат қуш»га ишора қилиб. Чол-кампир бўйинларини чўзганлари ҳолда ўринларидан турдилар ва жадал юриб бориб, зангори панжарага ёпишдилар.

Ўғиллари етиб келолмади. Бу қарияларни юраклари қанақа, осмон сафари инжиқликларини кўтара оладими, йўқми, сўраб ололмадим. Аммо ташвишим ўринсиз бўлиб чиқди. Самолёт кўтарилганда, кампирнинг ранги бир оқарди-ю, афтидан, чолнинг калака қили-

шидан чўчиди чоғи, сир бой бермади. Жим қолди. Чол менга ўгирилди.

— Нима деяпти бу қизимкам?

— Икки минг метр баландлиқда учар эканмиз.

— Ҳе, ҳе! — Чол кампирга бурилди. — Эшитдингми, икки минг метр баланда учар эканмиз. Икки минг метр дегани — икки минг қадам. Сенинг қадамингга уч минг қадам. Бизнинг уйдан Султонбойнинг кўпригигача келади. Шу йўлни осмонга тикка қилса, биласанми, қанча бўлади?

— Ҳаҳ, йўлни ҳам тикка қилиб бўларканми?

— Сирасини айтяпман-да! Лекин бизнинг ҳукумат қасд қилса, биласанми, нималарга қодир! Арши аълога шоти тираб қўйишга ҳам қодир! Гагаринни биласан-а, осмонга чиқиб тушди!..

Бир оз жим қолишди. Кампир ялт этиб чолга қаради.

— Осмонга биз ҳам чиқдик-а, Гагарин бўлдик?

— Чиқдик-ку, бизники паст. Гагарин раҳматлик анча олиста чиққан эди.

— Гагарин бўлдикми ишқилиб?

— Ҳа, бўлдик. Лекин сен Гагарин эмас, Тиришкўп бўлдинг. Косманавит Тиришкўп!

Стюардесса конфет улашди. Тақсимчани кампирга тугганда у бош чайқади.

— Йўк, тишим ўтмайди.

Стюардесса жилмайди. Чол кампирни туртди.

— Ол, дегандан кейин олгин-да, — деди. — Ҳукуматнинг қондасини бузмагин-да!

Кампир конфетни оғзига солиб, анчагина жим кетди. Самолёт тўла одам, биров газета ўқияпти, бири кўшнисига гап ўқтиряпти, бири кўзини чирт юмган ҳолда сукутда, бири самолёт ойнасига қапишган... Шаҳар, қишлоқлар ортда қолди. Кичкина ариқчадай бўлиб Сирдарё кўринди. Кейин Қайроққум сув омбори, улкан ва тиниқ кўзгудай ялтиради. Чол ойнадан ўзини олиб, елка оша менга тикди. Бу кўзни қамаштираётган нарса нима эканини сўради. Жавоб қилдим.

— Шунақами? Қайроққум сув омбори дегани шуми?! — деди ҳайрат билан кўзларини катта очиб ва дарров кампирга ўгирилди. Деразага қапишиб, унга гап ўқтира кетди. Шу-шу бўлди-ю, мен унутилдим. Тоғлар ўтди, қирлар ўтди... Тошкент остонасига етиб, стюардесса пайдо бўлгандагина чол менга бурилди.

— Нима деяпти қизимкам?

— Тошкентга етиб келдик, деяпти.

— Дарров-а?! — Чол кескин кампирга бурилди. Унга нимадир деган эди, кампир ҳам менга бир қараб олди.

Самолёт гувиллашдан «чир-чир»лашга ўтди. Сўнг «Шув-в!.. Туптак» — тамом, қўнди.

Энди менинг сўнгги бурчим — ҳамроҳларимни саккизинчи трамвайга ўтқизиб қўйиш эди. Аммо беўрин ташвиш тортган эканман. Кенжабой ака аллақачон буюққа телефон қилиб қўйган экан. Самолётдан тушиб, ҳовлига чиқишимиз биланоқ сочлари силлиқ таралган, оппоқ, гўштдор бир йигит билан сочларига оқ оралаган бир жувон қарияларни қучоқ очиб кутиб олишди. Ҳамроҳларим аввалига шошиб қолишди. Кейин ўзларини тутиб, йўл таассуротларини шоша-шоша сўзлай кетишди. Улар тез ва бехатар етиб келганларидан ҳам кўра, самолётда келганларига каттароқ урғу берардилар.

— Шунақа қилиб, қариганимизда касманавит бўлдик, — деди қиқирлаб чол. — Холангиз Тиришкўп бўлди.

— Қуда бувангиз Гагарин бўлди.

Мезбонлар кула-кула меҳмонларнинг тугунчаларини ердан олишди.

— Қани, марҳамат, машинага, — деди йигит нарироқда турган «Москвич»га ишора қилиб. — Онажон, қани буюққа. Қани, оғайни, юринг сиз ҳам. Сифасиз машинага, милиционерга бирор илож қилиб панд берармиз.

Раҳмат айтиб, уларни машинага ўтқиздим. Чол деразадан бошини чиқариб, менга яна бир бор раҳмат айтди, қуюқ хайрлашди. Сўнг орқасига қайрилиб:

— Сен хайрлашмайсанми бу ўғлим билан? — деди кампирга. — Ҳой, касманавт Тиришкўп!

«Касманавт Тиришкўп» хайрлашгани улгурмади. Машина елдай учиб кетди.

## БАҲС ДУРАНГ БЎЛДИ

Азим билан ҳарбий хизмат даврида шофёрликка ўқиб юриб танишганман. У қўшни колхоз — «Олга»дан. Хизматни ҳам бир қисмда адо этдик. Мен полк командирининг «Виллис»ини минардим. Азим — юк машинасини.

Азим йўғон, бўйни калта, бир оз кўрс, лекин кўнгли очиқ бола эди. Мен уни камситиб, рашини келтиришни яхши кўрардим. Икковимиз қачон учрашсак, вазифамнинг осонлигини, командириمنىнг хушфезлигини, машинаمنىнг «гум»лигини гапириб, унинг лиғига тегардим. Баъзан йўлда тўқнаш келиб қолади. Чўзиб сигнал бераман. Сўнг командириمدан яширинча унга тегажожлик қиламан: бош бармоғимни бурниمنىнг учига қўяман ва қолган панжаларимни ёйиб, чилдирма чертгандек ўйнатаман. Бу билан унга «оғир машинада ишлайвериб бурнинг оқиб кетади», демокчи бўламан. Азим бунга тушунади. Менга нигоҳи тушган ҳамон қовоғини уяди ёки аянчли илжаяди. Сўнг дарров кўзини олиб қочади. Ичимда завқ қилиб куламан.

Бироқ бу завқ узоққа чўзилмади. Ҳарбий хизматни тугатиб қайтганимизда, аксига олгандай менга эски «ЗИС» тегди, Азимга — «Волга!» Колхоз раиси юрадиган «Волга!» Ана энди Азимга худо берди. Сира кўз очирмайди. Учрашганимиз ҳамон раисини, машинасини мақтайди.

Азим «ЗИС»имни олисдан ҳам танийди. Рўпара келдим дегунча: «Вата-тат! Вата-тат!» — чўзиб-чўзиб сигнал беради. Қарайман. Азим тезликни пасайтириб, «ишлайвериб бурнинг оқиб кетади»га ишора қилади, илжаяди. Сўнг қушдай учиб ўтиб кетади. Мен кўпонсодай лапанглаб қолавераман.

Бир куни шаҳардан гўнг олиб келаётган эдим. Орқадан «Вата-тат! Вата-тат!» эшитилди. Худди Азим деб ўйладим. Дарҳақиқат, Азим экан, зум ўтмай таниш новвотранг «Волга» мёндан ўн беш қадамча ўтиб тўхтади. Азим дарров машинадан тушиб, эшикни қарс ёқди. Бирор гаши бўлса керак, деган хаёл билан тормозни босдим. Азим югуриб келди-да, зинага чикди. Сўрашдик. Сўнг:

— Ия, раисинг қани? — деди сохта жиддийлик билан ва мёндан жавоб ҳам кутмай бортга қаради. — Э-ҳа! Буёқда экан-да, «раис»инг!

Яна кабинага бош суқди. Машинаمنىнг тезлик тутқичи пружинаси узилиб кетган, шунинг учун тутқичга айри калтак тираб қўйган эдим.

— Ие, ановинг нима? — деди Азим айри калтакка ишора қилиб ва қаҳ-қаҳ уриб кулди. — Фаройиб! Фаройиб янгилик! Дўстим, шунақа техник янгиликлардан бизни ҳам хабардор қилиб тургин, орқада қолиб кетмайлик!..



Жуда газабландим. Лекин начора! Урай десам, бир қўли билан абжақ қилиб қўяди мени! Айри калтакни олиб, тутқични тўғриладим. Кейин уни яна жойига ўрнатиб бақирдим.

— Туш!

Азим тушмади. Моторни уладим. Машина аста юра бошлади.

— Туш, деяпман сенга!

Азим юзига тагин жиддий тус берди. Аммо унинг йирик кўзларидан, оғзининг икки бурчидан кулги си-зиб чиқиб турарди. Кабинанинг томига шапатилади.

— Ажойиб машина, бамисоли лочин, лочин, учади, — деди. — Айтмоқчи, қаерини бураса учади лочининг?!

— Туш!!! — Қичқирдим жон-жаҳдим билан ва томоғим ўпирилиб чиқиб кетган гумон қилиб, дарров ютиндим. Йўқ, томоқ жойида экан, фақат қирилибди. Газни босдим. Азим ерга сакради. Дам ўтмай орқадан «Вата-тат!» эшитилди. Ҳарчанд қарамайман десам ҳам бўлмади. Кўзимнинг қири тушиб қолди. Азим ўнг қўлини бурнига қилиб, кулганича ўтиб кетди. Аламимдан йиғлаб юборишимга оз қолди.

Нима қилиб бўлса ҳам раиснинг «Волга»сини олмай қўймайман, дея қаттиқ аҳд қилдим. Аммо қандай қилиб? Раиснинг Акрамжон деган шофёри бор. Мен ҳарбий хизматга кетаётганимда ҳам ўша минарди «Волга»ни. Бўшатармикан-а уни? Бўшатмайди!

Колхозимиз раиси Абдусамад ака адаб-одобни, яхши муомалани хуш кўради. Ҳар учрашганда, унга қуюқ салом бериб юрдим. Куз ўтди, қиш ўтди. Яхши ният — ярим мол, деганлари ҳақ рост экан. Бир куни Абдусамад ака «Волга»нинг калитини шундоқ қўлимга тутқазиб турибди-да! Ура! Акрамжон ака чўл участка-сига бригадир бўлиб кетибди. Қани энди ўша топда Азим бўлса! Учинчи куниёқ вақт топиб, Азимнинг колхозига етиб бордим. Азим гаражда экан, «Волга»ни Азимнинг «Волга»си ёнига таққа тўхтатдим. Номерларини ҳисобга олмаганда, иккала машина ҳам бир хил эди.

— Раисимиз юради, — дедим.

— Тузук, тузук, — деди Азим ва негадир қизариб кетди.

— Ҳа, қалай экансан, — дедим. — Тилинг боғландими энди?

— Аммо раисингнинг мазаси йўқ, — лабини бурди Азим. — Калтафаҳм.

— Ўзингни калтафаҳм!

Шу-шу бўлди-ю, машина хусусидаги баҳсимиз қолиб, раислар тўғрисидаги баҳсга ўтиб кетдик. Ҳафтада, ойда районга, областга борамиз. Раисларимиз мажлиста киришади. Биз астойдил баҳсга тушиб кетамиз.

Июлнинг охирларида Азимларнинг колхозига бизнинг колхоздан ўзаро текшириш бригадаси борадиган бўлди. Бордик. Мезбонлар бизни колхоз чегарасида кутиб олишди. Азим мени илиқ қарши олди. Бир пачка фильтрли сигаретни зўрлаб чўнтагимга солиб қўйди. Сўнг:

— Оббо, сизлар-ей, тажриба олиш керак бўлмаса ҳам келмайсизлар-а, биз томонларга, — деди гугурт чақаётиб. — Майли, ишларимизни кўринглар, ўрганинглар. Олиб кетганларинг билан тутаб қолармиди тажрибамиз.

Бу гап менга малол келди. Азимни бир узиб олмоқчи бўлгандим, Абдусамад ака чақириб қолди.

— Сенинг тажрибангга зор эмасмиз, — дедим бурилиб кетаётиб. — Биз сизларга олиб келдик тажрибани!

Жаҳл билан машинага ўт бердим. Қишлоққа кириб боряпмизу ҳануз Азимнинг гапига ғижинаман. Лекин бир ҳисобда Азимнинг гапида жон борга ўхшайди. Кўчалар чинвидек тоза. Дарахтларга, айвон пештоқларига чўғдай қизил матолар осилган. Уларга «Хуш келибсиз, мусобақадош дўстлар!», «Намуна» колхозининг пахта усталарига алангали салом!» сингари гаплар ёзилган...

Ҳаммадан ҳам колхознинг боғи кўпроқ ёқди менга. Бизда ҳам каттагина боғ, боғ ўртасида кошона шийпон бор. Лекин шийпон эгаси кўчиб кетган ҳовлидай хувилаб ётипти. Бу ерда эса, ҳеҳ-ҳе!.. Ҳамма нарса саришта, ҳамма нарса муҳайё.

Азим иккимиз фонтан ёнидаги скамейкада ўтириб, сигарет тутатдик. Икки кўзим атрофда, «қойил», дейман ичимда. Азим кайфиятимни сезди чоғи:

— Раис зўр-да, раис! — деб қўйди.

Мен эшитмаган бўлиб, индамадим.

— Михайловни биласан-а, командиримиз? — деди Азим яна. — Бизнинг Набижон ака ҳам худди ўша Михайловнинг ўзи. Бамисоли жанговар командир. Радисузел орқали уч марта гапириб қўйган эди, мана, ҳаммаёқ икки кунда «воҳ!» бўлди-қўйди. Ҳали буни далага борганда, уёқ-буёқни кўрганда биласан.

Овқатланиб бўлиб, далага чиқдик. Бир шийпонга бориб тўхтадик. Шийпон шунақа сўлим қилиб юборилибдики, худди курорт. Меҳмону мезбон уч гуруҳга бўлиниб, учта пайкалга кириб кетишди. Абдусамад ака, Набижон ака ва яна икки киши кунботар томонга бурилишди. Азим иккаламиз чой ичиб ўтирдик.

— Пахтанинг пири дейишади бизнинг раисни, — деди Азим. — Кўп одам ундан ўрганиб кетади.

— Бекор гап, — дедим шошиб, — бизнинг раисга тан бермаган одам йўқ!

— Ундай бўлса нега ўргангани келади?

— Ўргангани эмас, ўргатгани келган!

— Бўлмаган гап!

— Юр бўлмаса, орқасидан борамиз, қани, ким кимга ўргаташги экан!

Мен ҳақ бўлиб чиқдим. Термосга яхна чой қуйиб, уларга етиб борганимизда, менинг раисим Азимнинг раисига ўргатаётган экан.

— Кўрдингизми? — дер эди у иккита тўкилган шонани кафтида тутиб. — Бу — сувсизликнинг оқибати. Ғўзангиз сувдан қолибди. Тезда сув бердиринг.

— Жуда тўғри, — деди Набижон ака ва ён дафтарчасига нималарнидир ёзди. — Маслаҳатингиз учун раҳмат.

Азимнинг елкасига секин туртдим. Азим зарда билан бош силкиди. Йўлда давом этдик. Ғўзаси паст бўйли пахтазорга кирганимизда, Абдусамад ака бундай деди:

— Бу ғўзаларни қўшимча ўғитлаш ва дарҳол суғориш керак.

— Қимматли маслаҳатингиз учун ташаккур, — Набижон ака дафтарига яна ёзди.

— Мана бу ғўзаларни эса, — деди Абдусамад ака ғўзаси бўйчан пайкалга ўтганимизда, — сувдан тортиш ва чилпиш лозим.

Набижон ака Абдусамад акага қуюқ офарин айтди ва дафтарига ёзди.

Азим жадаллаб раисларнинг ўнг биқинига ўтиб кетаётган эди, югуриб унга етиб олдим. Аста елкасига туртиб, илжайдим. Азим олдин менга, кейин раисларга ёвқараш қилди. Унинг лаблари қаттиқ қимтилган, юзлари қип-қизариб кетган эди. Кейинги пайкалга ўтганда мундоқ қарасам, Азим йўқ. Орқага боқдим. Азим термосни қўлтиғига қисганича, нариги пайкалнинг ўртасида кетмоқда эди. Мен ҳам шийпонга қайт-

дим. Азим каравотда чалқанча тушиб тек ётар, тўхтов-сиз сигарета бурқситар эди.

— Ҳа, хўжайин, — дедим кулиб, — ўрганишдан чарчадингизми?

Азим ичига ютган тутунни зарб билан пуфлаб юборди, сакраб ўрнидан турди.

— Бўпти, бўпти! — деди. — Юр, ҳандалак еймиз.

Азимнинг: «бўпти», бўпти» дегани — назаримда, таслим бўлдим, дегани эди. Шу туфайли раислар ҳақида бошқа оғиз очмадим. Тўртинчи куни Азим мени мулоимлик билан кузатиб қолди.

Сал кун ўтмай «Олға»ликлар бизнинг колхозга келадиган бўлиб қолди. Бошда пича ташвиш тортдим: ишқилиб «Олға»ликлар биздан кулиб кетишмасин-да! Аммо бекорга ташвиш тортган эканман. Абдусамад ака ташкилотчиликка шунақа чапдаст эканки, ёқамни ушлабман. Шу нохуш хабар келиши биланоқ дарров фаоллар йиғилишини ўтказди. Радиоузел орқали қайта-қайта нутқ сўзлади. Бутун колхоз оёққа турди. Натижада икки кунда барча иш саранжом-сарипта бўлди-қўйди. Кўчалар бамисоли чинни. Қизил алвонлар, шоҳона безатилган шийпонлар, боғ ўртасида устига оқ дастурхон ёзилган столлар...

Меҳмонларни эртага эрталаб колхоз чегарасида кутиб олишимиз лозим эди. Ухлаб қолишдан чўчиб, кечқурун радиокарнайни бошимга қўйиб ётдим. Азонда «Онам дерман» уйғотиб юборди. Ашула тугагач, Абдусамад акамнинг таниш овози эшитилди.

— Эълон эшиттирамиз. Кеча хабар берилганидек, бугун колхозимизга «Олға» колхозидан меҳмонлар келишади...

Сапчиб ўрнимдан турдим. «Эълон» деяпти, демак, оз гапирса керак. Оббо, кечикмасам яхши эди. Аммо «эълон» деб бошланган эшиттириш баъзан узундан-узоқ лекция-докладга айланиб кетади-ку! Дарҳақиқат шундай бўлди. Машинани радиоузел эшигига кўндаланг қилганимда раис «эълон»ни якунлаётган эди.

— Шундай бўлсин: меҳмонлар келиб кетгунча, ҳамма иш батартиб бўлсин. Кимда-ким колхозга гап теккизадиган бўлса, кейин ўзидан кўрсин...

Меҳмонларни катта йўлда қарши олдик. Азимга филтрли сигарет тутдим. Боғ, кўчаларнинг безатилиши ва бошқалар Азимга ёқди. «Беш, беш!» — деди. У тан олгани учун ортиқча писанда қилиб ўтирмадим.

Бироқ бу тан олишнинг тагида гап бор экан. Далага чиққанимизда, Азим термос қидириб қолди.

— Ҳа? — сўрадим.

Азим бир кўзини айёрона қисиб кулди.

— Раис бувалар сувсаб қолишмасин...

Термосга яхна чой тўлғазиб раисларга эргащдик. Ғўза оралаб кетдик. Абдусамад ака Набижон акани ғўзаси бўлиқ пайкалга бошлади. Аммо Набижон акага бу ғўза ёқмади.

— Серсув қилиб юборибсизлар буни, — деди. — Сувдан торттиринг ва зудлик билан чеканка қилдиринг.

— Маслаҳатингиз учун катта раҳмат, — деди Абдусамад ака ва ён дафтарига нималарнидир ёзди. Кейин бригадир Собир акага қаради. — Эшитдингизми, нима қилиш керак экан?

Азим елкамга туртиб илжайди. Қулоғимга шивирлади.

— Қалай, кимнинг раиси зўр экан?

— Ўзи ҳам яхши билади буни! — дедим жеркиб.

Азим тагин кулди.

— Билса, нега раҳмат айтяпти, нега ёзиб оляпти?

Энсам қотиб, жавоб бермадим. Термос бўшагунча, Абдусамад ака Набижон акага яна тўртта раҳмат инъом қилди. Азим тўрт марта елкамга туртди.

Паст бўйли ғўзалар ичига кирганимизда Набижон ака Абдусамад ака билан Собир акани койиб берди: Сўнг:

— Буларга қўшимга ўғит солдириб, сув бердиринг! — деди.

Абдусамад ака дафтарчасига ёзар экан, бирор лавиз таомнинг таъмини олаётгандай бошини чайқади:

— Оҳ, оҳ, оҳ! Офарин сизга! Маслаҳатингиз учун минг раҳмат!

Азим елкамга қоқди. Овоз чиқармай узоқ кулди. Жуда жаҳлим чиқди. Елкамдан қўлини силтаб олиб ташладим. Сўнг шартта бурилдим-да, машинаннинг олдига жўнадим. Ариқ ёқасида ўтирсам, Азим келди.

— Хўш, қалай? — сўради.

Индамадим. Сигарет тутди, олмадим.

— Ол, олавер! — деди жиддий. Бир оздан сўнг қўшиб қўйди. — Хафа бўлма, икковимизнинг раисимиз ҳам зўр!..

Азимнинг юзига боқдим. У жиддий гапирмоқда эди. Сигарет тутатиб ўтириб, бир лаҳза ўйланиб қол-

дик. Кейин тўсатдан икковимиз бараварига кулиб юбордик.

— Тўғри айтасан! — қичқирдим бирдан кўнглим ёришиб. — Иккови ҳам зўр! Сенинг раисинг ҳам, менинг раисим ҳам зўр!..

Шу-шу, Азим икковимиз баҳслашмай кўйдик.

## ИНСОФЛИ БАНДАЛАР

Олдинлари Кариманинг мансаби ифодаси қисқагина эди: тил-адабиёт факультетининг фалон курс талабаси Карима Маҳмудова.

Карима институтни тамомлаб, мактабга келганида мансаби ўзгарди ва ифодаси сал чўзилди: тил-адабиёт ўқитувчиси, бешинчи синф раҳбари, Янгиқишлоқ микроучасткаси раҳбари, паррандачилик фермасининг агитатори Карима Маҳмудова.

Карима бардошли ва меҳнатсевар қиз эди. Ўқув йилининг биринчи ярмида ўз фани бўйича ўқувчиларнинг тўла ўзлаштиришларига эришди. У раҳбарлик қилган синфда биронта ҳам «дум»ли ўқувчи қолмади.

Бир куни мактаб директори Каримани кабинетига чақирди ва унинг бу ютуқларидан ғоят мамнун эканини изҳор қилди.

— Мени айниқса ишчанлик, тадбиркорлик хусусиятларингиз кўпроқ қувонтиради, — деди кейин. — Сизнинг шу фазилатларингиздан эндиликда кенгроқ кўламда фойдаланиш истаги туғилди. Йўқ демасангиз, сизни мактаб касаба уюшмаси ташкилотининг котиблигига тавсия қилмоқчимиз. Шубҳа йўқки, бу вазифани ҳам аъло даражада бажарасиз...

Кариманинг бусиз ҳам иши етарли эди. Рад жавоби бермоқчи бўлди, лекин ийманди, бир сўз демай хонадан чиқди.

Шундай қилиб, Кариманинг мансаби мана бундай ифодаланадиган бўлди: тил-адабиёт ўқитувчиси, бешинчи синф раҳбари, Янгиқишлоқ микроучасткаси раҳбари, паррандачилик фермаси агитатори, касаба уюшмаси ташкоти котиби Карима Маҳмудова.

Бошқа бир куни Карима мактаб илмий бўлим мудирининг қабулида бўлди. Мудир Каримани ишдаги муваффақиятлари билан табриклади ва унга самимий миннатдорчилик билдирди. Сўнг:

— Методикани яхши билиш педагог учун катта бахт, — деди. — Сиз ана шу бахтга ҳам муяссар бўлгансиз. Шунини ҳисобга олиб, сизни методик бирлашмага бошлиқ этиб тайинлашни лозим топдик.

Бусиз ҳам Кариманинг иши бошидан ошиб ётарди. Карима шунини арз қилмоқчи бўлиб энди офиз ростлаган эди, мудир:

— Ёшсиз, чаққонсиз. Ишонамизки, юзимизни ерга қаратмайсиз, — деди. — Кўпчиликнинг фикри бу!..

Карима ўйланиб қолди.

Шундай қилиб, Кариманинг мансаби ифодаси куйидагича бўлди: тил-адабиёт ўқитувчиси, бешинчи синф раҳбари, Янгиқишлоқ микроучасткаси раҳбари, паррандачилик фермаси агитатори, касаба уюшмаси ташкилоти котиби, методик бирлашма бошлиғи Карима Маҳмудова.

Кейинги ўқув йили бошида директор Каримани тагин кабинетига чақирди. Дирекция номидан Каримага ташаккур эълон қилиш ҳақидаги буйруқни ўқиб берди. Унга сиҳат-саломатлик, ишда янги муваффақиятлар тилади.

Карима директорнинг гапи тугади, деган қаноатда энди ўрнидан кўзгалаётган эди, директор:

— Ҳа, яна битта гап, Каримахон, — деб қолди. — Ўртоқлар билан кенгашиб, сизни педагогика кенгаши котиблигига муносиб кўрдик. Хатингиз чиройли экан, педкенгаш қарорларини ёзиб юрасиз.

Карима котибаликни бажариш учун улгура олишга кўзи етмай, эътироз билдирмоқчи бўлди.

— Ахир...

— Ҳеч нарса эмас ёш нарсага, — гапни кесди директор. — Атиги бир ойда бир марта кенгаш бўлади. Соғсиз, саломатсиз...

Карима сўзсиз кабинетдан чиқди.

Шундай қилиб, Кариманинг мансаби ифодаси тубандаги шаклни олди: тил-адабиёт ўқитувчиси, олтинчи синф раҳбари, Янгиқишлоқ микроучасткаси раҳбари, паррандачилик фермасининг агитатори, касаба уюшмаси ташкилоти котиби, методик бирлашма бошлиғи, педагогика кенгаши котиби Карима Маҳмудова.

Орадан яна икки йил ўтди. Бу муддат давомида Карима директор ва илмий мудир кабинетларига қайта-қайта кириб чиқди: қанчадан-қанча йиғилишлар, сайловлар, тасдиқлар бўлиб ўтди. Кариманинг мансаби ифодаси ҳам бўйига, ҳа, фақат бўйига тўх-

товсиз равишда ўсди ва мана бу ҳолга келди: тил-адабиёт ўқитувчиси, саккизинчи синф раҳбари, Янги-қишлоқ микроучасткаси раҳбари, паррандачилик фермаси агитатори, касаба уюшмаси ташкилоти котиби, методик бирлашма бошлиғи, педагогика кенгаши котиби, драма тўғараги раҳбари, «Педагог» деворий газетаси муҳаррири, комсомол ташкилотининг матбуот сектори бошлиғи, мактаб табиатни муҳофаза қилиш жамияти раиси, лекторлар группаси бошлиғи, оналар комитети аъзоси, колхоз хотин-қизлар кенгаши раисининг ўринбосари, методист Карима Маҳмудова.

Ўқув йилининг охирироғида район халқ маориф бўлиmidан мактабга етти кишидан иборат комиссия келди. Комиссия соҳаларга бўлиниб, мактаб ўқитувчилари фаолиятини уч кун ўрганди. Комиссиянинг ҳар бир аъзоси ўзи ўрганган соҳа бўйича рапорт ёзиб, комиссия раҳбарига топширди. Раҳбар уларни умумлаштириб, район халқ маориф бўлими мудури номига рапорт ва унинг номидан буйруқ матни тайёрлади.

Буйруқда Карима ҳақида мустақил бўлим бор эди.

«IV. Мазкур мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси Карима Маҳмудованинг фаолиятсизлигини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди! У ёш қадр бўлатуриб, негадир ниҳоятда пассивлашиб кетган. Ўртоқ К. Маҳмудова ўз бурчлари ижросида ҳатто инсоф доирасида ҳам иш тутмаган. Масалан, турли мажлисларнинг, ёзув-чизувларнинг кўплигини баҳона қилиб, дарсларга пухта тайёрланмай қўйган. Ўз зиммасидаги касаба уюшмаси, комсомол ташкилотлари ишларини ҳам дурустроқ адо этмаган. Унинг айби билан мактаб матбуоти, методик бирлашма, драма тўғараги фаолияти ва таълим-тарбия воситаларининг бошқа кўпгина соҳалари ҳам оқсаб қолган. Мактаб раҳбарларининг ҳақли талабларига жавобан ўртоқ К. Маҳмудова кўз ёши тўкиш билангина кифояланган.

Ана шуларга кўра, буюраман:

1. Ўртоқ К. Маҳмудовага қаттиқ ҳайфсан эълон қилинсин.

2. Агар бу фаолиятсизлик яна такрорланса, бундан ҳам жиддийроқ чора кўрилажаги эслатилсин.»

Район халқ маорифи бўлими буйруқни ўқиб, унга ҳафсала билан имзо чекаркан, сўради:

— Кўз ёши ҳам қиларканларми тагин?



— Худди шундай, — жавоб қилди комиссия раҳбари.

— Вой, ноинсоф банда-ей, вой муғамбир-ей! — лабини бурди мудир. — Ҳамма ишни расво қилиб қўйибди-ю, яна кўз ёши эмиш!..

## ДРАМАТУРГ БЎЛМОҚЧИМАН

Ҳа, азизлар, шундай. Суюнчини каттароқ чўзаверинглар, драматург бўлмоқчиман.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг иродаси ҳам, бардоши ҳам мўрт экан. Драматург бўлиш дардида бор-йўғи ўн беш ой тер тўкибди-ю, азиятига чидолмай, дарров тахта-ўқлоғини йиғиштирибди. (Адиб шу хусусда матбуотда ҳам ёзган) Мен эса бу йўлда икки ярим йил югурдим. Ҳануз драматург бўлиш иштиёқидан қайтган эмасман. (Қатъиятим зўр-да, қатъиятим!)

Мана, эшитинг. Ўн уч ой қоғоз ялаб, саҳнавий машқ ёздим. Театр институтини битириб, ҳозир раҳбарлик лавозимида ишлаётган ошнам бор. Ўн уч ой давомида унинг ҳам қулоқ-миясини едим. Кейин ошнамнинг ва бошқа санъат мухлисларининг қистови билан машқни қўлтиқлаб, қисина-қимтина театрга бордим. Тортинмай бўладими! Масалан, артист — санъаткор дегани. Санъаткорнинг таъби ўта нозик, ультрақисқа тўлқинли бўлади, дейишади. Машқим туфайли бирор санъаткорнинг дилига заррача озор қўндириб қўйсам... йўқ, йўқ, озор нима экан, кўнглига озорнинг сояси тушганда ҳам оқибати нима бўлади? «Сизга ким қўйибди пьеса ёзишни, ўқигани вақтим йўқ, кўтаринг товуқ шўрвангизни», деса нима деган одам бўламан? Боз устига, дастлаб директорга йўлиқмоқчиман. Директор... энди бу санъаткорларнинг санъаткори!

Бошимни икки елкам орасига қисиб, қўрқа-писа остонадан ўтдим. Қоровул чолга қўл қовуштириб салом бердим. Унинг йўлланмаси билан ичкарига кирдим. Ҳуркаклик ҳам эви билан-э! Директор эски қадрдонидай эҳтиром ила кутиб олди. Тавозе билан диванга таклиф қилди. Ўзимни таништирдим ва мақсадимни айтдим. Директор севиниб кетди.

— Ия, ия! — студдан сапчиб турди у. — Эргаш Тиркаш сиз бўласизми? Ана буни қаранг-а, ё тавба!

Директор мен билан қайта сўрашди. Фамилиясини айтди. Мударрисов экан.

— Мен сизни сиртдан яхши биламан. Миниатюра-ларингизни телевизордан... Учрашиб қолганимизни қаранг-а! Бахтли тасодиф...

Директор ёнимга чўкиб, қўлимдан папкани олди. Ипини ечди ва текстнинг бош қисмига кўз югуртирди.

— Ҳм, колхоз раиси ҳам қатнашаркан. Демак, замонавий мавзуда?

— Ҳа, раис сал чимчиланади, — жавоб қилдим ва машқнинг қисқача мазмунини сўзлаб бердим.

— Ана, ана, оригинал асар! Ҳаммадан олдин ўзим ўқийман. Демак, воқеа шу кунларда ўзбек қишлоғида бўлиб ўтади. Боз устига, сатирик. Кассавий. Бунақа пьеса ҳозир анқонинг уруғи. Биз бундай нарсаларга муштоқмиз. Тез кунда уни саҳнанинг мулкига айлантириб юборамиз. Сатирик комедия! Антиқа асар! Унга буюк Станиславскийнинг назари тушганда борми, бошингизга олтин жиға кийдирган бўларди.

— Йўғ-е, — дедим хижолат тортиб. — Биринчи машқимиз. Азбаройи маслаҳатларингизни олиш учун, холос. Ҳали хом. Ниятим — кўплашиб пишитсак, сайқал берсак...

Директорнинг қошлари керилиб кетди.

— Ие, вей, нималар деяпсиз? Сиз пишиб қолган қаламкашсиз-ку! — ширингина ўпкаланди у. — Камтарлик ҳам дунёга умид билан келган, пича шафқат қилинг унга. Жуда хоксор қилиб юборманг.

Сухбат йигирма кундан кейин учрашишга ваъдалашиш билан якунланди.

— Саҳнага шай қилиб қўямиз. Ўн биру ноль-нолда етиб келинг, — директор мени ташқаригача кузатиб чиқди. — Енг шимариб кутаман. Эҳтимол, иш юришиб кетса, галдаги ташрифингиз роль тақсимооти пайтига тўғри келар, эҳтимол, репетициянинг устидан чиқиб қоларсиз.

Шод хайрлашдик.

— Эҳ, хомкалла, — дейман ўзимга-ўзим йўлда. — Пьесани битган заҳотиёқ шу ерга олиб келганигда-ю, ҳозир театрни ларзага келтириб, саҳнанинг суяқларини қирсиллатиб турган бўлармиди! Намунча тортинмасанг. Директорни қара, Мударрисовни! Ҳақиқий етук инсон деб мана буни айтади. Ана одобу ана маданият, ана ишчанлигу ана пойчўкирлик! Мабодо жаннати одамнинг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, бу муқаддас вазифани сира иккиланмасдан шу кишига

ҳавола қилса бўлади! Қани энди шундай буюк зот билан тезроқ учрашсам, унинг тангрисифат фазилатларидан мириқиб баҳраманд бўлсам.

Календарга ҳўмрая-ҳўмрая белгиланган муддатга аранг етдим. Бешта кам ноль-нолда театр қоровулига йўлиқдим. Афсуски, директор колхозга кетган экан. Қоровул мени ҳовлига етаклади. Директорнинг ўринбосарига рўпара қилди. Муовин мен билан илиқдина сўрашди. Сўнг:

— Хизмат бўлса, бажонидил, тортинмай айтаверинг, — дея зийракланиб оғзимга тикилди у. — Биз халқ учун туғилганмиз, халқ учун яшаймиз...

Кетди. Фақат «асал оғзингизда, буюринг, сиз учун тоғ бўлса кемирамиз, сув келса симирамиз», демади, холос.

— Оҳо, илтифотни қаранг, илтифотни! Умрида илк бор кўрган одамига бунчалик иззат-икром! Устози зўр экан-да, устози! — дейман энтикиб ичимда. Сиртимга эса, бошқа сўзларни чиқардим. — Йўқ, ҳалигидай... директорнинг шахсан ўзларига...

Қоровул ютиниб олиб, луқма ташлади.

— Башарти тўй-тўйчиқ бор бўлса...

— Йўқ, тўй-тўйчиқ... ҳалиги... Ўртоқ Мударрисовга бир машқ ташлаб кетган эдим ўқиб кўргани...

Муовин бирдан тундлашди. Олдин қоровулга, сўнг-ра менга ўқрайиб қаради-да, «дўқ-дўқ» юриб ичкарига кириб кетди. Ўринбосардаги бу ўзгаришнинг сабаби кейинроқ аён бўлди. Гап бундай бўлиб чиқди. Театр коллективи яқин саксон кишидан иборат бўлиб, унинг ҳаракат йўналиши муовиннинг изнига топширилган. Коллектив бирор ташкилотга концерт (қоғозда спектакль) кўрсатмоқчи бўлса, муовин уни икки гурпага тақсимлайди. Группаларнинг бирини шу «спектакль»га жўнатади. Иккинчисини уч-тўрт гуруҳга бўлиб, хилват қишлоқлардаги майда-чуйда тўй-ҳашамларга «гастроль» қилдириш учун комплектлаб қўяди. Кейин харидор, савдо-сотих дегандай... ўринбосар шу гуруҳлардан бирортасига оғиз солишимни умид қилган экан. Буни театрда ўн саккиз-йигирма марта бўлганимдагина аниқ билиб олдим...

Маданият соҳибининг садағаси кетсанг арзийди. Мударрисов мени бу сафар ҳам ниҳоятда хушнуд қарши олди. Ҳатто, вомхўрлик юзасидан бир пиёла яхна чой ҳам қуйиб берди. Кейин янгиликни айтди: пьеса унга ёқибди.

— Тенги йўқ асар! — хитоб қилди директор. — Бироқ...

Мударрисов нарсамнинг «баъзи жузъий камчиликлари»ни кўрсатди. «Баъзи жузъий камчиликлар» уч ҳафтадаёқ барҳам топди. Бу тўғрида Мударрисовга шошилиш ахборот бердим.

— Маладес! — деди директор елкамга қоқиб. — Зўр истеъдодсиз. Боз устига тезкор экансиз. Энди, дўстим, замнинг фикрини ҳам олайлик.

Замнинг фикри. Ҳў бирдаги учрашувдан сўнг зам, яъни ўринбосар пьесамни ўқирмикан? Ўқиса, фикр берармикан? Шу ташвиш гирдобиди тўрт ҳафта кутдим. Йўқ, хайрият, муовинда инсоф бор экан, афтидан, машқимни ўқибди. Лекин фикрини пьесага қўшиб бош режиссёрга ошириб юборибди. Бош режиссёрнинг фамилияси Калонов экан. Калоновга йўлиқдим. У йўгон жуссали, бир гапириб ўн куладиган ялҳаккина йигит экан. Калонов мен билан пича гурунглашгач, гул-гул очилиб кетди. Сўнг стол тортмасидан папка олди. У меники эди.

— Буни нафосат бўстониимизга олиб келиб бағоят аломат иш қилибсиз, — Калонов папкага ишора қилди. Сўнгра театрни ва ходимларини изоҳлашга ўтди. Унинг оташин нутқидан талай ҳақиқатни саралаб, ўзимники қилиб олдим. Чунончи, бу жой — қутлуғ даргоҳ, ижодий лаборатория, илҳом булоғи, драматурглар учун чиниқиш мактаби, етук дорилфунун, баркамол академия! Маъмурияти Шиллер билан Шекспирнинг кўз очиб кўрган устози. Режиссёрлари — санъат оламининг султони. Актёрлари — момақалди роқдай шиддатли, чақмоқдай учқур, мислсиз эпчил, тадбиркор ва изланувчан. Фикри ёди юксак парвозда. Агарда қўйиб берсангиз, Қуёш системасини ортда қолдириб олис Галактика сари ошиқади.

Бош режиссёр характеристикасини муддаога улаб юборди.

— Аввал ўзим ўқиб чиқаман асарни, — деди. — Кейин режиссёрлар бор, адабий эмақдош бор, постановкачи, гримёр... Кейин актёрлар билан коллектив равишда читка қиламиз. Ундан сўнг худсовет қарорини олиб центрга ров тушиб чиқамиз. Ундан кейин роль тақсимоти, репетиция...

Калонов бирдан илҳомланиб ўрнидан туриб кетди. Қулочини ёзди. Жазавага тушди.

— Ҳа, репетиция! — қичқирди у тўлқинланиб. —

Қарабсизки, сахна тўла спектакль, премьера. Залда одам тирбанда. Гулдурос қарсақлар шифтни қўпораман дейди. Ҳаяжонли олқишлар, шодиёна қийқириқлар: «Отасига раҳмат! Молодец, молодец! Автор сахнага чиқсин! Автор сахнага чиқсин!» ...Қайноқ бўсалар. Гулдаста устига гулдаста. Сатирик асар хлебний бўлади, буёқда—мўмай даромад. Бир кунда уч марта қўйилса, камида беш юз сўм. Бир ойда... Ҳеҳ-хе! ...Буёқда репертуар планидан ташқари қўшимча спектакль. Бу дегани текин обрў, довруғ, мадҳия. Шулар туфайли ҳам асарни яшин тезлигида олиб чиқамиз сахнага...

Бахт кулиб боқса, шунақа экан-да: ҳам шон-шухрат, ҳам тутанмас хазина.

Янгангиз билан анча кунгача ана шулар хусусида шакаргуфторлик қилдик. Режалар туздик. Премьерага жамики қариндош-уруғ, ёру биродар ва маҳалла-қўйни таклиф этамиз. Улар учун автокорхонага тўрт-бешта «Икарус» заказ қиламиз. Колхоз ва район катталари ўзларининг машиналарида боришар. Томоша залининг олдинги қаторидан икки юзтача ўринни олдиндан ўзимизники қилиб қўямиз. Зиёфатга нечта қўй, нечта сўқим сўйилиши ҳақида бош қотириб ўтирмадик — арзимас нарсалар. Ундан кейин иморатларни янгилаймиз, шаҳардан хонадон сотиб оламиз. Гап орасида «Москвич-403»нинг моторини янгилашни ҳам қистириб ўтдим. Янгангиз бобиллаб берди.

— Қўйинг ўша «уч»ингизни! Машина бўптими! Уни офилнинг орқасига ўрнатиб борасиз. Товуқларим икки марта келмайди оламга, мундоқ яйраб-яшнашин... «Газ-31» чиқибди. Ўшандан оламиз. Одам сал машинада юргандай бўлсин.

Белгиланган соатда Калоновга йўлиқдим...

— Ярмини ўқидим, оригинальный, — деди у самимий кулиб. — Роса мириқдим. Шедевр. Ҳали кўрасиз. Пьесамиз сахнамиздан чиқиб, бутун республикага қуёш нуридай таралиб кетади. Республика нима экан, унинг офтоби бутун мамлакатни нурафшон қилади. Бутун бу шаҳарда премьера, эртага — у шаҳарда... Чопа-чопа чарчайсиз. Эҳтимол, чегара ҳатлаб чет элга ҳам чиқиб кетар. Ўзга юртларга ҳам боришингизга тўғри келар. Судланмагансиз-а?

— Йўқ, йўқ, худо сақласин!

— Энди бундай, друт мой, — елкамга Калоновнинг меҳрибон қўли келиб тушди. — Индинга гастролга жўнаямиз. Ўша ёқда ўқийман қолганини. Иложи

бўлса, қийиб-бичиб заготовкасини қилиб келаман. Кейин театрға шундоқ олиб кирамиз, бўй-баста келишган қулинг ўргилсин спектакль! Саҳнага «лўп» этиб тушади-қолади. Сўнгра урчиб жаҳонга ёйилиб кетаверади. Судланмаганлигингиз аниқ-а?

— Аниқ.

Янги хушxabар янгангизни яйратиб юборди. Дарҳол чет элбоп кийим-кечакнинг гамига тушди. Бошқа жиҳатларни ҳам келишиб олдик. Чунончи, кетишда поездга ўтирамиз, қайтишда — самолётга.

Театр аҳли гастролдан бир ойда қайтди. Калоновнинг димоғи чоғ, гаплари кулгига фарқ бўлиб кетар эди. Ниҳоят жиддийлашди.

— Хафа бўлмайсиз, биродар, — деди сўнг. — Сира фурсат топилмади. Кўпчиликнинг бошини қовуштириш осон эмас. Энди, бундай, дорогой мой. Коллектив эртадан отпускага чиқади. Шу муддат ичида, албатта, ўқиб қўяман.

Калонов бу сафар ваъдасининг устидан чиқди. Орадан қирқ кунча ўтказиб, театрға бордим. Калонов қорамни кўрибоқ, ўнг қўлини боши узра кўтарди.

— Ташланг бешни, — деди шўх жилмайиб. — Ўқиб чиқдим, шоҳона асар билан табриклайман. Отлично! Энди бундай, укасининг акаси. Режиссёру актёрларни тўплаб читка қиламиз. Читка пайшанба кунлари бўлади. Репетициядан сўнг. Соат учларга келинг.

Айтилган муддатда театрда бўлдим. Ичкарида репетиция кетар эди, демак, читка аҳли нақд. Сал ўтмай тугади шекилли, актёрлар дув ёпирилиб ҳовлига чиқишди. Калоновни топиш иштиёқида катта залга шўнғидим. Калонов билан етаклашиб чиққанимизда ҳовли бўм-бўш эди.

Бош режиссёрнинг фигони фалакка етди.

— Минг марталаб тайинладим... Всегда так. «Читка» дедингми, тамом! Калхатдан қочган чумчуқдай ергами, осмонгами сингиб кетади. — Калонов фарзандини гапига юритолмаган отадай мунғайиб менга кўз ташлади. — Узр, азизим, насиб қилса, янаги пайшанба...

Афсуски, кейинги пайшанба ҳам насиб қилмади. Пича торингим келди. Бунга барака топкур Калонов сезиб, дарҳол жонимга оро кирди.

— Сабр-тоқатли бўлинг, сабр туби олтин, дейдилар, — деди. — Бу гал бўлмаса, янаги гал, албатта. Ҳа, дарвоқе, яна бир гап. Асарни, биласиз, ўзим саҳна-

лаштириб бир роҳатланмоқчи эдим. Қўлим тегмайди чоғи. Буёқда санъат байрами бошланяпти, районларда — сайиллар... Тайёргарлик... Шунинг учун асарни ўткир бир режиссёрим бор, ўшанга топширамиз. Билимдон, чаққон йигит. Ўн кун ичида ўқиб андазасини тортиб келади. Ана ундан кейин десангиз, читка, читкадан кейин... Аммо барча ишнинг тепасида ўзим турман. Хотиржам бўлинг.

— Хўп.

Ховлининг этагида бир йигит «Жигули»сини кавлаштирарди. Калонов мени ўша томонга етаклади ва йигит билан таништирди. Фамилияси Шарипов экан. Калонов Шариповнинг елкасига қоқди.

— Ажойиб режиссёрларимиздан, — деди менга мамнун боқиб. — Саҳнанинг пири.

Калонов Шариповнинг қулоғига нималарнидир шивирлади. Сўнгра:

— Лекин, илтимос, шуни саҳнага тезроқ чиқаринг, — деди. — Анови таржима нарса қолса қолар... Бу чиқса, сизга ҳам яхши, театрга ҳам. Шу баҳонада «Фалон театрнинг маҳаллий автори йўқ», дегувчилар ҳам тилини тишлаб қолади. Боз устига, янги драматург кашф қилган бўласиз.

Шарипов бош қимирлатиб розилик ифодасини берди. Калонов папкани унинг ишораси билан машинанинг орқа ўриндиғига ташлади. Шарипов моторга энгашди.

Шу тариқа пьеса «саҳнанинг пири»га ўтди. Орадан йигирма кунча ўтказиб театрга бордим. Калоновга йўлиқдим. У «ўткир» режиссёрдан гап очиб қаттиққина ранжиди.

— Савияни қаранг-а, савияни! — сўзланди у папкамга маънос кўз ташлаб. — Шунга бир жуфтгина ария, учтагина дуэт қўшиб юборсак асар ғоят очилиб кетарди, дейди-да! «Ҳой, инсон, ақлингиз жойидами, бу музыкали драма эмас, сатирик комедия-ку, ахир! Унга ёки масалан, «Ревизор» ёхуд «Тобутдан товуш»нинг қаерига дуэтни, қаерига арияни тиқиштириб бўлади? Росаям ғўр, учига чиққан хом қовоқ экансиз-ку», дедим. Боплабманми?

Индамадим. «Кўркамгина» илжайиб қўяқолдим.

Калонов юзимга хомуш тикилди.

— Ничево, бивает. Эски типдаги режиссёрлардан эди-да, отсталий, — деди. — Бошқа зўр бир режиссёр бор. Тенги йўқ ноёб талант. Энди ўшанга ҳавола қила-

миз асаримизни. Ўша «қотиради». Ўзи модний, прогрессивний. Ҳар бир масалага янгича ва творческий ёндашади.

«Прогрессивний» режиссёр охирги модада башанг кийинган, ҳилвагина йигитча бўлиб, фамилияси Аблякулов экан. Аблякулов чиндан ҳам чапдаст экан, машқимни олти ҳафтадаёқ ўқиб ташлади.

— Нарсангиз вообщё ёмон эмас, — деди сўнг папкамни кўлимга тутқазиб. — Актуальный, современный. Но...

Режиссёрнинг якуний фикри ана шу «но»дан кейин равшан тортди. Аблякулов машқимнинг «эт ва устихон»ини «прогрессив-профессионал» тилда шунақаям титкилаб таҳлил қилдики, уни тушуниб олиш учун борлиқ вужудимни сафарбар этишга мажбур бўлдим. Келинг, сиз ҳам «прогрессив» фикр илинжида азият чекиб юрманг, ўша мулоқот жараёнини ўзимизнинг авом халқ тилида — тўпоригина шаклда баён эта қолай.

— Хўш, хўш, демак, асар сизга маъкул? — сўрадим нафасимни ичимга ютиб. — Бироқ...

— Ҳа, шундай, — жавоб қайтди Аблякуловдан. — Оригинал «костюм тикиб» келибсиз. Лекин почаси йўқ.

Ҳайрон бўлдим.

— Нима дедингиз?

Санъаткор халқи ўта зукко бўлади-да. Аблякулов овозимдаги нохушлик заррасини дарров илғаб олди ва ўз нутқиға шу ондаёқ изоҳ бағишлади. Яъни почаси йўқ дегани «костюм»ни бузиб, унинг материалдан «шим тикиб» келинг, дегани экан. Яъни тагин ҳам хашакироқ тилда айтганда, пьесани салкам буткул тўнтариш даркор экан. Режиссёр гап орасида ҳали анча хомлигим, санъатни тўғри тушунмаслигим ва сахна қонуниятларидан беҳабарлигим бобида андаккина нолиди. Кейин сабоқ берди. Кўрсатмаларни тўкмай-сочмай териб олдим. Шу асосда «костюм»ни «шим»га айлантирдим. Бунга атиги бир ярим ой кетди, холос. «Шим»ни кўлтиқлаб, театрга югурдим. Аблякулов хурсанд қарши олди.

— Тайёрми? — сўради папкаға ияк қоқиб. Мендан тасдиқ аломатини олгач, ёйилиб кетди. — Офарин, брат мой! Айтмоқчи, сизни суюнгириб қўяй, афиша тахт.

Нафасим томоғимга тиқилиб қолди.



— Йў-йў-йў-ғ-е! — дедим оғиз ва кўзларимни бор бўйича очиб. — Наҳотки!..

— Нима йўғ-е! — майингина койинди режиссёр. — Типографиядан кеча олиб келишди. Ана энди афишаларнинг «Касса очиқ» деган жойига «Билетлар сотилган» деб ёзамиз-да, кўчаларнинг чорраҳаларига аямай осиб ташлайверамиз. Йўқ, йўқ, ҳозирча «тез кунда» деган эълонни ишга соламиз.

Ҳаяжон таъсирида ёрилар даражага етдим. Аблякулов текстни синчиклаб кўздан кечирди.

— Классик «шим», — сўз қотди сўнг. — Лекин ёқаси йўқ-ку?

— Лаббай?

Режиссёр шошилмай изоҳ берди. «Ёқа»нинг «шим»га мутаносиб тарзда тикилиши, «енг»нинг «шим»га қандай қадалиши тўғрисида ва «шим» чўнтагининг қопқоғи учбурчак шаклда бўлиши зарурлиги ҳақида пича маслаҳат эшитдим. Кейин:

— Энди буниси ҳам бор экан-да? — дедим синиқ товушда. — Ахир...

— Бу жой маданий даргоҳ, грубийлик яхши эмас, — юраги торлик қилди Аблякуловнинг. — Культурний бўлиш керак. Дўппингизнинг тутмасини қаданг. «Шим»нинг енги узун, ёқаси жиякли бўлсин.

— Есть, — дедим ноилоҳ ва ишни янгидан бошладим: узун энгли, жияк қадалган ёқали ва чўнтаги учбурчак қопқоқли «шим тикиш» тараддудига тушдим... Шу кетишда энди нима бўлади, бу жиҳати яратганининг иродасига боғлиқ. Олдинда ҳали бичиш-тикиш бор, читка бор, худсовет...

Мен шунақаман. Мутахассис улўғ алломаларнинг раъйини қайтармайман. Асабим метин, иродам чайир ва бардошим қайишқоқ. Охиратгача ҳам чидайвераман. Театрнинг этагини тутганим тутган, то қиёмат кунигача ҳам бораман, уринавераман. Нима қиламанки, драматург бўлмагунча қўймайман.

(митти қисса)

I

Турсунали Шодмонов халқ таълими бўлими мудирлигидан бўшабди! Ариза берибди...

Бу нохуш хабар тўртинчи мактабга ҳам яшин тезлигида етиб келди. Мактаб аҳли уни эшитган заҳоти бир чўчиб тушди.

— Наҳотки!..

— Наҳотки, бутун вужудини мактаб-маорифга тиккан фидокор инсон шундай қилса!

— Во ажаб!..

Ўқитувчилар хонаси бир лаҳза жимиб қолди. Ҳамма Баротов домлага аста нигоҳ ташлади: домла суюкли шогирди Турсуналининг бу қилмишига қандай қараркин?

Домла диваннинг бир бурчагида кичкинагина бўлиб жим ўтирар, шу шумхабар оғушида «дир-дир» қалтирар эди. Кимдир сукунат руҳини авайлаб чертди.

— Аризани каттаконнинг нақд қўлига тутқазибди.

Бу гап домлани титратиб юборди. У тўсатдан га-лаёнга келди, сапчиб ўрнидан турди. Болғачадай абжир ва қоқсуяк муштини столга «тарс» урди.

— Агар шундай қилган бўлса, калтак ейди! Ҳозироқ уйига бораман. Худди шундай қиламан!..

Домла жадал юриб ташқарига йўналди. Муаллимлар итоаткорона йўл бўшатишди ва уни хомуш кузатиб қолишди.

II

Баротов домла Турсуналининг дарвозасини очганда, у забардаст чинор остидаги сўрида китоб ўқиб ётарди; одам шарпасини сезиб, китобдан кўзини узди ва дарвоза томонга тикди. Домла Баратов экан. Турсунали дарров оёққа қалқиди, кўкиш коржомасининг тугмаларини йўл-йўлакай қадаб, меҳмонга пешвоз чиқди. У келувчининг руҳиятидаги аччиқ изтиробни афт-ангоридан сезиб турарди. Устоз қанақа нордон

гаплар билан «сийлаши»ни ҳам олдиндан ҳис қиларди Турсунали. Лекин шундай бўлса-да, ўзини билмаганга олди, қўлини кўксига қўйиб жилмайди.

— И-и-и! Ассалому алайкум, домла. Қайси шамоллар учирди?..

Баратов домла қўл учида сўрашди ва сўрига омонатгина ўтирди. Турсунали эса, қўли ҳануз кўксига, тик турарди.

— Ҳа, бекорчилк, китобхонлик экан-да? — сукунатни бузди домла. — Жуда соз. Хўш, мудирлик оғирлик қилдимми?

Турсунали қоп-қора, бўлиқ сочларини кафти билан орқага силаб, бир зум тек қолди. Сўнгра сўрининг бир четига аста чўнқайди.

— Нега оғирлик қилар экан? — деди зўрма-зўраки илжайиб. — Узингиз оғирликдан, қийинчиликдан қайтмасликка ўргатгансиз-ку ахир...

— У ҳолда ариза беришингнинг маъноси нима?

Турсунали хумдай улкан бошини қуйи солиб, жим қолди. Кейин:

— Энди, домла, кечирасизу, — деди жиддийлашиб, — нима десам экан... Қисқаси, вазият шундай бўлиб қолди.

### III

Уруш йиллари Турсунали аввал отадан, сўнгра онадан айрилди. У вақтларда Баратов домла шу қишлоқдаги етти йиллик мактабга директор эди. Турсуналини мактаб қошидаги интернатга жойлади. Данақ чақса, эзигини ўзи еб, бутунини Турсуналининг оғзига тутди.

— Унгин, ўсгин, — деди ҳазин товушда. — Чинакам инсон бўлгин. Ота-онангнинг руҳи ўксимасин...

Турсунали юракдан акс садо берди.

— Хотиржам бўлинг, домла.

Домла кузатиб юрди, Турсунали ваъдасининг изнидан чиқмади. Мактабни намунали хулқ ва аъло бақолар билан тугатди. Домла севинганидан кўзига ёш олди.

— Баракалла, болам, — деди. — Буёрига ҳам бардам бўл.

Турсунали ўнинчи синфни ўринлатиб битирганда ҳам, университетнинг қабул имтиҳонларидан муваф-

фақиятли ўтганда ҳам домланинг меҳрибон қўли ҳамиша шогирдининг пешонасида бўлди. Олий мактабдан имтиёзли диплом кўтариб келганда, домла район халқ маорифи бўлимига мудир эди. Қувонганидан тагин кўзи ёшланди.

— Офарин, ўғлим, — деди, — орзуларим биринкетин ушалиб келяпти. Энди бундай, азизим. Ҳали билмайсан, чўлда, Борсакелмас массивида янги мактаб очганмиз. Қирқ иккинчи мактаб. Сени шу мактабга муносиб кўрдик. Шароити вазмин. Лекин, ўйлайманки, сен унга чидайсан, мени қизартириб қўймайсан.

Турсунали қуллуқ қилди.

— Албатта, сиз айтганча бўлади.

Турсунали сўзининг устидан чиқди. Борсакелмасда олти йил оддий муаллим бўлиб ишлаганда ҳам, анча муддат илмий бўлим мудирлиги постида турганда ҳам, устознинг юзига қизилликни йўлатмади. Аксинча, қайта-қайта домланинг олқишини олди. Ўқув йили охирида устоз яна алқади.

— Омад устига омад тилайман, жигарим, — деди. — Камол топ. Энди бундай, шоввозим. Ўртоқлар билан кенгашиб, сени ўша мактабга директорликка муносиб топдик.

Турсунали бирдан жиддийлашди. Қўлини кўксига қўйган кўйи беихтиёр ўрнидан турди.

— Ахир, мен...

— Ие, бу қанақаси? — деди устоз норози қиёфада. — Ахир, сен. Фақат икки йилга. Кейин чақириб оламиз марказга.

Турсунали домладаги ўпкалаш аралаш қатъиятни кўриб, кўзини ерга олди.

— Хўп, домла, кечирасиз...

Турсунали директорлик лавозимида икки йил эмас, тўрт йил туриб қайтди. Аммо изсиз қайтмади. Мактаб лахтак-лухтак биноларга жойлашган эди. Бу ҳол таълим-тарбия равнақи йўлида гўё тиканли ғов бўлиб турарди. Турсунали ана шу тўсиқни мактабдан улоқтириб ташлаш учун жон-жаҳди билан уринди. Мактаб аҳлининг бошини қовуштириб, ишга солди. Оталик ташкилотларига ялинди-ёлворди, нима қилдики, каттагина типовой мактаб биносининг эгаси бўлиб олди. Қўша-қўша фан кабинетлари, лабораториялар ва бошқа объектлар вужудга келди. Қисқаси, сал фурсатда мактаб оёққа босди ва райондаги етакчи таълим-тарбия масканлари сафига қўшилди. Шунинг шарофа-

ти билан бу ерда талай кўргазмали семинарлар бўлиб ўтди. Сўнгги семинар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бағишланди. Мазкур маросимнинг тафти босилар-босилмас Турсунали домла Баратовдан телефонограмма олди.

«Нима гап экан?» Турсунали хавотирланиб зудлик билан районга етиб келди. Домла Баратовнинг кабинетига кирди. «Т» ҳарфи шаклида ўрнатилган столларнинг тўрисида муштдеккина бўлиб ўтирган экан.

— Кир, болам, кир, — илтифот қилди у Турсуналини кўриб. — Кейин ўрнидан туриб, шу томонга юриб кела бошлади. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг шогирдини ўтиришга таклиф этди. Узи Турсуналига юзма-юз ўтирди.

— Энди, болам, гап бундай, — деди. — Сендан хурсандмиз. Ота-оналар, айниқса миннатдор фаолиятингдан. Қирқ иккинчини оёққа бостирдинг. Чўл ичида ёруғ юлдуздай чарақлаб турибди...

Турсунали ўнғайсизланиб пешонасини қашлади.

— Йўғ-е, домла, жуда унчалик эмас. Атиги...

Домла Баратов Турсуналининг гапига парво қилмай, сўзида давом этди.

— Сенда талант бор. Бу ишларнинг барчаси шу истеъдод меваси. Энди мазкур фазилатдан кенгроқ масштабда фойдаланмоқчимиз. Раҳбарлар билан фикрлашиб, сени мудирликка лозим кўрдик.

— Йўғ-е, йўғ-е! — Турсунали беихтиёр оёққа турди. — Наҳотки, мен...

— Намунча кўрқиб кетдинг? Гап шу, менинг ўрнимга ўтирасан.

— Ахир, мен...

— Ҳа, шундай. Чўчима, эплайсан. Ёнингда ўзим тураман.

— Мудирликни сиздан...

— Ҳа, мендан оласан мудирликни, — Домла шогирдига мунғайиб боқди. — Мана кўриб турибсан, қартайиб қолдим. Менга раҳминг, раҳмларинг келсин.

Турсунали хомуш бошини этди.

— Мураккаб вазифа. Ёшман, тажрибасизман...

Домла митти кўзларини шогирдига қадади.

— Қийинлик қиладими? Қўрқасанми?

Турсунали ҳушёр тортди.

— Нега кўрқар эканман? Ўзингиз...

— Барака топ, лочиним, гап бундай бўпти, — домла келиб шогирдининг қўлини қисди. — Омад ёр бўлсин.

Турсунали янги вазифани юраги бетламайроқ қабул қилиб олди-ю, лекин уни рисоладагидай эплади. Районда мактаб-маориф иши кейинги пайтларда ҳатто гуллаб-яшнади. Халқ маорифи бўлими уч марта область социалистик мусобақаси қолиби бўлди. Бултур эса, республика миқёсидаги Кўчма қизил байроқни олишга эришди. Район мактаблари базасида республика ва область кўргазмали семинарлари бўлиб ўтди. Булардан домла Баротов «бир қоп семириб» юрди. Индинга эстетик тарбия бўйича област семинари ўтказилади. Бўлим ҳам, таълим-тарбия даргоҳлари ҳам анжуманга тахт, ҳамма нарса командага мунтазир қўшиндай стартда турибди. Шогирди туфайли Баротов домланинг тагин бир «семириб» олиши шубҳасиз...

Турсунали бугун ҳар қачонгидан барвақтроқ ишга шайланди. Қизил «Жигули»сига ўтириб, мактабларни тагин бир айланиб чиқмоқчи бўлди. Ахир, эртага зарба даст йиғин. Маросим аҳли бирор мактабдан заррача ғубор толгундай бўлса, татимайди-да. Мудир шунинг олдини олиш ниятида марказга яқин беш-олти мактабни йўл-йўлакай кўздан кечирди, кўнгли тугал таскин топди: барча зиё ўчоқлари заводдан ҳозиргина чиқиб, сотувга қўйилган оҳорли машинадай «гум» эди.

Турсунали дили равшан тортиб, этак зонага йўл олди. Далалар кўм-кўк. Ариқлар тўла малла сув. Дарахтлар ям-яшил. Бепоен пайкаллар ғўза қаторлари билан ял-ял яшнаган.

— Баҳор яхши-да, баҳор, — кўнглидан ўтказди Турсунали. — Хусусан, май ойи. Кўркам, фусункор...

Турсунали қандайдир бир куйни димоғида «ғинг» қилиб борарди. Кўзлари барра бедазору пахтазор, тутзору мевазор узра енгил парвоз қилар, чексиз латофат қаршисида маст-аласт эди. Бир маҳал ўн олтинчи мактаб томонда қора нуқталар тизими кўринди. Ўқувчилар эмасмикин? Мудир хавотирланди ва машинасига кескин тормоз берди. Кутди. Ҳа, талабалар экан. Ўттиз чоғли ўғил-қиз қаторлашиб, шу ёққа келишмоқда эди. Орқаларида новча бир аёл — ўқитувчиси бўлса керак. Саф Турсуналининг рўпарасига келганда ўз ўзидан таққа тўхтади. Ўқитувчи мудирга рўпара бўлди.

— Хўш, йўл бўлсин? — сўради Турсунали саломалиқдан сўнг дағалроқ товушда.

Ўқитувчи уёқ-буёққа олазарак қараб олди-да:

— Мансур бригадирнинг даласига, — деди норози оҳангда. — Яганага.

— Ким буюрди ўқишни ташлаб бунақа?! Яна эски ашулани бошлаб!.. Директорингиз айтдимми?!

— Ҳа, ўртоқ Шамсиев буюрди.

— Ўртоқ Шамсиев буюрди, сиз буйруқни гулдурас қарсақлар билан кутиб олдингиз, шунақами?

— Наҳотки, шундай деб ўйласангиз? «У замонлар ўтган. Буни ўзингиз ҳам биласиз. Болалар ўқиши керак. Боз устига, улар саккизинчи, битирувчи синф талабалари», дедим. Қулоқ солмади. Қайтага бақририб берди. «Директор мактабнинг командири, командирнинг буйруғи — қонун», деди. Балаandroқ келган эдим, ялинишга ўтди. «Колхоз — отамиз. Бултур биноларимизни капитал ремонт қилиб берди. Устахона барпо этди. Мана, ошхона қуриб бермоқчи, биз ҳам қараб турмайлик-да, ахир», деди. «Буёғи пудратчилар қурт ҳам боқишяпти экан, шошиб қолишибди. Фақат бир кунга, холос», деди. Кейин...

— Ҳм, қайтаринг буларни. Ҳозироқ синфига кирсин. Бир кунга эмиш-а! Буларга қўйиб берсангиз, тагин ўша бемаза қўшиқларини бошлашади. Кейин авжига чиқишади!..

Муаллима «маъқул» ишорасини қилди-да, болаларни келган изига солди. Мудир уларнинг орқасидан бир зум тикилиб қолди. Шу он болаларга қарши томондан мотоцикли бир йигит ўқдай учиб келди. Ўқувчиларнинг рўпарасига етганда тўхтаб, эгардан тушмаган ҳолда муаллимага қўлини пахса қилди. (Турсунали йигитни бригадир гумон қилди.) Мотоцикл «пўп-пўп» дея жойида ишлаб турарди, шу важдан мудир уларнинг нима деб «хириллаш»ганини англай олмади. Аммо суҳбат мавзуи тушунарли эди.

— Ҳа. Ҳаракатлари бесўнақай. Демак, ўткирроқ бригадирлардан бўлса керак, — дилидан ўтказди Турсунали.

Бригадир мотоциклини жаҳл билан юргизди, кескин ҳаракатлар билан унинг тезлигини оширди. Турсуналининг ёнидан унга ўқрайиб қараганича визиллаб ўтиб кетди.

Турсунали хижил бўлиб, ўн олтинчи мактабга етиб борди.

Дарс кетаётган экан. У педагоглардан дарс машғу-

лотлари ва ягана масаласида сўраб-суриштирди. Синф эшикларини бирма-бир очиб, аҳволни кузатди. Яна иккита синф далада экан. Мудирнинг кайфияти баттар бузилди. У директорни зудлик билан топиб келишни буюрди. Шу пайт директорнинг кабинетидан котиба қиз чиқиб келди-да, мудирга мурожаат қилди. Турсуналини райижроком раиси Жамолов телефонга чақирмоқда экан. Турсунали кабинетга кириб, телефон трубкасини кўтарди. Жамолов пича сафсата сотди-да, дарҳол индаллосига кўчди.

— Ордени бригада бошлиғининг, депутат бригадирнинг обрўсига зиён етказишингизни қандай тушунмоқ керак? — деди ниқтаб. — Ахир, шудай бообрў бригадир кузда ер чизиб ўтирса нима деган одам бўламиз? Ғўзалари яганасиз, ўзига-ўзи ўт бўлиб ётса-я! Буёқда қурт. Ҳамма оловдай ёниб юрибди ҳозир. Мана, бригадир ҳозир келиб айтди, унга ҳатто, ҳолинг не деб қиё ҳам боқмабсиз.

Турсуналини қалтироқ босди.

— Хўш, нима қил дейсиз? — деди ўзини зўр билан босиб.

— Ахир, пахта ҳаммамизнинг ризқ-рўзимиз эканини наинки тушунмасангиз. Биз ҳам биламиз ҳозирги сиёсатни. Лекин иложимиз қанча. Ниҳоятти бир кунга. Болаларингиз бир кун кейинроқ мулла бўлса ҳеч нарса қилмас. Ҳа, йўлни сал кенгроқ олинг.

— Хўш, мақсадга ўтинг, мақсадга, илтимос.

Раис йўталиб олди.

— Мақсад, бир баҳя пастроқ тушинг, маслаҳат. Бу биринчидан, — деди гижиниб. — Иккинчидан, ҳозир бориб, ҳозирнинг ўзида бориб ўша қайтарган болаларингизни далага чиқариб, яганага солинг. Учинчидан, бригадирдан қилмишингиз учун кечирим сўранг. Тилло одам у. Тўртинчидан, ана шуларни дўндириб, бу тўғрида менга рапорт топширинг. Қонун-қоидага бўйсунсангиз кам бўлмайсиз. Рапорт ёзма равишда бўлсин!

Турсунали титраб кетди.

— Ҳой, ўртоқ Жамолов, — деди қақшаб. — Бордию, айтганингизни қилмасам-чи?! Рапорт ёзмасам-чи?!

— Топшириқ: қиласиз, ёзасиз!

— Қилмайман ҳам, ёзмайман ҳам!

— У ҳолда аризангизни ёзиб келинг.



— Бу топширифингиз, албатта, бажарилади. Ўзи менинг аризамга кўпдан бери бошқоронғи бўлиб юрибсиз.

Турсунали ишдан бўшаш ҳақида дарров ариза тайёрлади. Уни кўтариб, колхоз боғига етиб борди. Жамолов колхоз раиси билан гулзор ёқасидаги кран ёнида чойхўрлик қилиб ўтирган экан. Турсунали машинасидан шитоб билан тушди. «Тарс-турс» юриб, уларнинг олдига борди. Аризани Жамоловнинг қўлига тутқазди.

— Мана, орзунгизга етдингиз.

Икки раис анграйиб қолди. Турсунали шартта орқасига бурилди ва келишидаги суръат билан машинаси томонга ошиқди. Раислар беихтиёр унга талпинишди.

— Ҳой, Шодмонов, бу нима қилганингиз? — қичқирди Жамолов талвасага тушиб. — Сира ўжарлигингиз қолмади-қолмади-да! Ҳазил-ку бу, ҳазилни ҳам тушунмайсизми?

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ, — сўз қотди Турсунали орқасига қайрилиб. — Ва бундан кейин ҳам ҳазилкашингиз бўлолмайман.

У машинасига ўтириб, эшикни қаттиқ ёпди.

## V

Шогирд мазкур воқеани устозига ётиғи билан гапириб берди. Баротов домла аянч ила бош тебратди.

— Ҳм, яхши бўлмабди, — деди.

— Тўғри, шундайку-я, — ўпкалаш оҳангида куюнди Турсунали, — бироқ бунақа машмашалар бир-икки мартадан кейин барҳам топса экан.

Чиндан ҳам, бу янглиғ галвалар илгари ҳам такрорланиб турган, аммо Турсунали уларнинг ҳидини чиқармаган эди. Баротов домла узоқ сукут қилди-да:

— Ҳм, бироқ аввал бошлиқларга, райком котибларига шипшитсанг дуруст бўлармиди, — деди.

— «Йиғлаб» кўрганман котибларга. Аммо улар ҳам пахта «жонкуяр»ларининг тешасини чопишган. Бу гал ҳам ўшандай бўлиши аниқ эди.

— Ҳм, демак, тўғри қилгансан.

Домла бир лаҳза сукутга чўмди.

— Ажаб, — бош тебратди сўнг. — Турғунлик даврининг йўриғи бошқа эди. Мактаб колхознинг бошини қашлаб, оёғини уқалаб қўймасди, холос. Қайта қуриш, янгича сиёсат бу бемаъниликларнинг барчасини гўрга тикди. Лекин биздаги раҳбарларга наинки бунинг шабадаси ҳам тегмаса!

— Тегяпти, — пичинг аралаш сўз қотди Турсунали. — Оғизлари гапдан бўшаса, «қайта қуриш»ни сақия қилиб чайнашади. Аслида ҳар қандай қонун-қонданнинг кўзини шамғалат қилиб, болакайларнинг иқболига чанг солишади.

Икковлон жим қолишди.

— Узр, домла, сизни ранжитдим, — деди ниҳоят шогирд.

— Йўқ, ундай эмас, — Турсуналига ғамгин тикилди устоз. — Сен ҳақсан...

Турсунали домланинг суҳбатидан бир қадар таскин топди. Аммо боши ғубордан аримади. Боз устига, кўнгил сўраб келгувчиларнинг, ундан ҳам «юқори уй»дан ташриф буюрувчи муросаталаб «совчи»ларнинг таънадашномлари мазкур ғуборни баттар қуюлтирарди. Турсунали ҳовлисига сиғмай қолди. Тўртинчи куни Шаҳрихонга, курсдоши Собиржонникига жўнаб кетди.

## VI

Икки дўст соғинишиб қолган экан, хўп қаймоқлашишди, теварак-атрофни айланишди. Индинига Собиржоннинг эски «Москвич»ида Асака сари йўл олишди. Боққа киришди.

Асаканинг боғи баҳорда яшнаб кетади. Ҳаммаёқ ям-яшил дов-дарахт ва анвойи гулларга тўлиб ётади. Сўлим хиёбонлар, дилочар манзилгоҳлар, қўша-қўша шарқироқ сой соҳиллари куну тун халойиқ билан гавжум бўлади. Икки ошна кўзлари қувнаб, узоқ сайр қилишди. Ниҳоят, сон-саноқсиз чойхоналардан бирида тўхташди. Чой чақирди. Сўрилар ошхўру чойхўрлар билан тирбанд. Ҳар бир давра бирор кўнгил очар машғулотга маҳдиё. Бирида гап-гаштак, бирида шахмат, бирида дастурхон ҳоким. Текин томоша. Курсдошлар уларни завқланиб кузатиб ўтиришди.

Давралар орасида хў нариги сўридагиси шўхроқ кўри-  
нарди. Сўрида қувноқ аския кетар, қаҳқаҳа тинимсиз  
шарақлар эди. Тўрдаги барваста, бақбақадор йигит ас-  
кия айтганда кулги айниқса авжига чиқарди. Йигит  
курсдошларга орқа ўтириб ўтирар, шу боисдан унинг  
юзи кўринмас эди.

Даврада пинҳона «чойнак базм» кетар, енг ичида  
пиёла айланарди. Косагул барваста йигитга қадаҳ сун-  
ди. Барваста йигит бош тебратиб, қаршилиқ кўрсатди.  
Косагул сўридан тушиб, унинг қошига борди. Чўп қў-  
лини кўксига қўйиб, яна қадаҳ сунди, нимадир деб  
илжайди. Барваста йигит баттар хиралиқ қилди. Коса-  
гул пиёланинг четидан бўса олиб, тагин узатди. Бар-  
васта йигит: «Оббо, қўймадинг, қўймадингда», деган  
қиёфада пиёлани олди ва бир кўтаришда уни бўшатди.  
Йигитнинг тумшуги остида газак санчилган уч-тўртта  
санчқи маҳтал турарди. Йигит бўш пиёлани косагул  
томонга отиб юборди-да, ҳалиги санчқиларга ёпишди.  
Косагул пиёлани чапдастлик билан илиб олди, чакка-  
сидан ўпди ва қуллуқ қила-қила нари кетди. Барваста  
йигит чайналиб туриб, орқасига қаради. Курсдошларга  
кўзи тушиб, сергак тортди. Яна қайрилди, астойдил  
тикилди.

— Ие, Миржалил эмасми анови? — деди Собир-  
жон кўзларини катта очиб. — РайПОга раис деб  
эшитгандим.

— Ҳа, ўша, — Турсунали беихтиёр ўрнидан туриб  
кетди. — Қара-я, семириб, филдай бўлиб кетибди.

Миржалил буларнинг курсдоши эди. У шўх ва  
ўқишга ҳафсаласизроқ эди. Аммо танца ва кинога  
суяги йўқ эди. Миржалил кўп дарс қолдирар ва имти-  
хон вақтида дафтарчасини кўтариб домлаларнинг ор-  
қасидан илиниб юрарди. Эпчил, гапга чечан эди. Шу  
боис дафтарчани бир амаллаб дипломга алмаштириб  
қайтди. Шунга ҳам, мана, йигирма тўрт йил бўлибди.

Ошналар саросимага тушиб қолинди. Шу пайт  
Миржалил тўсатдан сўридан тушди ва булар томонга  
лапанглаб кела бошлади. Иккала дўст унга пешвоз чи-  
қишди.

— Ҳой, бу қанақаси?! — шод қичқирди Миржалил  
ва кучоғини бор бўйича очди. — Ўнгимми, тушимми?  
Вой, муттаҳамлар-эй!

Миржалил қийқирганча курсдошларига ташланди.

Қуюқ сўрашишди. Бунгача Миржалилнинг ҳамроҳлари ҳушёр тортиб, буёққа етиб келишди. Булар билан эски қадрдонлардай ёпишиб қўл олишди. Сўнгра меҳмонларни қўярда-қўймай ўз сўриларига олиб кетишди. Миржалил шерикларини «ходимларим», деб таништирди.

Сўриларга ўтиришгач, дарҳол пиёлалар ишга тушди. Сочик ёпинган чойнаклар хизматга чоғланди. Миржалил Турсуналини коньякка тўйинтирмоқчи бўлди. Бироқ Турсунали пиёладан икки марта татинди-ю, бас қилди. Бундан Миржалил койинган бўлди. Кейин:

— Оббо сен-эй, — деди ўпкаланганнамо. — Муаллим халқининг аҳди жуда қаттиқ бўлади-да. Ҳа, майли. Айтмоқчи, сени райОНО мудирини деб эшитган эдим, ҳали ҳам қурумсоқ муаллимларни «вақ этма, шақ этма, бу полдан у полга ўтма», деб юрибсанми ё бирор поғона кўтарилдингми?

Бу гап Турсуналига малол келди. Миржалолнинг беандиша саволига нордонроқ жавоб қайтармоқчи бўлди. Аммо ўзини босди.

— «Вақ этма, шақ этма» деб юришни ҳам менга кўп кўришди, — деди кулимсираб. — Ўша вазифадан ҳам олиб ташлашди.

— Ўз аризасига биноан озод қилишди, — шошапиша гап қўшди Собиржон.

Миржалил бошини оғир тебратди.

— Қайсарсан-да, ўжарсан, — ниқтаб деди Турсуналига. — Шу феълнингни ташламадинг-ташламадинг-да. Ўжарлигинг туфайли университетда ҳам қанчалар азият чекардинг. Масалан, эсингдадир, ҳу Матниёзов домлага кўрслик қилиб, қанақа «мукофот» олганинг?

## VII

Турсунали студентлик давридаёқ олов эди. Умумий йиғилишларнинг бирида сиёсий иқтисод фани ўқитувчиси Матниёзовни сифатсиз дарс ўтишда айблаб, танқид қилди. Матниёзов буни юрагига тутиб қўйган экан, қишки имтиҳон сессиясида ечди. Турсунали билетдаги учала саволга ҳам беками кўст жавоб қайтарди. Бироқ жавоб домлани қаноатлантирмади.

— Ҳм, — деди домла бошини аянчли тебратиб. — Рост айтган экансиз, чиндан ҳам сизга яхши дарс беролмаган эканман. Бу нарса, мана, энди кўринди, валдирашингизда аппа-аниқ кўринди. Энди шундоқ-шундоқ деб ёзиб қўямиз-да.

Турсунали гаранг бўлиб, нима дейишини билмай қолди. Матниёзов эса, Турсуналининг дафтарчасига ниманидир ёзди-да, уни узатди.

— Марҳамат, — деди совуқ кулимсираб. — Мурувват қилдик, инсоф доирасидан чиқмадик. Аммо бунинг учун тама умидвор эмасмиз.

Турсунали баҳосига кўз югуртди: ана, холос! «Қониқарли!»

— Бу нима қилганингиз! — қичқириб юборди беихтиёр. — Ҳамма фанлардан «аъло», сиздан...

Матниёзов бошини елкасига ташлаб, ғалати жилмайди.

— Бошқа домлалар сизни «аъло»га ўқитган, мен... ўзингиз билганингиздек...

Турсунали Матниёзов билан анча «ади-бади» айтишди. Сўнг:

— Адолатсизлик! — деди. — Мен бунинг субутига етмагунча қўймайман.

Турсунали айтганини қилди — муродига етди. Бироқ бу осонликча бўлмади...

## VIII

Миржалил шу воқеага шама қилган эди.

— Ўшанда ҳам шу ўжарлигинг панд берган эди сенга, — деди кейин. — Шу феълингдан нима ютдинг? Қанчадан-қанча югур-югур, оворайи сарсончилик, дағдаға... Ундан кўра, сизники маъқул, де, майин бўл, барчаси ўтади-кетади.

Турсунали ҳамкурсининг насиҳатларига бир оз оғринди. Лекин унга қарши қаттиқ-қурум гап айтмади. Беозоргина жилмайиб қўяқолди. Миржалил эса, насиҳат қилишдан чарчамасди.

— Ахир, қўрслик, ўжарликдан нима фойда, — деди у меҳмонларнинг жўнар чоғида. — Бир баҳя эгил, белинг синиб қолмайди. Катталарнинг кўнглини топиб, гашт қилиб яша. Умр инсонга икки марта берилмайди. Уни шоҳона қилиб ўтказиш керак.

Бу сафар Турсунали ўзини тиёлмади. Машинанинг эшигини силтаб очаркан:

— Ҳа, шундай, — деди ниқтаб. — Умр фақат бир марта берилади. Шунинг учун уни пок туриб, мардона ўтказиш керак!..

Эшик «қарс» этиб ёпилди. Машина елдай учиб кетди. Миржалил каловланиб, машинага хомуш тикилганича тек қолди.

## СЎЗИ ВА ЎЗИ

### (Жажжи фельетон)

Бир нотик неча юзлаб тингловчини орзига қаратиб, минбарда тўлиб-тошиб лекция ўқимоқда эди.

— Ширинсуханлик инсон учун энг олий фазилатлардан биридир. Чунки ширин сўз киши кайфиятини ҳар қандай губордан мусаффо этади, танасини яйратади — умрини узоқ қилади. Ширин сўз таркибида «С» витамини бор, деган экан алақайси бир медик олим. Хуллас...

Шу он қоровул чол сахнанинг орқа эшигидан бир пиёла чой кўтариб кириб, уни минбарнинг ўнг биқинига аста қўяётган эди, лекторнинг қалтис бир ҳаракати билан минбар қимирлаб кетди, пиёла нимагадир тегиб жаранглади, чой тўкилди, текстнинг ўқилган қисми ҳўл бўлди — зал бир сакраб тушди!

Нотик қовозларини шошиб йиғиштириб олди ва шиддат билан орқасига, чолга ўтрилди. Бир оз энгашиб туриб, қаҳр-ғазаб билан қаттиқ шивирлади.

— Роса аҳмоқ экансиз-ку! Дид-фаросат борми ўзи сизда ёки ҳўкиздан тарқаганмисиз?! Аблах!..

Чол бир сўз демади. Икки қўли кўксида, бошини чапга хиёл эгганича ёнбош юриб секин чиқиб кетди...

Лекция қолган жойидан давом этди:

— Хуллас, ширин сўз умр озиғи, инсон безагидир. Одамнинг юзига боқма, сўзига боқ деган мақолнинг заминида ботмон-ботмон ҳикмат борки, бу тўғрида куйида батафсил тўхталиб ўтамыз...

## ТАЛАБНОМА

«Гийбат қутиси»нинг нонини очкўзлик билан туя қилаётган ноинсоф бандаларга шуни зўр таассуф билан писанда қиламанки, бир бемаъниликларингни эшитиб бағоят газабландим! Наҳотки, «Гийбат қутиси» учун Тухматуллодан бошқа тузукроқ махлуқ топилмаган бўлса! Ахир у «Фурбатология», «Тухматология», «Фисқи фасодия» «фан»лари бўйича кечагина «имтиҳон»дан ўтган гўдак-ку! Кишига алам қилар экан, наинки камина эсларингга келмаган бўлсам! Гийбатуллонинг тўнғич шогирди ва билимдон вориси эдим-ку! Боз устига, «Иблис тили», «Шайтон адабиёти», «Бўхтоника», «Ҳасадология», «Ифвономия» каби «дарслик»ларни мустақил ўрганиб чиққанман. Мазкур «билим»ларимга таяниб, узоқ йиллардан бери эл дилига астойдил озор бериб келяпман. Бу йўлда барча воситаларнинг думидан тутиб ишга солмоқдаман. Шу боисдан халқ оромбузарликдаги ранг-баранг методларим галасига бир йўла нисбат бериб, «Маразулло» деб атайдим. Чиндан ҳам маразликда менинг олдимга тушадиган шоввоз районда эмас, бутун бошли жумҳуриятда топилмас! Бу даражага етгунча челак-челак тер тўқдим, албатта! Кишилар ўртасида шубҳа туғдириш, жанжал чиқариш ва одамларнинг юрагини ўйноқ қилишдаги «хизмат»ларимни батафсил қоғозга тушириладиган бўлса, «Тухматнома» отлиқ ўн жиллик «асар» бўлади! Буни нечук ҳисобга олмайсизлар?! «Иш» услубидаги оригиналликни-чи?! Мана, энг сўнгги пайтларда қўллаган «иш» услубларимдан айрим намуналар.

Фотоаппарат ва ёзув машинкаси туну кун хизматимда. Қўлим бўшади дегунча аппаратни елкага илиб, ҳовлидан чиқаман. Қовоғимни уйган ҳолда ерга қараб кўча кезаман. Лабларимни маҳкам қимтиб, ҳеч кимга тишимнинг оқини кўрсатмайман. Ўткинчиларга олазарақ назар ташлаб қўяман. Кейин ошхона, чойхона ва бошқа жамоат жойларида бўлиб, «сўнгги ахборот» тўплайман. Сал фурсатда вужудим дард, алам, ҳасадга тўлиб, бамисоли зардобли бочкага айланиб кетади. Ёрилиб кетишдан қўрқиб, ҳовлига югураман. Зах ва қоронғироқ бўлса ҳам кичик бир ҳужрам бор. Дарров шу ҳужрага шўнғийман.

Машинкага ўтираман. Имзосиз хатларни бирп. да қалаштириб ташлайман.

«Юнус қассоб — фирибгар. Эчки гўштини қўй гўшти ўрнида сотади...»

«Озиқ-овқат магазини сотувчиси — қаллоб. Тарозидан уради...»

«Маориф мудирини Солиев — порахўр. Порадан тўплаган пулига яқинда «Жигули» сотиб олди...»

«Учқўрғон қишлоғидаги мактабнинг адабиёт ўқитувчиси Валиев — хотинбоз. Яқинда хотини ўлган эди, пуни баҳона қилиб, тагин уйланди. Ўзи ғирт саводсиз. «Мишиқ»ни «мушук» шаклида ёзади. Дарсида сифат деган нарса йўқ!..»

Хатларим ҳар томонга парвоз қилади ва қисқа муддат ичида қатор-қатор комиссияларни етаклаб келади. Текшир-текшир бошланади. Қанчадан-қанча одамларнинг асаби бузилади, вақти созурилади. Кейин унсиз тарқаб кетишади. «Хизмат»им самарасини зимдан завқ-шавққа тўлиб кузатиб юраман: Қалбимдаги йирингли ярам ёрилгандай, ўзимни енгил ҳис этаман.

Мен, ҳатто қариндошларимни ҳам юз-хотир қилиб ўтирмайман. Поччам хўжалик моллари магазинида сотувчи. Яқинда дўконига чойнак келди. Ҳар бир харидорга иккитадан сотди. Менга тўртта қилиб берасиз, десам, унамади. Фотоаппаратни «ўқ»лаб пойлаб юрдим. Кунларнинг бирида ошхонага кирсам, қўлида шиша, стакан, лимонад — ичиб ўтирибди. Сездирмасдан «чиқ» этказиб суратга туширдим. Суратни «Шодиев — пияниста, давлат маблағини коньякка совуряпти» мазмунидаги хатга жуфтлаб, тегишли идорага учирма қилдим. Магазин уч марта ағдар-тўнтар қилинди. Ичймда уч ҳафта чапак чалдим.

Ҳамқишлоқларим ижтимоий меҳнатга вақтларининг ҳаммасини сарфламайдилар. Бир қисмини бола тарбияси учун чегириб қоладилар. Натижада кўпларининг фарзандлари олий маълумотли мутахассис бўлиб олишяпти. Мен бўлсам «хизмат»дан ортиб бола тарбияси билан шуғулланолмаяпман. Фарзандларим мактабни ботмон-ботмон дашномни елкага илиб, аранг битиришяпти! Бироқ ишсиз қолишаётгани йўқ. Онаси етакчилигида изимдан бориб, «муборак касб»имни эгаллашяпти. «Хизмат» бурчимга садоқатимни шулардан ҳам билсаларинг бўлмасмиди?!



«Хизмат»дан йироқлашиб кетишдан чўчиб, туристик саёҳат, дам олиш уйи ёки санаторийга ҳам бормайман. Тинимсиз «меҳнат» ва «ички кечинма»ларнинг зўридан икки юзим ич-ичига ботиб, заҳил бўлиб кетса ҳам райондан бир қарич жилмайман. Буларни ҳам назарда тутмагансизлар, ноҳжурлар! Мўмай порани жигилдонларингга уриб, Тухматуллони қабул қилгансизлар ишга!

Энди гап бундай. Савод масаласида сал оқсоқроқман. Шу боисдан мазкур талабноманинг тумтароқ жумлаларига, хато сўзларига оро бериб, «Ғийбат қутиси»га ҳавола этишларингни ва мени Тухматуллонинг ўрнига тайинлашларингни талаб қиламан. Талабим қондирилмаса, камчиликларингни топиб, ёзаман! Пўстакларингни қоқаман!

Қўлим қўйдим, Маразулло.

Ҳа, дарвоқе, талабномани «ярамас» бир танишимдан бериб юбордим. Ниҳоятда «фельетон»боп одам. Тамаки экиб, нос сотади.

Исми: Анвар.

## ПАРОДИЯЛАР

### САВДОГА БАХШИДА УМР

(Тўйхат)

Абдурашид бува марҳум отаси касбига содиқ қолиб, болалигиданоқ савдога меҳр қўйди. У ўз фаолиятини ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида қизғин бошлаб юборди. Шаҳардан ғаройиб шакли авторучка, шарикли ручка, қўл фонари, батарея каби буюмларни келтириб қишлоқ болаларига бир ярим-икки бараварига пуллаб юрди. Мазкур жараёнда чапдастлик ва эҳтиётчанликнинг ажойиб намуналарини кўрсатди.

Фавқулодда чаққон ва абжир ўсмир армия хизматига борганда ўз ихтисосини сабот билан ривожлантирди ва юқори поғонага кўтарди. Бу томонда тансиқ молларни почта орқали эпчиллик билан онасига йўллаб турди. Хизматдан бўшагач, савдога бўлган садоқати оташин меҳрга айланди. Амакиси район умумий овқатланиш корхонасида ишлар эди. Унинг кўмагида ошхонага ишга жойлашиб олди.

Тадбиркор ва зукко йигит шу билан кифояланиб қолмади. Янги ва порлоқ зафарлар сари дадил интилди. Ниҳоят, буфетчиликни муваффақиятли қўлга киритди.

Ошхона буфетчилиги сув соҳасида алоҳида билимдонликни тақозо қиларди. Ёш Абдурашид мактабда илм-фан ишқида ёниб юрган пайтларида «Сувнинг табиатда айланиши», «Сувнинг кимёвий хоссалари» мавзуларини зўр иштиёқ билан ўрганган эди. Ана шу билимларини бойитиш мақсадида сув ҳақидаги «Дунёда энг мўъжизакор модда» китобчасини қунт ва матонат билан мутолаа қилди.

Шу равишда сувхўрларни сийлаш учун кенг фаолият майдони юзага келди ва Абдурашиднинг мурғак қалбида маънавий қудрат куртак ёзди.

Нима кўп, ошхонага келгувчи хўранда кўп. Улар орасида буфет ихлосмандлари ҳам учрайди, албатта.

Эҳтиросли Абдурашид чанқоқ ичкиликбозларни ароқ ва пиво воситасида сувхўр қилиб тарбиялашга астойдил киришиб кетди. Шу тариқа дағал табиатли спиртли ичимликлар миришкор буфетчи талқинида мулойимлик касб этди. Бу ҳол жафокаш маст-аластларга нисбатан оталарча ғамхўрлик тимсоли эди. Айни паллада бу билан савдо маданиятида янги саҳифа очилди.

Йиллар ўтди, Абдурашид ака тинимсиз изланди. Натижада ижодкорнинг маҳорати тобора ўткирлашди. Аввал қоғозига савдо идорасининг муҳри босилмаган шишалардан уddaбуронлик билан фойдаланиш сирларини бекам-кўст эгаллади. Кейинчалик бидонда хуфёна спирт келтириб, уни сув билан омихта қилиш ва пиянисталар ҳукмига ҳавола этиш технологиясини мукамал ўзлаштирди.

Чуқур назарий билим ва кенг кўламли амалий маљака Абдурашид акада енгил автомашина сотиб олишга жўшқин иштиёқ уйғотди. Абдурашид ака сал кунда орзусига етди. Чўғдай қизил «Жигули» яқиндагина қурилган данғиллама хонадонига савлат тўкиб кириб келди. Бироқ уни кўп минмади. Савдо манфаатини кўзлаб, матлубот жамиятига топшириб юборди. Ўзи эса, икки милиционер кузатувида узоқ муддатли «санаторий»га отланди.

Абдурашид аканинг савдога бўлган эътиқоди «санаторий»да бўлган пайтларида ҳам сўнмади. Абдурашид ака юртига Абдурашид бобо бўлиб қайтгач, буфет ишқида ўртаниб кетди. Югурди-елди, лекин ҳеч ким уни тўғри тушунай демади. Шунда ҳам муқаддас касбини ардоқлашдан чекинмади азамат. Чорраҳадаги эгасиз ётган сув дўконини юргизиш учун рухсат олишга эришди.

Нуроний мўйсафид бундан кейинги фаолиятини илмий асосга кўчиришга азму қарор қилди. Бутун диққат-эътиборини савдонинг назарий ва амалий масалаларини ҳал этишга қаратди. Дўконнинг автовокзал яқинида жойлашганлиги географик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини илмий жиҳатдан исботлади. Сўнг дўконни тозалашнинг комплекс программасини ишлаб чиқди. Шу асосда қисқа фурсатда дўкон тартибга келтирилди. Истеъдодли савдо ходими бинони жиҳозлашга бор ақл-заковатини, ғайрат ва шижоатини аямай сарфлади.

Кўпни кўрган тажрибакор сувфурушнинг иши

юришиб кетди. Иссиқ кунларда унинг дўкони қошида сувхўрлар гужгон ўйнади. Отахоннинг қўли қўлига тегмай қолди. Чақа ва тангалар дўкон кассасига жангалаб узлуксиз ёғилиб турди. Бу ҳол отахонни мунтазам илҳомлантириб борди.

Сурункали фидокорона меҳнат заҳматкаш отахонга сўнмас шуҳрат келтирди. Ундан баҳраманд бўлган сувхўрлар жумҳуриятнинг бурчак-бурчакларида ҳам топилади. Ҳамма уни беқиёс ҳурмат билан эсга олади.

Мана, олижаноб имон соҳиби буюк шонли етмиш баҳорни қутламоқда. У савдода эллик йиллик машаққатли, лекин порлоқ йўлни босиб ўтди. Қалби дарё бобо бу давр ичида саҳоватли харидорларнинг ҳамёнига ҳамиша буюк эҳтиром билан қаради. Ундаги жўшқин эҳтирос, ишчанлик, бардошлилик, ҳалоллик, софлик, поклик, беғуборлик, пухталиқ, интизомлик, ўзига ҳамда мижозларига чексиз талабчанлик фазилатлари барчамиз учун ўрнак ва дорилфунундир.

Табаррук, тақводор инсон, хушчақчақ, дилкаш мўйсафид, атоқли савдо ходими, забардаст сувфуруш ҳамда нодир истеъдод эгасининг эл-юрт олдидаги серқирра хизматлари муносиб тақдирланди. У мингминглаб миннатдорчилик сўзлари ва раҳматлар эшитишга сазовор бўлди.

Муҳтарам отахонни муборак етмиш ёши, савдодаги фаолиятининг шонли эллик йиллиги билан чин юракдан қутлаймиз ва унга сиҳат-саломатлик, сувхўрларнинг бахт-саодати йўлида ижодий баркамоллик, баланддан-баланд парвозлар тилаймиз!

## ҲАМ ЗЎРСИЗ, ҲАМ ҒЎРСИЗ

*(Жавоб хати)*

Ҳурматли Оймат Бойматов! Редакциямизга йўллаган ҳикоянгизни ўқиб, бағоят хурсанд бўлдик. Сизда буюк истеъдод бор, доҳиёна истеъдод! Сиз асарни камолот чўққисида туриб яратгансиз — ларзага келдик.

Ўт ўчирувчи! Нақадар нодир, тенги йўқ, жасорат-талаб касб! Сиз буни тўғри ҳис этасиз. Ўт ўчирувчилар ҳаётини беш қўлдай яхши биласиз. Санъат аса-

рингизнинг мавзуси янги, мазмуни ўзига хос, тили содда ва ширали — зўр ҳаяжон оғушида тўлқинланиб, бош кўтармай ўқидик. Шаънингизга офаринлар айтдик.

Бироқ ҳикояда майда-чуйда камчиликлар, аниқроғи, туманли ўринлар, инсонларварлик нормасидан чекинишлар ҳам учрайдики, улар машқнинг бадиийлигига маълум даражада путур етказади. Масалан, машқнинг бош қисмида «Машина ҳаммаёққа даҳшат солиб гурилади», дейсиз. Лекин у қанақа машина, юк машинасими, енгил машинами ё чок машинами, кир ювадиган машинами, ё бўлмаса соқол қиртишлайдиган машинами эканини изоҳлаб ўтмайсиз. Ана, тасаввурингизнинг кўнгли чўкмасин, юк машинаси бўлсин дейлик. Ўшанда ҳам ўқувчи қониқмайди: машина қандай рангда, янгими, эскимми, ремонт қилинганми, техник паспорти борми, йўқми, баллонларининг тиши емирилмаганми ёки калнинг бошидай ялтираб кетганми — буларнинг барчаси жумбоқлигича қолган.

Сиз қахрамонларингизга ўта шафқатсизлик қиласиз. Ўт ўчирувчиларнинг тонг саҳарлаб ёнғин чиққан қишлоққа «яшин тезлигида учиб» кетганини тасвирлайсиз. Бу қанақаси? Ахир, ўт ўчирувчилар ҳам одам. Олдин мундоқ чой-пой ичиб, бақувватроқ бўлиб олишса бўлмайдими? Шунда ишга ҳам фойдаси теккан бўларди. Шундай шамол-бўронда оч-наҳор қақшаб! Қани бу ерда одамгарчилик?! Ё бўлмаса, уйи ёнаётган кампирнинг ўт ўчирувчилар етиб боргунча дастурхон тузаб қўйиб, сабзи қирқишга киришаётгани хусусида шама қилиб қўймагансиз лоақал. Бу ҳол гуманизмга батамом зид бўлиб, ўқувчида нохуш таассурот қолдиради.

Нарсангизда юқоридаги сингари жузъий қусурлар талайгина. Шуларга кўра, ундан фойдаланишнинг иложи топилмади.

«Кўп ўқиган кўп билади», деган эди марҳум адиб Темир Қасқон. Мана бу дурдона ҳикматнинг мағзини чақинг. Кўп ўқинг. Ўз устингизда тинимсиз ишлаб, машқингизни пиширинг.

Бизга ҳикоялардан тез-тез юбориб туринг.

Салом билан Н. А.

## ИШЧАНЛИК ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД РУҲИДА

(ҳисобот)

Яқинда Хўжақишлоқ магазини қоровулининг кулбаси ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлди. Бу ерда тонг-отарга яқин пайтда сайёҳ отарчиларнинг мажлиси бўлиб ўтди. Анжуманда отарчилар сардори Марасул шилдир Дўнонов «Бугунги тамагирлигимизнинг ёрқин самарали ва навбатдаги вазифаларимиз» мавзусида мазмунли маъруза қилди.

Докладчи шуни алоҳида уқдириб ўтдики, бу галги тўй ўрта ҳолроқ деҳқоннинг маросими бўлишига қарамай, мўмайгина якан келтирди. Бунда рубобчи Урайим шилта, чилдирмачи Шоназар шилпиқларнинг хизмати катта бўлди. Улар микрофонни еб юборар даражада айюҳаннос солиб, тўйга келганларнинг қулоғини узлуксиз қоматта келтириб турдилар. Натижада юраги торроқ меҳмонлар юрагини чангаллаб қолдилар ва чаккамизга пул қистирмоқчи бўлиб, «илтимос, секинроқ, секинроқ», дейишга мажбур бўлдилар. Бироқ ижодий коллективимиз чаккаларнинг манфаати иштиёқида бундан илҳомланиб кетди ва баттар авжга минди. Шовқин-суронни: «Мен севаман, сен севаганими?», «Қилпилама», «Воҳай бола», «Қиз бола, ҳей, қиз бола» сингари лирик кўшиқлар ижросида чўққига чиқардик. Санъаткорларимиз: «Бас, тиланчилар!», «Ҳой, маданий гадойлар!», «Даф бўл, харомхўрлар!» каби қийқириқларга сабот билан чидадилар. Шу тариқа барча қийинчиликларни мардона енгиб, бир колхозчининг бир йиллик даромадини бир кечада ўмариб олишга шараф билан эришдик.

Раққосамиз Лаълихоннинг гайрат ва шижоатига тасаннолар ўқиш керак. Лаълихон тинимсиз ер тепиниб, узоқ сакради. Фарқ терга ботиб, оғзидан оқ кўпик чиқиб кетганда ҳам жасорат майдонини тарк этмади, азамат. Ҳамиша ҳаётнинг қайноқ жойида, яъни маст-аласт йигитлар ўртасида бўлди. Айни паллада бой тажрибаларига таянган ҳолда иш тутиб, белини ва бошқа айрим жойларини қимирлатиб юрди. Шох ташлаш, қош қоқиш, кўз қисиш, муқом қилиш ва нозкарашмани бир лаҳза ҳам қанда қилмади. Мастлар нафрат қаршисида тўлқинланиб, завқ-шавққа кўмилиб кетдилар. Бу ҳолнинг кисса масаласидаги буюк аҳамияти хусусида гап қилмаса ҳам бўлади.

Хурматли раққосамизнинг ирода ва бардоши шоҳона таҳсинга лойиқ. У бутун фаолияти жараёнида ўзини ниҳоятда эркин тутди. Ҳатто, қариялар ўтирган айвондан: «Онанг туғмай ўлсин сен манжалақини!», «Ҳа, текин пул дардида ёнмай ўл, мегажин!» сингари нордон луқмалар эшитилганда ҳам лабидан табассум аримади.

Нотиқ ишдаги камчиликларни ҳам қаттиқ танқид қилди. Унинг афсус-надомат билан таъкидлашича, томоша давомида тўй аҳлининг рағбатини ошириб туришга етарлича эътибор берилмади. Бунда сурнайчини, яъни каминани айблаб бўлмайди. Чунки унинг оғзи сурнай билан ҳамиша банд бўлди. Рубобчи ва чилдирмачига қарашли бир жуфт оғиз паузаларда батамом бўш турди. Шу вақтда ва ўрни келганда ашула орасида пул қистирувчиларга яхши тилаклар билдириб, хушомад қилиб турилганда фойдадан холи бўлмасди. Масалан, кекса қистирувчиларга: «Умрингиздан барака топинг, худо хайрингизни берсин, ҳиммати балаңд отагинам», «Жойингиз жаннатда бўлсин ёки имонингиз баркамол бўлсин, менга бирни берсангиз, сизга олло-таоло мингни берсин, меҳрибон онажоним, бу дунё-у дунё қўлингиз бўлай», деб ҳазин товушда йиғламсираб туриш даркор эди. Ёш ёки ҳаваскор қистирувчиларга ялинчоқ, мунгли оҳангда: «Мартабангиз улуғ, тупроқ ушласангиз олтин бўлсин, мард ўғлон», «Ҳамёнингиз червонга тўлсин, ҳотамтой укажоним», деб қўйиш кифоя эди. Аёлларга эса: «Болаларингизнинг орзусини кўринг, топганингиз тўйларга буюрсин, қўли очиқ опагинам», дейиш жуда-жуда ўринли бўлур эди. Маст-аластларга ҳам активроқ таъсир кўрсатмоқ керак эди. Минг таассуфки, бу ҳол кузатилмади.

Атоқли раққосамиз Лаълихон ҳам баъзи имкониятларни четлаб ўтди. Тўғри, Лаълихон узатилган қадаҳларнинг бирортасини қайтармади. Депсиниб юриб, улардан баҳоли қудрат оз-оздан тамадди ҳам қилиб турди. Буни табриклаш керак. Лекин мастлар тиззамга ўтир, дея ишора қилишганда улардан бирортасининг истагини қондирмади. Ана шундай қилинганда ақчанинг чўйи яна чўнг бўларди. Тақсимотда «ади-бади»нинг заҳри сал кесиларди. Боз устига, у мастларга бирон ширин сўз инъом этмади. Ваҳоланки: «Пул қистирган қўлингизга жоним тасадуқ, жо-он акажо-он»,

«Мурувватли қўлингизнинг қурбони бўлай, акагинам», қабилидаги эркаловчи таплар қалашиб ётибди. Келгусида бундай қусурларга кескин чек қўйиш керак.

Доклад қизгин муҳокама қилинди. Урайим шилта, Лаълихон ва бошқалар сўзга чиқиб, ишдаги ютуқлар ҳамда нуқсонлар тўғрисида жон куйдириб сўзладилар.

Йиғилиш охирида бадий қисм бошланди. Магазин қоровулига «Тақсимот, очофат ва жароҳат» спектаклидан парча кўрсатилди.

## МИСЛСИЗ ЖАСОРАТ МАҲСУЛИ

*(репортаж)*

Асримиз — бунёдкорлик асри. Кейинги йилларда жойларда осмонўпар иморатлар, йирик сув омборлари, гигант электр станциялари, қудратли заводлар, забардаст фабрикалар ва бошқа залварли иншоотлар дунёга келди. Хоназар аттор Эрназаров томонидан яқинда бунёд этилган чайланамо бостирма ҳам ана шу буюк объектларнинг сафидан муносиб ўрин олди.

Аттор бува бостирмани кўкка бўй чўздиришга киришар экан, тош даври одамларининг чайла қуришдаги санъаткорона андозасига ва бой тажрибаларига зўр ихлос билан амал қилди. Аввало қурилиш лойиҳаси ва планини дилида пухта ишлаб чиқди. Бунда қадимги архитектура ёдгорликларининг фотосуратларидан олган таассуротларидан ижодий фойдаланди. Мазкур лойиҳа асосида қурилиш ишлари жадал бошлаб юборилди. Дастлаб объект учун географик жиҳатдан қулай жой танланди. Бунга томорқанинг бурчаги лойиқ топилди.

Мана, объект қаршисидамиз. Бутун вужудидан куч ва ғайрат ёғилиб турган Хоназар бува жасорат майдонига тушди. Бурчакнинг тўрт томонига тўртта бежирим чуқур қазиди. Тош даври кишиларининг меъморчилик услубига садоқат рамзи сифатида бино деворининг остига пойдевор ётқизилмади. Балки тўғридан-тўғри чуқурларнинг ҳар бирига биттадан икки-икки ярим метрли тол ходаларини тик ҳолатда ўрнатилди. Уларнинг остига тупроқ ташланди ва уйилди. Уюмлар шиддаткорлик билан шиббаланди.



Кўпни кўрган нуроний мўйсафид устунларни бир-ма-бир қимирлатиб, чуқур текширишдан ўтказди. Устунлар метиндай мустаҳкам эди — бирортаси «қилт» этмади. Отахон кўнгли таскин топиб, ходалар устига йирик ҳафсала ва улкан эҳтиёткорлик билан ўтирди. Пиёлага чой қуйиб ичди. Фурсатдан фойдаланиб бо-бога бир неча савол билан мурожаат этдик. Отахон саволларимизга жавоб қайтариб, жумладан, бундай деди:

— Мен бу капани эшагимга атаб қуряпман. Ҳозир битади.

Ариқ ёқасида мудраб турган кулранг эшак суҳбатимиздан бирор маъно англагандай, кўзини аста очиб, бизга мамнуният билан назар ташлаб қўйди.

Отахон тўсатдан ўрнидан туриб кетди. Нарироқдаги стадионда ўйнаб юрган бир гуруҳ боғча болаларини ёрдамга таклиф қилди. Юксак фазилатларга тўйинган серзавқ болакайлар чолнинг мазмундор чақирғига «лаббай» деб жавоб бердилар ва жасорат майдонига дарҳол етиб келдилар. Улар қариядан нима қилаётганини суриштиришди. Зарур маълумот олгач, шод қийқирдилар.

— «Мотор»га «гараж» қурамыз!..

— «Борт»га «гараж» қурамыз!..

Шўх ва топқир болалар эшакни «мотор», аравани «борт» деб атар эканлар.

Қув бир бола чолнинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Отахон қувноқ кайфиятда болага майин табассум ҳада этди.

— Ҳа, албатта, албатта, — деди у. — «Мотор» ҳам, «борт» ҳам ҳар қачонгидай ҳамини сизларники.

— Ур-р-ре! — қийқиришди болалар ва чопиб кетишди. Эшак уларнинг орқасидан эҳтиром билан қараб қолди.

Шундан сўнг иш юришиб кетди. Ходалар ва ғўзапоялар қурилиш объекти яқинига уюшқоқлик билан ташиб келтирилди. Бўлажак «гараж»нинг устунларига ходалардан шодалар боғланди. Тепага вассалар терилди. Кейин «гараж»нинг уч томони ва томи ғўзапоя билан беркитилди: Барча ишлар конвейер усулида, юксак технологиядан кенг ва самарали фойдаланган ҳолда олиб борилди. Шунингдек, қария ходаларни ташиш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш хусусида жиддий ғамхўрлик қилди ва оталарча қайғурди.

— Эҳтиёт бўлинглар, қўзичоқларим, — тайинлади у қайта-қайта. — Оёқларингга ёғоч тушиб кетмасин.

Шу тариқа муҳташам кошона муддатидан анча илгари шараф билан битказилди. Объектни фойдаланиш учун топширишга бағишланган митингда аттор бува томонидан ёш бунёдкорлар шаънига илиқ сўзлар айтилди. Ишда алоҳида жасорат кўрсатган қурувчилардан катта бир гуруҳига эсдалик совғалари топширилди. Яъни пуфакчалар улашилди.

## МИСИ ЧИҚДИ

### (фельетон)

Розия хола Шамсиддинова қишлоқ боғча-яслисига энага бўлиб ишга ўтди-ю, бурни танқайиб кетди. Семизликни қўй кўтаради, деганларидек, ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйди, иблис. Ўз мансабини уятсизларча суиистеъмол қилаверди, бузғунчи. Чақалоқларга печенье чайнаб бериш баҳонасида қайта ишловдан чиққан ва истеъмолга тайёр маҳсулотларнинг қарийб ярмини ютиб юбораверди, мунофиқ. Ашаддий найрангбоз, уччига чиққан маккор, устомон риёкор, еб тўймас товламачининг ҳалол хўрандаларга бўлган бу қилмишларини нима билан изоҳлаш мумкин?!

Қўй терисини ёпинган бу очкўз бўри эл кўзига бузоқнинг ҳақи бор, деб сигирнинг сутидан бурнини жийиргандай кўринади. Аслида текин бўлса, чўчқани тиригича ютиб юборишдан ҳам тоймайди, бадхўр! Мураббия Каримахон Турсунова мараз, юлғич, илоннинг ёғини ялаган фирибгар ва балохўр алвастининг қўпоровчилик ҳаракатини сезса ҳам ўзини билмаганга солиб, хаспўшлаб келди. Оқибатда муттаҳамнинг балойи нафси газаклаб, ўпқонга айланиб кетди. Пихини ёрган мўлтони гўдакларга ичириладиган сутдан чегириб, ҳар куни хўплам-хўплам сутни ютаверди, ҳаромхўр.

Жодугар, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидай, аста-секин жамоатчилик мулкининг йирик тармоқларига ҳам кўз олайтирадиган одат чиқарди. Бойлик орттиришга муккасидан кетди. Қоровулнинг кўзини шамғалат қилиб, сабзавот пўчоқлари ва овқат чиқиндиларини уйига қароқчиларча ташиб кетаверди. Яъни, эл бойлигини аёвсиз талон-торож қилаверди.

Ўрик ўрикни кўриб олайибди, чиллаки чиллакини кўриб чумак урибди, деганларидек, фаррош Тожи кампир Валиева ҳам Розия ёвузнинг изидан бориб, буткул қаллоблик кўчасига кириб кетди. Розия безори билан тил бириктириб, аъло сифатли пўчоқ ва сарқитларни пақир-пақирлаб ташиб кетаверди, баттол. Бора-бора туяни ютса думини кўрсатмайдиган даражага бориб етди. Шу тариқа алдоқчилик ботқоғига батамом ғарқ бўлиб кетди.

Халқимизда бузоқнинг югургани сомонхонагача, қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам фош бўлади, деган тиллога бергисиз гап бор. Ҳар икки кушанда боғча-ясли қоровули Эрмат бобо томонидан нақд жиноят устида қўлга туширилди. Паймонаси тўлиб-тошган аблаҳларнинг қўлидаги пақирлар яшин тезлигида тортиб олинди. Ичидаги маҳсулотлар боғча-яслининг икки эчкидан иборат ёрдамчи хўжалиги фойдасига мусодара қилинди.

Ҳақ жойида қарор топди. Фирромликнинг миси чиқди. Ялмоғизлар хўжалик мудирини томонидан танбеҳ бериш йўли билан қаттиқ жазоланди. Энди бунга боғча-ясли мудираси ва колхоз раҳбарлари нима деркин?

## ЮМАЛОҚ ОЛТИН ИЖОДКОРЛАРИ

### *(радиорепортаж)*

Биз колхоз товукчилик фермасига тушга яқин етиб бордик. Бош товукбоқар Нормурод ота Хидирниёзов уйча орқасида эшагига қўнган сўнани эпчилик билан тутиб олди-да, икки бўлакка бўлиб юборди. Сўнг қўлидаги қонни этагига арта-арта бизга пешвоз чиқди. Қўлимизни қадрдонларча қисди. Сихат-саломатлигимиз, ота-она, қариндош-уруғларимизнинг турмуш тарзини суришгирди. Невараларининг (яъни бизнинг фарзандларнинг) нечта эканлигини, улардан қайсиниси қаерда ўқиётганлигини, қайсиниси болалар боғчасига қатнаётганлигини сўради. Сўнгра кучугимизнинг лақабини аниқлагач, азим толлар остига ўрнатилган сўричага бизни таклиф қилди. Фотиҳадан сўнг мақсадимизни айтдик. Чол ғайрат ва ғурур билан ўрнидан турди. Ҳассасига отланди. Дадил, лекин аста юриб, нарироқдаги уйча сари кетди. Биз фурсатдан фойдаланиб, теварак-атрофни кўздан кечирдик. Уйчанинг

жануб томони — очик майдон. Майдоннинг нариги ёни — товукхона. Майдон ва товукхонадаги ахлат уюмлари ҳамда уюмчаларининг мўллигига қараганда, товукхона фаолиятининг боши олис йилларга бориб тақалади. Уюмлар кучли офтоб таъсирида ўзига хос ҳид таратиб турардилар. Қаердадир синган палағда тухумнинг ўзига хос ҳиди унга жўр бўларди.

Кўриниб турибдики, Нормурод ота товукбоқарликни илғор иш тажрибалари асосида, ўзига хос усулда олиб боради. Яъни, паррандаларни эрталаб тутқунликдан озод қилиб юборади. Товуклар кечгача бедазор ичида тирикчилик қилади. Бу ҳол колхоз омборидан бериладиган дон-дуннинг маълум қисмини чегириб қолиш ва ундан уйча орқасида пашша галаси зулмидан бетоқатланиб сакраётган эшакнинг эҳтиёжи йўлида фойдаланиш имконини беради.

Кундуз соат роппа-роса бир. Ота ичкаридан қурама тўшак кўтариб чиқди. Уни бизнинг ёрдамимизга таянган ҳолда ходача ва ғўзапоядан ясалган сўричага тўшади. Ота уйчасига иккинчи марта кирганида дастурхон олиб чиқди ва қадоқ, ёрилган қўллари билан нон ушатди. Ҳаял ўтмай чолнинг кампири — фахрли товукбоқар тунука чойнак ва қадоқланган катта пиёла олиб чиқди. Биз билан илиқ саломлашиб, изига қайтди. Ота пиёлани чой билан чайқади ва қорачадан келган оқ белбоғи билан артди. Сермазмун суҳбат бошланди ва у узоқ давом этди. Суҳбат чоғида ота, жумладан, бундай деди: «Биз, азамат паррандачилар ферма мудирининг талабларидан илҳомланиб, мажбуриятларни ҳар йили ортиғи билан адо этмоқдамиз. Масалан, ўтган хўжалик йилги тухумлаш мавсумида ҳар бир йирик бошли қушдан салкам биттадан тухум олишга мувофиқ бўлган эдик. Бу йил тухумдорликни бир ярим-икки баравар ошириш, «юмалоқ олтин» сифатини янада яхшилаш йўлида фидокорона курашиб, тухумни жўжага, жўжани товукқа айлантириш учун донлаш ва сўғориш ишларини конвейер усулида олиб бормоқдамиз».

Суҳбат сўнгида отага бир илтимос билан мурожаат қилдик.

— Етиштираётган тухумларингиз калорияси ҳақида гапириб берсангиз.

— Лаббай, калараси?

— Калорияси. Яъни тўйимлилиги ёки қуввати.

Ота бурнини кавлаб, бирпас ўйланиб қолди ва

жилмайиб ўрнидан турди. Кампирини чақириб қулогига шивирлади ва менга юзланди.

— Ҳозир кўрасиз қувватини.

Очиқиброқ қолганимиз учунми ё бошқа бирор сабаб бўлдими, бир ютиниб қўйдик. Бу ҳол кейин ҳам такрорланиб турди. Сухбат гулки, ит, мушук ва қаргаларнинг товукхонага тиқилган ризқи ҳақида, ундан жониворлар қандай фойдаланаётганликлари мавзусига кўчганда, юқоридаги ҳолат айниқса кучайди.

Нормурод ота қаттиқ йўталди ва томоқ кириб, қуюқ тупурди. Кўкимтир «тупук»ни оёғи билан эзиб, тупроққа синдириб юборди. Чой билан оғзини чайқаб, фарғара қилди. Кейин пиёлага чой қуйиб, бизга узатди. Ота улуғворлик билан қуёшга қаради ва ўрнидан турди. Толга осилган пақирни тош билан қайта-қайта урди. Пақирнинг жарангдор ва мунис овози бедазор осмонини ларзага келтирди. Дам ўтмай майдонда юзлаб гавдаси кумушдай оқ ва тожиси чўфдек қизил товуклар жавлон урди. Биз отанинг бу ҳаркатини тухум туғишга сигнал бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Бироқ тахминимиз нотўғри чиқди. Доно чол товукларга дон сепди. Сухбат мавзуси ўз рафиқалари ичида мағрур юрган даканг хўрозга кўчди. Нормурод ота дакангнинг ҳужумкорлик феъли, шафқатсиз жангларда кимларнинг хўрозини таслим этгани хусусида тўлқинланиб гапирди. Кампир келтирган ва сополлаганда буғланиб турган қуймоқ суҳбатни бўлиб юборди. Чол кампирга кўк пиёз ва мурч келтиришни буюрди. Мазкур унчалик зарур бўлмаган нарсалар ҳозир бўлгунча, такрор-такрор ютинишга мажбур бўлдик. Лаганнинг қоқ ўртасидаги қалампир тасвири кўринганда чой келди. Чойдан сўнг илғор товукбоқарларнинг шаънига офаринлар айтиб, қайтишга шайландик. Шу он кутилмаганда ажойиб воқеа рўй берди. Донишманда чол бедазор бурчагидан икки жуфт ўлик товук олиб чиқди ва уни мотоцикл қайиқчасига ташлади.

— «Олапар»ингизнинг ризқи, — деди жилмайиб. — Кейин ҳам олиб кетиб туринг. Ҳар куни икки-учтадан ўлиб туради.

Биз атоқли товукбоқарларнинг донолиги, покизалиги, нафосати ва фидокорлигига қойил қолиб, рулга ўтирдик.

— Матонатингизга қойил, қўли гул, меҳри дарё, ўта зукко, оташқалб қаҳрамонлар! Умрингиз узоқ бўлсин, ҳимматингизга балли, марду майдонлар!

## ПАХТАЗОР ЛОЧИНИ

(очерк)

Биз ўнинчи бригаданинг дала шийпонига етиб борганимизда вақт тушдан ўтган, лекин қуёш заррин нурларини аёвсиз пуркамоқда эди.

Азамат толлар, осмонўпар тераклар шийпонни батамом кўмиб юборган. Улар ўзларининг қуюқ ва муздай сояларини ҳаммаёққа сахийлик билан ҳады этиб, ажойиб бир кайфият бахш қилардилар. Ариқларда шаффоф сувлар атрофга лирик бир куй таратиб, шарқираб оқиб турарди. Шийпоннинг ўнг биқини ва орқаси сўлим пахтазор, чап биқини кўркам бедазор. Шийпоннинг олд қисми шинам полиз экинлари билан муҳайё. Дарахтларда қушлар жарангдор сайрашар, хўрозлар вафодор рафиқалари билан бедазор ичида иноқлик ва ўзаро ҳамкорлик ила ўтлаб юрар эдилар. Бостирма остида йирик қизил сигир ўзининг севикли фарзанди — новвосча билан ёз гаштини суриб ётардилар. Бу ҳол тинчлик рамзидай халқаро мазмун кашф этарди.

Толзор ўртасида — сўнгги модада ясалган гўзал ва улкан сўри. Сўрида азиз қаҳрамонимиз — дала лочини, бригада бошлиғи ўртоқ Баҳовиддинов дўнгдай бўлиб ағанаб ётарди. Дастурхонда товуқ суяклари ва қалампир пўстлоқлари батартиб равишда латофат ила сочилган.

— Ассалому алайкум, — дедик ўртоқ Баҳовиддиновнинг ажойиб яқинига бориб.

Бутун вужудидан ғайрат нури ёғилиб турган ўртоқ Баҳовиддинов ўзига хос вазминлик билан баркамол бошини майин кўтарди. Сўнг чап тирсагига таянган ҳолда назокат билан бизга боқди.

— Салом, келинг, — деди салмоқлаб.

Югуриб бориб сўрашдик.

— Ўтиринг, — деди ўртоқ Баҳовиддинов.

Дарров сўрига ўтирдик. Мақсадимизни дарҳол изҳор этдик. Кейин ўртоқ Баҳовиддиновнинг ҳол-аҳволини сўрадик.

— Тузук, тузук, — деди у камтарлик билан. Сўнгра орқасига ўгирилиб, йўғон, ҳирқироқ, аммо ғоят латиф овоз билан қичқирди. — Марайим бува! Ҳо, Марайим бува!

Ичкаридан етмишга яқин баҳорни кўрган нуроний бир чол тез суръатда юриб чиқди ва келиб биз билан

сўрашди. Кейин қўлларини кўксига қўйган ҳолда ўртоқ Баҳовиддиновга ширин табассум ҳада этди.

— Лаббай? — деди.

— Шўрвадан қолганми? — сўради ўртоқ Баҳовиддинов комил ишонч билан.

Ўртоқ Баҳовиддинов ўзининг бу мазмундор саволига салбий жавоб олгач, бизга ишора қилиб, шундай деди:

— Нон-пон обчиқинг бўлмаса ановига!

Ўртоқ Баҳовиддиновнинг сўзларида қандайдир жўшқинлик, қандайдир сирли маъно бор эди.

— Қаттиқ нон ҳам қолмаган! — деди чол оппоқ соқолини шоирона силкитиб.

Биз учун фидокорлик кўрсатиб, астойдил ғамхўрлик қилгани учун ўртоқ Баҳовиддиновга чин юракдан чуқур миннатдорчилик изҳор этдик. Сўнг қалам билан ёндафтарни олиб, ўртоқ Баҳовиддиновга мурожаат қилдик.

— Кечирасиз, ўртоқ Баҳовиддинов, бир неча дақиқалик қимматли вақтингизни оламиз. Айтинг-чи, ўтган йили бригадангиз пахта тайёрлаш планини қайси ойда бажарган?

— Декабрнинг охирларида.

— Яхши. Демак, муддатидан илгари. Бу йилги режаларингиз қандай?

Ўртоқ Баҳовиддинов катта ҳафсала билан мириқиб керишди ва доно кўзларини уқалаб олиб, олис-олисларга доҳиёна назар ташлади. Сўнг жавоб қайтарди.

— Олтмиш уч гектар ернинг ҳар гектаридан йигирма беш центнердан «оқ олтин» олмоқчимиз.

— Офарин! Энг яхши аъзоларингиз кимлар?

— Буни табелчидан сўрайсиз. Одамларни олиб чўл участкасига кетган. Агар бормоқчи бўлсангиз, Марайим бува кўрсатиб беради чўл йўлини.

Ўртоқ Баҳовиддинов бир олам улуғворлик билан ўрнидан турди.

— Энди бирпас дам олай, — деди маънодор эснаб ва ғайрат камарини маҳкам боғлаб, деразасига парда тutilган хонага кириб кетди.

Биз Марайим бува билан дўстона хайрлашиб қайтар эканмиз, қалбимиз пахтазор лочини ўртоқ Баҳовиддиновнинг юксак бадий дидига, даҳосига, камтарлигига, меҳмондўстлигига, ғайрат ва шижоатига қойил қолиш ҳисси билан лиммо-лим тўла эди.

## ТЕБРАТИШ СИФАТИНИ ЯНАДА ОШИРАЙЛИК

(бош мақола)

...Натижада бепоён пахта майдонларимизда мўлкўл ҳосил етишди. Бунда районимиз колхозлари бригадалари ихтиёридаги кўчма — мавсумий яслилар ходимларининг ҳам баракали ҳиссалари бор...

Кўчма яслилар ходимларининг аҳамияти ҳозирги пахта йиғим-терими даврида, айниқса, ошиб кетди. Кўпчилик колхозларнинг кўчма ясли ходимлари кунлик иш нормаларини муттасил орттириб адо этмоқдалар. Уларнинг ҳар бири ўндан ортиқ беланчакни сифатли тебратиб, кўпгина теримчи аёлларимизнинг иш унуми анча ошишини таъмин этмоқдалар.

Тебратувчи кампирларимизнинг ғайрати куч сайин жўш урмоқда.

— Мен, — дейди «Олга» колхозининг кўчма яслиси ходими Холпошша хола Омонова, — пахтазор дарғаларининг ғайратларидан илҳомланиб, шонли «Пахта байрами»га шахсий туҳфа тайёрламоқдаман. Туҳфам ҳар куни ўндан ортиқ беланчакни конвейер усулида тўхтовсиз ва оперативлик билан тебратишдан, ҳар бир йиғлаган болани ўз вақтида овутиш, агар кўнмаса, унинг онасини пахтазор қўйнидан латиф имо-ишоралар билан чақириб олиш, бу билан бошқа болаларни уйғониб кетишдан сақлаб қолиш ҳамда меҳнатсевар оналарни ишдан чалғитмасликдан иборатдир.

Мана, етмишга яқин баҳорни кўрган ватанпарвар кампирнинг аҳду паймони!

Мард майдонда синалади. Аҳдига вафодор Холпошша холанинг бу жанговар чақириғига «Намуна», «Иқбол», «Истиқбол» каби колхозларнинг бир қатор лафзи ҳалол тебратувчилари ҳамоҳанг бўлмоқдалар. Улар мусобақа байроғини баланд кўтариб, ғайрат камарини қаттиқ боғлаб, суръат отига ғайрат қамчисини тобора маҳкамроқ босмоқдалар. Дала шийпонларидаги ва бошқа соя-салқин жойлардаги меҳнат майдонларида қаҳрамонона жавлон урмоқдалар.

Шу туфайли ҳам мазкур колхозлар пахта йиғим-теримида пешқадамликни қўлдан бермай келмоқдалар.

Афсуски, иш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Айрим колхозларда бу муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Тебратувчилар ўртасида етарли даражада тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб борил-



маётир. Натижада айрим тебратувчилар ўз вазифалари моҳиятини чуқур ҳис этмаётирлар. Бунинг оқибатида баъзан айрим тўхтаб қолишлар, бевақт йиғлашлар содир бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида айрим теримчи хотин-қизларимизнинг қимматли вақтларини баъзан нест-нобуд қилишга олиб келмоқда.

Бугунги ишни эртага қўйма, дейди халқимиз. Вақт кутиб турмайди. Вазифа шундан иборатки, шу долзарб кунларнинг ҳар бир минутидан унумли фойдаланиш, илғор иш тежрибаларини кенг оммалаштириш, юқоридаги танқидлардан тез кунда хулоса чиқариб, ўзи бўларчиликка кескин хотима бериш, камчиликлар билан мурасасиз бўлиш, баъзи нуқсонларга дадил чек қўйиш, колхоз боқча мудирларининг бу борадаги масъулиятини ошириш ва сифат масаласини доимо диққат марказида тутмоғимиз керак. Шундагина барча беланчаклар бир маромда сифатли тебраниб туради.

## ҚЎЙЛИҚ ТААССУРОТЛАРИ

*(таассуротнома)*

Бозор дарвозасидан чиққанимизда, эрталабдан бери юра-юра чарчаган қуёш оловдай қип-қизил нурларини бу фусункор посёлка устига соча-соча адирга бош қўйди. Дам ўтмай, қир орқасига қизил тарвуздай юмалаб тушиб кетди.

Чехраларида бахт шуъласи ярақлаб турган бозорчилар савдоларини битказиб, уйларига шошиладилар. Улар орасида семиз, чиройли ва зотдор қўй етаклаганлар шу қадар кўпки, бу жониворларни кўрганимизда Қўйлиқнинг ўз номига муносиб, қўйларга бой ўлка эканига минг-минг марталаб ишонасан киши.

Шу пайт негадир, гўзал Тошкентнинг Навоий театри атрофидаги яшил майсазорлар кўз ўнгимизда лип этиб намоён бўлди. Тўсатдан она юртга бўлган меҳримиз жўшиб, бир неча муддат соғинч туйғулари асири бўлиб қолдик. Бирлашган нашриёт биноси, унинг мрамор зиналари, узун-узун коридорлар, бебаҳо кабинет ва креслоларни орзиқиб қўмсай бошладик. Лекин, саёҳат гашти орқага қайтгани қўймас, бизни тобора олға чорлар, фаройиб саргузаштлар сари ундар эди.

Сирли бир ҳаяжон ичида йўлда давом этдик. Теп-

текис асфальт йўлда турли хил ва ҳар хил марқадаги автомашиналар физ-физ ўтиб турибди. Олтинчи трам-вайнинг жарангдор қўнғироғи ялпи ва босинқи шовқинга қўшилиб, ажиб бир куй касб этади. Олис-олис-лардан улкан дарё — Чирчиқнинг баҳайбат кўприги кўзга ташланади. Сафаримизнинг учинчи соатида дарё лабига эсон-омон етиб келдик. Азим дарёнинг яқин бир тегирмон келадиган тиниқ ва шаффоф суви аж-дардек тўлғаниб, соҳилларга шиддат билан бош ур-моқда. Қирғоққа чўнқайиб, сув остидаги турли ранг ва хилма-хил ҳажмли тошларга завқ-шавқ билан анчаги-на термилиб ўтирдик.

Шу он орқа томондан бир чол эшагини йўрттириб келди-да, сувга тутди. Эшак тумшугини сувга тикди. Фурсатдан фойдаланиб, чолдан бу дарёнинг тарихини айтиб беришни илтимос қилдик. Чол аввал доно кўз-ларини қисиб, кулди. Сўнг бу дарё олдин ҳам (илгари ҳам демоқчи — муаллиф) оққан, ҳозир ҳам оқяпти, кейин ҳам (келажакда ҳам демоқчи — автор) оқади, деди-да, эшагига қамчи босди. Эшак бояқиш, кўприк билан айланиб ўтсак бўлмайдими, дегандек норози бир қиёфада орқасига бир қараб кўйди-да, тиззадан сув кечиб дарёга равона бўлди.

Биз чолнинг бу шижоатига, ҳикмат тўла сўзларига қойил қолиб, орқасидан узоқ вақт тикилиб қолдик. Унинг шаънига чин юракдан офаринлар айтдик.

О, қандай ботир, қандай донишманд кишилари бор бу ўлканинг!

*(Давоми бор.)*

## ХАЛҚ ИСТЕЪДОДЛАРИ БИСОТИДАН

### ҚИЗИҚЧИНИНГ ТУҲФАСИ

Халқимизда ҳикматнамо бир гап бор: эл-юртни деб биров гул келтиради, биров — бир боғ пиёз. Бағдод районидаги Қўштегирмон қишлоғининг собиқ, лекин ҳамisha барҳаёт фуқароси Тешавой ака Комилов эса, юрт дастурхонига умр бўйи кулги ташиди. Уни самимий ва ўйноқи туйғу, ширин табассум, нордон қаҳқаҳа ва бошқа тўйимли маънавий «озуқа»лар, ўткир «дори-дармон»лар билан чоп қилишга, кишиларни шу неъматлардан баҳраманда этишга интилди. Бу йўлда Теша қизиқ бор кучини, билимини ва ноёб истеъдодини бахшида этди.

Теша қизиқ зукко табиатли, фидокор ва халққа яқин-киришимли инсон эди. У тўй-ҳашамларда, байраму сайилларда, канал қазиш, тўғон қуриш сингари оммавий ҳашарларда, бозор-ўчарларда, далаларда, боғларда, қўйингки, ҳамма-ҳамма жойда ҳозир у нозир эди. Кексаю ёш — барчага қайноқ ва қувноқ табассум улашиб юрарди.

Теша қизиқнинг ҳазил-мутуйибага бой «сахна»лари ҳамда роллари ниҳоятда содда ва доимо тайёр бўларди. Бир қарасангиз, у шаллақи қайнона ролида, ҳали — танбал ўрил, ҳали — лақма чол, ҳали — гўл кампир, ҳали — бюрократ раҳбар, ҳали — пияниста...

Аммо шуниси эътиборга лойиқки, Теша аканинг томошалари баъзи отарчиларнинг бачкана, тутуриқсиз ва бемаъни масхарабозликларидан кескин фарқ қиларди, яъни, уларнинг замирида таъсирчан мафкуравий «юк» чапдаст сатирик тўқмоқдай чарх уриб турарди. Теша ака бу камтарин хизматлари эвазига оломондан ҳеч нарса тама қилмас, шўх қийқириқ ва олқишлар тўлқинини ўзи учун олий мукофот деб билар эди. Шулар боисидан ҳам Фарғона музофотининг кулги шинавандалари Теша қизиқни юрак-юрақдан севардилар. Унинг қаҳқаҳаларга кўмилиб кетувчи «спектакл»лари ишқида олис қишлоқлардаги базмлар-

га қоронғи кечаларда лой демай, қорли бўрон демай, ҳатто пиёда боришдан ўзларини тиёлмасдилар...

Афсуски, ёқимтой халқ қизиқчиси Теша қизиқ Комилов бизнинг омон-хандон замонларга, телевидение, радио ва магнитофон тараққий этган серфайз кунларга етиб кела олмади. У 1961 йилнинг кўкламида уч кам олтмиш ёшида гаштли жаҳондан бевақт кўз юмди. Бироқ пойчўкир ва ҳаммабоп қизиқчига бўлган меҳру муҳаббат унинг сон-саноқсиз мухлислари қалбида абадий муҳрланиб қолди. Завқ-шавққа тўла мероси эса, кўнгилларни ҳануз хушнуд этиб келмоқда. Ана шу бой-бадавлат меросдан олинган қуйидаги ҳангомаларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

### «ТОПҚИР» ФОЛЧИ

Ёз фасли. Ҳовлида шодиёна маросим. Тумонат одам. Том ва дарахтларда болалар тирбанд. Ҳаяжонли ҳайқириқлар остида Теша қизиқ — «Фолбин кампир» дағал овозда алланарсаларни куйлаб-саннаб даврага кириб келади. Унинг эгнида аёлларнинг қанор қоқдай келадиган қизил гулли кўйлаги. Бошида ирkit шол рўмол. Елкасида эски хуржун. Маросим аҳли билан юз мақомда эгилиб-буралиб сўрашади. Хуржунни ерга қўйиб, тиззалаб ўтиради. Барчани куюқ дуо қилади. Сўнг кулги шайдоларига мурожаат этади.

— Кимга фол очай? — сўрайди соф лўли шевасида. — Бахтингиздан кўрайинму, тахтингиздан кўрайин-му?..

Ўртага «содда чол» — Рожи бува чиқади. (Рожи бува қўлбола «спектакллар»нинг доимий актёрларидан бири эди.) Чол кампирининг оғир касал ётганини куюниб арз қилади. «Фолбин» инсон боласи тушунмайдиган тилда жазавага тушиб, узоқ вайсайди. Кейин шикоятчига юзланади.

— Париларимнинг бире бор дейду, бире йўқ дейду, чорбоғингиз борму, йўқму?

— Бор, — дейди шикоятчи. — Худога шукур, бор чорбоғимиз.

— Бор, бор, — дейди «фолбин» париларининг гапларини гўё «таржима» қилиб. — Яхшигина чорбоғингиз бор.

«Чол» одамларга қараб бошини лиқиллатади.

— Топди-я, топди, — дейди у мамнун.

— Чорбоғингизда ёнроқме, толме, ўрикме ўсаде-а? — давом этади «Фолбин».

— Ҳа, ўсади, ёнроқ ўсади.

— Дурустгина ёнроғингиз бор. Мева-чева қиладе?

Чол ёқасини ушлаб, одамларга кўз югуртиради:

— Топқирлигини қаранг-а? — Кейин «Фолбин»га дейди. — Ҳа, мўл-кўл мева беради.

— Шу дарахтнинг тагида супа ёки сўрича тураде, шундайме?

— Ҳа, шундай, сўрича туради. Ёпирай, ёпирай! Ҳаммасини бир бошдан топяпти-я!

— Жойингиз жаннатдан бўлгур отагинам, шу сўричада сиз қатори кампиршонгиз ҳам ўтирган ва ётган, шундайме?

— Ҳа, ҳа, шундай. Кампирим сўричада ётган ҳам, ўтирган ҳам.

— Тупроқ ушласангиз олтин бўлгур отажонем, кампир онамизне шу сўричада сариқ жин чалган.

— О-о! Шундаймикан! — кўзларини бор бўйича очади чол. — Жин чалибдими?

— Ҳа, жин чалган. Кейин боши оғриган.

— Худди шундай! Жудаям топдингиз, «синглим». Қаттиқ оғриган! Хўш, энди нима қилса тузалади кампирим?

— Агар тузалишини хоҳласангиз...

— Нега хоҳламас эканман? Шу кампиримдан бўлак ҳеч кимим йўқ! Худоё орқамда қолсин. Нима буюрсангиз, бажонидил бажараман.

«Фолбин» чолга букланган қоғоз узатади.

— Шуне чойгаме, сувгаме, эзиб ичирасиз, — дейди сўнг. — Кейин сариқ товуқ сўйиб, кампиршони қонлайсиз. Сариқ жин кампирни тарк этиб, товуқнинг ҳиқилдоғига чанг соладе. Ана ундан кейин кампир қушдай учиб ўрнидан туриб кетади. Худо хоҳласа яна йигирма йил умр кўраде. Товуқни менга инъом этасиз. Жиннинг адабини ўзим бераман.

— Ҳу, раҳмат, баракалло! Мендан қайтмаса яратгандан қайтсин! Айтмоқчи, уйингиз қаерда, уйингиз? Товуқни олиб борсам тополмай юрмайин тагин...

— Уйимме?.. Яхшиси, товуқнинг чақасини менга берақолинг, кекса одамсиз, уйимни қидириб юрманг.

«Чол» бир чангал пул узатади.

— Манг, «синглим», камига қарздорман. — Қўлини фотиҳага очади. — Парвардигор ҳаққи, менга қилган яхшилигингиз учун, кампиримни оёққа турғазиб берганингиз учун...

Шу онда нарироқда кимнингдир товуши эшитилади:

— Ҳў, Рожи бува! Рожи бува дейман!

Чол овоз келган томонга норози қиёфада тикилади.

— Нима дейсан?

— Холам узилди, бандаликни адо этди.

— Нима?!

— Ҳозиргина кампирингиз оламдан ўтди.

«Фолбин» пулни чўнтакка уриб, кўз қисади ва шошиб жўнаб қолади.

— Ана, бемор оёққа босде.

Рожи бува офзи тўла фарёд билан даврадан чиқади.

— Вой, кампиримдан айрилиб қолдим. Борлигимдан жудо бўлдим! Жигарим, жигарим! Гулим-о, гулим-о, гулим-о!..

### «ҚЎЛИ ЕНГИЛ ТАБИБ»

«Фолбин» яна даврага қайтади, ҳеч нарса бўлмагандек чўк тушади ва фотиҳага қўл кўтаради.

— Омин, шу жойда ҳозир у нозир бўлганларнинг бахте кушод очилсин. Ҳеч кимса кўрпа-ёстиққа узоқ ошна, аёқда юрмоққа ташна бўлмагай. Ҳамиша сиҳат-саломат бўлсин, оллоҳу акбар! Хўш, кимга фол очай? Муолажа талаблар бўлса ҳам майли. Тенги йўқ табибмиз. Оллои таоло йўлида ёрдамимизне аямаймиз. Табобат бизга ота меросдур. Қане, борми шифоталаб?

Ўртага ориқ, ширакайф йигит довдираб чиқади. «Фолбин-табиб» унинг билагини ушлаб сўрайди:

— Энанг ўргулгур, тойчоғим, қаеринг оғрийду?

— Қор-ним. Иштаҳ... Иштаҳам й-ў-қ! — жавоб беради «бемор» четга устма-уст туфлаб.

— Ароқ ичар экансан-а?

— Ҳа, ичкилик зоти борки, мен-дан қутул-майди! Ҳа, қут-улмайди!

— Чекасанме?

— Ҳа, нос, чи-лим, на-ша... Оғ-зим бўш тур-майди. Уху, уху, уху, ҳаҳ, туф!..

— Дўхтирга йўлиқдингме?

— Йўлиқдим. Ичмайсан, чекмайсан, шу ерда ёта-сан, дейди. Қочиб келдим.

— Яшшавор, ота ўғли! Қочдим дегин. Ичмасанг, чекмасанг бўлмайдеме?

— Мутлақо! Уларсиз дунё кўзимга қоронғу!

— Унда бўлса, мунчоғим, сенга фол ҳайф кетаде. Яхшиси, муолажасини айтиб қўя қолай.

— Хўш, хўш?

«Табиб» панжаларини бирма-бир букиб, дейди:

— Сенга мана бу дорилар ёқаде, лочиним. Чақалоқне ичи банд тувагене оласан, энанг айлангур шунқорим! Унга мўрининг биринчи сорт қуриме, бангининг бир миқдор кўкиш болғаме, бир кафт маргимиш ва пича лойқа сув соласан, қўзичоғим. Кейин уларни туалетнинг чўлтоқ супургисида обдан аралаштирасан, тасадуқ. Сўнг аралашмани, гиргиттон, бир кўтаришда симириб юборасан. Сўнг чўз-и-б кекирасан. Ҳа, ош бўлсин, тулпорим. Ана ундан кейин десанг, мунчоғим, отдай бўл-и-и-б у дунёга кетасан. Ҳа, қандингни ур, бўталоғим, тўрт оёқли ёғоч отда кетасан. Қани, муолажанинг ҳақини чўз, ҳамёнинг пулга тўлгур, саҳоватли султоним.

«Бемор» «табиб»нинг гапига тузук тушунмайди. Чўнтагидан пул чиқариб узатади. Таъби равшан тортиб, даврандан чиқа бошлайди.

— Хайрият, кўли энгил экан-да, айтганини қилсам, отдай бўлиб кетар эканман, — дейди томошабинларга мамнун қараб. — Отдай бўлиб кетар эканман! Тўрт оёқли отдай бўлиб кетар эканман.

— Ҳа, энагинанг ўргулгур, оппоғим, отдай бўлиб у дунёга кетасан. Йўғ-е, равона бўласан.

«Табиб» халойиққа юз тутлади.

— Қани, кимга гап бор, садағанг кетайлар?..

\* \* \*

«Табиб» кўздан ғойиб бўлади ва маҳаллий хонандаларнинг икки-уч чиқишидан сўнг яна пайдо бўлади. Теша қизиқ энди пияниста ролида, эгнида йиртиқ авро чопон, бошида исқирт дўппи ва оёғида жағи ажралган этик. Шу алфозда у бўшашганча даврага кирди. Одамлар бир чувиллайди-ю, тинади. Кўзлар Теша қизиққа қадалади. Қизиқчи бу сафар «саҳна»да танҳо ўзи, «рол»га кириб, ҳикоя бошлайди.

### «АРШИ АЪЛО»ДА БЎЛГАНИМ

— Шунақа бўлган барака топкурлар, — дейди қизиқ атрофга хомуш боқиб. — Бу ичкилик тушмагур-

нинг дастидан не балоларга гирифторм бўлмадим ман. Мана, бир жуфтгина эшитинг.

Қоратепа қишлоғида бир улфатим бор, оти Жавлон ит отар. Қўлида милтиқ, фургон араванинг олдида ўтириб олиб районга қарашли жамики қишлоқларни айланади. Дайди, хашаки итларни қўшқўллаб нариги дунёга «командировка» қилади. Серпулгина. Ахир, ҳар бир ит териси учун беш сўмдан олади-да. Учрашдик дегунча, «шакарғуфтор»лик қиламиз. Фургонда сайр этамиз. Бу гал ҳам роса чақчақлашдик. Аммо уч стакандан сўнг нима бўлди, билмайман. Бир маҳал ҳушимга келсам, юмшоқ, иссиққина кўрпачаларнинг устида ётибман. Бошимда билқилдоқ пар ёстиклар... Беланчақдами, бешиқдами ётибман. Кимдир тўхтовсиз тебратяпти, маза! Гўё, арши аъло неъматларидан баҳраманд бўляпман, ҳузур қияпман. Лекин бунақа фирдавс ҳаловатига сазовор қилган илоҳий зот ким бўлди экан? Шуни билмоқ ниятида аста тирсакка таяниб, атрофга боқдим. Қарасам, мен ўйлаган илоҳий зот ўзимизнинг Жавлон итотар экан. Жавлон олдинги ўриндиқда отни ўз ҳолига қўйиб, мудраганча бепарво кетиб борарди. Остимдаги илқ, момиқ кўрпачалар, бошимдаги майин пар болишлар эса, ҳалигина отилган итларнинг ўлиги экан.

Хайриятки, аввалроқ сезиб, Жавлонга билдирмай фургондан секин тушиб қолдим. Йўқса, Жавлон ўлгур мени гуппа семиз мурдаларга қўшиб, заготконторага топшириб юборармиди...

## ТАНИШУВ

Қайноқ ёз кунларининг бирида шаҳарга бордим. Бозор томонга бурилаётган эдим, бурчақда истараси иссиққина буфет бор, ўша кўз қисиб имлаб қолди. Оббо, қош қоқмай кетгур ҳурилиқо-ей, энди нима қилдим? «Саховатли» янгангиз болаларга иккита дўппи, учта иштонбоғ олгани еттулик пул берган. Бошқа ҳемири йўқ. Ҳаммоликдан тушган тўрт-беш тангани «водка» исмли қилиғи совуқ шилиб олиб туради. Нима қилсам экан? Манавини ишлатсам, маликаи дилозордан балага қоламан. Буфетга қуруқ ҳамён билан кириш одобдан эмас. Кирмасам, буфет ўксиб қолади. Ахир, бола бўлиб буфетнинг илтимосини қайтарган



эмасман-да! Бор-е, нима бўлса бўлар, дедим-да, кўзни чирт юмиб, кирдим... Ҳай, иштонбоғ бўлмаса, улоқ-сулоқ каноп ёки тутнинг новдаси бор-ку! Буфетни яратган худойимдан айланай. Хўп дилкаш нарса-да! Суҳбатига сира-сира тўймайсан. У кишининг ҳузурида тик туриб, эскироқ чалпакка қўшиб икки стаканни «туширдим». Тағин бирни урмоқчи эдим у чўнтакнинг туби кўриниб қолди. Ноилож қишлоққа пиёда қайтиб юбордим. Шўрқишлоққача кўнглим айниб келдим. Далага чиққач, йўл четидаги ажриқзорга ўтирдим. Шаҳарда тановул қилинган таомларни ўқчий-ўқчий «кузатдим». Бир маҳал белни марзага босиб ухлаб қолибман. Уйғонсам, кимдир яктагимнинг ёқаларини, оғиз ва юзларимни илиққина рўмолча билан эринмай арт-япти. Кўнглим бузилиб, кўзимга ёш келди. «Хайрият-эй, мен ғарибнинг ҳам ғамхўр сингиси бор экан. То соқол-мўйловимгача ювиб тозалаяпти. Бояқиш, қани, шу сингимни яхшилаб таниб қўяй, бу муруватини ўрни келганда дўндириб қайтарарман», деб кўзимни очсам, тепамда учқўрғонлик Саттор пиённинг эшакдай келадиган кўктойи!.. Чала чайнаб ютилган қурт ва чалпак қолдиқларини ўша очопот ямлаб юлқийётган экан. Кўктой ҳам буфетга кирганми, билмадим, хийлагина кайфи бор эди...

## ЛАТИФАЛАР

### БАС ЎҚИГАНИНГ!

Афандининг ўғли мадрасада уч йил таҳсил кўриб, таътилга келди. Деҳқон у билан суҳбатлашиб ўтириб, ёнбошлади — оёғини шарққа узатди. Бунни кўрган ўғил отасига насиҳат қилди.

— Кунчиқарга оёқ узатиш яхши эмас, гуноҳ бўлади.

Афанди оёғини шимолга бурган эди, ўғил танбеҳга ўтди...

— Ҳой, ота, қутбга-я?

Афанди оёғини ғарбга узатди.

— И-и-и, буёқ қибла-ку?! — қичқирди ўғил ранги кути ўчиб.

Афанди жаҳл билан оёғини йиғди-да, жанубга «шалп» этиб ташлаб бақирди.

— Мана! — деди ғижиниб. — Аммо энди бас қил ўқишингни! Тагин бир йил ўқисанг, мен шўрликни кунюрардан ҳам маҳрум қиласан чоғи!..

### ЎЗБЕКЧАЛАБ КУЛАДИ-Я

Руслар Ўзбекистонга янги келган вақт эди. Бир кунни Афандининг ўғли кўчадан югуриб кириб келди.

— Ота-чи, ота! Мен кўчада русларни кўрдим: тили бошқа экану кулиши худди ўзбекчадақа бўларкан.

Ўғлининг ўзидан олдин кетгани Афандига малол келди.

— Хаҳ, энди билдингми русларнинг ўзбекчалаб кулишини, — деди масхараомуз илжайиб. — У халқ — жуда билгич халқ: ўзбекча йиғлашни ҳам, йўталишни ҳам дарровоқ билиб олган. Ҳатто, мен ўзим аниқ кўрганман, афшу уришиям ўзбекча...

## СУЮНЧИНИ БЕРАВЕР, ХАРАКТЕРИМ ЁҚДИ!

Бир думбултабиат йигит сирдошига арз қилди.

— Ҳурихон билан рўзгор қилайлик десам сира эга бостирмаяпти-ку?

— Ўзи билан гаплашдингми, нима деди?

— Ҳеч нарса демайди, нуқул лабини буради.

— Бўлмаса, уни қўй, бошқа...

— Бошқаси керакмас! Менга фақат Ҳурихоннинг ўзлари керак.

— Ундай бўлса уйига уч-тўрт марта бор, характер синаш, ота-онаси билан сўзлаш, эҳтимол, ёқиб қоларсан.

Бир ҳафта ўтгач, ошиқ йигит яна сирдошига рўпара бўлди.

— Айтганингни қилдим, — деди дўнғиллаб, — лекин характеримни ёқтирай десам тузуккина гапиришмайди-ю мен билан. Доим қовоғини солади.

— Ҳим-м... Ҳурихондан бошқаси бўлмайдимми?

— Мутлақо!.. Ўлсам ўламанки...

— Бўлмаса... Ҳа, айтмоқчи борганингда кўрпа ёпинар қилдингми?

— Қанақа кўрпа ёпинар?

— Ҳурихонларникига бориб, ярим кечагача гапиришиб ўтирасан. Сўнг тўсатдан ўзингни касалликка солиб, ўша ерда тунаб қоласан. Ундан кейин уйқудан ҳаммадан кеч турасан-да, ташқарига чиққанингда кўрпани ёпиниб чиқасан. Шунда барча бараварига кулиб юборса — ёққанинг, марра — сеники...

Эртасига йигит «жонкуяр» маслаҳатдошининг олдига узоқдан илжайиб чопиб келарди.

— Суюнчини чўзавер, оғайни! Характерим ёқди, ҳаммасига ҳам ёқди!.. Сен айтгандай кўрпани бошимга ёпиниб, устидан ёстиқни қўйиб, ҳовлини шундоқ кесиб ўтаётсам дегин... ҳамма кулиб қотиб қолса бўладими! Ҳатто Ҳурихоннинг укалари ҳам ановини қара, ановини қара, дейишиб, роса қийқиришди. Фақат кичик укаси, бола эмасми, кўрқиб кетиб додлаб юборди. Ҳурихоннинг ўзи бўлса, хоҳ ишон, хоҳ ишонма, кулавериб йиқилиб тушди...

## АНТИҚА ОДАТ

Тўйхонада ҳазил-ҳазил билан Афандини девдай полвон йигитга курашга солиб юборишди. Йигит

Афандини белбоғидан тутар-тутмас уни кичкина бо-  
ладай даст кўтариб, кўкрагига чиқариб олди. Кейин  
айлантираверди, айлантираверди... Афандининг жон-  
пони чиқиб кетди.

«Ҳозир отиб юборади! — ўйлади у ичида. — Ҳозир  
отиб юборади! Ўлдинг, Насриддин, ўлдинг!..»

Афанди дод солди.

— Вой-дод, ўлдим, халойиқ! Қутқаринглар! — қич-  
қирди у жон-жаҳди билан. — Вой-дод, мусулмонлар!  
Вой-дод!..

Шу он тасодиф юз берди. Полвон йигит ўз оёғига  
ўзи чалиниб, чалқанча йиқилди. Давра аҳли ранглари  
оқариб қалтираб ётган Афандини полвоннинг қучоғи-  
дан зўрға ажратиб олишди. Ҳамма кула-кула Афанди-  
ни «ғалаба» билан ёлғондакам табриклади.

— Э, мулла Насриддин, зўр экансиз-ку, нега дод-  
лаб юрибсиз? — сўрашди одамлар.

— Одатим шунақа, — деди Афанди сир бой бер-  
май. — Хужумга ўтишдан олдин бир додлаб оламан.  
Кейин йиқитаман.

## МАТОНАТ

Афанди товуқлари туфайли қўшниси билан айти-  
шиб қолишди.

— Товуқларингиз ҳар куни менинг ҳовлимда юри-  
шади! — деди қўшниси. — Ҳаммаёқни титади, тўзғи-  
тади, ифлос қилади. Ахир, бунга қачонгача чидайман?!

— Э, бақираверманг, ўзингизникини маъқул қи-  
либ! — бақирди Афанди. — Сизнинг товуқларингиз уч  
йилдан бери менинг оғилимда туғади. Бу ҳақда ҳеч  
нарсга деганим йўқ-ку, сизга! Тишимни тишимга  
қўйиб, матонат билан чидаб келяпман-ку!

## КАЛИШ МАСАЛАСИ

Афанди беш кунлик семинарга бориб, зикна бир  
одам билан ҳамхона бўлиб қолди. Афанди уй ичида  
кийиш учун енгилроқ пойабзал олиб бормаган эди.  
Ҳамхонасининг жағи осилган калиши бор эди. Кечаси  
афанди шу калишни кийиб, ташқарига чиқиб келди.  
Буни кўрган ҳамхонасининг жаҳли чиқди.

— Калиш пулга келган, сўраб кийилсин! — деди.

Афанди қўлини кўксига қўйди.

— Хўп, хўп. Калиш сотиб олгунча, холос.

Афанди ярим кечаси ҳамхонасини уйғотди.

— Оғайни, калишингиздан фойдалансам майлими?

Ҳамхонаси бир тамшаниб олиб норози бир оҳангда: «Ҳа, майли», деди. Афанди бирор соатдан кейин ҳамхонасини тагин безовта қилди. Ҳамхонаси бу сафар бақириб берди.

— Майли дедим-ку!..

Калишдан фойдаланиш учун бешинчи марта рухсат сўралганда, ҳамхона уйқу вашлиги билан сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Майли! Майли! Майли! — қичқирди жон-жаҳди билан ва калишни қулочкашлаб Афанди томонга отди. — Олинг, бутунлай бердим сизга!

Афанди калишни олиб, каравоти остига териб қўйди.

— Раҳмат, ошна. Ана энди калиш сотиб олмайди-ган бўлдим.

## МУНДАРИЖА

### *«Ғалати одамлар» (1969 йил) китобидан*

Ғалати одамлар . . . . .	5
Хайри хола тиш кўйдирди . . . . .	7
Қовун сайли . . . . .	17
Илтифотли кишилар . . . . .	20
Бизнинг ташаббус . . . . .	23
Ҳасрат . . . . .	26
Донишманд . . . . .	29
Ой бориб, омон келдим . . . . .	34
Ишлар жойида . . . . .	38
Жазо . . . . .	42
Ақлим кирапти . . . . .	44

### *«Пинҳона жанг қиссаси» (1970 йил) китобидан*

Ажиб савдо . . . . .	48
«Кўчириб» келди . . . . .	50
«Тиниқ кўзгулар» . . . . .	53
«Вақтида кириб, вақтида чиқдингиз» . . . . .	55
Сочини қанақа тарайди? . . . . .	57
«Мамашариф — 1» . . . . .	60
«Букри» . . . . .	63
«Тамагир» хотин . . . . .	64
Зўрларнинг зўри . . . . .	65

### *«Хотинимдан ўргулай» (1972 йил) китобидан*

Яйраб-яшнаганим . . . . .	66
Ичкиликнинг «шарофат»и . . . . .	70
Хотинимдан ўргулай . . . . .	75
Маданият кўриги . . . . .	76
Қуёш тиккага келганда . . . . .	82
Маданий ҳордиқ . . . . .	85

### *«Биз бир ёндан, сиз бир ёндан» (1977 йил) китобидан*

Прогулчи . . . . .	94
Ўн биру ўн бир . . . . .	97

### *«Кичкина бола эмасман» (1982 йил) китобидан*

Кичкина бола эмасман . . . . .	101
Аловиддиннинг сеҳрли чироғи . . . . .	107
«Ўзимни тўхтатомайман...» . . . . .	111
Футболжон . . . . .	116
Исфара сафари . . . . .	118

Ҳамманарса бува . . . . .	122
Сухбатнинг «асал-қанди» . . . . .	131

*«Кўҳон шамоли» (1986 йил) китобидан*

Кўҳон шамоли . . . . .	136
«Миришкор» деҳқон . . . . .	146
Абжирлик шунчалик-да! . . . . .	148
Штатсиз штатларим . . . . .	152
Фельетончи бўлмай кетай . . . . .	156
Бош айбдор топилмади . . . . .	161
Совға . . . . .	164

*«Чуқур текшириш» (1988 йил) китобидан*

«Чуқур текшириш» . . . . .	168
Туман тақдирли иншо . . . . .	171
Қоровул бобонинг «тилло заём»и . . . . .	175
Маҳалланинг мулки . . . . .	180
Сигирим «мулла» бўлди . . . . .	187
Ҳол сўраш . . . . .	189

*Дафтарда қолган ҳикоялар*

Обрў керакдир йигитга . . . . .	191
Хашаки мажлис . . . . .	195
Марҳумнинг ҳурмати . . . . .	199
«Хўб-ба!» . . . . .	202
Йўлдаги воқеа . . . . .	204
Директорнинг дарси . . . . .	208
Шошилич мажлис . . . . .	210
«Етук санъаткор» бўлганим . . . . .	215
Ишқ азоби . . . . .	220
Кузатув . . . . .	231
Айланма кўча . . . . .	235
Хотинимнинг дастидан дод . . . . .	240
Бир сўзли йигит . . . . .	242
Шартига тўғри . . . . .	246
Фазокорлар парвози . . . . .	250
Баҳс дуранг бўлди . . . . .	255
Инсофли бандалар . . . . .	262
Драматург бўлмоқчиман . . . . .	265
«Ўжар» . . . . .	274
Сўзи ва ўзи . . . . .	286
Талабнома . . . . .	286

*Пародиялар*

Савдога бахшида умр . . . . .	290
Ҳам зўрсиз, ҳам ғўрсиз . . . . .	292
Ишчанлик ва ўз-ўзини танқид руҳида . . . . .	293
Мислсиз жасорат маҳсули . . . . .	296
Миси чиқди . . . . .	298
Юмалоқ олтин ижодкорлари . . . . .	299
Пахтазор лочин . . . . .	301
Тебратиш сифатини янада оширайлик . . . . .	303
Қўйлик таассуротлари . . . . .	305

*Халқ талантлари бисотидан*

Қизиқчининг тухфаси . . . . .	307
«Топқир» фолчи . . . . .	308
«Қўли енгил табиб» . . . . .	310
«Арши аъло»да бўлганим . . . . .	311
Танишув . . . . .	312

*Латифалар*

Бас ўқиганинг! . . . . .	314
Ўзбекчалаб кулади-я! . . . . .	314
Суюнчини бераявер, характерим ёқди! . . . . .	315
Антиқа одат . . . . .	315
Матонат . . . . .	316
Калиш масаласи . . . . .	316

*Адабий-бадгий нашр*

**АНВАР МУҚИМОВ**

**ЭРИНСАНГИЗ, КУЛМАНГ**

*Ҳикоялар, ҳажвциялар, латифалар*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни**  
**Бош таҳририяти**  
**1999**

**Муҳаррир Аъзам Уктам**  
**Рассом Ҳусан Соғиқов**  
**Расмлар муҳаррири Феруза Башарова**  
**Техник муҳаррир Диана Габдрахманова**  
**Мусаҳҳиҳ Нозима Муҳамедиева**

Босмахонага 28.06.99да берилди. Босишга 17.08.99да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/2. Офсет босма. Балтика гарнитураси. Шартли босма табоғи 16,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 17,0. Адади 5000 нуска. Буюртма № 4240. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаховаси**  
**700083. Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**